

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

# ИСЛОМ ЗИЁСИ

THE LIGHT OF ISLAM

ضياء الإسلام



1-сон 2019 йил

## MUNDARIJA

### Tahrir hay'ati:

- Yovkochev Sh.A.** s.f.d., prof.  
(bosh muharrir)
- Islomov Z.M.** fil.f.d., prof.  
(bosh muharrir o'rinbosari)
- Hasanov A.** t.f.d., prof.
- Usmonov I.** t.f.n., dot.
- Akmalov Sh.** s.f.n., dot.
- Agzamxodjayev S.** t.f.d., prof.
- Kamilov K.** f.f.n.
- Kamilov M.** t.f.n.
- Muhamedov N.** t.f.n., dot.  
(mas'ul kotib)
- Ashurbek Mo'minov** – t.f.d., prof. IRCICA,  
Turkiya.
- Max Scherberger** – Albert Lyudwing  
universiteti Islomshunoslik bo'limi doktori,  
Germaniya.
- Muhamedshin Rafik Muhamedshevich**  
– d.p.n., prof., rektor Bulgarskoy islamskoy  
akademii, Rossiyskogo slamskogo universiteta,  
zaslujenniy deyatel nauk Respubliki Tatarstan,  
Rossiya.
- Peri Benedek** – Vengriyaning Etvosh  
Lorand Budapesht universiteti Sharqshunoslik  
instituti direktori, f.f.d., mazkur universitet  
qoshidagi «Sharqshunoslik» jurnali bosh  
muharriri, Vengriya sharqshunoslari assotsiat-  
siyasi Prezidenti o'rinbosari.
- Munavvarov Z.** s.f.d., prof.
- Mirqosimova M.** p.f.d., prof.
- Abdullayev A.** t.f.n., dot.
- Oqilov S.** t.f.n., dot.
- Rahimjonov D.** t.f.n., dot.
- Maqsudov D.** t.f.n., dot.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг  
1667-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.

ISSN 2181-9939

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019.

<b>Z.ISLOMOV.</b> O'zbekiston xalqaro islom akademiyasining islomshunoslik rivojidadagi o'rni .....	4
<b>Z.MUNAVVAROV.</b> Islom universitetidan xalqaro akademiya sari ....	9
<b>MO'TABAR MASKAN</b> .....	13

### ISLOM SHUNOSLIK

<b>N.MUHAMEDOV.</b> Shayx Xovand Tahur majmuasining mintaqa islom madaniyatida tutgan o'rni .....	29
<b>D.MURODOV.</b> Arbain janri xususida .....	34
<b>X.SAGDIYEV.</b> Islomda sunniylikning shakllanish tarixi .....	38

### ISLOM HUQUQI

<b>Б.МАМАДИЕВ.</b> Регулятивная роль фетв в мусульманских странах .....	42
<b>N.YUSUPOVA.</b> Islomda nikohning tugatilish asoslari va uning huquqiy oqibatlari .....	48

### QUR'ONSHUNOSLIK

<b>A.ABDULLAYEV.</b> Qur'onda bayon uslubi.....	54
<b>D.MAXSUDOV.</b> Aqliy va naqliy tafsirlarning rivoji .....	59

### FALSAFA VA PSIXOLOGIYA

<b>M.MIRQOSIMOVA.</b> Ahmad Yassaviyning e'tiqod tarbiyasi haqidagi qarashlari .....	64
<b>Z.RASULOVA.</b> Nikohga tayyorlikning ijtimoiy-psixologik xususiyatlari .....	68

### JAHOLATGA QARSHI MA'RIFAT

<b>D.RAHIMJONOV.</b> Globallashuv jarayonida ekstremizm g'oyalari ta'siriga tushgan kishilarni ijtimoiy rehabilitatsiya qilishning ahamiyati ...	71
<b>M.ALIMOVA, I.NIGMATULLAYEV.</b> Islom manbalarida bag'rikenglik masalasining yoritilishi .....	75

### TILSHUNOSLIK

<b>M.NOSIROVA.</b> Mahmud Zamaxshariy grammatik merosi va Movarounnahr tilshunoslik maktabini tadqiq etishning dolzarb masalalari .....	79
<b>Z.SHAKIROVA.</b> Arab tilini o'qitishda audio materiallardan foydalanish usullari .....	83

### AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

<b>M.XODJAYEVA.</b> Zamonaviy axborot texnologiyalari asosida Web saytlarni optimallashtirish («Yetti pir» Web sayti misolida) .....	86
<b>A.DADAMUHAMEDOV.</b> O'zbekiston ziyorat turizmida informatsion kommunikatsiya texnologiyalarining o'rni .....	88

## СЎЗБОШИ

2018 йилнинг 16 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли Фармониға мувофиқ Тошкент ислом университети ва Ўзбекистон ислом академияси негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу олий даргоҳда «Исломшунослик», «Ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар», «Мумтоз шарқ филологияси» факультетлари мавжуд бўлиб, ислом илмлари, ислом тарихи, манбашунослиги ва фалсафаси, диншунослик, иқтисодиёт, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар, зиёрат туризми ҳамда мумтоз шарқ адабиёти таълим йўналишлари бўйича бакалавр ва магистр мутахассисларни тайёрлашни назарда тутди.

Мазкур мўътабар таълим даргоҳининг 20 йиллиги муносабати билан «Ислом тафаккури», «Ислом зиёси» журналларининг махсус сонлари, профессор-ўқитувчиларнинг тазкираси, иқтидорли талабалар ва ёш олимлар тўпламларини нашр этиш мўъжалланган.

«Ислом зиёси» журналининг махсус сонидан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг таъсис этилиши, унинг исломшунослик ривожигаги ўрнига оид ҳамда исломшунослик, ислом ҳуқуқи, қуръоншунослик, фалсафа ва психология, жаҳолатга қарши маърифат, тилшунослик, ахборот технологиялари мавзуларидаги мақолалар, академия факультетлари ва кафедралари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Журналнинг бош мақоласида Академиянинг исломшунослик ривожигаги ўрни ҳақида гапирилиб, илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар марказининг вазифалари, исломшунослик соҳасида, жумладан, қуръоншунослик, ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги бўйича қилинган тадқиқотлар тўғрисида сўз юритилган. «Ислом университетидан халқаро академия сари» мақоласида «академия» тушунчасининг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари ҳамда унинг эволюцион йўлининг қисқача тавсифи келтирилган.

«Ислом зиёси» журналининг «Исломшунослик» рукнидан «Шайх Хованд Таҳур мажмуасининг минтақа ислом маданиятида тутган ўрни», «Арбаин жанри хусусида», «Исломда суннийликнинг шаклланиш тарихи» мавзуларидаги мақолалар ўрин олган.

Журналнинг «Ислом ҳуқуқи» рукнига «Регулятивная роль фетв в мусульманских странах» ва «Исломда никоҳнинг тугатилиш асослари ва унинг ҳуқуқий оқибатлари» мақолалари киритилган. Уларда мусулмон давлатларида фатволарнинг тартибга солувчи роли, ислом ҳуқуқида никоҳни бекор қилиш шартлари ва унинг ҳуқуқий оқибатларининг мазмун-моҳияти, никоҳ бекор қилингандан кейинги томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий асослари таҳлил қилинган.

«Қуръоншунослик» рукнида «Қуръонда баён услуби» ва «Ақлий ва нақлий тафсирларнинг ривожини» мақолалари билан танишиш мумкин. Ушбу мақолаларда Қуръони каримда ишлатилган турли баён услублари, нақлий ва ақлий тафсирларнинг вужудга келиши, ақлий тафсирларнинг тараққиёти ва бундай тафсирларга қўйилган талаблар тўғрисида маълумотлар берилган.

«Ислом зиёси» журналининг «Фалсафа ва психология» рукнидан «Аҳмад Яссавийнинг эътиқод тарбияси ҳақидаги қарашлари» ва «Никоҳга тайёрликнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари» мавзуларидаги мақолалар жой олган.

Шунингдек, ўқувчиларимиз «Жаҳолатга қарши маърифат», «Тилшунослик», «Ахборот технологиялари» рукнларида мақолаларни ўқиб баҳраманд бўладилар.

Академия «Ислом зиёси» журналининг ушбу сони журналхонларга мақбул ва манзур бўлади деган умиддамиз.

Таҳририят

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИНИНГ ИСЛОМШУНОСЛИК РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

### РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНОЙ ИСЛАМСКОЙ АКАДЕМИИ УЗБЕКИСТАНА В РАЗВИТИИ ИСЛАМОВЕДИЯ

#### THE ROLE OF THE INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC STUDIES

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси, диний таълим, диний-маърифий соҳа, қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фикх, ақида.

**Ключевые слова:** Международная исламская академия Узбекистана, религиозное образование, религиозно-просветительская сфера, корановедение, хадисоведение, фикх, теология.

**Key words:** International Islamic Academy of Uzbekistan, religious education, religious and spiritual sphere, Qur'an studies, Hadith studies, fiqh, theology.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида, айниқса, сўнгги икки йилда жамият ҳаётининг турли жабҳаларида тубдан янгиланишлар, ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, юртимизда диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар таҳсинга лойиқ. Буни аждоқларимизнинг бой миллий-маънавий меросини, хусусан, миллий кадриятларимиз даражасига кўтарилган қўлзма меросимизни ўрганиш бора-сида яққол кўриш мумкин. Маълумки, Ўзбекистон ислом дини, таълимоти ва маданиятини дунёга ёйган қадимий юрт ҳисобланади. Юртимиздан жаҳон фани ва маданиятига ўзининг серқирра илмий мероси билан улкан ҳисса қўшган минглаб алломалар етишиб чиққан. Уларнинг нодир қўлзма асарлари дунёнинг турли мамлакатлари фондларига тарқалган ва ҳозирда ўша фондларнинг кўрки даражасидаги маънавий бойлигига айланган.

Юртимизда мустақилликдан сўнг диншунослик, исломшуносликка ёндашув тубдан, кескин ўзгарди. Ушбу янгиланиш, ўзгаришга Республикаимиз Президенти, муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг олиб борган ҳар томонлама оқил сиёсати, шахсан у кишининг ислом дини ва кадриятларига, шунингдек, ислом маданияти билан узвий боғлиқ бўлган мада-

ний, маънавий меросимиз дурдоналарига бўлган эътиборлари тўртки бўлди. Шу боис, диншунослик, исломшуносликка тўлақонли илмий соҳа сифатида қарала бошланди, ҳам дунёвий, ҳам диний мазмунда умумлаштирилган илмий ёндашув шакллана бошлади. Ушбу соҳаларни илмий жиҳатдан тўғри шакллантириш учун биринчи навбатда асл манбаларни ҳозирги замон ўзбек тилида, замондошларимиз тушунадиган тарзда нашр этилиши лозим эди. Қуръони карим матнининг ўзбекча изоҳли таржимасининг яратилиши исломшунослик, хусусан, қуръоншунослик фанининг сезиларли ютуқларидан бўлди [1]. Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган ушбу таржима аждоқларимиз ҳамда ҳозирги кунда биз эътиқод қилиб келаётган ислом дини таълимоти асосларини тўлақонли англашга хизмат қилади. Бу йўналишдаги тадқиқотлар бугунги кунда жадал давом этмоқда. Бунинг таъкиди сифатида Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилаётган Қуръони каримнинг янги тўлдирилган изоҳли таржимасини келтириш мумкин. 2018 йил ушбу изоҳли таржиманинг янги нашри амалга оширилди. Исломшуносликнинг энг муҳим, долзарб муаммоларидан бири Қуръон мавзулари ҳисобланади. Бу мавзулар қадимдан у ёки бу кўринишларда адабиёт, илму фаннинг турли соҳаларига оид асарларда ўз аксини топган.

Шунингдек, кейинги йилларда исломшуносликка оид кўплаб манбалар ўзбек тилида нашр этилди. Улар сирасига Имом Бухорийнинг 16 йиллик меҳнати самараси бўлган, Қуръондан кейинги мўътабар, ишончли манба ҳисобланмиш «Саҳиҳ» ҳадислар тўпламининг 4 жилдли ҳамда 2 жилдли, Имом Термизий «Сунан»ининг I жилди, ҳанафий мазҳаби ҳуқуқшунослигининг асосий манбаси Бурҳонуддин Марғинович «Ҳидоя»сининг I жилди ҳамда шарият қонунларига қисқача шарҳ тарзида битилган «Мухтасар» китоби, исломшунослик, дунё динлари тарихига бағишланган қатор асарларни киритиш мумкин.

Мустақиллик йилларида исломшунослик соҳаларида тубдан сифат ўзгаришлари амалга ошмоқда. Ўзбекистон халқаро ислом академиясини ташкил этиш тўғрисидаги фармон ушбу сифат ўзгаришларига тамал тошини қўйди. Ушбу фармонга мувофиқ дастлаб Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази сифатида фаолият олиб борган илм маскани илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар марказига айлантирилди. Бу муҳим фармон Академияда ҳам дунёвий, ҳам диний билимларга эга бўлган юқори

малакали мутахассисларни тайёрлаш билан бирга исломшуносликнинг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқотларнинг амалга оширилишига кенг йўл очиб беради.

Марказга исломшунослик илмий-тадқиқот тасмоиллари, ислом дини тарихи, фалсафаси, уларнинг жамият ҳаёти ва ривождаги ўрни билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш, аждодларимизнинг бой диний, илмий-назарий меросларини тиклаш, чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва ривожлантириш, жаҳон цивилизацияси тарихида ислом динининг тутган ўрнини тадқиқ этиш асосида ҳозирги шароитда исломнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш, ривожланиш йўналишлари, ғоялари ва қонуниятларини назарий, амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, шунингдек дин билан боғлиқ замонавий тадқиқотларни амалга ошириш юклатилган[2].

Илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар маркази олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- аждодларимиз бой диний илмий-назарий меросларини тиклаш, чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва ривожлантириш, тадқиқотлар натижаларини жамлаш ва умумлаштириш асосида кенг жамоатчиликка етказиш;

- жаҳон цивилизацияси тарихида ислом динининг тутган ўрнини тадқиқ этиш асосида ҳозирги кўпдинлилик шароитида дунёнинг турли минтақаси ва мамлакатимиздаги ислом динининг роли ва аҳамиятини аниқлаш, ривожлантириш йўналишлари, ғоялари ва қонуниятларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш;

- узлуксиз таълим тизими ҳамда кенг жамоатчилик учун диншунослик, хусусан, ислом таълимоти ва фалсафаси бўйича илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар, ўқув дастурлари ва қўлланмалар яратиш ҳамда уларни нашр этиш;

- хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий марказлари билан ҳамкорликни амалга ошириш, хориждан шу соҳанинг етук мутахассис-ўқитувчиларини жалб қилиш.

Ўтган давр мобайнида бу илмий маскан республикада олиб борилаётган диншунослик, исломшунослик соҳаларига оид тадқиқотларнинг том маънодаги марказига айланди. Ҳозирда марказ ўз фаолиятини фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар грантлари асосида амалга оширмоқда. Мазкур тадқиқотлар доирасида ислом манбашунослиги ривожига улкан ҳисса қўшган беназир алломалар ҳаёти ва уларнинг илмий меросини тўлиқ аниқлаш, уларни илмий тавсиф ҳамда таҳлил қилиш

Ўзбекистонда исломшунослик соҳаси ривожига катта эътибор берилмоқда. Халқаро йирик илмий марказлар, янги диний таълим масканларининг очилиши соҳа ривожидagi ижобий ўзгаришларга ишора қилади. Айниқса, Тошкент ислом университети негизида ташкил этилган Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳам исломшунослик ривожига сезиларли ҳисса қўшмоқда. Бакалавриатда исломшунослик, магистратурада қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фикҳ, ақида мутахассисликлари, докторантурада исломшунослик ихтисослигининг очилиши соҳадagi катта ўзгаришларни кўрсатади.

В Узбекистане уделяется большое внимание развитию исламоведения. Открытие крупных международных научно-исследовательских центров и религиозных учебных заведений указывает на положительные преобразования в этой области. Особенно созданная Международная исламская академия Узбекистана на базе Ташкентского исламского университета вносит большой вклад на развитие исламоведения. Открытие в бакалавриате направления исламоведение, в магистратуре специальностей корановедения, хадисоведения, фикх, теология, в докторантуре специальности исламоведение показывает больших сдвигов в этой области.

It gives more attention to the development of Islamic studies In Uzbekistan. Opening the major international research centers and religious schools indicates a positive transformation in this sphere. Especially, on the basis of the Tashkent Islamic University established International Islamic Academy of Uzbekistan makes a great contribution to the development of Islamic studies. Opening the bachelor's degree and doctoral studies in Islamic studies, in the master's degree the specialties of Koran, Hadith, fiqh, theology indicates enormous impact in this area.

асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Яқин ўтмишда ўрганилишига руҳсат этилмаган Абу Мансур Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Лайс Самарқандий, Абу Муъин Насафий, Ҳаким Термизий, Низомиддин Шоший, Имом Доримий каби юзлаб олимларнинг илмий лабораторияси аниқланди ва уларга оид илмий тадқиқотлар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Булар сирасига Абу Мансур Мотуридийнинг «Китабу-т-тавҳид», Маҳмуд Замахшарийнинг «Мақомот», «Рабиъу-л-аброр ва нусусу-с-ахёр», «Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз вал-хутаб», Имом Доримийнинг «Сунан», Абу Муъин Насафийнинг «Табсирату-л-адилла», Ҳаким Термизийнинг «Наводиру-л-усул», Абу-л-Баракот Насафийнинг «Мадорику-т-танзил», Абу Ҳафс Насафийнинг «Ақоид», «Китабу-л-қанд», Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя», Аловуддин

Самарқандийнинг «Тухфату-л-фуқаҳо», Аловуддин Бухорийнинг «Ҳайрату-л-фуқаҳо», Лутфуллоҳ Насафийнинг «Фикҳи Кайдоний», Бурҳонуддин Бухорийнинг «Муҳит» каби асарининг таҳлилига бағишланган тадқиқотлар киради.

Илмий изланишларнинг каттагина қисмини Қуръони карим ва унинг тафсирига бағишланган тадқиқотлар ташкил этади. Бу йўналишда Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилидаги таржима ва тафсири билан бир қаторда уларнинг илмий таҳлили ҳам амалга оширилмоқда. «Қуръон, тафсир ва муфассирлар», «Қуръон оятларининг мазмуний мундарижаси ва унинг маънавий аҳамияти», «Абу Лайс Самарқандийнинг «Баҳру-л-улум» тафсири ва унинг Мовароуннаҳр маънавий-маърифий ҳаётида тутган ўрни» мавзуларидаги тадқиқотлар асл манбаларга таянганлиги билан ажралиб туради.

Ҳадис манбаларини илмий таҳлил қилиш ҳам исломшуносликнинг муҳим йўналишларидан бўлиб, соҳа бўйича чуқур илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Мана шу мақсадда Самарқандда Абу Мансур Мотуридий номидаги ҳадис илмий мактабининг очилиши соҳа ривожига катта таъсир кўрсатади. Жумладан, ҳадисшунослик манбалари, ҳадис тўпламларидаги матнларни таҳлил қилиш, ҳадис маъноларини тўғри талқин қилиш ҳозирги кунда долзарблик касб этмоқда. Мазкур соҳада «Абдуллоҳ Субазмунийнинг «Кашфу-л-осор» асари ҳадис илмига оид манба», «Абу Ҳафс Насафийнинг «Китобу-л-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба», «Ҳаким Термизийнинг «Наводиру-л-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба», «Мовароуннаҳр ва Хурросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Бухорий, Муслим, Термизий)», «Имом Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуларидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Ислом ҳуқуқшунослигига бағишланган тадқиқотлар ҳам каттагина ҳажми ташкил этади. «Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожига Алоуддин Самарқандийнинг ўрни ва «Тухфат ал-фуқаҳо» асарининг аҳамияти», «IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом Бухорийнинг мавқеи ва унинг «Жомиу-с-саҳиҳ» асаридаги фикҳий масалалар», «Маждуддин Уструшанийнинг Мовароуннаҳр фикҳ илми тарихида тутган ўрни», «Абу Зайд Дабусий меросининг Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожига тутган ўрни», «Бурҳонуддин

Маҳмуд Бухорийнинг «Муҳит» асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни», «Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни», «Лутфуллоҳ Насафийнинг «Фикҳи Кайдоний» асари ва унга ёзилган шарҳ ва ҳошиялар таҳлили», «Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари – муҳим ҳуқуқий манба», «X–XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид процессуал ва нотариал ҳужжатлар», «Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фикҳи». «Аловуддин Бухорий «Ҳайрату-л-фуқаҳо» асарининг ислом манбашунослигида тутган ўрни» мавзуларидаги диссертациялар ва улар асосида яратилган монографиялар соҳага оид муҳим тадқиқотлардан саналади.

Илмий аҳамияти билан бир қаторда муҳим амалий қимматга эга бўлган тадқиқотлар ҳам талайгина. Ислом манбалари асосида атама ва ибораларнинг энциклопедик луғатини яратиш ҳам шундай тадқиқотлардан ҳисобланади. Маълумки, шу вақтга қадар яратилган ислом луғатлари бирёқлама ёндашув асосида ёзилган. Мазкур луғатга эса мингга яқин истилоҳлар киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти Мовароуннаҳр маънавий муҳитга оид[3].

Дунё эътироф этган ислом цивилизацияси маркази мақомига эга юртимизнинг минглаб алломалари, улар яратган бой илмий маънавий мерос ҳақида маълумот бериш, уни дунёга танитиш жараёнида энциклопедияларнинг ўрни катта. Ушбу соҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар сифатида «Ислом энциклопедияси»нинг яратилиши Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. 2018 – 2028 йиллар мобайнида энциклопедиянинг 50 мингдан ортиқ мақола, безак материаллари, харита ва чизмалар киритилган 20 жилддигини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш режалаштирилган. 2019 йили энциклопедиянинг биринчи жилдини нашр этиш мўлжалланган. Энциклопедияни нашрга тайёрлаш жараёнига юртимизнинг кўзга кўринган олимлари, диний уламолари жалб этилган. Яратилажак «Ислом энциклопедияси» ўзининг мазмун-моҳияти, мундарижаси, хусусиятлари билан бошқа шу соҳадаги энциклопедиялардан тубдан фарқ қилади. Унда айниқса юртимиз алломалари, уларнинг ислом цивилизациясига муносиб улуш бўлиб қўшилган нодир асарлари, шарҳлари, ватанимиздаги ислом маданияти обидалари, муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳларини ёритишга алоҳида урғу берилади.

Илмий тадқиқотларнинг катта қисми замонавий характерга эга бўлиб, улар диний бағрикенглик, диний оқимлар, динларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, давлат ва дин масалаларига бағишланган. Замонавий тадқиқотлар доирасида «Дин психологияси» номи ўқув қўлланма, «Исломшунослик» қомусий луғати, «Глобаллашув ва диний жараёнлар», «Тасаввуф атамалари» изоҳли луғати, «Диний бағрикенглик ижтимоий-психологик феномен сифатида», «Ислом маърифати ва ҳозирги замон», «Жаҳолатга қарши маърифат» каби ўнлаб китоблар нашр этилган.

Тадқиқотлардаги концептуал хулосалар, назарий ва амалий ишланмалар, чоп этилган нашр ишларидан маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлаш, мутаассиблик, экстремизм ва терроризмнинг асл мақсадини фoш этишга қаратилган самарали усул-услугларини ишлаб чиқиш, ёш авлодни миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларида тарғибот-ташвиқот ишлари, ўқув семинар, давра суҳбатларини ўтказиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллеж, академик лицейлар ва халқ таълими мактабларида «Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари», «Диншунослик асослари», «Дунё динлари тарихи» фанларини ўқитишда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний ўқув билим юртларининг ўқув жараёнида, шунингдек Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги «Ислом тарихи», «Қуръоншунослик», «Ҳадисшунослик», «Тасаввуф», «Ислом ва ҳозирги замон», «Динлардаги оқимлар ва секталар», «Ахборот истеъмоли маданияти», «Ислом манбашунослиги», «Дин фалсафаси», «Дин социопсихологияси», «Дин психологияси» каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланилмоқда.

Умуман, исломшуносликка бағишланган тадқиқотлар ўзининг илмий-назарий асослари, асл манбаларнинг истифода этилиши, холислиги билан ажралиб туради ва улар жамиятда баркамол шахсларни шакллантириш, комил инсон сифатида тарбия топишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда исломшуносликнинг илмий, назарий асосларини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган муҳим ишларнинг маълум қисми диссертацияларда ўз аксини топади. Жумладан, биринчи марта олий малакали илмий кадрлар рўйха-

тига янги 24 рақами билан «Исломшунослик» мутахассислиги киритилди. Ушбу мутахассислик таркибига «Ислом тарихи ва манбашунослиги», «Қуръоншунослик, ҳадисшунослик», «Фиқҳ, калом илми ва илоҳиёт», «Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги» ихтисосликлари киритилган ва юқоридаги ихтисосликлар бўйича фан доктори илмий даражасини олиш бўйича диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган Илмий кенгаш очилиб, ўз фаолиятини бошлаб юборган. Илмий кенгашда исломшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар натижасида шаклланган диссертациялар ҳимоя қилинмоқда. Қисқа муддатда кенгашда 5 та фалсафа доктори ва 5 та фан доктори диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинган. Мазкур соҳаларга тайёргарлик босқичи сифатида Ўзбекистон халқаро ислом академиясида докторантура очилган ва ҳозирда 32 нафар докторант таълим олмоқда.

Юртимиздаги ислоҳотлар натижасида диншунослик, исломшунослик соҳаси янада юқорироқ ривожланиш палласига ўтди. У нафақат республикамиз, балки халқаро нуфуз доирасига кириб бормоқда. Жумладан, Академияда жаҳонда маданиятлараро, динлараро мулоқот соҳасидаги ҳамкорликни ҳамда ўзаро илмий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг «Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси очилди.

Академияда ISESCO (Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти) махсус кафедраси ҳам фаолият юритади. У 2017 йилнинг 26 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўз фаолиятини бошлаган. 2017 йилнинг 22–25 май кунлари Ўзбекистон делегацияси ISESCO Бош қароргоҳи Марокаш пойтахти Рабат шаҳрида амалий ташриф билан бўлиб, «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» кафедрасини ташкил этиш юзасидан Англашув меморандумини имзолади. Кафедрани ташкил этишдан мақсад – мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус курсларни ўқитишдан иборат.

Академияга халқаро мақом берилганлиги муносабати билан ўтган қисқа муддат ичида Мисрнинг Ал-Азҳар, Туркиянинг Ибн Халдун, Истанбул Займ, Салжук, Кастамону, Индонезиянинг Жакарта Саҳид университетлари, шунингдек Буюк Брита-

ния, Қозоғистон давлатлари олий таълим муассасалари ва марказлари билан тўққизта Англашув меморандуми имзоланди ва ҳозирда улар бўйича жадал иш олиб бориламоқда.

Академияга 2018 йилнинг иккинчи ярмида Европа, Африка, Америка, Австралия ва Осиё қитъаларининг 20 та давлатидан ташриф ва мурожаатлар амалга оширилди. Айниқса, Миср Бош имоми, Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари Аҳмад ат-Тойиб бошчилигидаги делегация, Ислом тараққиёт банки Президенти Бандар Хажжар бошчилигидаги делегациянинг ташрифлари халқаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Академия профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, докторантлари томонидан ўндан зиёд мамлакатга йигирмага яқин хорижий илмий савфарлар ташкил этилди. 2018–2019 ўқув йилидан Академияга 5 нафар хорижий талаба ўқишга қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳужжатлари асосида хорижий талабаларни ўқишга қабул қилиш ҳамда чет эллик профессор-ўқитувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди. Шунингдек, Академия докторантурасига ҳам хорижлик талабаларни қабул қилиш режалаштирилган.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси жамоаси Қуръон илмлари, ҳадиси шариф, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, ислом тарихи, манбашунослиги ва фалсафаси каби диний таълим йўналишлари, диншунослик, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар, зиёрат туризми ҳамда мумтоз шарқ адабиёти сингари дунёвий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб боровчи илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш устида ишламоқда. Республикадаги барча ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-меъёрий ва ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштириш, ислом динининг асл моҳиятини ва инсониятни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этиш, илмий тадқиқотлар натижалари бўйича диний-маърифий, маънавий-ахлоқий йўналишлардаги илмий, илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш билан шуғулланмоқда. Шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғида таълим ресурсларини яратиш ва мунтазам янгилаб бориш, малакали хорижий мутахассисларни таълим жараёнига жалб қилиш, Академия мутахассис-

ларини нуфузли хорижий олий диний таълим ва илмий муассасаларга малака ошириш ҳамда тажриба орттириш учун юбориш каби муҳим вазифаларни амалга оширишни назарда тутади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. -Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-маъбаа бирлашмаси, 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5416-сонли Фармони.
3. Исломшунослик қомусий луғати. «Мовароуннаҳр» нашриёти. 1 жилд. Тошкент. 2013; 2 жилд. Тошкент. 2014.

**Zohidjon ISLOMOV,**

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi prorektori*



## ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИДАН ХАЛҚАРО АКАДЕМИЯ САРИ

### ОТ ИСЛАМСКОГО УНИВЕРСИТЕТА К МЕЖДУНАРОДНОЙ АКАДЕМИИ

### FROM THE ISLAMIC UNIVERSITY TO THE INTERNATIONAL ACADEMY

**Калит сўзлар:** университет, Гекадем, академия, Ренессанс, Байт ал-ҳикма, Мажлис ал-уламо, Ислом ҳамкорлик таъшилотли, илмий мактаблар.

**Ключевые слова:** университет, Гекадем, академия, Ренессанс, Дом мудрости, Мажлис ал-уламо, Организация исламского сотрудничества, научные школы.

**Key words:** University, Hekadem, academy, Renaissance, House of wisdom, Majlis al-ulama, Organization of Islamic Cooperation, scientific schools.

#### Пролог

1999 йили мамлакатимизда давлат таълим муассасаси мақомига эга илк ислом олий ўқув юрти – Тошкент ислом университети таъсис этилган эди. Салкам йигирма йил фаолият кўрсатган ушбу олий таълим муассасасини битирган исломшунос мутахассислар бугун халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилоқдалар. Ушбу маънода айтиш мумкинки, мазкур таълим муассасаси ўзининг ҳаётий ролини муваффақиятли адо этди. Бироқ миллий-маънавий ўзлигимизнинг ўзак ўқларидан бирини ташкил этадиган ислом таълимотига асосланган диний тафаккурнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни мустаҳкамланиб борган сари у билан боғлиқ фанларнинг билимдонлари ҳамда илмий тадқиқотларга бўлган эҳтиёж ҳам мунтазам ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2018 йили Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг таъсис этилиши ана шу ҳаётий заруратнинг амалга оширилишига кенг йўл очиб берган умуммиллий аҳамиятга молик тадбир бўлди. Шу муносабат билан академия университетдан нималар билан фарқланади деган мантиқий савол туғилиши табиий ҳолдир.

#### Тарихга назар

Милоддан аввалги 380 йилда Платон (Афлотун) томонидан асос солинган фалсафий мактаб дунёдаги илк академия саналади. Ушбу муассаса-

га нисбатан «академия» атамасининг қўлланиши афсонавий юнон қахрамони Академ ёки Гекадем<sup>1</sup> номи билан боғлиқ деган тушунча мавжуд. Платон академиясида кенг кўламли тадқиқотлар ва ўқитиш ишлари олиб борилган. Уларнинг энг муҳимлари теология, фалсафа, математика, астрономия ва табиий фанлар билан боғлиқ бўлган. Ўз моҳиятига кўра диний-фалсафий ва аниқ фанлар билан боғлиқ йўналишларни ўзида мужассам этган ҳамда баҳс-мулоқотни ўқитишнинг асосий услуби қилиб белгилаган ушбу академия милодий 529 йилгача фаолият кўрсатган.

Европадаги Уйғониш (Ренессанс) даврида (XV–XVI асрлар) Платон академияси Италиянинг Кареджи шаҳрида қайта тузилган ва 1459–1521 йиллар давомида самарали фаолият юритган. 1603 йилда эса, Римда сиртлонкўзликлар («илмий нигоҳи ўткир» деган маънода) академиясига асос солинган бўлиб, айнан мазкур муассаса бугунги академияларнинг прототиби бўлиб хизмат қилган.

Қадимги Шарқда ҳам академиялар фаолият юритган. Улардан бири – милодий V аср бошларида Хузистонда (Дизфул шаҳри, бугунги Эроннинг жануби-ғарбий ҳудуди) тузилган академия қадимият, Юнон ва Рим илм-фани ва маданиятини ўрганишга қўшган ҳиссаси, айниқса, тиббиёт йўналишидаги тадқиқотлари билан шухрат қозонган.

Мусулмон Шарқи тарихида ҳам оламшумул аҳамият касб этган академиялар мавжуд бўлган. Уларнинг энг эътиборлилари қаторига Бағдодда фаолият кўрсатган «Байт ал-ҳикма» («Донишмандлик уйи», VIII аср), Хоразмдаги «Мажлис ал-уламо» (Маъмун академияси, XI аср), Табриз академияси (Эрон, XIII аср) ҳамда фаолият кўлами ва эришган ютуқлари маҳобатига кўра том маънодаги академия мақомига кўтарилган Самарқанддаги Улуғбек мактаб-обсерваториясини (XV аср) киритиш мумкин.

#### Бугунги ҳолат

Бугунги кунда дунёда фаолият кўрсатаётган академиялар асосан икки гуруҳга бўлинади: соф илмий тадқиқот ишларини амалга оширувчи ва мувофиқлаштирувчи муассаса сифатида фаоли-

<sup>1</sup> Академ (Экадем ёки Гекадем) қадимги юнон қахрамонларидан бири бўлиб, у Афина яқинидаги худудлардан бирида ўзи томонидан яратилган зайтунзор боғда дафн этилган. Платон ва унинг шогирдлари айнан шу ерда тўпланиб, турли илмий-фалсафий муаммолар бўйича баҳс-мулоқотлар ўтказиб туришган. Ана шундай мунозаралар жараёнида шаклланган илмий мактаб кейинчалик «академия» номини олган.

Мақола «академия» деган тушунчанинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари ҳамда Тошкент ислом университетидан Ўзбекистон халқаро ислом академиясигача бўлган эволюцион йўлнинг қисқача тавсифига бағишланган.

Статья посвящена краткому рассмотрению возникновения понятия «академия» и этапы ее развития, а также эволюционный путь от Ташкентского исламского университета к Международной исламской академии Узбекистана.

The article is devoted to a brief review of the emergence of the concept of «academy» and the stages of its development, as well as the evolutionary path from the Tashkent Islamic University to the International Islamic Academy of Uzbekistan.

ят кўрсатувчи академиялар, шунингдек, ҳам олий ўқув, ҳам илмий тадқиқотлар муассасаси вазифасини бажарувчи академиялар. Академик тузилмалар тараққиёти билан боғлиқ янги трендга мувофиқ, охириги пайтларда тегишли йўналишлардаги илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиш ва уларни мувофиқлаштириш ҳамда ўзи ҳам олий малакали академик мутахассисларни тайёрлаш ишида бево-сита иштирок этаётган янги типдаги академиялар алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда.

Академиялар фаолият соҳасига мансублик белгиси бўйича тармоқ академиялари шаклида ҳам тузилиши мумкин. Бундай воқелик, жумладан, шўро даври учун хос бўлган. Ўша пайтда умумий профили фанлар академияларидан ташқари, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, архитектура ва санъат, таълим ва бошқа тармоқ академиялари фаолият кўрсатганини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўз моҳиятига кўра нотижорат ташкилотлар бўлган бундай академиялар фаолияти, одатда, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган.

### Ислом академиялари

Айрим хорижий мамлакатларда «академия» деб аталадиган муассасаларнинг яна бир тури мавжуд бўлиб, уларнинг номланишида муайян динлар ўз ифодасини топган. Бугунги дунёдаги бундай академияларнинг сони анчагина бўлиб, уларнинг бир қисми «ислом академиялари» деб юритилади. Бундай академиялар нафақат мусулмон мамлакатлари, балки аҳолисининг мутлақ кўпчилигини бошқа диний конфессия вакиллари ташкил этадиган мамлакатлар, масалан, ривожланган Ғарб давлатларида ҳам фаолият кўрсатаётгани эътиборга молик воқелиқдир. Шунингдек, уларнинг фаолият доираси

фақат диний мавзулар билан чекланиб қолмасдан, балки аниқ ва табиий фанлар, шунингдек, иқтисодиёт ва молия каби соҳаларга оид муаммоларни ҳам ислом дини контекстида ўрганиш ва тарғиб қилишни қамраб олгани айниқса муҳимдир.

Бугун дунёда фаолият кўрсатаётган Ислом академиялари кўпроқ таълим-тарбия билан боғлиқ вазифаларга йўналтирилган бўлса-да, улар, шунингдек, илмий тадқиқотларни ҳам амалга оширмоқда. Мазкур воқелик исломга қизиқишнинг мисли кўрилмаган даражада ортиб бораётгани ҳамда ушбу диннинг туб моҳиятини ифода этувчи соғлом маълумотларни тарқатишга бўлган эҳтиёжнинг бениҳоя кучайгани билан изоҳланади.

Айтиш жоизки, «ислом академияси» деб номланаётган таълим ва илмий тадқиқот муассасаларини тузаётган кучлар ўз олдига аниқ мақсадларни қўймоқда. Уларнинг энг муҳимлари сирасига исломнинг муайян ҳуқуқий мактаблари, яъни мазҳаблари тарафдорларининг ўзлари учун анъанавий бўлган диний қарашларни ҳимоя қилиш ва уларни кенг омма орасида тарғиб этишга бўлган табиий интилиши киради. Шунингдек, айрим экстремистик ва радикал кайфиятдаги кучлар бундай имкониятдан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётгани ҳам бор гап.

### Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тажрибаси

Аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган, шунингдек, мусулмонлар сезиларли нисбатни ташкил қиладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо айрим мамлакатлар миллий илдишлардан озиқланган диний-маънавий анъаналарга қайта ҳаёт бағишлашни кўзлаган Ислом академияларини тузиш йўлидан бормоқда. 2017 йили Татаристонда ўз фаолиятини бошлаган Булғор Ислом академияси (Болгарская Исламская академия) бунинг ёрқин мисолидир. Ислом ҳуқуқшунослиги, Ислом тафаккури ва ақидаси, Қуръонга оид фанлар, Ислом иқтисодиёти ва бошқа йўналишлар бўйича олий малакали мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган ушбу академия 2017 йили ўз фаолиятини бошлаган. Ўшанда академияга 30 нафар аспирант ўқишга қабул қилинган эди.

### Ўзбекистондаги амалиёт

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда муқаддас динимизнинг маънавий ва ижтимоий ҳаётдаги табиий ўрнини тиклашга қаратилган улкан ишлар

амалга оширилди. Улар, айниқса, охириги 2-3 йилда мисли кўрилмаган суръат ва кўламлар касб этиб бормоқда. Бунинг негизда Ўзбекистон Республикаси янги раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг метин этикоди, қатъий сиёсий иродаси ва юксак инсоний фазилатлари ётганини алоҳида эътироф этиш лозим.

2016 йили Тошкентда бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари саммитида Ўзбекистон раҳбари томонидан таклиф этилган Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқотлар марказини барпо этиш ташаббуси мазкур умуммуслмон ташкилотининг барча аъзолари томонидан қизгин қўллаб-қувватланган эди. Айни кунларда ушбу муассаса учун мўлжалланган замонавий мажмуа қурилиши якунланди, унинг моддий-техник пойдевори ва бўлажак илмий ходимлари учун лозим турар-жойлар барпо этилди ва, амалда, у ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Бундан ташқари, охириги икки йилда мамлакатимизда диний-маънавий тарбия йўналишидаги яна бир қатор янги муассасалар ташкил этилди. Ўзбекистондаги ислом маданияти маркази, Имом Термизий илмий-маърифий маркази, вилоятларда ҳадис, калом, фикҳ, тасаввуф мактабларига асос солинди, Бухородаги дунёга машҳур Мир Араб мадрасасига олий ўқув юрти мақоми берилди ва ҳкз. Шунингдек, мамлакатимиздаги юзлаб диний-маънавий қадамжолар ҳамда ибодатгоҳлар таъмирланмоқда ва обод қилинмоқда, маҳобатли янги масжидлар қурилмоқда. Улар миллий-маънавий тарбиянинг таъсирчан ўчоқларига айланмоқда. Ўзбекистонда фаолият юритаётган ислом олий ва ўрта махсус таълим юрталарининг кейинги фаолиятини бу соҳадаги миллий тажриба ва замонавий технология ютуқлари асосида ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Санаб ўтилган ва бошқа ибратли ишлар натижасида мамлакатимиздаги икки мингдан ортиқ масжид, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, деярли барча вилоятларда фаолият кўрсатаётган ўрта махсус диний билим юрталари, қатор диний-маърифий ва илмий тадқиқот муассасалари ҳамда уларнинг узвий қисми бўлган оммавий ахборот воситалари ва илмий нашрларни қамраб олган мустақам инфратузилма барпо этилди.

### **Ўзбекистонда ислом академиясини тузиш эҳтиёжи**

Мазкур йўналишдаги бошқа ташкилотларнинг серқирра ва мураккаб фаолиятини мамлақати-

миз манфаатларига мос тарзда ташкиллаштириш академия мақомидаги тузилмага асос солинишни мантиқий масалага айлантирди. Бундай муассасанинг тузилишидан кўзланган мақсад, диний йўналиш билан боғлиқ кадрлар тайёрлашнинг сифатини оширишдан ташқари, турли экстремистик оқимларга қарши курашнинг илмий таъминотини мустақамлаш, унинг самарадорлигини ошириш, кенг омма, айниқса, ёш авлодни бузғунчи мафкуралар таъсиридан ҳимоялашга ёрдам бериш каби умуммиллий аҳамиятга молик вазифаларни қамраб олган эди. Шу тариқа 2017 йили нодавлат нотижорат мақомдаги Ўзбекистон ислом академияси, 2018 йилнинг апрелида эса, мазкур муассаса ҳамда собиқ Тошкент ислом университетини негизда Ўзбекистон халқаро ислом академиясига асос солинди.

### **Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Академия фаолиятдан кутилаётган пировард натижа, қисқа айтганда, тарихий Мовароуннаҳрда юксак даражада тараққий этган ислом илоҳиётшунослигининг ибратли анъаналарини тиклаш, уларни бугунги диний-маънавий ҳаётнинг тағзаминига айлантиришдан иборат дейилса, асло хато бўлмайди. Шунга мувофиқ, академия зиммасига қуръоншунослик, ҳадисшунослик, ислом илоҳиётшунослиги, ислом ҳуқуқи, ислом тарихи ва фалсафаси, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, манбашунослик, Шарқмумтоз адабиёти, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар каби мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш, шунингдек, зикр этилган соҳалар бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш; республикадаги ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-меъёрий ва ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштиришни амалга ошириш; ислом динининг асл моҳиятини, унинг башариятни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда ўрганиш ҳамда тарғиб этиш; диний-маърифий мавзуларда илмий ва оммабоп адабиётларни яратиш; ислом дунёсининг долзарб муаммолари ва унда кечаётган замонавий жараёнларга бағишланган назарий ва амалий конференциялар, семинарлар, тренинглар ва бошқа тадбирларни ўтказиш каби масъулиятли вазифалар юкланган.

Академия ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ўз филиалларига эга Малака ошириш маркази таъсис этилган. Марказнинг асосий мақ-

сади – давлат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, диний соҳа вакиллари, умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим муассасаларининг диний билимлар, маънавият ва маърифат, ахлоқий тарбия бўйича масъул ходимлари, педагог кадрларини диншунослик, ислом тарихи, исломшунослик, жумладан, қуръоншунослик, ҳадисшунослик ҳамда фикҳ ва калом илми, ислом динининг асл моҳияти, замонавий диний, сиёсий-ижтимоий жараёнлар бўйича касбий қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдир.

### Илк натижалар

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўз фаолиятини бошлаганига, мана, ярим йилдан ошди. Олий таълим ва илмий тадқиқотлар муассасаси вазифаларини ўзида мужассамлаштирган академия учун зикр этилган давр ҳам мураккаб, ҳам ҳақиқий синов палласи бўлди дейиш мумкин. Унинг мураккаблиги шундаки, зиммасига улкан ва серқирра вазифалар юкланган бундай эътиборли муассасанинг фаолиятини изга тушириб юбориш ҳар қандай жамоадан алоҳида жидду жаҳд талаб этади. Синов маъносидаги жиҳат эса, академиянинг умуммиллий илмий-маънавий инфратузилмага уйғунлашуви жараёни нечоғлик табиий кечиши билан боғлиқ эди. Бугунги кун воқелигидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар икки масала йўлидаги табиий қийинчиликлар асосан енгилди. Энг муҳими, академия олдида қўйилган вазифаларнинг умуммиллий тараққиёт учун юксак аҳамиятининг жамоа томонидан идрок этилиши тобора чуқурроқ теранлик касб этиб бормоқда. Айнан шу воқелик ўтган даврнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳоланишга муносибдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган Ўзбекистон халқаро ислом академияси мамлакатимизда кечаётган туб ўзгаришлар, айниқса, диний-маънавий жараёнларнинг фаол иштирокчилари қаторида бўлишга интилмоқда. Бунда мунтазам кенгайиб бораётган глобаллашув феномени диний-маънавий ҳаётни ҳам қамраб олаётгани доимий равишда диққат марказида тутилмоқда. Иккинчи тарафдан, академия зиммасига юкланган масъулиятли вазифаларнинг сифатли ижроси халқаро илмий-амалий ҳамкорликни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шунга мувофиқ, ўтган қисқа даврда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Мисрнинг ал-Азҳар, Айн Шамс университетлари ва «Ҳивор» илмий-таҳди-

лий маркази, Туркиянинг Займ, Салжук, Ибн Халдун ва Кастамону университетлари, Индонезиянинг Султон Шариф Қосим ва Саҳид университетлари, Малайзиядаги Ислом фанлари университети, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Бирлашган Араб Амирликлари, АҚШ, Германия, Хитой, Австралия, Россия ва Қозоғистон каби мамлакатларнинг турдош олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари ҳамда етакчи исломшунослари билан ҳамкорлик бошлаб юборилди.

2018 йилнинг октябрь ойида дунёга машҳур ал-Азҳар мажмуасининг олий имоми, шайх Аҳмад ат-Тоййиб ҳазратлари академия меҳмони бўлдилар ва унинг фахрий профессори унвони билан тақдирландилар. 2019 йилнинг ибтидосида Қоҳирада мусулмон дунёсининг нуфузли диний-мафкуравий марказларидан бири бўлган ушбу эътиборли муассаса билан ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини ўзида мужассамлаштирган «Йўл харитаси» имзоланди. Уларнинг ижроси ҳам бошланиб кетди, жумладан, бугунги кунда мисрлик мутахассислар талабаларга араб тилидан дарс бермоқдалар.

### Эпилог

Табиийки, эришилган натижалар «хамир учидан патир» дегандай гап. Жамоа олдида турган вазифаларнинг кўлами ва уларнинг илмий-амалий аҳамияти биздан мутлақо янгича ёндашувларга асосланган фаол ташаббускорликни талаб этмоқда. Академиянинг мамлакатимиз ўқув-илмий инфратузилмасидаги диний-маънавий йўналиш бўйича том маънодаги етакчи сегментга айланиши ушбу муқаддас даргоҳда меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг ҳаракатига бевосита боғлиқдир.

**Zohidullo MUNAVVAROV,**  
*siyosiy fanlar doktori, professor,*  
*Xalqaro munosabatlar kafedrasini mudiri*



## МЎЪТАБАР МАСКАН

### ИСЛОМШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Исломшунослик факультетида «Диншунослик», «Исломшунослик», «Ислом тарихи ва манбашунослиги» таълим йўналишлари бўйича талабаларни ўқитиш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, таълим «Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО», «Ислом тарихи ва манбашунослиги», «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» ҳамда «Ислом фанлари» кафедраларида олиб борилади.

Факультет профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларга Қуръон илмлари, ҳадис, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф каби фанлардан маъруза ва амалий машғулотлар олиб борилади. Кафедралар юқори малакали исломшунос, диншунос кадрларни тайёрлаш билан бирга, ўз йўналишлари бўйича республикамиздаги барча ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-меъриий ва ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштиришда таянч кафедралар ҳисобланади. Кафедраларда олий таълимдан кейинги таълим босқичида исломшунослик, диншунослик илм-фан соҳаларида таянч докторант ва докторантлар ҳамда мустақил изланувчилар фаолият олиб боради. Кафедралар илмий меросни чуқур тадқиқ қилиш ва асраб-авайлаш, ёшларга диний ва дунёвий билим бериш, жамиятда соғлом маънавий муҳит яратишнинг диний-маърифий, тарихий асосларини ўрганиш борасида мамлакатимизнинг етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилади.

Факультетда эллик уч нафар профессор-ўқитувчилар хизмат қилади. Улардан тўққиз нафари фан доктори, профессор. Ўйигирма бир нафари фан номзоди, доцент. Факультет профессор-ўқитувчилари 200 га яқин фанлардан фан дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш билан бирга «жаҳолатга қарши маърифат» улуғвор ғояси асосида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, турли ташкилот ва жамоаларда илмий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Факультетда тўрт юз эллик нафар талаба таълим олади. Улар орасида Имом Бухорий номидаги давлат стипендияси, Диншунослик бўйича фан олимпиадаси, илм-фан ва спортнинг турли йўналишлари бўйича халқаро ва маҳаллий мусобақалар ғолиблари, халқаро ва республика илмий-амалий конференция иштирокчилари бор.

Факультет декани – Абдуҳолиқ Ташанов, исломшунос, файласуф ихтисослигига эга, фалсафа фанлари номзоди. «Бузғунчи ғояларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсири», «Вайронкор ғоялар ва бузғунчи мафқуралар», «Вайронкор ғоялар таҳдиди ва миллий ўзликни асраш эҳтиёжи», «Давлат хизматчиси компетентлиги» номи монографиялар, «Мутаассибликнинг кўринишлари ва оқибатлари», «Раҳбар компетентлиги ва бошқарув ислохотлари», «Бағрикенглик ва мутаассиблик», «Маҳаллаларда ёшларни бузғунчи ғоялардан асраш омиллари» каби рисоалар ҳамда юздан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

«Фалсафа қомуси», «Ғарб фалсафаси», «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар», «Миллий ғоя атамалар луғати», «Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати» ва «Жаҳон фалсафаси энциклопедияси» каби асарлар ҳаммуаллифи.

### ИСЛОМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 16.04.2018 йилдаги ПФ-5416-сонли Фармонида биноан Ўзбекистон халқаро ислом академияси таъсис этилиши асосида унинг ўқув-илмий таркибий тузилмаси ташкил қилинган.

Факультет Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган (Буйруқ №159, 30 май 2008 йил) «Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида»ги ҳамда «Олий таълим муассасаси кафедралари тўғрисида»ги низомлар асосида фаолиятини олиб боради.

#### Ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар факультети:

1. Факультет Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ўқув-илмий ва маъмурий бўлинмаси ҳисобланади. Факультет фаолиятида қуйидаги йўналишлар мавжуд:

1. 5610300 – «Туризм (зиёрат туризми)»;
2. 5160200 – «Ислом иқтисодиёти ва молияси»;
3. 5121100 – «Халқаро муносабатлар»;
4. 5111600 – «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими»;

5. 5330200 – «Информатика ва ахборот технологиялари»;

6. 5231100 – «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар».

2. Факультетнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ «Туризм (зиёрат туризми)», «Ислом иқтисодиёти ва молияси», «Халқаро муносабатлар», «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими», «Информатика ва ахборот технологиялари», «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» таълим йўналишлари бўйича замон талабларига жавоб бера оладиган, давлат ва жамоат ташкилотлари олдига назарий ва амалий вазифаларни ҳал қилишга қодир юқори малакали мутахассис кадрлар – бакалаврларни тайёрлаш;

– факультет таркибидаги кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш.

3. Факультет таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, таълим-тарбия самардорлигини ошириш мақсадида корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда хорижий таълим муассасалари билан белгиланган тартибда тузилган битим асосида ҳамкорлик қилиши мумкин.

4. Факультет мутахассислар тайёрлашни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда амалга оширади. Кадрлар истеъмолчилари талаблари ва соҳа хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқув жараёни самардорлигини ошириш мақсадида факультет таркибида янги бўлимлар ташкил этилиши мумкин.

5. Факультет ўз таркибига киритилган бакалаврият йўналишларига тааллуқли кафедраларни, шунингдек, фаолият мазмуни бўйича факультет ихтисослигига яқин бўлган бошқа кафедраларни бирлаштиради.

6. Факультет кадрлар тайёрлаш жараёнини ишлаб чиқаришдан ажралган (кундузги) ҳолда амалга оширади.

Факультетда 4 та кафедра фаолият олиб боради:

1. «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари» кафедраси;

2. «Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми» кафедраси;

3. «Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси;

4. «Халқаро муносабатлар» кафедраси.

Факультет декани – Абдирашидов Аширвали Абдирашидович, иқтисод фанлари номзоди.

## МУМТОЗ ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

Мумтоз шарқ филологияси факультети 2018 йил 16 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сонли қарорига биноан Ўзбекистон халқаро ислом академияси маъмурий-бошқарув таркибида унинг ўқув-илмий таркибий тузилмаси сифатида ташкил қилинган.

Бугунги кунда факультетда жами 169 нафар талаба қуйидаги 3 та йўналишлар бўйича таҳсил олади:

1) 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (араб тили)

2) 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар)

3) 5210200 – Психология (дин социопсихологияси)

Бундан ташқари «Психология» таълим йўналиши бўйича магистрантлар таҳсил олади.

Факультет таркибида «Шарқ филологияси», «Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги», «Чет тиллари» ҳамда «Дин психологияси ва педагогика» кафедралари фаолият олиб боради.

«Мумтоз шарқ филологияси ва манбашунослиги», «дин социопсихологияси» таълим йўналишлари ва мутахассислиги бўйича юқори малакали мутахассис кадрлар – бакалавр, магистр, таянч докторант (PhD) ва докторантлар (DSc), мустақил тадқиқотчиларни тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ўқув-тарбиявий жараёни ташкил қилиш, таълим мазмунини жамиятдаги туб ўзгаришлар талабларига мувофиқ доимий такомиллаштириб бориш, шунингдек, мумтоз Шарқ филологияси соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар, илмий-методик ишларни ташкил этиш, илмий инновацион фаолиятни амалга ошириш, факультет ривожига йўналтирилган инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ қилиш; уларнинг давлат ва жамият стратегик ривожланиши мақсадлари билан узвий олиб борилишини таъминлаш ва ўзаро мувофиқлаштириш, илмий тадқиқотлар натижаларини соҳага оид тузилмалар амалий фаолиятларига жорий этиш – факультетнинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади.

Факультетнинг «Филология ва тилларни ўқи-тиш» таълим йўналишида таҳсил олувчи талабаларга шарқ тилларидан араб, форс тиллари, шарқ халқлари адабиёти, мумтоз шарқ адабиёти, шарқ тилларида яратилган қўлёзмалар, шарқ манбашунослиги каби фанлар, шунингдек, инглиз ва рус тиллари чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўргатилади.

### «ДИНШУНОСЛИК ВА ЖАҲОН ДИНЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ ЮНЕСКО» КАФЕДРАСИ

«Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг етакчи кафедраларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга республикада **5120600** – Диншунослик бакалаврият таълим йўналиши ҳамда **5A120602** – Диншунослик магистратура мутахассислиги бўйича таянч олий ўқув юртидир.

**Кафедра тарихи.** Кафедра академиянинг Исломшунослик факультети таркибига киритилган. Мазкур кафедра «Диншунослик-исломшунослик» сифатида дастлаб 1999 йилдан фаолиятини бошлаган. 2006 йил 30 августда эса «Диншунослик» кафедраси, 2008 йилда мазкур кафедра «Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси билан бирлаштирилган. Шу ўринда айтиш керак, «Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси 2000 йил 14-16 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг «Жаҳон динлари тинчлик маданияти» халқаро конгресси доирасида ташкил этилган. Унинг очилишида ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацури иштирок этган.

Кафедрага турли йилларда т.ф.д, проф. Аҳаджон Ҳасанов, т.ф.д., проф. Саидакбар Аъзамхўжаев, т.ф.н., доц. Неъматулло Муҳамедов, т.ф.н., доц. Дурбек Раҳимжоновлар мудирлик қилишган.

Кафедрада 3 нафар фан доктори, 5 нафар фан номзоди, 2 нафар катта ўқитувчи ва 7 нафар ўқитувчи фаолият олиб боради.

#### Кафедранинг мақсад ва вазифалари:

– диншунослик асослари, диннинг жамиятдаги ўрни, динлар тарихи билан боғлиқ билимлар ҳамда замонавий фанларни чуқур ўзлаштирган, давлат ва жамоат ташкилотлари, диний муассасалар олдидаги назарий ва амалий вазифаларни бажарадиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш;

– диншуносликнинг фан соҳаси сифатида пайдо бўлиши, унинг тарихи ва турли диншунослик

мактаблари, олимларнинг диншунослик концепцияси ва илмий ёндашувларини таҳлил этиш;

– Марказий Осиёда тарқалган ва ривож топган динларнинг манбаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш;

– узлуксиз таълим тизими ва кенг жамоатчилик учун диншунослик бўйича дастурлар, ўқув дарсликлари ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш.

**Кафедра фаолияти.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг бешинчи бандида белгиланган «**Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш** ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар» сиёсатини амалга оширишда кафедра ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Мамлакат миқёсида қабул қилинган ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур кафедра қуйидаги йўналишларда фаол иш олиб бормоқда:

**1. Ўқув-услубий** (маъруза ва семинар, амалий дарс машғулотларини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида олиб бориш, дарсликлар, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар яратиш).

**2. Илмий-тадқиқот** (илмий тадқиқотлар: докторлик, номзодлик, магистрлик, бакалаврлик ишлари. Халқаро ва республика миқёсидаги грантларда иштирок этиш ҳамда илмий монография, рисола, илмий мақола, тезислар нашр этиш).

**3. Маънавий-маърифий** (халқаро, республика, университет миқёсидаги маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, телевидение, радио, интернетдаги чиқишлар, «Зиё» студияси кўрсатувларида қатнашиш).

**4. Халқаро миқёсда** (халқаро конференциялар, шартномалар, меморандумлар, ЮНЕСКО ва АЙСЕКО кафедралари, хорижий давлатларда малака ошириш).

**5. Малака ошириш** (Академия қошидаги Малака ошириш маркази ва унинг жойлардаги филиалларида малака ошириш курсларида маърузалар қилиш).

Кафедра мудирини в.б. т.ф.н. Махфуза Алимова (2018 йилдан).

## Талабалар сони ҳақида маълумот

№	Йўналиш номи	Коди	Курси	Талабалар сони
1	Диншунослик	5120600	1	20
			2	79
Религиоведение	2		19	
2	Диншунослик		3	20
3	Религиоведение		3	8
4	Диншунослик	4	18	
5	Религиоведение	4	8	

№	Мутахассислик номи	Коди	Курси	Магистрлар сони
1	Диншунослик	5A120602	1	5
2			2	13

## Кафедра профессор-ўқитувчилари қуйидаги фанлардан дарс беради:

**Бакалавриатура йўналишида:** Диншунослик, Диншуносликка кириш, Дунё динлари тарихи, Дин ниқобидаги таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш асослари, Диншунослик ва дунё динлари тарихини ўқитиш методикаси, Диншунослик асослари, Ибтидоий динлар ва мифология, Давлат ва дин, Диний бағрикенглик маданияти, Қиёсий диншунослик, Динлардаги оқимлар ва секталар, Диний манбаларни қиёсий ўрганиш, Диншунослик ва дунё динлари тарихини ўқитиш методикаси, Диншуносликни ўқитиш методикаси, Диний анъана ва маросимлар.

**Магистратура мутахассислигида:** Диншуносликка оид хорижий манбаларни тадқиқ этиш методологияси, Диний анъана ва маросимларни қиёсий тадқиқ этиш методологияси, Диншуносликнинг замонавий муаммолари, Дин антропологиясининг методологик асослари, Динлар тарихини минтақавий ўрганиш, Замонавий диний ташкилотлар ва ҳаракатлар, Махсус фанларни ўқитиш методикаси, Кибермақонда дин омили.

Кафедра ташаббуси билан ҳар йили апрель ойида «Диншуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуида республика миқёсида илмий-амалий конференция ҳамда «16 ноябрь – Халқаро Бағрикенглик куни» муносабати билан шу куни турли диний конфессия вакиллари иштирокида анжуман ўтказиш анъанага айланган.

Кафедранинг ўқув-методик ишларида талабалар онгида диний бағрикенглик ғояларини камол топтириш мақсадида Ўзбекистонда яшовчи турли диний конфессиялар вакиллари билан учрашувлар ўтказилади. Динлар тарихи ва таълимоти билан яқиндан танишиш ва жонли мулоқотга киришиш

юзасидан черков, семинария, синагога ва кирха каби диний ташкилотларга экскурсиялар уюштирилади.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Диншунослик йўналиши талабалари республикамиздаги турли давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Фанлар академияси Асосий кутубхонаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, республика «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқа илмий-ижодий муассасаларда амалий касбий малакаларини мунтазам равишда ошириб боришади. Шунингдек, ҳар йили талабаларимиз ўрта мактабларда педагогик амалиёт жараёнларида «Дунё динлар тарихи», «Одобнома», «Ўзбекистон тарихи», «Жаҳон тарихи», «Маънавият асослари» каби фанлардан дарс ўтишади ва улар мутахассислар иштирокида таҳлил қилинади.

Умуман олганда, «Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси мамлакатимиз маънавий-маърифий, диний-илмий ҳаётида дин ва жамият, дунё динлари тарихи ва таълимоти, аждодларимиз илмий меросида диний ва ахлоқий масалалар, бир сўз билан айтганда, диншунослик муаммолари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш, тадқиқ этиш бўйича ўзига хос марказлардан бири ҳисобланади.

## «ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ ISESCO» КАФЕДРАСИ

«Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг махсус кафедрасини Тошкент ислом университети таркибида ташкил этиш билан боғлиқдир.

Янги кафедра фаолиятининг асосий йўналишини мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус курсларни ўқиш ташкил этиши мумкин бўлур эди».

Шавкат Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» кафедраси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан очилган. 2016 йил 18–19 октябрь кунлари Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги «Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» номли 43-сессиясида Ш.Мирзиёев Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – ISESCOнинг махсус кафедрасини ташкил этиш ҳақида таклиф билдирган эди.

2017 йил 24 май куни Ўзбекистон делегацияси Работ шаҳрида жойлашган ISESCO Бош қароргоҳида ташкилот Бош директори Абдулазиз бин Усмон ат-Тувейжрий билан ҳамкорлик масалалари юзасидан тегишли музокаралар ўтказди ҳамда Ўзбекистонда исломшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани, айниқса диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик масаласидаги Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуслари ҳақида атрофлича маълумот тақдим этди. Учрашув якуни бўйича ISESCO Бош директори ва делегация иштирокида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – ISESCOнинг «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» махсус кафедрасини ташкил этиш бўйича англашув Меморандуми имзоланди.

2017 йилнинг 26 август куни «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» кафедрасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ISESCO Бош директори Абдулазиз бин Усмон ат-Тувейжрий иштирок этди.

Кафедрани ташкил этишдан мақсад – мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус билимларни беришдан иборат.

Ушбу мақсадда кафедрада иккита асосий илмий йўналишда тадқиқотлар олиб борилади. Биринчидан, аждоқлар мероси, илмий асарлари, қўл-ёзмаларини тадқиқ этиш, улар асосида ўқув ва илмий адабиётлар яратиш, рисола, китоблар ёзиш. Иккинчидан, мусулмон жамиятларидаги илм-фан, таълим ва маданият тарихи, унинг бугунги ҳолати, истиқболлари, у ердаги илмий ва ўқув муассасалари, ижтимоий, маърифий, маданий, иқтисодий ҳаёт, ушбу мамлакатлар билан ҳамкорлик истиқболлари кабиларни ўрганиш, улар бўйича талабаларга фан ва курслар ташкил этиш, таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, илмий ва ўқув нашрлари тайёрлаш.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда дунё бўйича 18 та ISESCO кафедралари мавжуд бўлиб, Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» кафедраси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки 2017–2018 ўқув йилидан бошлаб кафедра таркибида «Тарих (Ислом цивилизацияси)» магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

#### **Кафедрада ўқитиладиган фанлар:**

- Ислом цивилизацияси тарихи
- Марказий Осиё мутафаккирларининг диний-маърифий мероси
- Мусулмон мамлакатларида таълим тизими
- Шарқ қўлёзма манбаларини ўрганиш амалиёти
- Ислом цивилизацияси тарихи, тарихшунослиги ва манбашунослигининг назарий масалалари
- Халқаро ва минтақавий ислом ташкилотлари
- Ислом ва жамият
- Мусулмон дипломатикаси тарихи
- Ислом тарихи
- Ислом манбашунослиги
- Ижтимоий ҳаёт ва дин
- Зиёрат туризми объектлари ва улардаги эпиграфик ёзувларни ўрганиш

#### **Кафедра таркибидаги махсус курслар:**

- Ислом цивилизацияси
- Муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз

#### **Кафедра таркибидаги тўғарақлар:**

- Араб хаттотлик санъати
- Манбаларни ўқиш амалиёти
- Қуръон таржималарини ўрганиш

### **«ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ» КАФЕДРАСИ**

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Исломшунослик» факультети таркибидаги «Ислом тарихи ва манбашунослиги» кафедраси аввалги «Тарих» (Тошкент ислом университети Илмий кенгаши 2008 йил 28 августдаги 1-сонли қарорига биноан ташкил этилган) кафедраси негизида 2018 йилда қайта ташкил этилган.

Кафедрада бакалавр йўналиши ва магистратура мутахассислиги мавжуд. 2011–2012 ўқув йилидан бошлаб 5120300 – Тарих (Ислом тарихи ва манбашунослиги) бакалавр йўналишига талабалар қабул қилиниб келинмоқда. 2015 йилда илк битирувчилар бакалавр дипломига эга бўлишди. Ҳозирги кунгача 102 та талаба ўқишни битирган бўлса, яна 107 нафари таҳсил олишни давом эттирмоқда. 2018–2019 ўқув йилидан бошлаб 5160100 – Исломшунослик йўналиши таркибида Ислом тарихи ва манбашунослиги йўналиши очилди. 2016–2017 ўқув йилидан бошлаб 5A120302 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) магистратура мутахассислиги ташкил этилди. 2018 йилда илк битирувчи-

лар магистр дипломига эга бўлишди. 2018 ўқув йилида 5A160106 – Ислом тарихи ва манбашунослиги магистратура мутахассислиги ташкил этилди.

«Ислом тарихи ва манбашунослиги» кафедраси юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида кафедра мудирини т.ф.н. Абдужаббор Яминов, кафедра профессор-ўқитувчиларини т.ф.д., профессор Аҳаджон Ҳасанов, т.ф.д., доцент Нодири Мустафаева, т.ф.н., доцент Гавҳар Фузаилова, т.ф.н. Неъматилла Насруллаев, т.ф.н., доцент Тохир Хатамов, т.ф.н., доцент Азиз Холлиев, т.ф.н. Ҳамидулло Лутфиллаев, т.ф.н. Саидакбар Муҳаммадаминов, катта ўқитувчи Муҳаммадсиддиқ Усмонов, катта ўқитувчи Шухрат Тохтиев, катта ўқитувчи Мурод Зикруллаев, ўқитувчи Зариф Хидиров ва ўқитувчи Зиёдилла Зийнатуллаевлар фаолият олиб боришмоқда.

Кафедрада 24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги шифри остида таянч докторантура ташкил этилган бўлиб, докторант ва мустақил тадқиқотчилар ўз илмий изланишларини олиб боришмоқда.

Бакалавр йўналиши ва магистратура мутахассислиги давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва дастурлари ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим дастурлари билан қиёсий таҳлил асосида ишлаб чиқилган бўлиб, кафедрада бакалавр йўналиши талабалари учун Ислом тарихи, Манбашунослик, Меъморий ёдгорликлар тарихи ва эпиграфика, Кодикология ва текстология, Ёрдамчи тарихий фанлар, Музейшунослик, Археология ва этнология, Архившунослик ва библиография асослари, Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи, Тарих ўқитиш усуллари ва таълим технологиялари, Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот усуллари, Хронология ва метрология, Тарихий география, картография ва ўлкашунослик, Ислом тарихи манбалари, Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий мероси фанлари ўқитилади. Магистратура мутахассислигида Ислом тарихи (минтақавий ёндашув), Ислом тарихига оид манбаларнинг қиёсий таҳлили, Ислом манбашунослиги ва тарихнавислигининг долзарб масалалари, Марказий Осиё олимлари илмий меросининг манбашунослик таҳлили, Ўрта асрлар тарихига оид манбалар, Эски ўзбек ёзуви ва туркий матнларни ўрганиш ва таҳлил этиш каби фанлардан етук мутахассислар таҳсил беришади.

Кафедранинг ўз олдига қўйган вазифалари:

- кафедра фанларига оид ўқув адабиётларини тайёрлаш ҳамда нашр этиш;
- ўқув машғулотида замонавий техника воситаларидан, яқка тартибда ўқитиш ва мустақил таълим олиш услубларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, ўқитишнинг замонавий усуллари ва воситалари билан масофали ўқитиш элементларини ривожлантириш;
- кафедранинг илмий салоҳиятини йилма-йил ошириб бориш;
- иқтидорли талабаларни танлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш, шу жумладан, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, давлат стипендиялари ва бошқа халқаро ва Республика миқёсида турли танловларда, фан олимпиадаларида иштирок этишга тайёрлаш;
- кафедра бакалавр йўналиши талабалари ва магистрантлар учун илмий тадқиқот институтлари, қўлёзмалар марказлари ва музейларга мақсадли стажировкалар ташкил этиш;
- кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг хорижда малака ошириши ва стажировка ўташини академия раҳбарияти билан келишган ҳолда ташкил этиш;
- илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, кафедра мутахассислигига мос ёки турдош ихтисосликлар бўйича диссертацияларни илмий семинарларда муҳокама қилишдан иборат.

#### «ИСЛОМ ФАНЛАРИ» КАФЕДРАСИ

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Исломшунослик» факультети таркибида бўлган «Ислом фанлари» кафедраси исломшунослик таълим йўналишида бакалавр, қуръоншунослик, ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқи, ақида, калом илми ва ақидавий таълимотлар йўналишида магистр кадрларни тайёрлайди.

Кафедра профессор-ўқитувчилари ислом фанларидан қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фикҳ, ислом ҳуқуқи, ақида, калом соҳалари бўйича етук мутахассислардан иборат. Магистратуранинг қуръоншунослик йўналишида олти, ҳадисшунослик йўналишида етти, ислом ҳуқуқи йўналишида ўн бир, ақида, калом илми ва ақидавий таълимотлар йўналишида саккиз, жами ўттиз икки талаба таҳсил олади. Исломшунослик бакалаврият таълим йўналишининг 1-курсида таҳсил олаётган 151 нафар талабадан беш нафари хориж фуқароларидир.

Кафедрада фаолият олиб бораётган ўн олти нафар педагог кадрлардан бир нафари тарих фанлари доктори, профессор. Уч нафари фан номзоди, доцент.

Кафедра мудири – Абдурашид Абдуллаев. Тарих фанлари номзоди, доцент. «Илдан бошқа нажот йўқ», «Тошкентдаги Усмон муҳсафи», «Ислом маърифати ва ҳозирги замон», «Маърифат зиёси» каби асарлар муаллифи.

### «ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР» КАФЕДРАСИ

Кафедра Ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар факультети таркибида 2018 йилнинг август ойида ташкил этилган. Мутахассис чиқарувчи кафедра сифатида унинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

– халқаро муносабатларнинг асослари, уларнинг объект ва субъектлари, улар билан боғлиқ илмий тушунчаларни чуқур ўзлаштирган;

– халқаро муносабатлар илмий йўналишининг асосий категориялари ҳамда замонавий жаҳон сиёсатининг долзарб муаммолари ҳақидаги мантиқий асосланган билимларни пухта эгаллаган;

– халқаро муносабатларнинг ижтимоий ҳамкорлик соҳасидаги муҳим ўрни ва хусусиятларини чуқур тушунадиган;

– халқаро муносабатларга оид асосий назарий ёндашувларни ўзлаштирган ҳамда замонавий халқаро муносабатларнинг муаммоли блокларини яхши биладиган;

– халқаро жараёнларни илмий таҳлил қилиш усуллари бўйича махсус билимларга эга, улар билан боғлиқ муаммолар ечимини излаш ҳамда қарорлар қабул қилиш йўллари ва механизмларини эгаллаган;

– халқаро муносабатларга оид ёзма таҳлилий маълумотномалар ва бошқа расмий ҳужжатларни тайёрлаш малакасига эга;

– она ва рус тилларидан ташқари, камида биттадан Шарқ ва Ғарб тилларини эркин биладиган мутахассисларни тайёрлаш.

«Халқаро муносабатлар» йўналиши талабаларига юқори малакали назарий профессор-ўқитувчилар, жумладан, фан докторлари ва номзодлари, шунингдек, тажрибали амалиётчи-дипломатлар дарс берадилар. Улар Ўзбекистон ва хориждаги илмий марказлар ҳамда ўқув муассасаларида ўз малакасини мунтазам ошириб борадилар. Ўқув жараёнида таълимнинг анъанавий услублари билан бир қаторда, ривожланган инфорацион техно-

логияларга асосланган инновацион ёндашувлар, жумладан, интернет тизими орқали масофавий ўқитишнинг индивидуал ва коллектив шаклларидан фойдаланилади.

Кафедрада қуйидаги профессор-ўқитувчилар фаолият юритмоқда:

– З.И.Мунавваров – сиёсий фанлар доктори, профессор, кафедра мудири;

– Ж.Тошқулов – юридик фанлар доктори, профессор;

– Ф.Р.Равшанов – сиёсий фанлар доктори, доцент;

– М.Муҳаммадсиддиқов – сиёсий фанлар доктори, доцент;

– А.Муминов – юридик фанлар номзоди, доцент;

– Б.Фарфиев – социология фанлари номзоди, доцент;

– Қ. Якубов – тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим;

– З.С.Пулатходжаев – Фавқуллода ва мухтор элчи, катта ўқитувчи;

– А.Бийкузиев – жаҳон тарихи магистри, катта ўқитувчи;

– Ҳ.Я.Азимов – халқаро муносабатлар магистри, ўқитувчи;

– А.Раджабова – халқаро муносабатлар магистри, ўқитувчи-стажер;

– Г.Раҳматуллаева – иқтисодиёт магистри, кабинет мудараси.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг долзарб масалаларига бағишланган юзлаб китоб ва илмий мақолалар нашр этилган. Улар орасида З.И.Мунавваровнинг «Central Asia and the Caucasus after the Soviet Union.» Florida University Press. USA. 1993 (co-author), «From the Gulf to Central Asia.» Exeter University Press. UK. 1994 (co-author), «Арабистон ярим ороли мамлакатлари» (Тошкент, Фан, 1994), «Ал-Араб ва-л-ислом фи Ўзбекистон: таърих Асийо ал-Вусто мин ал-усар ал-хокима хатта ал-йум» (Байрут, 1996, араб тилида), «Ўзбекистон и арабский мир: перспективы сотрудничества» (Ташкент, Фан, 1997), «Султанат Оман: история, цивилизация, экономика, внешняя политика» (Ташкент, Фан, 2015), А.Муминовнинг «Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг ҳуқуқий ҳамкорлиги» (Тошкент, 2003), Ф.Равшановнинг «Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба» (Тошкент, 2007), «Хорижий мамлакатлар давлат хизмати тизимларида кадрлар танлаш тажрибалари» (Тошкент, 2008)

монографиялари, Қ.Якубовнинг «Ўзбекистон тарихи хрестоматияси»дан ўрин олган материаллари (Тошкент, 2016, IV жилд), Ж.Тошқуловнинг халқаро ҳуқуққа, Б.Фарфиевнинг социологияга оид муҳим тадқиқотлари, шунингдек, З.Пулатходжаевнинг Марказий Осиё минтақасидаги транспорт логистикасига оид долзарб масалаларга, А.Бийкузиевнинг замонавий геосиёсатнинг муҳим муаммоларига, Ҳ.Азимовнинг Яқин Шарқ минтақасидаги миллий-этник вазиятга, А.Раджабованинг демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш масалаларига бағишланган кизиқарли тадқиқотлари ва бошқалар бор.

Шунингдек, кафедра аъзолари томонидан ҳаммуаллифлик ва яккамуаллифликдаги бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар нашр этилган. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

– А.Бийкузиев. Европа ва Америка давлатларининг янги тарихи. Тошкент, 2010 (ўқув қўлланма).

– Б.Фарфиев. Социология. Тошкент, 2012 (дарслик, ҳаммуаллифликда).

– А.Муминов. Инсон ҳуқуқлари. Тошкент, 2010-биринчи нашр, 2013- иккинчи нашр (дарслик, ҳаммуаллифликда).

– А.Муминов. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи. Тошкент, 2014 (ўқув қўлланма).

– А.Бийкузиев. Қадимги Шарқ тарихи. Тошкент, 2016 (ўқув қўлланма).

– Ф.Равшанов. Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси. Тошкент, 2017 (ўқув қўлланма).

– Ф.Равшанов. Педагогик тизимли таҳлил асослари. Тошкент, 2018 (ўқув қўлланма, ҳаммуаллифликда).

– Ж.Тошқулов. Исломда солиқ ҳуқуқи. Тошкент, 2017 (ўқув қўлланма).

– Ж.Тошқулов. Исломда жиноят ҳуқуқи. Тошкент, 2018 (ўқув қўлланма).

– Б.Фарфиев. Дин социологияси. Тошкент, 2018 (ўқув қўлланма).

– З.Мунавваров. Манбашунослик. Тошкент, 2018 (дарслик, ҳаммуаллифликда).

– А.Бийкузиев. Жаҳон тарихи. – Т.: Наврўз нашриёти, 2018 (дарслик, ҳаммуаллифликда).

– А.Мўминов. Халқаро ҳуқуқ. ТДЮУ нашриёти, 2018 (дарслик, ҳаммуаллифликда).

– А.Бийкузиев. Жаҳон тарихи (Қадимги Шарқ, Қадимги Юнонистон ва Рим тарихи). Тошкент, 2018 (ўқув қўлланма, ҳаммуаллифликда).

– А.Мўминов. Халқаро шартномалар ҳуқуқи. Тошкент, 2018 (ўқув қўлланма, ҳаммуаллифликда).

Бугунги кунда кафедра доцентлари А.Муминов ва Б.Фарфиевлар докторлик диссертацияларини яқунлаш арафасида, катта илмий ходим Қ.Якубов докторлик, катта ўқитувчилар А.Бийкузиев, З.С.Пулатходжаев, ўқитувчи Ҳ.Я.Азимов ва ўқитувчи-стажер А.М.Раджабова номзодлик диссертациялари устида ишламоқдалар.

Кафедра ички ва халқаро ҳаётнинг муҳим муносабатлари, айниқса, тегишли халқаро ҳужжатлар билан боғлиқ саналарга бағишланган конференциялар ва бошқа илмий-амалий тадбирлар ўтказиб боради. Жумладан, «БМТ халқаро ташкилотини таъсис этиш бўйича халқаро шартнома» (26.06.1945), «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» (10.12.1948), «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция» (20.12.1952), «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» (16.12.1966), «Ислом ҳамкорлиги ташкилоти» низоми қабул қилинган кун (21.08.1969), «Бола ҳуқуқлари конвенцияси» (20.11.1989), «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция» (13.12.2006) ва бошқа саналарга бағишланган махсус тадбирлар ташкил этилади.

Кафедра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, айрим араб мамлакатларидаги олий ўқув муассасалари ҳамда илмий тадқиқот марказларининг тегишли бўлим ва кафедралари билан ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирган. Бундай ҳамкорлик илмий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратиш, маълумотлар алмашинуви каби соҳаларни қамраб олиши назарда тутилган.

Академиянинг халқаро мақомидан келиб чиқиб, унда таълим олаётган талабаларнинг халқаро ҳаётдан хабардорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талабаларнинг жаҳон сиёсати муаммолари бўйича билимларини ошириш мақсадида доимий фаолият юритувчи «Халқаро муносабатлар» илмий-амалий семинари ташкил этилган. Келажакда унинг ижтимоий тармоқлардаги электрон версиясини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Семинар ишида таниқли олимлар, давлат, жамоат ва дин арбоблари ҳамда амалиётчилар фаол иштирок этмоқдалар.

## «ИСЛОМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МОЛИЯСИ, ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ» КАФЕДРАСИ

**Кафедра мақсади.** Дунёвий ва диний қадриятларни уйғунликда акс эттирган иқтисод, молия, зиёрат туризми, халқаро иқтисодиёт, ислом банк тизими каби соҳаларда ўқув, илмий-тадқиқот ва консалтинг хизматлари бўйича халқаро миқёсда етакчи кафедрага айланишдан иборат.

### Кафедра вазифалари:

1. Дунёвий ва диний қадриятларни чуқур англаган ҳамда ислом иқтисодиёти, бухгалтерия, бизнес, молия, зиёрат туризми, халқаро иқтисодиёт, ислом банк тизими каби соҳаларни пухта эгаллаган ёш кадрлар тайёрлаш.

2. Олий таълимда ислом иқтисодиёти, бухгалтерия, бизнес, молия, зиёрат туризми, халқаро иқтисодиёт, ислом банклари каби йўналишлардаги илмий-тадқиқот ва консалтинг хизматларини бажара оладиган кўникмаларни шакллантириш.

3. Ислом иқтисодиёти, бухгалтерия, бизнес, молия, зиёрат туризми, халқаро иқтисодиёт, ислом банклари каби соҳаларда ўқув, илмий-тадқиқотларни амалга ошириш малакасини ҳосил қилиш ва тайёрланган илмий материалларни чоп этишни рағбатлантириш.

### Кафедрага тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар.

#### Бакалаврият йўналишлари:

- Ислом иқтисодиёти ва молияси
- Туризм (зиёрат туризми)
- Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар

#### Магистратура мутахассисликлари:

- Ислом иқтисодиёти ва молияси
- Туризм (зиёрат туризмини ташкил этиш ва бошқариш)
- Ташқи иқтисодий фаолият (инвестицион фаолият)
- Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)

Кафедрада 20 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Улардан 3 нафари фан докторлари, профессор, 8 нафари фан номзодлари, доцент ҳамда катта ўқитувчи ва ўқитувчилар. Кафедра таркиби юқори салоҳиятга, кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган ва илғор хорижий университетларда таълим олган инноватор, креатив, мотиватор профессор-ўқитувчилар жамоасидан ташкил топган.

Кафедра мудири – Содиқов Зокир Рустамович, и.ф.н., доцент.

## «ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ

«Замонавий ахборот коммуникация технологиялари» кафедраси 1999 йилда «Фикҳ, иқтисод ва табиий фанлар» факультети таркибида ташкил этилган. «Информатика ва ахборот технологиялари» бўйича мутахассислар тайёрлаш бугунги кунда долзарб бўлиб, битирувчилар қуйидаги:

- корхона ва ташкилотларда компьютер хизматлари кўрсатишда;
- компьютер дастурларини маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқиш компанияларида;
- дастурларга ва компьютерларга хизматлар кўрсатиш корхоналарида;
- илмий тадқиқот муассасаларида ҳамда бошқа давлат ва нодавлат корхоналарида фаолият юритишлари мумкин.

Информатика ва ахборот технологиялари йўналиши талабаларига юқори малакали назаритчи профессор-ўқитувчилар, жумладан, фан доктори, доцентлар ва фан номзодлари, шунингдек, тажрибали амалиётчилар дарс берадилар. Улар Ўзбекистондаги илмий марказлар ҳамда ўқув тармоқ педагогик муассасаларида ўз малакасини мунтазам ошириб борадилар. Ўқув жараёнида таълимнинг анъанавий услублари билан бир қаторда, ривожланган информацион технологияларга асосланган инновацион ёндашувлар, жумладан, интернет тизими орқали масофавий ўқитишнинг индивидуал ва коллектив шаклларидадан фойдаланилади.

Кафедрада 8 та асосий, 3 та ўриндош ва 1 та сотатбай ўқитувчи фаолият юритмоқда.

Кафедра мудири: Ходжаева Мавлуда Сабировна – т.ф.н. доцент,

Нигматов Хикматулла – т.ф.д., профессор,  
Турсунов Нурмамат Холматович – т.ф.н.,  
Маҳкамов Анвар Абдужабборович – т.ф.ф.д. (Phd),

Кабулов Рустам Восилович – ф.м.ф.н. доц.,  
Джураева Раъно Бахромбековна – катта ўқитувчи,

Дадамухамедов Алимжон Иргашевич – катта ўқитувчи,

Жумаев Турдали Саминжонович т.ф.ф.д. (Phd) – катта ўқитувчи,

Назарбоева Барно Асатовна – катта ўқитувчи,  
Зайнидинова Гулрух Базарбаевна – ўқитувчи-стажер,

Мухаммадиев Алишер Нуъмонхон ўғли – ўқитувчи-стажер,

Бозоров Азамат Аширович – ўқитувчи-стажер.  
Кафедра илмий салоҳияти кўпқиррали бўлиб, илмий изланишлар уч йўналишда олиб борилади:

- Web технологияга асосланган автоматлаштирилган тизимларга параллел жараёнларни қўллаш;

- Мураккаб ва ҳали формаллаштирилмаган жараёнларни янги информацион технология асосида моделлаштириш;

- Компьютерли мулоқот тизимлари (электрон дарсликлар, виртуал кутубхона, масофавий ўқитиш, электрон дастурлар)ни ташкил этиш ва амалиётга тадбиқ қилиш.

Кафедра шу йўналишлар бўйича илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни режалаштирган.

Кадрлар тайёрлаш (номзодлик ва докторлик диссертацияларини тайёрлаш):

Илмий тадқиқотларга бакалавр йўналишидаги иқтидорли ёшларни жалб этиш (мунтазам равишда);

Чет эл билан алоқаларни мустаҳкамлаш (Миср, Корея ва Ҳиндистон);

Кафедра базасида қўшимча тўғарақлар ташкил этиш;

- Ахборот техник таъминот маркази структурасини қайта ишлаб чиқиш, марказ таркибида янги штатлар очиб, ёш иқтидорли мутахассисларни жалб қилиш;

- Академиянинг интернет тармоғини яхшилаш, барча бўлим ва кафедралар компьютерларини локал тармоққа on-line режимида улаш;

- Академияда ўқитиладиган барча фанларни ялпи тест синовиға ўтказиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш;

- Кафедра сайтини яратиш ва кафедра сайтдан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитиш технологиясини жорий этиш.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан «Информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича мутахассислик ва ихтисослик фанлари ўқитилади. Улар:

- Компьютер графикаси ва дизайн;
- Дастурлаш технологиялари;
- JAVA дастурлаш тили;
- JAVA тилида объектга йўналтирилган дастурлаш;

- Маълумотлар коммуникацияси;
- Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари;

- Рақамли мантиқий қурилмаларни лойиҳалаштириш;

- Дастурий ишланмаларни яратиш босқичлари ва уларни ҳужжатлаштириш;

- Компьютер архитектураси;
- Дастурлаш тамойиллари;
- C++ да дастурлаш;
- Тизимли моделлаштириш ва лойиҳалаш асослари;

- Web иловаларни ишлаб чиқиш;
- Операцион тизимлар;
- Компьютер тармоқлари;
- Ахборот хавфсизлиги;
- Тизимли дастурий таъминот;
- Маълумотлар тузилмаси;
- Объектга йўналтирилган дастурлаш тиллари.

Кафедра қуйидаги ҳамкор ташкилотлар билан узвий алоқада:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси «Ахборот ҳисоблаш маркази»;

- «FIDO –BIZNES» МЧЖ;
- Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш маркази;

- Ўзбекистон халқаро ислом академияси «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO» кафедраси;

- Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш давлат қўмитаси қошидаги алоқа тарихи музейи;

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси;

- «Юнусобод компьютер технологиялари» КХК;

- Ўзтелеком АК Транспорт магистрალი тармоқларини эксплуатация қилиш маркази;

- Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошидаги академик лицей.

### Ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича

1. Ижтимоий-гуманитар ва маънавий-маърифий соҳаларда: миллий қадриятларни тиклаш, аждодлар меросларини илмий тадқиқ қилиш, соф ислом динининг асосий тамойилларини кенг жамоатчиликка асл ҳолда етказиш, замонавий ёшларни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилган ҳолда тарбиялашда ислом динининг ўрнини тўғри белгилаб бериш, тинчлик ва тотувликда яшаш, динлараро бағрикенглик, ватанга ва қадриятларга муҳаббат каби туйғуларни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси олиб бораётган давлат сиёсатини аҳолининг барча қатламларига тезкор сингдиришда замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, интернет ва юқори технологиялардан самарали фойдалана оладиган ва қўллай билладиган мутахассислар тайёрлаш.

2. Замонавий ахборот ва юқори технологияларни ижтимоий-гуманитар ва диний-маърифий, исломшунослик йўналишидаги тадқиқотларга кенг қўллашни ўргатиш.

3. Қадимий ва нодир манбаларга электрон ишлов бериш. Уларнинг электрон базасини яратиш. Ушбу манбалардаги алломалар фикрларини замонавий мультимедия, интернет, Web, мобиль ва бошқа технологиялар ёрдамида кенг жамоатчилик оmmasига тушунарли ҳолда етказиб бериш.

4. Нодир ва ноёб қўлёзмаларни асраб-авайлаган ҳолда электрон нусхаларини олиш. Бу нусхаларни тадқиқотчи, изланувчи ва кенг халқ оmmasига электрон манба сифатида етказиб бериш. Бу ишларни амалга оширадиган махсус илмий-амалий лабораторияни ташкил қилиш. Лабораторияни махсус жиҳозлар билан жиҳозлаб, тадқиқотчи ва талабаларни улардан самарали фойдаланишга ўргатиш.

## «ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ

### Кафедра тарихи

«Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 2018 йил 3 августдаги 01-317-сонли буйруғига кўра «Ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар» факультети таркибида «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ» кафедраси негизида ташкил этилди.

1999 йилда Тошкент ислом университетининг «Ислом ҳуқуқи» кафедраси ташкил топган. Ушбу кафедра негизида 2013 йилда «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ» кафедраси ташкил этилган.

«Ислом ҳуқуқи» ва «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ» кафедрасида Ўзбекистоннинг таниқли олимлари: ю.ф.д., профессорлар А.Жузжоний, А.Саидов, Ж.Тошқулов, М.Раджабова, Қ.Абдурасулова, М.Аҳмадшаева, Ф.Мухитдинова, М.Усмонова, С.Ҳамраев, А.Нигматов, ю.ф.н., доцентлар: О.Каримова, А.Тохтахунов, Л.Исҳоқова, Х.Мухаммедов, Ҳ.Туйчиева, Ш.Авазова, З.Бегматова, Н.Юсуповалар фаолият олиб борганлар.

«Ислом ҳуқуқи» кафедрасига раҳбарлик қилган кафедра мудирлари:

1999–2008 йилларда – ю.ф.д., профессор А.Жузжоний

2008–2010 йилларда – ю.ф.н., доцент Ҳ.Туйчиева

2011–2015 йилларда – ю.ф.д., профессор Ж.Тошқулов

2016 йилдан бугунги кунгача ю.ф.н., доцент Ҳ.Туйчиева раҳбарлик қилиб келмоқда.

«Ислом ҳуқуқи» кафедрасида йўналиш ва мутахассислик бўйича бакалавр ва магистрлар битириб чиққанлар. Улар бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида, давлат бошқарув органларида, олий таълим муассасаларида, маҳаллий ҳокимият органларида ҳамда давлатнинг вакиллик органларида раҳбар ва мутахассис сифатида фаолият олиб бормоқдалар.

«Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ» таълим йўналишини 2017, 2018-йилларда 48 та бакалавр битирган. Ушбу йўналиш битирувчилари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ва бошқа органларда фаолият олиб бормоқдалар.

### Кафедранинг бугунги кундаги фаолияти

«Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси бугунги кунда ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини ошириш, уларни ёт ғоявий ва мафкуравий хуружлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашга қаратилган фаолиятни амалга оширмоқда.

Ёшларни турли хил таҳдидларга қарши тура оладиган билимдон, зукко, рақобатбардош бўлишларига эришиш мақсадида кафедра ўқув, услубий, илмий ва «Устоз-шогирд» ишларини ташкил этади.

Кафедранинг ўқув ишлари ДТС ва малака талаблари, ўқув режасида белгиланган меъёрлар асосида ташкил этилган. Унинг услубий ишлари замонавий педагогик технологиялар, интерфаол усулларда талабаларга билим беришга қаратилган.

Кафедранинг илмий йўналиши ҳозирги даврда давлат ва жамият бошқарувида жамиятнинг моҳиятини, тузилишини, қонуниятларини билиш, уларга таянган ҳолда ташкил этиш, ўзаро мувофиқлаштириш, жамиятни янгилаш, унда оила ва маҳалланинг тутган ўрни, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, жамиятни модернизация ва ислоҳ қилиш, жамоатчилик билан алоқалар сингари масалалар билан боғлиқ муаммоларни илмий-назарий тадқиқ этишдан иборат. Шунингдек, демократик жамиятда ижтимоий-гуманитар фанлар интеграцияси асосида ёшларни сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол инсон қилиб тарбиялашни илмий-назарий тадқиқ этиш масалаларини ҳам ўз ичига олади.

Кафедранинг «Устоз-шогирд» ишлари талабалар билан маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирлар ташкил этиш асосида мустақил фикрловчи, билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашга қаратилган.

Кафедрада 3 нафар фан доктори, 10 нафар фан номзоди, 3 нафар катта ўқитувчи, 1 нафар ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Кафедра мудири – Туйчиева Ҳамида Набиевна, юридик фанлар номзоди, доцент, кафедра профессорлари: т.ф.д., проф. Агзамходжаев Саидакбар Саидович, т.ф.д. Аширов Адҳам Азимбоевич, кафедра доцентлари: Қаҳҳарова Матлуба Мафавна, ю.ф.н. Юсупова Нигора Жалолидин кизи, с.ф.н. Акмалов Шоислом Икромович, ф.ф.н. Валиев Батир Насирович, ф.ф.н. Мухаммадиева Ойниса Мустафакуловна, Бозоров Дилмурод Мирзарасулович, Абдуназаров Ўктам Кобилжонович, кафедра катта ўқитувчилари: Ташанов Абдухалиқ Дайнович, Нурходжаев Анвар Кораходжаевич, Собиров Нуриддин Тошпўлатович, Сулейманова Альфия Кариновна, Рашидов Фируз, Бозорова Феруза, Султонов Аслиддин Фазлиддинович, Хикматов Фатхулла Хабибуллаевич, Мансуров Абдулла Сайфуллаевич, кафедра ўқитувчилари: Шакаров Ўктам Бердибоевич, Мамазова Зарифа Курбановна.

#### Кафедрада ўқитиладиган фанлар:

1. Илмий-тадқиқот методологияси
2. Ўзбекистон тарихи
3. Фалсафа
4. Жисмоний тарбия ва спорт
5. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги
6. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси
7. Фуқаролик жамияти
8. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти
9. Дин фалсафаси
10. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш
11. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар
12. Маъмурий ҳуқуқ
13. Меҳнат ҳуқуқи
14. Миллий тараққиётнинг ғоявий асослари
15. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси
16. Ижтимоий фалсафа
17. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари
18. Маънавият асослари
19. Этномаданият
20. Жаҳон сиёсий, мафкуравий таълимотлар тарихи

21. Ҳуқуқий тарбия назарияси ва амалиёти
22. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш технологияси ва лойиҳалаштириш
23. Таълим тизимини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари
24. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси
25. Тадбиркорлик ҳуқуқи
26. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбия
27. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи каби умум-касбий ва ихтисослик фанлари ўқитилмоқда.

#### «МУМТОЗ ШАРҚ АДАБИЁТИ ВА МАНБАШУНОСЛИК» КАФЕДРАСИ

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Мумтоз шарқ филологияси» факультети таркибида бўлган «Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослик» кафедраси филология ва тилларни ўқитиш, Шарқ мумтоз тиллари: араб, форс ва турк тилларини ўргатиш бўйича фаолият олиб боради.

Таълим йўналишининг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқув режасида Шарқ тиллари, Шарқ мумтоз адабиёти ва адабий манбашуносликка, шунингдек, мутахассис тайёрлаш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ мумтоз матнлар билан ишлашга эътибор кучайтирилган.

Таълим йўналишида араб тили билан ёнма-ён форс ва эски ўзбек тили ҳам ўқитилади. Ўқув режасида бу уч тилга бирдай эътибор қаратилгани бежиз эмас. Илк ва ўрта асрлардан ҳозирги кунимизгача сақланиб қолган ёзма мероснинг катта қисми ана шу тилларда. Академиянинг битирувчилари ҳам ана шу ёзма манбалар бўйича етук малакага эга бўладилар. Мумтоз араб адабиёти тарихи ва адабиётшунослиги, Шарқ адабиётидаги жанрлар типологиясига урғу қаратилади.

Магистратура мутахассислиги бакалаврлик таълим негизига таянган бўлиб, унда олинган билимлар илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштирилади. Бунинг билан олий таълим тизимидаги, мутахассис тайёрлашдаги узвийлик таъминланади.

Магистратура дарсларининг катта бир қисми араб, форс ва эски туркий тиллардаги қўлёзма манбаларни ўқиб ўрганиш, уларни филологик жиҳатдан таҳлил қилиш, матн ва унинг мазмуний интерпретациясига бағишланган.

Академияда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашга ҳам катта эътибор қа-

ратилмоқда. Академия қошида Шарқ мумтоз филологияси йўналиши бўйича таянч докторантура очилди. Бундан ташқари, мустақил изланувчилар таркиби ҳам шакллантирилди. Бу соҳага, айниқса, кенг фикрли, билимли, араб тилини чуқур эгаллаган ёшларнинг кириб келаётгани қувонарли ҳол.

Кафедрада бакалавр босқичида «Асосий шарқ тили», «Хорижий тил», «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Тилшунослик», «Адабиётшунослик», «Мутахассисликка кириш», «Мумтоз матн стилистикаси», «Палеография», «Араб ва форс бадий матнларининг лингвистик таҳлили», «Тарихий лексикография», «Араб ва форс мумтоз адабиёти», «Навоийшунослик», «Тил ва адабиёт ўқитиш методикаси», «Нутқ маданияти», «Илмий иш асослари» (аннотация, рефератлаш, интерпретация), «Эски туркий ёзувлар», «Аруз илми», «Амалий таржимашунослик», «Қўлёзма ўқиш амалиёти», «Каллиграфия» йўналишларида таълим берилса, магистратура босқичида «Мутахассисликнинг назарий масалалари», «Ёзма ёдгорликлар тили», «Шарқ мумтоз адабиётшунослиги», «Илк ўрта асрлар шарқ тилларининг назарий асослари», «Мумтоз бадий матн стилистикаси», «Шарқ матншунослиги», «Ислом манбашунослигининг илмий-назарий асослари», «Шарқ тилининг назарий грамматикаси», «Шарқ мумтоз поэтикаси», «Илмий иш яратиш йўллари», «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» йўналишларида таълим берилади.

Кафедрада фаолият юритувчи ўн олти нафар педагог ходимлардан беш нафари фан доктори, профессор, тўрт нафари фан номзоди, доцент.

Кафедра мудири – Насирова Малика Анваровна, филология фанлари номзоди, доцент. Дарслик, ўқув қўлланма, монография (умумий сони 10 та) ва 70 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

### «ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ

«Шарқ филологияси» кафедраси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон Фармони ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги «Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 466-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон халқаро ис-

лом академияси ректорининг 2018 йил 3 августдаги 01-317-сон буйруғи билан «Мумтоз шарқ филологияси» факультети таркибида ташкил этилган.

Кафедра мудири – тарих фанлари номзоди, доцент Зухра Арипова.

Кафедрада фил.ф.н., доцент Абдулхай Абдуллаев, т.ф.н. Розия Матибаева, т.ф.н. Зулфия Шокирова, т.ф.н. Ю.Исмоилова, п.ф.н. Илём Мирзиётов, катта ўқитувчилар: Бахтиёр Ибрагимов, Омон Мусаев, Шухрат Исмоилов, Агзам Маъмуров, Юсупжон Содиқов, Нигора Мулласодиқова, Акбар Казакбаев, Баҳодир Пирмухамедов, ўқитувчилар: Санжар Дўсмаев, Ҳожиакбар Нуриддинов, Ҳусайн Хидралиев, Азиз Исомутдинов, Ёрқинжон Шукуров, Баҳром Даминов, Баҳромхўжа Махамадходжаев, стажер-ўқитувчилар: Машҳура Қодирова, Абдурашид Асқаров, Абдуманноп Исматуллаев фаолият олиб борадилар. Шунингдек, Миср Араб Республикаси Қоҳира университети доктори Убайд Муҳаммад Абдужаввал ҳам талабаларга билим бериб келмоқда.

Кафедрада «Араб тили», «Шарқ тиллари (араб)», «Асосий чет тили (араб)», «Иккинчи чет тили (араб)», «Мутахассисликка кириш», «Тилнинг ривожланиш тарихи» каби фанлардан таълим берилади.

Охириги ўқув йилларида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан «Араб тили», «Араб тили дарслиги» номли дарслик, «Ўзбекистон – Ўмон султонлиги: ўзаро яқинлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик» (араб ва ўзбек тилларида), «Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари: ўзаро яқинлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик» (араб ва ўзбек тилларида) китоблари, «Низомий ва Қутб «Хусрав ва Ширин» дostonларининг қиёсий таҳлили», «Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарининг лексикаси», «XIII асрнинг биринчи ярми XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек ёзма ёдгорликлари лексикаси» монографиялари, «Илк ислом давридаги исмлар ва тушунчалар қисқача изоҳли луғати», «Арабча-ўзбекча чўнтак тилмочи», «Араб тилидан ўқув луғати», «100 дан ортиқ мавзуда арабча сўзлашув китоби», «Маънавий луғати», «Араб тилидан бошланғич курслар учун фонетик диктант тўплами», «Информатика ва ахборот технологиялари йўналиши талабаларига ўқув-услубий қўлланма», «Араб тилидан классик матнлар», «Араб тили. Уни яхши ўрганмоқчи бўлсангиз» ўқув-услубий қўлланмалари, «Жаҳолат хуружи», «Ахлоқий ҳикоялар», «Илк ислом тарихи (570–661)нинг

замонавий талқини» рисоалари, «Ўзбек миллий таомлари» (араб тилида), «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» (араб тилида), «Буюк алломаларимиз», «Форс тилида матнлар тўплами», «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Ўзбек тили (рус гуруҳлари учун)», «Иқтисодий матнлар тўплами», «Наҳвда 100 та омил», «Исламское богословие», «Психология йўналиши талабаларига араб тилини ўқитиш бўйича ўқув қўлланма», «Форс тили», «Шарқ тиллари» (араб), «Араб тили», «Кичик синфлар учун араб тили» ўқув қўлланмалари нашр этилди.

Кафедра катта ўқитувчиси Б.Ибрагимов, И.Охунов, М.Хўжаевлар томонидан нашр этилган «Араб тили дарслиги» «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танловининг ғолиби бўлган, Олий ва ўрта махсус, халқ таълими вазирликлари ҳамда «Истеъдод» жамғармасининг 1-даражали дипломи билан ҳамда катта ўқитувчи Б.Ибрагимовнинг «Ўзбекистон ва Ўмон султонлиги» ўқув қўлланмаси «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танловининг 3-даражали дипломи билан тақдирланган.

Кафедра аъзолари мунтазам равишда турли мавзуларда илмий изланишлар олиб бордилар, жумладан, ўтган йиллар давомида кафедра аъзоларидан Э.Талабов «Араб шеъриятида аруз тизими» мавзусидаги докторлик диссертацияси, З.Арипова «Миср мамлук султонлиги ва унда ислом динининг тутган ўрни», И.Мирзиётов «Бошланғич синф ўқувчиларида соғлом эътиқодни шакллантириш», А.Бойназарова «Ислом фалсафасида дунёвий ва диний илмлар уйғунлиги», Р.Матибаева «Манақиб Абу Ҳанифа – ҳанафийлик мазҳабидаги нодир манба», З.Шокирова «Илк исломда сулҳпарварлик тамойилларининг тарихий-қийосий таҳлили», К.Комилов «Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари» мавзуларидаги номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди.

Кафедра катта ўқитувчиси Б.Ибрагимов «Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги» кўкрак нишони, 2011 йилда «Дўстлик» ордени, т.ф.н. Р.Матибаева 2011 йилда «Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги» кўкрак нишони, 2016 йилда «Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланишган. 2016 йилда кафедра катта ўқитувчиси, т.ф.н. Р.Матибаева «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти» кўрик-танловининг Респуб-

лика босқичи ғолиби бўлиб, 1-даражали диплом билан мукофотланди. Кафедранинг бир неча профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланишган.

Кафедра профессор-ўқитувчилари Миср Араб Республикасида ҳамда республикамизда мунтазам равишда малакаларини ошириб келмоқдалар. Кафедра Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент ислом институти, араб давлатларидаги олий ўқув юртлари билан ўқув-услубий ишларда ўзаро ҳамкорлик қилади. Кафедра Миср, Кувейт, Саудия Арабистони, БАА, Эрон каби давлатларнинг ваколатхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

### «ДИН ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИКА» КАФЕДРАСИ

«Дин психологияси ва педагогика» кафедраси ОЎМТВ ҳайъатининг 2011 йил 14 майдаги 3/2-сонли қарорига биноан, Университет илмий кенгашининг 2011 йил 29 ноябрдаги қарори (4-сонли баённома)сига мувофиқ ташкил этилган. 2018 йил апрель ойида Тошкент ислом университети негизда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Шу муносабат билан «Психология ва фалсафий фанлар» кафедраси «Дин психологияси ва педагогика» кафедрасига ўзгартирилди.

«Дин психологияси ва педагогика» кафедрасида **5210200** – Психология (дин социопсихологияси) таълим йўналиши бўйича замонавий бакалавр мутахассислар тайёрланади. Талабаларга дарс беришда намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида кафедранинг ишчи ўқув режаси ва барча фанлар бўйича ишчи ўқув дастурлари кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан жорий йилдан ишлаб чиқилди. Ишчи ўқув режа ва ишчи дастурларни тайёрлашда академиянинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинган. 21 фандан ўқув услубий мажмуалар тайёрланган ва улар кафедра мутахассислари муҳокамасидан ўтказилган. Талабаларда давлат таълим стандартлари талаблари асосида белгиланган билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишига эътибор қаратилади. Бу борада Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ломоносов номидаги Москва Давлат Университетининг Тошкент филиали билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу ҳамкорлик илмий изланишлар натижаларини конференция ва

семинарларда муҳокама қилиш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмаларни ҳамкорликда яратиш, кафедра педагогларининг малакасини ошириш масалаларига йўналтирилган.

Кафедра фаолиятининг устувор йўналиши Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги мавжуд кафедралар билан ахборот алмашувини ташкил этиш; мутахассисликка оид фанлар бўйича электрон дарсликлар ҳамда ўқув услубий мажмуалар яратиш; ўқув машғулотларини янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш асосида ташкил этиш; интернет технологиялари бўйича малакаларини ошириш; талабаларни мақсадли йўналтириш; иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни кафедра томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш; кафедра профессор-ўқитувчилари салоҳиятини ошириш; Психология фани бўйича Республика ва халқаро анжуманларда, нафақат профессор-ўқитувчилар, балки иқтидорли талабалар иштирокини таъминлаш; ҳар бир педагогнинг интерфаол методлар асосида очиқ дарслар ўтказишини ташкил қилиш; кафедрада ўқитиладиган барча фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуаларнинг маълумотлар базасини яратиш; академияда ўқитиладиган барча фанларни ялпи тест синовиға ўтказиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш кабиларга йўналтирилган. Кафедра фаолиятини такомиллаштиришнинг 2018–2022 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган.

Кафедрада профессор-ўқитувчилар ва ходимлар 16 кишидан иборат. Шулардан 2 та профессор, 3 та доцент, 1 та катта ўқитувчи, 1 та ўқитувчи ва 4 та стажёр-ўқитувчиларни ташкил этади.

Кафедра мудири: Мирқосимова Марғуба Мирқобиловна 31.01.1960 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Педагогика фанлари доктори, профессор.

Умаров Баҳриддин Менгбоевич 18.08.1961 йил Сурхондарё вилояти, Денов туманида туғилган. Психология фанлари доктори, профессор.

Кабинет мудири: Алимова Умида Рахматиллаевна 28.04.1990 йил Тошкент шаҳрида туғилган.

«Дин психологияси ва педагогика» кафедрасида бакалавр ва магистр талабалар учун қирқдан зиёд фанлар ўқитилади.

**Бакалаврлар учун:** «Умумий психология», «Умумий педагогика», «Педагогика ва психология», «Экспериментал психология ва практикum», «Психологик тадқиқотларда натижаларни қайта ишлашнинг методлари ва технологияси», «Умумий

психодиагностика», «Ёш даврлар ва ривожланиш психологияси», «Психология методологияси», «Социал психология», «Консультатив психология ва психокоррекция», «Ёш физиологияси ва гигиена», «Юридик психология».

**Магистрлар учун:** «Илмий тадқиқот методологияси», «Дин психологияси феноменлари», «Экстремал вазиятлар психологияси», «XXI аср психологияси», «Тасаввуф ва психология», «Тестология», «Суицидология», «Психологик хавфсизлик асослари», «Пенитенциар психология», «Махсус фанларни ўқитиш методикаси».

### «ЧЕТ ТИЛЛАРИ» КАФЕДРАСИ

«Чет тиллари» кафедраси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон халқаро ислом академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармониға биноан ташкил этилган Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Мумтоз шарқ филологияси» факультети таркибига киради.

**Кафедранинг мақсад ва вазифалари.** Ўзбекистонни юксак ривожланган демократик мамлакатлар даражасида илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш билан таъминлай оладиган, юксак маънавий, маданий ва ахлоқий фазилатларға эға бўлган юқори малакали рақобатбардош кадрлар етиштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасиға қўйиладиган талаблар» тўғрисидаги 124-сонли қарорлари ҳамда Европа Кенгашининг «Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш» тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) республикамиз таълим соҳасиға жорий қилинди. Ушбу қарор ва меъёрларнинг ижроси кафедранинғ асосий мақсад ва вазифаларига киради. Шунингдек, кафедра талабалар ва бўлажак тадқиқотчи-магистрларға хорижий тилларни самарали ўргатишни ҳамда уларни Ватанға муҳаббат руҳида тарбиялашни мақсад қилган.

«Чет тиллари» кафедрасининг асосий вазифалари:

– давлат таълим стандартларига мувофиқ илгор, замонавий таълим ва касб-хунар дастурлари асосида юқори самарали ўқитишни ташкил қилиш ва малакали кадрлар етиштиришни таъминлаш;

– мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши истиқболлари, жамият талабларига биноан фан, техника, илгор технология, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида ўқитишни ташкил қилиш ва унинг услубларини мунтазам такомиллаштириш;

– ёшларни миллий тикланиш мафкураси ва умуминсоний қадриятларни билиш асосида, мустақиллик ғоялари, Ватан, оила, табиатга меҳр ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш;

– таълим, фан ва ишлаб чиқариш бирлашувининг амалий тизимларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш;

– илмий-педагогик кадрлар ва талабаларнинг илмий тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан, техника ва технологияни ривожлантириш;

– чет тиллари таълими соҳасида юксак ривожланган мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш.

**Кафедра таркиби.** Кафедра мудир, катта ўқитувчилар М.Мусамухамедова, Б.Шамсематова, К.Арипова, К.Шаниязов, ўқитувчилар К.Маҳкамова, Ф.Ходжакулова, О.Анорбоев, М.Таджибаева, Б.Тўракулова, Н.Рахмонова инглиз тилидан, З.Газиева, В.Мякота, С.Джалолова ва Л.Фёдоровалар рус тилидан дарс берадилар. Кабинет мудираси М.Тилавова кафедра фаолиятига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Кафедра фаолияти ва изланишлар.** Кафедра ўқитувчилари академиянинг барча факультетлари талабаларига инглиз ва рус тилларидан дарс берадилар. Мазкур тилларда исломшунослик ва диншуносликка оид илмий манбаларни тадқиқ қилишга тайёрлаш, мамлакатлараро мулоқот жараёнига ҳисса қўшиш, илмий-маънавий алмашинув самардорлигини ошириш кафедра фаолиятининг асосий мазмунини ташкил қилади.

Кафедра аъзолари томонидан тайёрланган куйидаги илмий-услубий ишлар нашрдан чиқарилган: инглизча-ўзбекча луғат, «English for beginners» («Бошланғичлар учун инглиз тили»), «Our Ancestors» («Бизнинг аجدодларимиз»), «English for lucky learners» («Зукколар учун инглиз тили»)

қўлланмаси, «101 ҳадис» услубий қўлланмаси, «Инглизча-ўзбекча диний-ижтимоий истелоҳлар луғати» нашр қилинган. Аксарияти ёш мутахассислардан иборат бўлган кафедра аъзолари ўзларининг илмий-услубий маҳоратларини муттасил ошириб бормоқдалар.

«Чет тиллари» кафедраси фаолиятининг асослари. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ташкил этилган «Чет тиллари» кафедраси умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими негизидаги узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади.



## ШАЙХ ХОВАНД ТАХУР МАЖМУАСИНИНГ МИНТАҚА ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ

### РОЛЬ МЕМОРИАЛЬНОГО КОМПЛЕКСА ШЕЙХ ХОВАНД ТАХУРА В ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЕ РЕГИОНА

#### THE ROLE OF THE MEMORIAL COMPLEX OF SHEIKH NOVAND TAHUR IN ISLAMIC CULTURE OF THE REGION

**Калит сўзлар:** шайх, Умар Валий, Хованд Тахур, Боғистон, Шош, Тошкент, ислом маданияти, сўфи, мулла, муслмон, комил инсон, зиёратгоҳ, мақбара, масжид.

**Ключевые слова:** Шейх, Умар Вали, Хованд Тахур, Бағистан, Шаши, Ташкент, исламская культура, суфи, мулла, мусульманин, совершенная личность, мемориальный комплекс, мавзолей, мечеть.

**Key words:** Sheikh, Umar Vali, Novand Tahur, Bagistan, Shash, Tashkent, Islamic culture, Sufi, mullah, Muslim, perfect person, memorial complex, mausoleum, mosque.

Тошкент қадимдан илм-фан, маданият марказларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳудудда ўрта асрларда турли фан соҳалари бўйича фаолият юритган юздан ортиқ алломалар номи аниқланган. Шунингдек, Тошкент музофотида кўплаб зиёратгоҳлар ва тарихий ёдгорликлар ҳам жойлашган. Хусусан, Тошкентда Шайх Хованд Тахур, Занги ота, Хожа Аъламбардор, Юнусхон мақбаралари ҳамда Мўйи Муборак, Бароқхон, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари, шунингдек, Тилла Шайх, Намозгоҳ, Хожа Аҳрор Валий, Шайх Зайниддин номлари билан боғлиқ ислом маданиятининг кўплаб тарихий обидалари мавжуд.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри тўрт даҳага бўлинган. Манбаларда қайд этилишича, шимолий даҳа – Қафқол Шоший, жанубийси – Зангиота, шарқийси – Шайхонтахур ва ғарбийси – Шайх Зайниддин номлари билан эътироф этилган. Бироқ шаҳар аҳли ўртасида эса улар Себзор, Бешёғоч, Шайхонтахур ва Кўкча деб юритилган.

Тошкентнинг энг катта даҳаларидан бири Шайх Хованд Тахур (ҳозирда Тошкентдаги туманлардан бири Шайхонтахур дейилади) номи билан

аталади ва унинг мақбараси муқаддас зиёратгоҳга айланган. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси XIV асрда яшаган мутасаввиф олим Шайх Хованд Тахур номи билан боғлиқ. Шайх Хованд Тахур XIII аср охирида (тахминан 1280–1290 йиллар) ҳозирги Тошкент вилояти Бўстонлик туманининг Боғистон қишлоғида ўз даврининг тасаввуф илми пешволаридан бири саналган Шайх Умар Боғистоний хонадонидан таваллуд топган. Онаси томонидан бобоси мавлоно Тожиддин Дарғамий ҳам кўзга кўринган дин пешволаридан эди.

Боғистон қишлоғи «боғлар ўлкаси» деб аталиб, у Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Нанай ва Бурчмулла қишлоқлари оралиғида жойлашган. Бу ерда Боғистон Умар Валий мажмуаси ёки Мозори Шахмар бува зиёратгоҳи бўлиб, у Мозорсой ва Пском дарёлари кесишган жойда, қишлоқнинг ғарбий қисмида жойлашган [7: 89].

Тасаввуф аҳллари орасида Тошкент вилоятининг Боғистон қишлоғида туғилган Шайх Умар Боғистоний ҳам бор. У ўз даврининг йирик олими ва шайхи эди. Шайх Умар Боғистонийнинг туғилган йили номаълум, вафоти эса 691/1291 йилда юз берган [8: 270 – 272; 3: 5].

Шайх Умар Боғистоний илм ўрганиш ниятида Бухорога келади ва бу ерда Шайх Ҳасан Булғорий билан учрашиб, унга мурид бўлади. Шайх Умар Боғистоний уч йиллик хизмат ичида Ҳасан Булғоридан таълим олади ва касбу камолот ҳосил қилади. У Шайх Ҳасан Булғорий қўлида валоят даражасини топгани туфайли ўз пири каби Шайх номига мушарраф бўлган [3: 6].

Шайх Умар Боғистоний тасаввуфда камолга етгандан кейин ватани Боғистонга қайтиб келади ва халқни тўғри йўлга, илму ирфонга тарғиб қила бошлайди.

У Шайх Хованд Тахурнинг отаси. Шайх Хованд Тахур тариқат илмининг илк сабоқларини ўз отасидан олган. Шайх Умар Боғистонийнинг насабномасига қараганда, ўн олти ота-бобо билан пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин чаҳорёрларнинг иккинчиси – Ҳазрат Умар ибн Хаттобга бориб туташади.

Бу ҳақда Мавлоно Муҳаммад Қозининг «Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин» асарида ҳам таъкидланган: «Бизнинг Ҳазрати Хожамиз (Хожа Аҳрор)нинг оналари Хожа Довуднинг қизлари бўлган. У Шайх Хованди Тахурнинг ўғиллари бўлган. У зот эса Ҳазрати Шайх Умар Боғистонийнинг фарзанди. Улар эса ўн олти восита ила Абдуллоҳ ибн Умар разияллоху анҳумага етишадилар. Хожа До-

Мақолада Шайх Хованд Тахур (XIV аср) ҳаёти ва фаолияти ўрта аср қўлёзма манбалари асосида тадқиқ этилган. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуасидаги мақбара, масжид каби турли маданий иншоотларнинг қисқача тарихи баён этилган. Муҳими, Шайх Хованд Тахур мажмуасининг минтақа ислом маданиятида ўзига хос ўрин тутиши манбалар ёрдамида таҳлил қилинган.

В статье на основе рукописных источников изучены деятельность Шейх Хованд Тахура (XIV век). Кроме того, предлагается информация об истории мечети, мавзолея и других культурных сооружений Мемориального комплекса Шейх Хованд Тахура. А также исследован роль мемориального комплекса Шейх Хованд Тахура в исламской культуре Центральной Азии.

In this article, based on medieval sources studied activity of well-known representatives of Sufism Sheikh Hovand Tahur (XIV). In addition, given information on the history of the mosque, mausoleum and other cultural buildings of the Sheikh Hovand Tahur Memorial Complex. Also investigated the role of the memorial complex of Sheikh Hovand Tahur in the Islamic culture of Central Asia.

вуднинг оналари эса ота тарафдан саййида (саййидзода) бўлган. Шайх Хованди Тахурнинг оналари ҳам саййидлардан бўлган» [2: 41a].

Шайх Хованд Тахурнинг дунёга келишлари ва исмлари ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Шундай ривоятлардан бирини XVII асрда яшаб ўтган олим Шайх ас-Сиддиқий (ваф. 1087/1676) «Ламаҳот мин нафаҳот ал-қудс» асарида шундай келтиради: «Шайх Зайниддин Кўйиорифон Тошкандий айтганларки, фарзанд талаб бўлганлар бизнинг мазоримизни зиёрат қилиб, шу ерда Яратгандан фарзанд тиласа, албатта ниятига етгусидир».

Шунга биноан Шайх Умар Боғистоний умр йўлошлари билан Шайх Зайниддиннинг мазорларига зиёратга келиб, қабрлари олдида Аллоҳ таолодан фарзанд сўраганлар. Вақт-соати келиб Аллоҳ таолонинг инояти билан улар фарзандли бўлишади. Шайх Умар уни Шайх Зайниддин мазорларига олиб борадилар. У ерда кабутарлар чақалоқни кўриб «ат-тахур, ат-тахур» деб сайрай бошлашади. Шайх Умар бунни туғилган ўғлига башорат деб билади ва чақалоққа «Тахур» дея исм қўяди.

Мазкур тарихий воқеани рус шарқшуноси А.Семенов 1914 ва 1916 йиллари ёзган мақолаларида ҳам таъкидлаган. Шайх Умар чақалоқни Зайниддин мақбарасига олиб келганда, бу ерда юрган бир тўда каптарлар ҳавога кўтарилади ва уларнинг

учиши, овозидан «тахур» сўзи қулоққа чалинади. Шайх Умар ўғлига қўйган Хованд исми ёнига Тахурни ҳам қўшади. Хованд сўзи «худованд» сўзининг қисқартмаси бўлиб, художўй деган маънони англатади. Шайх Хованд Тахур исмидаги калималар: «Хованд — «художўй, ходим»; Тахур — «ниҳоятда пок» дегани бўлиб, «ниҳоятда покиза ходим» ёки «ниҳоятда покиза ҳазрат» маъноларини ҳам англатади.

Ўрта аср тарихчиси Фахриддин Али Сафий Шайх Хованд Тахур ҳақида «...ўз отасининг тарбияти ва иноятининг сояси остида валоят аҳлининг олий даражасига етишиди...» [3: 11] деб ёзган. «Рашаҳот» асарида ёзилишича, Шайх Умар Валий Боғистоний камтарона ҳаёт кечирishi билан одамларга ибрат бўлган. У деҳқончилик ва боғдорчилик ишлари билан шуғулланган ва ўз касб-коридан ҳалол тирикчилик қилган. У катта мулла ёки катта сўфий бўлишни ўзига шараф деб билмаган ва шуҳрат орқасидан қувмаган: оддий, бироқ ҳақиқий инсон бўлишга интиланганки, биз бунни ўғли Хованд Тахурга қилган насиҳатидан кўрамай.

Фахриддин Али Сафий «Рашаҳот» китобида унинг ўз ўғли Хованд Тахурга айтган қуйидаги сўзларини келтиради: «Тахур, мулла бўлма, сўфи бўлма, у бўлма, бу бўлма, мусулмон бўл» [8: 271]. Шайх Умар Валий Боғистонийнинг ушбу сўзлари айниқса, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ушбу насиҳат ўлароқ Шайх Хованд Тахур соҳиб каромат шайхлар орасида юксак мақомга эришган.

Шайх Умар Боғистонийнинг бирор бир асар ёки китоб битганлари ҳақида маълумот йўқ. Лекин у зотнинг ҳикматли сўзлари ёзма ва оғзаки ҳолда сақланиб қолган.

Шайх Хованд Тахур аввал отасидан шариат ва тариқат билимларини ўрганган, мадрасада ўқийди. Кейинроқ билимини чуқурлаштириш мақсадида Аҳмад Яссавий авлодларидан бўлган Тенгиз Шайх олдига Туркистонга боради. Сўнг Шайх Хованд Тахур Бухорога йўл олади. У ерда ўша даврнинг машҳур олимлари билан мулоқотда бўлади ва Хожгон тариқати ҳақида билимларни чуқур эгаллайди. Бухородан Тошкентга қайтиб келиб, бу ерда отаси каби одамларга илму маърифат, дину диёнатни ўргатади. Отаси каби ҳалол меҳнат қилиб деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланади. Ҳозирда Шайх Хованд Тахур мақбараси мавжуд бўлган ҳудудда унинг ўзи бир қанча дарахтлар, набототлар эккани ва у ерларни кўкаламзорлаштиргани, шу билан қадим Тошкентнинг янада обод бўлишига ҳисса қўшгани ривоятларда келтирилади.

Шайх Хованд Тахур камтарона турмуш тарзи билан инсонларга ибрат намунаси бўлиш билан бирга қатор асарлар ҳам яратган. «*Рисола дар масойили шариат ва тариқат*» («Шариат ва тариқат масалалари ҳақидаги рисола»), «*Рисолаи даҳ шарт*» («Ўнта шарт ҳақида рисола»), «*Рисола дар аркони ислом*» («Ислом арконлари ҳақида рисола»), «*Рисола дар одоби тариқат*» («Тариқат одоби ҳақида рисола») каби асарлар унинг қаламига мансуб нодир манбалар ҳисобланади. Уларда ислом арконлари, инсоннинг покланиши ва камолга етиши, шариат ва тариқатнинг ўзаро муносабатлари баён этилган.

Шайх Хованд Тахур ҳақидаги маълумотлар бир неча манбаларда учрайди. Улардан XV ва XVII аср бошларида битилган Сайид Абдулаввалнинг «*Масмуот*» («Эшитилганлар»), Муҳаммад Қозининг «*Силсилат ул-орифин*» («Орифлар силсиласи»), Али Сафийнинг «*Рашаҳот айнил-ҳаёт*» («Ҳаёт чашмасининг қатралари»), Шайх Сиддиқийнинг «*Ламаҳот мин нафаҳотил-қудс*» («Табаррук шабадалардан лаҳзалар»). Булардан ташқари XIX асрда номаълум муаллифнинг икки бетдан иборат рисоласи ҳамда Муҳаммаджон Ўразаевнинг «*Ҳазрати Шайх Хованд Тахур*» номли бир бетли ўзбек тилидаги маълумотлари ҳам мавжуд. 1915 йилда эса, А.А.Семенов «*Тошкентлик Шайх Хованд Тахур ва унга нисбат бериладиган кулоҳ*» номли мақолани ҳам нашр эттирган.

XX асрнинг ўрталарида академик М.Е.Массон «*Шайх Хованд Тахур*» ёдгорлик мажмуасида тадқиқотлар олиб борган ва ўзининг китобида Шайх Хованд Тахур ва шу ном билан аталувчи ёдгорлик мажмуаси ҳақида маълумотлар берган. Ўзбек архитектори Абдужаббор Яҳёев ҳам мажмуадаги ёдгорлик биноларини ўрганиб мақолалар ёзган.

XIX асрда Тошкент шаҳрининг тўрт даҳасидан бири бўлган Шайхонтахур жанубдан Бешёғоч, ғарбдан Кўкча, шимолдан Себзор билан чегараланган. Бу тўртала даҳа ҳам мингбошилар ёрдамида бошқарилган. XIX аср ўрталарида Шайхонтахурда учта дарвоза (Кўймас, Кўқон, Қашғар), 48 та маҳалла, 70 та масжид, 3 та мадраса бўлганлиги энциклопедик китобларда айtilган [6: 398].

Шайх Хованд Тахур мақбараси атрофининг ободонлашиб, кенгайиши бевосита Хожа Аҳрор фаолияти йилларига тўғри келади. Муаррих Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Шайх Хованд Тахур мақбарасининг шимол тарафидан суви жуда мазали ариқ оқиб ўтган. Ариқ бўйидаги бир туп

чинор одамлар дам оладиган жой бўлиб, айрим беморлар шу чинор остига келиб, ният қилган ҳолда ариқдан сув ичганлар. Шайх Хованд Тахур қабри атрофи катта қабристон бўлиб, мақбара гумбазининг ғарб томонида, яъни қабристоннинг ўртасида бир неча хоналар ва ичида гумбаздан иборат пишиқ гиштдан қурилган чиллахона бўлган. Мазкур гумбазни Шайх Хованд Тахурнинг набираси Хожа Аҳрор бино қилдириб, унинг ўртасига бир тош лавҳ ўрнатган. Ўша пайтларда Шайх Хованд Тахур мақбарасидан то қабристонгача икки томони сарв дарахтли хиёбон бўлган [4: 174 – 175].

Бу ердаги масжиднинг Хожа Аҳрор тарафидан икки бор таъмирлангани хусусида «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида батафсил ёзилган. Жумладан, муаллиф шаҳардаги Эшонқули додхоҳ мадрасаси қурилиши ҳақида тўхталганда шундай ёзади: «Сигир йилида (1256/1839–1840 йил) Эшонқули додхоҳ (*Эшонқули Додхоҳ – Тошкент ҳокими Лашкар бекларбегининг тўнғич ўғли. Отаси Тошкентда ҳоким бўлиб турган йиллари Туркистонда ҳокимлик қилган. Тошкент шаҳрида Юнусхон мазори яқинида ўз ҳисобидан мадраса қурдирган*) ушбу [Шайхонтахур] даҳасида бир мадраса бино қилдики, унинг жойлашган ўрни олдин бир таноб шаръий келадиган ҳовуз бўлиб, Хожа Аҳрор валий унинг тўрт томонини жоме масжид ва ийдгоҳ қилган эди. Лекин [масжиднинг асл] иморати Шайх Хованд Тахур асрида [бино бўлган] эди. Улардан сўнг Хожа Аҳрор икки марта таъмирлаган. Ҳовузнинг ғарб томони бутунлай хонақоҳ ва унинг олди айвон эди. Ҳовузнинг қолган уч томони эса бутунлай айвон бўлиб, устунлари ва тўсинлари шамшод дарахтидан, устунлари остига эса Ҳазрат Нурота тоғларидан келтирилган мрамртошлар қўйилган эди. Юнусхон подшоҳ [мақбараси] гумбази қулаган зилзилада [1245/1829–1830 йил] жоме масжид ва [унинг] тўрт томонидаги иморатлар ҳам вайрон бўлган эди» [5: 38].

**Эшонқули додхоҳ мадрасаси.** Ушбу мадраса «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида батафсил таъриф ва тавсифланган. Мадраса бинолари тўрт тарафдан бир-бирига қаратиб солинган, ўртада қолган бир таноблик қадимий Лангар ҳовузи Эшонқули додхоҳ буйруғи билан текисланиб, саҳнга айлан-тирилган.

Юнусхон мадрасаси чорбоғида бир таноблик янги ҳовуз барпо қилинган. Лашкар бекларбеги Кайковус ариғига иккита тегирмон қурдириб, уларнинг даромадини шу мадрасага вақф қилган.

Ушбу билим юртининг қурилиши XIX асрнинг 40-йилларида бошланган, лекин ўша пайтда охирига етказилмаган. У кейинчалик 34 ҳужрали қилиб қуриб битказилди. Бу ҳужралар одатда анча тор ва қоронғи бўлиб, мадрасанинг шарқ томонида ўймакор ва нақшинкор эшиклари бўлган. Мадрасага кўплаб дўконлар, тегирмонлар ва бошқалар вақф қилинган сабабли у молиявий жиҳатдан яхши таъминланган эди.

Мазкур билим юртидан 1884 йилда рус-тузем мактаби, шўролар даврида киностудия сифатида фойдаланилган ва 1924 йилда умуман ёпиб қўйилган. 1964 йилга келиб, қаровсиз қолган мадраса бутунлай бузиб ташланган. Дарвоза ҳам зилзиладан қаттиқ шикастлангач, шаҳарни қайта қуриш ва кўчани кенгайтириш пайтида бузилган [1: 19].

**Қалдирғочбий мақбараси.** Қалдирғочбий мақбараси Тошкент шаҳридаги Шайхонтохур зиёратгоҳи таркибидаги тарихий-меъморий обидадир. Қалдирғочбий мақбарасига дафн этилган шахс ва обиданинг бунёд этилиши ҳақида турли маълумотлар мавжуд. Бу ерда олиб борилган ўрганишлар мақбаранинг XV асрда қурилганини кўрсатади.

Мақбара катта яхлит хонадан иборат. Гумбази чодирсимон (пирамидасимон) шаклда бўлиб, меъморий услубига кўра обидадан ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Қалдирғочбий шахсияти ҳақида муаллифлар бир қанча маълумотларни бериб ўтганлар. Муҳаммад Солиххўжанинг маълумотига кўра, у машҳур Дашти-қипчоқ шахзодаси Қалдирғочбий бўлиб, мутасаввиф олим Шайх Умар Боғистонийнинг издош (мурид)ларидан бири бўлган. Қалдирғочбий умрини тоату ибодатда ўтказган. Шайх Умар авлодларига ихлоси баландлиги сабабли ўзини Шайх Хованд Тахур ёнига дафн этилишини васият қилади. Шу тарзда мажмуа ҳудудида Қалдирғочбий ёдгорлиги вужудга келади.

Маълумотларга кўра, Қалдирғочбий Сирдарё ортида яшовчи Жета қабиласига мансуб Қалдирғоч лақабли аслзода киши. Халқ ривоятига қараганда, у мақбара ҳудудида ўзига чодир қурдирган. Орадан бир оз вақт ўтгач, қалдирғочлар чодир устига ин қуради. Ушбу аслзода қалдирғоч болаларини учирма қилмагунича чодирни буздирмай, сақлаб қолади. Қалдирғочларга кўрсатган меҳри учун ҳам шу ном билан машҳур бўлган дейилади. Ушбу ривоятларга асосан, одамлар мақбарани «Қалдирғочбой» ва «Қалдирғочбий» номлари билан атаб келганлар.

Тадқиқотчилар Қалдирғочбий шахсини Толеби (1663–1756) номи билан атаб, уни Жамбул вилоятида туғилган уйсун улусига мансуб бийлардан эканини таъкидлайдилар. Толебининг машҳур бўлишига сабаб қозоқ халқини қўшни халқлардан ўртак олиб ерни ўзлаштиришга, кўчманчи ҳаёт ўрнига ўтроқ умр кечиришга даъват этгани бўлди.

Қалдирғочбий мақбараси илк бор 1912 йилда таъмирланган. Мақбаранинг ташқи гумбази, унинг остидаги думалоқ қисми қайта қурилган.

Шўролар даврида мақбара турли мақсадларда фойдаланилган. Дастлаб устахона, кейинчалик, омборхона бўлган. Мустақиллик йилларида эса мақбара қайта таъмирланиб, сўлим зиёратгоҳга айлантирилди.

**Аврат масжиди.** Шайх Хованд Тахур мақбараси билан Қалдирғочбий мақбараси ўртасида «Аврат» масжиди бўлиб, у 1873 йилда қурилган эди. Унинг қурилиши 1908–1910 йиллар мобайнида наманганлик Ҳожимат эшон томонидан ниҳоясига етказилади, айвон қурилади ва масжид иккала мақбарага етиб турадиган даражада қилиб битказилади. Масжид 1966 йилги зилзилада қаттиқ шикастлангач, бузиб ташланган.

Масжиднинг ҳовлисида, шарқ томонда катта бўлмаган минора ҳам бўлган. Ҳожимат эшоннинг ўзи ҳам шу ерда дафн қилинган. У ўзини Қалдирғочбий авлодидан ҳисоблаган [1: 23].

**Шайх Хованд Тахур мақбараси.** Шайх Хованд Тахур милодий 1355 йилда вафот этган ва Тошкент шаҳрида дафн қилинган. Унинг қабри устига XV аср бошларида Хожа Аҳрор Валий томонидан мақбара қурилган.

Шайх Хованд Тахур мақбараси икки хонадан иборат. Биринчи хонада Шайх Хованд Тахурнинг қабри жойлашган. Бу қабр усти шўролар инқилобига қадар қабрпўшлар билан ёпиб қўйилар эди. Қабрнинг олд томонида сарв дарахти бўлиб, ҳозирги кунда у қуриб қолган. Хожа Аҳрор Валий томонидан қурдирилган мақбара ёмон ҳолга келиб, бузилиб кетгач, XVI асрда олдинги пойдевор устига қайта мақбара қурилади.

Иккинчи хилхонада ўзларини Шайх Хованд Тахур авлодидан ҳисоблаган XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент ҳокимлари бўлган Юнусхўжа ва унинг ўғли Султонхўжаларнинг қабрлари мавжуд.

1910–1912 йилларда мақбара наманганлик Ҳожимат эшон маблағи эвазига қайта таъмирланган, гумбази темир билан қопланган.

Мазкур мақбара масжид, мадраса, чиллахона, қабристондан иборат бўлган ва зилзилалар натижасида бузилиб кетган ёдгорлик мажмуасининг бир қисми ҳисобланади. Юртимиз мустақилликка эришгач, 1996 ва 2009 йилда мақбара қайта таъмирланган.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳри Шайхонтохур туманида жойлашган Шайх Хованд Тахур мақбараси муқаддас зиёратгоҳга айланган. Ушбу ёдгорлик мажмуаси асрлар давомида Марказий Осиёдан ташриф буюрувчи зиёратчилар билан гавжумдир. Зеро, ушбу минтақа аҳолиси доимий равишда зиёрат учун борадиган муқаддас қадамжолар руҳий покланиш ҳамда маънавий юксалиш масканлари ҳисобланади.

Улуғ аллома-ю авлиёларнинг қадамжоларига бориб, уларни зиёрат қилиш ва шундай азиз масканда тоат-ибодат қилиб, улар орқали Яратгандан ўз ниятларини қай ҳолатда сўраш қоидалари омма орасида кенг тарқалган. Қолаверса, қуйидаги ҳадиси шарифда ҳам қабрларни зиёрат қилиш таъкидланган: «Қабристонларни зиёрат қилиб туринглар, зеро, у охиратни эслатади. Охиратни эслаш эса кишини ёвузликдан узоқлаштириб, эзгуликка яқинлаштиради».

Қадамжо ва зиёратгоҳларга бориш, уларни эъзозлаш диний қадриятлардан бири бўлиб, аҳолини ахлоқий ва маънавий фазилатлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилади. Шунинг учун ҳам зиёратгоҳлар халқимиз томонидан ҳаминша қадрлаб келинади.

Тошкент шаҳридаги Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси ва бу ердаги осори атиқалар халқимиз тарихи, руҳий оламнинг бойлиги, ниҳоят, минтақа ислом маданиятида ўзига хос ўрин эгаллашидан далолат беради.

Бугунги кунда Шайхонтохур мажмуаси ҳудудида Ўзбекистон халқаро ислом академияси жойлашган. Талабалар бу ерда ҳам назарий, ҳам амалий билимларини бойитиб бориши учун имкониятлар мавжуд.

#### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Исломов З., Мақсудов Д. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015.
2. Мавлоно Муҳаммад Қози. «Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин». ЎЗР ФА

Шарқшунослик институти Қўлэмалар фонди. Қўлэзма № 6114.

3. Маҳмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева. Шайх Хованди Тахур. – Т.:2004.

4. Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. – Т.: «Ўзбекистон», 2007.

5. Султонов Ў. Тошкент масжидлари тарихи. –Т.: «Янги аср авлоди», 2010.

6. Тошкент. Энциклопедия. – Т.:1984.

7. Тошкент атрофлари бўйлаб – По окрестностям Ташкента – Round outskirts of town Tashkent / Составители: В. Артемьев, А.Урманова при участии Н.Нижевской, В. Газиева. – Т.: Ташкентбошпланлити, 2012.

8. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнилҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний ва Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004.

**Ne'matullo MUHAMMEDOV,**  
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi doktoranti,  
tarix fanlari nomzodi, dotsent.



## АРБАИН ЖАНРИ ХУСУСИДА

## О ЖАНРАХ АРБАИН

## ABOUT THE GENRE OF ARBAIN

**Калит сўзлар:** арбаун, ҳадис, ҳадис тўплами, ривоят, адабиёт, муҳаддис.

**Ключевые слова:** арбаун, хадис, сборники хадисов, предание, литература, муҳаддис.

**Key words:** arbaun, hadis, books of hadis, tradition, literature, muhaddis.

Ҳадислар исломнинг иккинчи асосий манбаси ҳисобланади. Ҳадисларни жамлаш, ёзиш, шарҳлаш ишлари билан муҳаддислар шуғулланиб келганлар. Ҳадисга оид китобларнинг тури қирқдан ортиқ бўлиб, уларнинг баъзиларидан фақат олимларгина фойдаланса, оддий кишилар ўқиб тушунадиганлари ҳам бор.

Мана шундай оддий халқ оммасига мўлжалланган тўпламлардан бири «Арбаин» туридир. Арбаин ҳадис китоби «жузъ» (парча, бўлак, қисм) туридаги китоблар туркумига кириб, ҳадис илми истилоҳида, маълум бир кишидан келтирилган ҳадисларни тўплаш мақсадида тартибланган кичик кўламдаги ё бир мавзудаги ёки муайян тартибдаги ҳадисларни ёки бир ҳадиснинг барча ривоят йўллари бир ерга тўплаган бир неча саҳифалик китобчаларга жуз дейилади. Баъзан «ҳадис жузи» ибораси ҳам ишлатилади.

Айнан жузъ бўйича ёзилган асарларга Имом Бухорийнинг (ваф. 256/870 й.) «Жуз ал-қироат халф ал-имом», Хатиб Бағдодийнинг (ваф. 463/1071 й.) «ар-Риҳла фи талаб ал-ҳадис», Марвазийнинг (ваф. 182/798 й.) «Жузъ қиём ал-лайла» асарларини мисол келтириш мумкин. Шунингдек, муайян бир ровийдан ривоят қилинган ҳадисларни жамлаган жузъга Сухайл ибн Абу Солиҳнинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилган 49 ҳадисни ўз ичига олган жузъни ҳамда маълум мавзудаги, масалан, «Руъятуллоҳ» каби ҳадисларни бир жойга тўплаган асарларни намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Муайян тартибдаги ҳадисларни ўз ичига олган жузълардан энг кенг тарқалгани «арбаун» (қирқ) деб аталиб, у ўзида 40 ҳадисни жамлайди. Истилоҳий маънода бу турдаги ҳадис китобларида бир боб ёки турли хил бобларда бир иснод ёки бир неча иснод билан 40 та ҳадис келтирилади. Абу Тоҳир

Силафий (ваф. 576/1180 й.) ўзининг «ал-Арбаин ал-булдонийа» асарида шундай деган: «Ҳадисларни ёзишда, жамлашда ва тартиблашда муҳаддисларнинг мақсадлари турлича бўлган: кимдир тавҳидга, Аллоҳнинг сифатларига ва уни улуғлашга оид, кимдир ҳукмга – ҳалол, ҳаром ва бошқ., кимдир ибодатга – намоз, рўза закот, ҳажга, кимдир ваъз ва хушмуомалалик, кимдир айблардан холи санади саҳиҳ бўлган, кимдир ровийнинг жарҳ ва таъдилига қарамай олдига қўйган мақсади бўйича, кимдир олий иснодди, кимдир 40 шайхдан ва шаҳарда ривоят қилинган ҳадисларни жамлаган... уларнинг ҳаммаси яхшилиқ, ажрни ният қилганлар» [2:29]. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, китобда 40 та ҳадис бўлиши шарт эмас, балки камида 40 та бўлса етарли деб ҳисобланган. Шунинг учун баъзи китобларда ҳадислар адади 40 тадан ортади.

Ҳижрий II асрнинг охирларида (милодий IX) вужудга келган «Арбаин ҳадис» тури ислом умматининг ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлиб, диний, ахлоқий, ижтимоий ва адабий жиҳатдан араб, турк ва форс адабиётларида катта миқдордаги рисола-лар пайдо бўлиши натижасида юқори мавқега эга диний соҳага айланди. Имом Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (ваф. 182/798 й.) биринчи бўлиб бу соҳадаги фаолиятни бошлаб берганини Абу Тоҳир Силафий (ваф. 576/1180 й.), Ибн Жавзий [3:606] (ваф. 597/1200 й.), Муҳаммад Каттоний [3:606] (ваф. 1345/1926 й.) каби кўплаб олимлар таъкидлаб ўтганлар. Кейин Муҳаммад ибн Аслам Тусий (ваф. 242/856 й.), Ҳасан ибн Суфён Насавий (ваф. 303/915 й.), Муҳаммад ибн Ҳусайн Ожуррий Бағдодий (ваф. 360/971 й.), Муҳаммад ибн Иброҳим Исфохоний (ваф. 381/991 й.) ва бошқа олимлар бу ишни давом эттирдилар. Олимлардан имом Наввий ҳам бу соҳадаги китобларнинг адади йўқлигини таъкидлаб: «мутақаддим ва мутааххир олимлардан ҳисобсиз даражада кўпчилик» деган [5:2]. Ҳатто Ибн Асоқир (ваф. 571/1176 й.), Ибн Муфаззал Мақдисий (ваф. 611/1214 й.), Муҳибб Табарий (ваф. 694/1295 й.), Заҳабий (ваф. 748/1347 й.), Алоий (ваф. 761/1360 й.), Ибн Ҳажар (ваф. 852/1448 й.), Юсуф ибн Ҳасан ибн Абдулҳодий (ваф. 909/1503 й.) каби бир қанча олимлар «арбаин» китобларидан бир нечасини ёзганлари ҳам маълум [7].

Баъзи олимлар ўзлари бу турдаги китобларнинг сонини аниқлашга ҳаракат қилганлари ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, Исмоил Форисий (ваф. 504 й.) етмишдан ортиқ, Ибн Асоқир (ваф. 571 й.) ўттиздан ортиқ, Бикрий (ваф. 656 й.) олт-

мишдан ортиқ шу турдаги китобларни жамлаганини зикр қилганлар. Шунингдек, ҳозирги кунда бу турдаги адабиётнинг адади беш юздан ортгани таъкидланади[7].

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бундай турдаги ҳадис тўпламларининг пайдо бўлишига қандай омиллар туртки бўлган, деган савол туғилади.

Биринчидан, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг Али ибн Аби Толиб (ваф. 40/660 й.), Муоз ибн Жабал (ваф. 18/639 й.), Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 32/652 й.), Абу Дардо (ваф. 32/652 й.), Абу Хурайра (ваф. 57 ёки 59/676 ёки 678 й.), Абдуллоҳ ибн Аббос (ваф. 68/687 й.), Абдуллоҳ ибн Умар (ваф. 73/692 й.), Абу Саъид ал-Худрий (ваф. 74/693 й.) ва Анас ибн Моликлардан (92 – 93/710 – 711 й.) ривоят қилинган ҳадисларидан билиш мумкин. Бу ҳадисларнинг ровийлари, иснод йўллари, матнлари турлича бўлса-да, мазмуни ягона. У «Умматимдан ким 40 ҳадис ёдласа...» мазмунидир. Бир ривоятда «қиёматда фақиҳлар ва олимлар қаторида тирилади» дейилган бўлса, бошқа ривоятда «Аллоҳ уни фақиҳ олим қилиб тирилтиради», бошқасида «қиёматда унга шафоатчи ва гувоҳ бўламан», «жаннатнинг хоҳлаган эшигидан кир, дейилади», «у олимлар гуруҳидан деб ёзилади ва шаҳидлар гуруҳида қайта тирилади» дейилган. Бироқ муҳаддислар бу ҳадисларнинг барчасини ўрганиб, иснод йўллари текшириб заифлигига хулоса берганлар. Масалан, имом Нававий (ваф. 676 й.) шундай деган: «Бу ҳадиснинг иснод йўллари кўп бўлса-да, ҳофизлар унинг заиф эканига иттифоқ қилганлар»[4:4]. Ибн Ҳажар (ваф. 852 й.): «Ушбу ҳадиснинг барча иснод йўллари бир китобчага жамладим, унинг бирорта исноди иллат<sup>2</sup>лардан холи эмас»[6:94] деган.

Шундай бўлсада, заиф ҳадисга фазилатли ишларда амал қилиниши мумкин экани шу соҳага оид манбаларда айтиб ўтилганидан[3:602] муҳаддислар мазкур 40 ҳадисга амал қилиб алоҳида китоблар ёзганлар. Бундан ташқари «Эшитганларингиз эшитмаганларингизга етказинг» ва «Айтганларимни эшитиб, эшитгани каби бошқаларга етказганларнинг юзини Аллоҳ ёруғ (оқ) қилсин» ҳадисларидаги ташвиқ орқали ислом олимлари учун 40 ҳадис мавзуси билан шуғулланишни ҳам вазифа қилиб қўйди[1:25]. Бу соҳа шундай ривож топдики, фақат муҳаддислар ва фақиҳлар эмас, балки бошқа соҳа кишилари ҳам 40 ҳадис тўплашга киришиб кетди. Араб, форс ва туркий тилларда жуда кўплаб назмий-насмий асарлар таълиф этилди.

<sup>2</sup> Ҳадиснинг санади ёки матнида бўлган унинг саҳиҳлигига зарар етказувчи кўзга кўринмайдиган махфий камчилик.

Мақолада ҳадис тўпламларининг арбаин жанри хусусида сўз юритилган. Унда бу жанрнинг пайдо бўлишига оид ҳадислар ва муҳаддисларнинг бу борада жамлаган тўпламлари тарихи ва услублари тўғрисида фикр билдирилган.

В статье говорится о жанре Арбаин в науке хадисоведение. В ней освещаются вопросы о возникновении данного жанра и о сборниках мухаддисов относящихся к жанру Арбаин.

In this article talks about the Arbain genre in the science of Hadithology. It covers questions about the emergence of this genre and about collections of Muhaddis relating to the Arbain genre.

40 ҳадиснинг жамланиши ва тасниф қилинишининг бошқа омиллари борасида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунда кўпроқ инсон руҳиятига доир бир қанча сабаблар мавжуд. Жумладан, Пайғамбар (с.а.в.) шафоатига эришиш орқали жаҳаннам азобидан сақланиш. Кўпгина 40 ҳадис тўпламларининг муҳаддимасида Пайғамбар (с.а.в.)нинг шафоатларига эришиш иштиёқи орқали дўзах азобидан қутилиш умиди олдинга чиқади. Яна барча тилларда ёзилган арбаунларда хайрли дуо олиш ва раҳмат билан ёдга олинмиш ниятлари ҳам китоб ёзишга туртки бўлган кўринади. Бундан ташқари қийинчиликларни унутиш, дин буйруқларига бўйсунмиш ва мусулмонларга хизмат қилиш ҳам муаллифни шу ишга ундаган[1:30]. Шунингдек, дўст ёки талабаларнинг илтимосини қондириш учун ҳам тўпланган ҳамда бошқа сабаблар билан 40 ҳадис жамлаш ишлари олиб борилган.

40 ҳадис китобларини тасниф қилиш ишлари ҳадис илмига хос тарзда амалга оширилганини кўриш мумкин. Бу турдаги китобларни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: шакл жиҳатдан ёзилган ва мазмун жиҳатдан таълиф этилганлар.

Шакл жиҳатдан ёзилганларга насрий, назм-насмий аралаш, назмийларга бўлиш мумкин. Шакл жиҳатдан араб, эрон ва турк адабиётларида арбаинлар насрий-назмий ёки назмий услубда ёзилган. Масалан, араб тилида имом Нававий ва Муҳаммад ибн Ҳусайн Абу Бақрнинг (ваф. 360/971 й.) 40 ҳадисларини келтириб ўтиш мумкин.

Наср-назм аралаш асарлар араб тилида ёзилганлари орасида унчалик кенг тарқалмаган. Ҳатто бу тилдаги арбаун ҳадисларнинг назмда ёзилганлари ҳам кўп учрамайди. Форс тилида ёзилганлиги

олим ва суфийларнинг ёки адиб ва шоирларнинг бу турга катта аҳамият берганлари билан изоҳланади. Аҳмад Румий (ваф. 712/1317 й.)нинг 40 ҳадислари назм-насрода аралаш ёзилганларга мисол бўла олади. Турк тилида Али ибн Ҳожи Мустафо (XVI аср), Ўк-жузода (970–1039/1563–1629 й.)ларнинг асарларини келтириш ўринли [1:35].

Назмда ёзилган 40 ҳадис асарлари араб тилида кам учрайди. Аммо форс ва туркий тилларда анча кенг тарқалганини кўриш мумкин. Форсчада Абдураҳмон Жомий (1414–1492), туркийда Алишер Навоий (ваф. 907/1501 й.) 40 ҳадис ёзган. Алишер Навоий асарини устози Жомийдан изн олиб, умумий ҳажми 108 байтдан иборат қилиб таълиф этган.

Чунончи арбаин китобларнинг шакли, тури ва мазмуни ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Фақат ҳадис матнларини жамлаган асарлар қаторига имом Нававий ва бошқаларнинг Арбауни киради. Қисқа изоҳлар ёки таржима ва изоҳлар билан Садриддин Конавий (ваф. 671/1273 й.) ва Али ал-Қорий (ваф. 1014/1605 й.)нинг Арбаунларини бунга мисол келтириш мумкин. Форс ва туркий тилларда эса ҳар бир ҳадиснинг таржимаси келтирилиб, кўп ҳолларда айрим фойдали шарҳлар ҳам берилишини зикр қилиш лозим. Оят ва ҳадислар ёки мавъиза ва ҳикоялар билан қувватланган. Баъзан ҳадисларни бирор оят билан қувватлаб ёки бошқа бир ҳадис билан далилланган 40 ҳадислар ҳам учрайди. Масалан, Ҳусайн Воиз Кошифий, Ходийларнинг 40 ҳадис тўпламлари шу гуруҳга мансуб.

Тўпламларни турларга кўра қуйидагиларга бўлиш мумкин: қудсий ҳадислар, бу бўйича Мухийдин Ибн ал-Арабий (ваф. 638/1241 й.), Ибн Дақиқ ал-Ийд (ваф. 702/1303 й.) ва Али Ал-Қорий (ваф. 1014/1603 й.)лар китоб ёзганлар. Пайгамбар (с.а.в.) 40 хутбаларини Ибн Вадъон (ваф. 494/1101 й.) ва бошқалар бир ерга тўпланганлар. Бошқа кўплаб олимлар санадлари саҳиҳ ҳадислардан танлаганлар. Бундай мусаннифлардан айримлари танлаган саҳиҳ ҳадисларнинг аксарияти имом Бухорий ва Муслимдан олинганини изоҳлайдилар. Имом Нававийнинг тўплами бунга мисол бўла олади. Иснодлари турли ёки 7 ва 10 билан алоқадор ёки иснодсиз ҳадислардан танлаганлар. Турли иснодли арбаунларга мисол қилиб Тақиюддин Фосий (ваф. 832/1429 й.) ва Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1448 й.)ларнинг рисоаларини, субаият (7) учун Абул Маолий Абдулмунъим (ваф. 497/1103 й.) ва ушарият (10) учун

эса Абдулфазл Абдурраҳим (ваф. 806/1404 й.)ларнинг, санадсиз арбаинга мисол қилиб Валиуддин Ироқий (ваф. 826/1423 й.)ларнинг тўпламларини кўрсатиш мумкин.

40 рақамга таяниб тартибланган арбаунлар (40 саҳобадан, 40 шайхдан, 40 шаҳардан, 40 китобдан, 40 бобдан, бир хил исми 40 кишидан иборат) таълиф этилган. Шунингдек, ўзига хос тарзда арбаунларни 40 бобга бўлиб ёки бир исми 40 кишидан нақл қилинган ҳадисларни тасниф қилганларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, Муҳаммад ибн Муҳаммад Тоий (ваф. 555/1160 й.)нинг ҳар ҳадиси бир саҳоба ва бир шайхдан нақл қилинган. Ибн Бобуя (ваф. 580/1184 й.)нинг ҳадислари 40 китоб, 40 шайх ва 40 саҳобадан олинган. 40 китобдан тўпланганлар учун Исмоил ибн Муҳаммад Димашқий (ваф. 1162/1749 й.)ни келтириш мумкин.

Муҳаммад Али ибн Носир Жашаний (ваф. 563/1168 й.) Муҳаммад исми ровийлардан ва шундай исми кишилардан нақл қилинган тарзда рисола ёзган. Шунингдек, тартибларида 40 га доир «40 шаҳардан тўпланган» ибораси жуда кўп учрайди. Ибн Асокир (ваф. 517/1167 й.), Абу Тоҳир Аҳмад Силафий (ваф. 576/1180 й.), Шарафиддин Ваний (ваф. 749/1348 й.) ва Шамсиддин Хуросоний (875/1470)ларнинг тўпламлари шу турга мансубдир [1:45].

Шу билан бирга олимлар ёд олиш осон бўлиши учун қисқа ҳадисларни ҳам жамлаган бўлиб, улардан Жомий ва Муҳаммад Антокийнинг ишларини келтириш мумкин. Шунингдек, тўплаган ва танлаган ҳадисларининг аниқ, лўнда, тушунишга осон ва кенг маъноли Пайгамбар (с.а.в.) сўзларидан бўлганларига алоҳида эътибор қаратиб қайд этган мусаннифларни ҳам учратиш мумкин.

Фасиҳ ва саҳиҳ ҳадислардан танлаган муаллифларнинг катта қисми ўз рисоалари асл нусха бўлишини хоҳлаганлар. Масалан, Камол Пошозода-нинг «лафзида фасоҳати зоҳир ва маъносида сиҳҳати иснодига далолат қиладиган 40 ҳадис» деб жамланган шарҳини келтириш мумкин.

Нуқтасиз ҳарфлардан танланган ноёб тўпلامга Мустақимзода Сулаймон Сададиннинг 1174/1761 йилда ёзган асари мисол бўла олади.

Муҳаддислар мавзунинг моҳиятига қараб ҳам арбаин ёзганлар. Аввало бир мавзу атрофида тўпланган 40 ҳадислардан бошлаймиз. Буни қуйидагича тартибда кўриш мумкин: Куръони карим фазилатларига оид Юсуф ибн Абдуллоҳ Армиюний (ваф. 958/1551 й.)нинг рисоалари битта сура

(«Ихлос» сураси) ва битта оят (оят ал-Курсий)га бағишланган.

Исломнинг беш шарт: калимаи шаҳодат, рўза, намоз, закот, ҳаж. Рўза ҳақида Абдуллоҳ ибн Сувайдон Мисрий (ваф. 1234/1392 й.), ҳаж хусусида Муҳибуддин Табарий (ваф. 794/1392 й.)нинг, закот ҳақида Муҳаммад ибн Абдуссалом (ваф. 1302/1885 й.) ва бошқаларнинг китоблари мисол бўла олади.

Пайғамбар (с.а.в.) ва оилалари, саҳобалари ҳамда уларнинг фазилатларини ўз ичига олган 40 ҳадислар ҳам мавжуд. Пайғамбар (с.а.в.)нинг оила ва саҳобаларига алоқадор арбаунларнинг кўп қисми имом Алига доир бўлиб, шиаларнинг имомийлик мазҳабида ёзилган. Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Хўжандий эса чаҳорёрлар ҳақидаги ҳадисларни тўплаган.

Тасаввуф ва тариқат ҳақида Аҳмад ибн Муҳаммад Моликий (ваф. 412/1022 й.) ва Абу Саид ибн Муҳаммад, Муҳийддин ибн Арабий (ваф. 638/1241 й.), Садриддин Кунавий (ваф. 671/1273 й.), Аҳмад Румийларнинг рисоаларини келтириш мумкин.

Шунингдек, дунёвий масалалар туркуми, илм, олимлар, сиёсат ва ҳуқуқ, жиҳод, ижтимоий ва ахлоқий ҳаёт, бир қавм, бир минтақа ёки шаҳарнинг фазилатларига доир, тиббиёт, ҳазил ва мутойиба, хусни хат каби мавзуларда ҳам рисоалар ёзилган.

Бир арбаунда турли мавзулар ўрин олган бўлиб, уларнинг энг машҳури муҳаддис, буюк шофеий фақиҳи, имом Нававийнинг рисоласи саналади. Бир жумла билан айтганда, арбаунлар орасидаги энг машҳури ва кўплаб шарҳлар (30 дан ортиқ) ёзилгани ҳам шу тўплам ҳисобланади.

Шунингдек, арбаин туридаги китобларни даврларга бўлиб ўрганиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Энг биринчи арбаин китоб Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийга оид бўлганидан 12 асрлик тарихга эга. Чунончи Абдулқодир Қорахоннинг таърифича «бизнинг тадқиқотимизга кўра XVI асрда ёзилган арбаун ҳадислар жами 25 шарҳ ва тўпловчи қалами билан 34 га етган» [1:55], деган.

Хулоса қилиб айтганда, арбаин ҳадис китоби тури энг кўп ёзилган ва тарқалган асарлардан ҳисобланади. Уларни муҳаддислар билан бир қаторда бошқа фикҳ, тасаввуф, мутакаллим, муфассир, тарихчи олимлар ҳам жамлаганлар. Ҳатто бундай асарлар орасида назмда ёзилганлари мавжудлигидан шоирлар ҳам бу борада қалам тебратганини кўриш мумкин.

40 ҳадисни тўплашни Абдуллоҳ ибн Муборак бошлаб берган бўлса, бошқалар давом эттирдилар. Аввалги муҳаддисларнинг асарларидаги ҳадислар иснодлари билан таълиф этилган бўлса, кейинги давр олимлари иснодларни тушириб қолдирганлар. Шунингдек, бир гуруҳ мусаннифлар ўзлари жамлаган ҳадисларни ёзган бўлсалар, кейингилар муайян китобдаги ҳадислардан танлаб олганлар.

Арбаинларнинг мавзулари ҳам кенг қамровли бўлгани сабабидан, кенг халқ оммаси орасида катта қизиқиш билан ўқилган. Арбаин рисоалар кенг халқ оммасига ҳам мўлжалланганини ҳисобга олиш лозим.

Арбаин борасида айtilган ҳадислар заиф бўлишига қарамай, муҳаддислар унинг фазилатлигидан келиб чиқиб бу ишга қўл урганлар. Мусулмон олимларнинг наздида ҳадисларни тарқатиш ва уларни жамлаш шарафли амаллардан экани замонлар ошсада ўз аҳамиятини йўқотмаган. Кенг халқ оммасига мўлжалланган рисоалардаги ҳадислар кичик ҳажмда, осон, тушунарли бўлиб, ортиқча изоҳларга эҳтиёж бўлмаганларини жамлашга ҳаракат қилинган.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Abdülkadir Karahan. İslam-Türk edebiyatında kırk hadis: toplama, tercüme ve şerhleri. – Ankara: Diyanet İşleri Başkanlığı Yayınları, 1991.
2. Абу Тоҳир Силафий. Ал-Арбаин ал-булдокийя. – Димашқ: Дор ал-Байрутий, 1992.
3. Зиёд Абдулваҳҳоб. Ал-Арбаинот ал-ҳадисия. Мажалла Жомеъ Димашқ лил-улуум ал-иқтисодия вал қонуния, 2011. № 27.
4. Ибн Дақиқ Ийд. Шарҳ ал-арбаин ҳадис ан-Нававий. – Қоҳира: Мактаба ат-турос ал-исломий, 1984.
5. Ибн Ражаб. Ал-Арбауна ан-Нававийа ва та-таматуҳа. Нашр жойи ва йили кўрсатилмаган.
6. Ибн Ҳажар Асқалоний. Талхис ал-ҳабир. – Макка: Муассаса Қуртуба, 1995. – Ж. 4.
7. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Сари. <https://www.alukah.net/sharia/0/105975/>
8. Муҳаммад Каттоний. Ар-Рисола ал-мустатрафа. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 2011.

**Doniyor MURODOV,**

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi  
«Islom fanlari» kafedrasi dotsenti*

## ИСЛОМДА СУННИЙЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

### ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ СУННИЗМА В ИСЛАМЕ

#### THE HISTORY OF THE FORMATION OF SUNNISM IN ISLAM

**Калит сўзлар:** ал-жамоа, ал-гураба, саводу-л-аъзам, ал-асар, ас-салаф, ал-ҳанифия, аҳлу-л-ҳадис, аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа.

**Ключевые слова:** аль-дажама', аль-гураба, саваду-ль-а'зам, аль-асар, ас-салафия, аль-ханифия, ахлу-ль-хадис, ахлу-с-сунна ва-ль-джама'.

**Keywords:** Al-dajama', al-ghurab, savadu-l-a'zam, al-asar, al-salafiya, al-hanifiya, ahlu-l-hadis, ahlu-s-sunna va-l-jama'.

Исломдаги йўналиш, оқим ва мазҳаблар тарихига назар ташланса, хорижийлик, шиалик, муътазиланинг вужудга келиши ҳамда уларнинг эътиқодий қарашлари борасида табақотчи, тарихчи ва илоҳиётчи олимлар ўз асарларида кўплаб маълумотлар қолдирганлар.

Аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа, яъни суннийлик ибораси билан машҳур бўлган йўналишнинг мазҳаб мактаблари ҳамда уларнинг асосчилари ҳақидаги маълумотлар талайгина бўлсада, аммо вужудга келиши ва айнан шундай номни олишга сабаб бўлган омиллар борасида хабарлар у қадар кўп эмас. Аввал бошидан шу атама билан номланганми ёки бошқалари ҳам ишлатилганлиги борасида қатор фикрлар билдирилган.

Инсонлар орасида исломга эътиқод қилувчи кишига нисбатан қўлланиладиган атама борасида савол туғилади, нега биз ўзимизни турли номлар билан аташимиз керак, ахир Қуръоннинг «Ҳаж» сурасида Аллоҳ: «(Аллоҳнинг) **Ўзи сизларни илгари** (муқаддас китобларида) **атагандек мана шу** (Қуръон) **да ҳам мусулмон деб атади**» деб айтган ку дейишади [16:341].

Бу ҳақиқатда ўринли савол. Саҳобалар даври ўтиши билан Пайғамбар айтган сўзлар: «*Менинг умматим 73 фирқага бўлиниб, уларнинг орасида биттасидан бошқа ҳаммаси ўтда бўладилар*» [4:4, 381–382] амалга ошди ва мусулмонлар турли гуруҳларга бўлиниб кетишди ва уларнинг барчаси-

ни, ҳақиқатда (диндан чиқиб кетганлари бундан мустасно) мусулмон деган ном билан атамасликка далолат йўқ. Али ибн Абу Толибнинг халифалиги даврида хорижийлик гуруҳи, кейинчалик шиа йўналиши, ундан сўнг муътазила вакиллари вужудга келди ва улар санаб ўтилган номларни ўзларига олдилар ҳамда ҳар бирлари ҳақ йўлда эканлигини исботлашга тушдилар.

Аммо Пайғамбар томонидан айтилган ҳадисга асосланадиган бўлинса, шу гуруҳлар ичида битта ўтдан омонда қолувчиси бошқаларидан ажралган ҳолда бир муайян ном билан аталиши керак бўлди. Бунга сабаб, Пайғамбар юқорида 73 фирқа ҳақидаги ҳадисини айтиши билан бир қаторда мусулмон номига эга эканликларига қарамасдан ўтда бўлишлари мумкин бўлган фирқаларнинг номларини ҳам эслатиб ўтганлар. Масалан, «*Хорижийлар – ўтда яшайдиган итлардандир*» [1:61]. Ёки «*Қадарийлар бу умматнинг мажусийлари (ўтга сигинувчилари), агар улар касал бўлсалар, уларни зиёрат қилманглар, агар вафот этсалар, улар учун дуо қилманглар*» [3:587] бунга мисол бўла олади.

Бу ҳадислар матни мусулмон умматини адашган ва ҳақ йўлда бўлганларига ажратяпти. Шунингдек, ҳақ йўлда бўлган деб ҳисобланган мусулмонларни номлашга қўлланиладиган ибораларни нотўғри ишлатишда ҳам ўзига яраша чегаралар бор. Яъни, Пайғамбар ўзи номлаган атамалардан бошқасини қўллаш сунний уламоларнинг фикрига кўра, бидъатга етаклаши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган маълумотлардан келиб чиқиб, Пайғамбар унга ҳақ йўлда эргашган мусулмонларни қандай номлар билан атаганини қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқиш мумкин:

**Ал-Жамоа.** Пайғамбар ўзининг кўпгина ҳадисларида «жамоа» иборасини ишлатиб: «*Жамоада бўлинглар ва ажралиб қолишдан сақланинглар! Дарҳақиқат, шайтон бир киши билан бирга, икки кишидан ўзини олиб қочади. Ва ким жаннатнинг ўртасида бўлишни хоҳласа жамоатга эргашсин*» [4:4, 38] деганлар. Олимлар далилларга асосланиб «ал-жамоа» иборасининг шариатдаги тушунчасини 3 та асосга бориб тақалади деб фикр билдиришган ва далиллар билан асослашган. Биринчиси – ҳақиқатга эргашин. Бунга далил сифатида олимлар Ибн Масъуднинг: «*Эй Амр ибн Маймун! Дарҳақиқат, аксар жамоалар муҳаққақ «ал-жамоа»га хилофдир, ваҳоланки, жамоа – бу, бир ўзинг бўлган тақдирингда ҳам ҳақ йўлда бўлишинг!*» деб айтган сўзларини келтиришади [8:46, 409].

Иккинчиси – мусулмонларни бирлаштирган мусулмон раҳбар бошчилигидаги жамоада бўлиш. Ибн Асокир «Фатҳу-л-барий» асарида Ибн Жарир Табарийнинг сўзларини келтиради: «Жамоага эргашиб лозимлиги – бу, унинг атрофида мусулмонлар жам бўлган раҳбарга бўйсунибни англади. Кимда ким унга бўйсунмаса жамоа сафидан чиқади» [11:13, 41]. Учинчиси – жамоада бўлган олимларга эргашиб. Абу Исо Муҳаммад Термизий: «Илм аҳллари жамоатни шарҳлаб, бу фикр, илм ва ҳадис аҳллари деганидир», дейди [4:4, 40]. Юқорида уч асос ҳақида келтирилган маълумотлар, ҳақиқатни тўғри талқин қилиб берувчи олимларга эргашган ҳолда, мусулмонларни бирлаштирган раҳбар бошчилигидаги жамоада бўлишни тақозо қилади. Бугунги кунда баъзи бир шахслар «ал-жамоа» иборасининг шаръий маъносини нотўғри талқин қилиб, мусулмонларни бирлаштирган раҳбар остида эмас, балки ўзлари шакллантирган қонун ва қоидаларга асосланган партиялар тузиб, уни жамоа дейишга ўтганлар. Бундай ҳоллардан огоҳ бўлиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

**Ал-Ғураба (ғариб – бегоналашиш).** Бу номни Пайғамбар ўз ҳадисларида ҳам ишлатган. Абдуллоҳ ибн Амр айтади: «Пайғамбаримиз бизнинг орамызда эдилар ва: «Туба ғариблар учун» дедилар. Биз: «Бу ғариблар кимлар?» дедик. Улар: «Ёмонлик ичра қолган кўп сонли инсонлар орасидаги кам сонли ҳаққоний (тақводор) гуруҳда бўлган инсонлар. Уларга эргашувчилардан кўра, уларга қарши чиқувчиларнинг сони кўп бўлганлардир», дедилар [10:3, 574]. Пайғамбардан «туба» нима эканлиги ҳақида сўрашганда у: «Туба – жаннатдаги узунлиги 100 йиллик масофага эга бўлган дарахт» деб жавоб берганлар [7:1229]. Бу далиллардан кўриниб турибдики, ҳар доим ҳам кўпчилик дегани ҳақиқатни англавермайди, балки ҳақиқатнинг ўз талаблари мавжуд. Қуръоннинг «Нисо» сурасида бу борада: **«Кимга ҳидоят аниқ бўлганидан кейин Пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминлар йўлидан ўзгасига эргашса, Биз уни ўзи кетаётган йўлига қўйиб берамиз ва (охиратда) уни жаҳаннамда куйдирамиз. Нақадар нохуш жой у!»** дейилган [16:97]. Оятдан маълум бўлаяптики, ҳидоят (ҳақиқат, ҳақ йўл) – бу Пайғамбар ва унга эргашган мўминлар йўли. Оятнинг далили сифатида Пайғамбарнинг: «Дарҳақиқат, сизлардан бирон-бирингиз узоқ умр кечирса, кўплаб ихтилофларни кўради. Шунинг учун сизларга менинг суннатимни ва ҳидоят (ҳақиқат)

Мақолада суннийлик номи билан танилган «аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа» йўналиши ва унга берилган номларнинг шаклланиши босқичлари ёритилган. Жумладан, унда Пайғамбар Муҳаммад ўзига эргашганларга нисбатан қандай ибораларни қўллаганлиги борасида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Пайғамбар кўрсатмаларига эргашган мусулмонларнинг хусусиятлари исломнинг асосий манбаларини таҳлил қилиш орқали тавсифланган.

В статье освещаются этапы формирования и наименования направления «ахлу-с-сунна ва-л-джама`» в исламе, которая более известно как суннизм. В частности, в ней приводятся информации о терминах, которыми Пророк Мухаммад называл своих праведных последователей. Кроме этого, анализируются первичные источники ислама в которых описываются отличительные черты мусульман, следующие завещанию Пророка.

The paper highlights the stages of the development of the direction «Ahl al-Sunna wa al-Jama`a» known as Sunnism in academic societies in Islam as well as the various names given to this direction. In particular, the paper gives information about the terms, which the Messenger Muhammad (PBUH) applied to his righteous followers. In addition, the characters of the followers of the Messenger Muhammad (PBUH) were explained based on the main sources of Islam in the paper.

йўлида бўлган хулафои рошидиннинг суннатларини ушламоқ лозим бўлади. Бу йўлни озик тишинлар билан маҳкам ушланглар ва бидъат (янги йўл, усул) дан қочинглар, негаки ҳар бир бидъат адашишидир!» [3:578] деган сўзларини келтириш мумкин.

**Саводу-л-аъзам ёки ал-Фирқату-н-нажия.** Ушбу иборани ҳам Пайғамбар ўз ҳадисларида ишлатган. «Яҳудийлар 71 фирқага, насронийлар эса 72 фирқага бўлинадилар. Ва менинг умматим 73 фирқага бўлинадилар. Шундан 72 таси ўтда, биттаси жаннатда бўлади», дедилар. Саҳобалар сўрашди: «Ким ўша (ўтдан) қутулган гуруҳ?!» Пайғамбар: «Бу – ал-жамоа». Бошқа нақдаги ҳадисда: «Бу – саводу-л-аъзам» дейилган. «Ал-Жамоа» ва «Саводу-л-аъзам» ибораларини яна бир бошқа ривоятдаги ҳадис изоҳлаган [2:77–78].

Абу Ҳанифа унга нисбат берилган «ал-Фикҳу-л-абсат» асарида Пайғамбардан ҳадис келтириб, «Саводу-л-аъзам» номини эслаб ўтади [6:19а]. Бу номда ҳам урғу ҳақиқатда бўлган кўпчиликка (жамоа) қаратилаяпти.

**Ал-асар (из, пой).** Мазкур номни ҳам Пайғамбар ўз ҳадисларида ишлатганлар. Кунларнинг бири-

да Пайғамбардан сўрашди: «Эй Аллоҳнинг расули, инсонларнинг орасида энг яхшиси қай бири?» У киши: «*Мен ва мен билан бирга бўлганлар*», дедилар. Яна сўрашди: «Ундан кейин ким?» «*Асарга (изимизга, пойимизга) эргашиганлар*» деб 3 марта айтдилар [10:4, 340].

Бу ҳақда Ибн Масъуд: «Бизнинг изимиздан (ал-асар) юринглар, янгилик тўқиманглар, Сизларга (бизни йўлимизда бўлиш) шуни ўзи етади», деган [17:36; 14:590]. Бу атама Пайғамбар саҳобаларининг тутган йўлларида юришни тақозо қиляпти.

**Ас-салаф (ўтмишдагилар, аждодлар).** Салаф иборасини луғавий нуқтаи назардан умматнинг ичида биринчи бўлиб Пайғамбар ишлатганлар. Яъни, ўз қизи Фотимага мурожаат қилиб: «*Мен сен учун энг гўзал салаф (аждод)дирман*» деганлар [7:1078]. Бу атамани саҳобалар ҳам ўзларига нисбатан ишлатиб, Абдуллоҳ ибн Аббос Маймунага: «Эй Маймуна, салафлар (саҳобалар)ни сўкмагин, шунда сен жаннатга саломат ҳолда кирасан», деган. [8:61, 349]

**Ал-Ҳанифия.** Ушбу атама борасида Пайғамбардан сўрашди: «Аллоҳнинг энг суйган дини қайси?» У киши: «*Яккахудлик (ҳанифия) бўлган энгил дин*» деб жавоб бердилар [10:2, 86]. Ўз ўрнида ҳанифияни ҳанафия фикҳий мактаби билан адаштирмаслик керак. Ҳанифия ибораси борасида Қуръонда (Оли Имрон, 67) пайғамбар Иброҳим ҳақида маълумот кетиб, уни яҳудий ҳам эмас, насроний ҳам эмас, балки ҳанифа муслимларидан деган хабар берилади.

**Аҳлу-л-ҳадис.** Бу ибора борасида Пайғамбар: «*Бу илмларни ҳар битта авлоддан гулувга кетувчиларнинг бузишларини, адашганларнинг қўшимча қилишларини ва жоҳилларнинг изоҳларини кетказувчи «муносиблари» олиб юрадилар*», дедилар [9:29; 8:7, 39].

Пайғамбарнинг «муносиблар» деган иборасини тобеинлардан Суфён Саврий шарҳлаб: «*Фаришталар осмоннинг кўриқчилари, аҳлу-л-ҳадислар*» эса ернинг» деган [9:44]. Хатиб Бағдодий ўзининг «Шараф асҳаби-л-ҳадис» асарида Пайғамбарнинг «аҳлу-л-ҳадис»ни таърифлаганлиги борасидаги ривоятни келтирди [9:22].

**Аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа.** Иборанинг қўлланишига асос сифатида олимлар Пайғамбарнинг: «*Ҳақ йўлда бўлмиш мени ва мандан кейинги ҳақ халифаларнинг суннатини (йўлини) тутинглар*» деган сўзларини далил қилиб олишади [3:578; 4:4, 408]. Биринчи бўлиб тобеинлардан Муҳаммад

ибн Сиррин (653–729) бу иборани қўллаган. Ибн Сиррин: «Исломнинг дастлабки йилларида ҳадис иснодлари ҳақида сўралмас эди. Аммо фитналар пайдо бўлгач, ҳадисларни бидъат эгаларидан эмас, балки аҳлу-с-сунна вакилларида қабул қилиш мақсадида иснод ҳақида сўраш бошланди», дейди [15:35–36].

Иккинчи ҳижрий аср (саккизинчи милодий)га келиб турли хил оқимлар кўпайгандан сўнг суннийларнинг олимлари уларнинг наздида бидъатчи саналган вакиллардан фарқланиш учун «*Аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа*» ва «*Аҳлу-л-ҳадис ва-л-асар*» ибораларини қўллашни бошлашди [12:31]. Юқорида келтирилган барча атамалар Пайғамбар ва унинг саҳобалари тутган йўл (суннат)га эргашиш асосида турли гуруҳларга бўлинмаган ҳолда бир жамоада бўлишга чақирувчи номлар эканлигини кўриш мумкин.

Ислом халифалиги кенгайган сари унинг турли ҳудудларига саҳобалар диний илмларни етказиш мақсадида халифалар томонидан юборилдилар ва улар кейинчалик кўчиб ўтган масканларидаги аҳолига ўзларидаги мавжуд билимларни улаша бошлашди. Ақидавий масалаларда саҳобалар орасида бир-бирига зид келувчи фикрлар бўлмаган бўлсада, фикҳий масалаларда ижтиҳодга ўрин бор эди ва табиийки бирон-бир амалий фаолиятдаги қарашларда Қуръон оятлари ҳамда Пайғамбардан эшитилган ҳадисларга изоҳ беришда турли ёндашувлар мавжуд эди. Бу ёндашувларнинг ҳар бири илоҳий манбаларга асосланганлигини кўриш мумкин. Саҳобалардан илмларни уларга эргашган тобеинлар, сўнгра табата-тобеинлар (тобеинларга эргашганлар) эгаллашиб тарқата бошлашди.

Исломда турли йўналиш, оқим ва фирқалар пайдо бўла бошлагач, тобеинлар олаётган илмлари ҳамда эшитаётган хабарларига ёлгон ёки тўқилган гаплар кириб қолмаслиги мақсадида ишончли шахслардан бўлишига эътибор қарата бошлашди.

Юқорида Ибн Сиррин айтгандек, саҳобалар тириклик вақтида уларнинг ишончли эканликларига ҳеч ким шубҳаланмас эди, аммо уларнинг даври ўтиб, турли хил фалсафий қарашлар кириб кела бошлагач, ҳадисларни бидъат эгаларидан эмас, ишончли шахслардан қабул қилиниши учун ушбу инсонларнинг шахси (санад, иснод) ўрганила бошланди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, саҳобалар даврида ислом шариятига эътиқод қилган барча инсонларга фақат бир атама, яъни муслмон номи билан мурожаат қилинган. Ўз ўрнида Пайғамбар умматни келажакда пайдо бўладиган баъзи гуруҳ ва оқим-

лардан уларнинг номларини айтган ҳолда огоҳлан-тирдилар. Шу билан бир қаторда ўзи ва саҳобалари тутган йўл асосида бир жамоада бўлувчиларнинг номларини ҳадисларда билдириб кетдилар. Ислом эътиқодига турли янгиликларни киритишга уринган гуруҳ ва оқимлар вужудга кела бошлагач, Пайгамбарнинг кўрсатмасига риоя этган тобеинлар у ишора қилган номлардан умуммаъно ташувчи ва аксар ҳолларда қўлланадиган асосий атамани ўзларига нисбатан қўллай бошлашди.

Тобеинлар даврининг ўзидаёқ қабул қилинаётган илоҳий хабарлар ишончли шахслардан эканлигини тасдиқлаш учун иснод (санад) тушунчасини ва ислом эътиқоди ва амалиётига тааллуқли бўлган усулларни ишлаб чиқа бошлашди. Усулларни ишлаб чиқиш вақтида мустақил равишда ҳукм чиқара олувчи мужтаҳидлар вужудга келишди. Аммо уларнинг барчаларини ҳам олиб борган усулларини давом эттирувчи ва тарқатувчи шогирдлари бўлмади. Натижада суннийларда 4 мазҳаб (мактаб) вакиллари сақланиб қолди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можа. Сунан. – Қоҳира: Дор ихъи-л-кутуби-л-арабия, 1954.
2. Абу Бакр Аҳмад ибн Амр ибн Аби Асим. Ас-Сунна. – Ар-Риёз: Дору-с-самийъий, 1998.
3. Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъаб Сижжистоний. Сунан Аби Довуд. – Ар-Риёз: Дору-л-хазарот, 2015.
4. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. Ал-Жомеу-л-кабир. – Байрут: Дору-л-ғарби-л-исломия, 1996. – Ж.4.
5. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яъқуб Жавзжоний. Аҳолу-р-рижол. – Байрут: Муассасату-р-рисала, 1983.
6. Абу Ҳанифа. Фикҳу-л-абсат // Қўлёзма. Шайх Ориф Ҳикмат кутубхонаси. – Мадина. – № 80/234.
7. Абу-л-Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиҳ Муслим. – Ар-Риёз: Дору-с-салом, 2000.
8. Али ибн Ҳасан Ибн Асокир. Тарих мадина Димашқ. – Байрут: Дору-л-фикрия, 1995. – Ж.7, 46, 61.
9. Аҳмад Али Собит Хатиб Бағдодий. Шараф асҳабу-л-ҳадис. – Анқар: Куллияту-л-илаҳия, 1969.
10. Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснаду-л-имом Аҳмад ибн Ҳанбал. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1971. – Ж.2, 3, 4.

11. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳу-л-барий би шарҳ саҳиҳ Бухорий. – Ар-Риёз: Мактабату-л-малик фаҳду-л-ватания, 2001. – Ж.13.

12. Бакр ибн Абдуллоҳ Абу Зайд. Ҳукму-л-интимо ила-л-фирқа ва-л-азҳаб ва-л-жамоати-л-исламия. 1990. Нашриёти кўрсатилмаган.

13. Бакр ибн Абдуллоҳ Абу Зайд. Ҳумум-л-интимоъ ила-л-фирақ ал-азҳаб.

14. Вакъи ибн Жарроҳ. Китабу-з-зуҳд. – Мадина: Мактабату-д-дор, 1984.

15. Иброҳим ибн Яъқуб Жузжоний. Аҳволу-р-рижол. – Байрут: Муассасату-р-рисала, 1983.

16. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: ГИУ, 2012.

17. Муҳаммад ибн Вадроҳ Қуртубий. Ал-Бидау ва-н-наҳйи анҳа. – Қоҳира: Мактаба ибн Таймия. – 1995.

**Xabibullo SAGDIYEV,**

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi  
«Islom fanlari» kafedrasining dot.v.b., PhD*



## РЕГУЛЯТИВНАЯ РОЛЬ ФЕТВ В МУСУЛЬМАНСКИХ СТРАНАХ

### ФАТВОЛАРНИНГ МУСУЛМОН ДАВЛАТЛАРИДАГИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ РОЛИ

#### THE REGULATORY ROLE OF FATWAS IN MUSLIM COUNTRIES

**Ключевые слова:** Фетвы, регулятивная роль фетв, мусульманские страны, исламское право, шариат, институт фетв, центры по изданию фетв, улемы, Совет улемов, Совет улемов Саудовской Аравии, Египетский Дом фетв («Дар уль-Ифта»).

**Калит сўзлар:** Фатволар, фатволарнинг тартибга солувчи роли, мусулмон давлатлари, ислом ҳуқуқи, шариат, фатво институтлари, фатво марказлари, уламолар, Саудия Арабистони уламолар кенгаши, Миср фатво уйи («Дар ул-Ифта»).

**Key words:** Fatwas, regulatory role of fatwas, Muslim countries, Islamic law, Sharia, institute of fatwas, fatwa Center, issuing fatwas, ulama, Council of Ulema, Council of Senior Scholars of Saudi Arabia, Egypt's house of Fatwa («Dar al-Ifta»).

Геополитика, глобализация и интенсивное развитие передовых технологий кардинально изменило и продолжает менять уклад жизни мусульман, порождая множество вопросов от мелких бытовых до геополитических масштабов. Ортодоксальные улемы с фундаменталистскими взглядами придерживаются позиции необходимости следования исламским канонам и призывают отречься от всего того нового, что не исследовано с исламской точки зрения, бегло утверждая об их противоречии шариату.

На вопросы, возникающие в новых условиях жизни не всегда есть прямые ответы в исламской юриспруденции, однако, это не говорит о том, что нормы шариата устарели. Современные ученые утверждают, что ответы на вопросы в шариате присутствуют – необходимо лишь суметь их грамотно извлечь, а для этого важно обладать всем спектром знаний, причем не только богословских, но и самых современных.

На этом фоне развиваются и отчасти уже сформированы новые формы сотрудничества между современными правительствами и религиозным

деятелями во многих мусульманских странах.

Например, в Египте в августе 2017 года была открыта первая площадка для торговли биткоином (*криптовалюта – разновидность цифровой валюты, создание и контроль за которой базируются на криптографических методах. Как правило, учёт криптовалют децентрализован*), однако в декабре египетские власти ввиду их резких колебаний криптовалюты, а также опасений в том, что это не более чем финансовый пузырь, объявили её в стране вне закона [1]. Из-за дистанционной формы оказания услуг, многие египтяне продолжили вкладывать свои средства в криптовалюты, поддаваясь рекламе их создателей.

Правительство страны подключило в решение и урегулирование этого вопроса исламское духовенство ввиду его большого влияния. Так, главный муфтий Египта шейх Шавки Аллам (*Egypt's Grand Mufti Shawky Allam*) издал фетву, запрещающую торговлю криптовалютой, постановив, что биткоин «запрещен исламом» и идет бок о бок с «мошенничеством, обманом и невежеством». Муфтий отметил, что «биткоины запрещены шариатом, поскольку они наносят ущерб отдельным лицам, группам лиц или учреждениям». Кроме того, он заявил о больших рисках, использования криптовалюты в качестве инструмента для финансирования терроризма.

Вышеуказанный пример ярко демонстрирует механизм взаимодействия правительства, деятелей религии и СМИ. При этом, касательно исламского духовенства важную роль в предупреждении, урегулировании, а порой и «управлении» сознанием мусульманской общественности играют фетвы.

Фетва это богословско-правовое заключение, сделанное для разъяснения и практического применения какого-либо предписания шариата [2: 815].

С точки зрения юридической значимости фетвы различаются на следующие:

– фетвы, имеющие юридическую значимость – как правило, это применительно к странам, где все сферы законодательства основаны на исламском шариате (к примеру в Саудовской Аравии, Иране, Афганистане);

– фетвы, несущие рекомендательный характер и ограниченную юридическую силу – данная форма фетв распространена в странах, где шариат регулирует отдельные сферы (к примеру семейное право), а остальное законодательство основано на

светском законодательстве (*Египет, Ливан, Сирия, некоторые страны Африки*);

– фетвы, несущие рекомендательный характер и не имеющие юридической силы – они распространены во многих странах с мусульманским населением, где религия отделена от государства (*Сирия, Ливан, страны Южного Кавказа и Центральной Азии*).

В последнем случае, фетвы сами по себе не являются непосредственным источником мусульманского права, однако, они являются продуктом интерпретации мусульманского права авторитетными религиозными деятелями. Во многих современных мусульманских странах, где одновременно функционируют и взаимодействуют две правовые системы (*шариат и местные/светские обычаи*), решение муфтия основывается не только на принципах мусульманского права, но и на принципах местного обычного права. С одной стороны фетвы представляют собой фиксацию конкретных юридических решений, отражающих современную юридическую практику, с другой – в некоторых случаях, предлагают оригинальные решения вопроса с соответствия с обычным правом. Между тем, в зависимости от уровня религиозного фона общества фетвы духовных лиц, как правило воспринимаются как прямое руководство к действию.

С точки зрения арабского языка слово «фатва» означает «разъяснение», а в богословии данный термин несет в себе смысл «правового решения или рекомендации по тому или иному вопросу, прямо не отраженному в шариате». Ученый, который дает ответы на вопросы религиозно-правового характера называется муфтием. Сделанное же им заключение называется фетвой. Ответ на поставленный вопрос называется ифта, а обращенный к муфтию вопрос называется истифта. В Коране говорится: «...спросите же людей напоминания, если вы сами не знаете...» (16:43). Фетва может быть индивидуальным заключением мусульманского правоведа или выражать коллективное мнение – группы знатоков шариата и фикха либо особого органа.

«Только факих — знаток священного религиозного закона — мог публично высказываться о действиях властей, судить о соответствии местных обычаев и традиций идеалам и нормам ислама, выносить решения, которые оформлялись в виде фетвы. При вынесении решений факихи были независимы от официальных властей, что нередко

Фетва является формой ответа/разъяснения мусульманских ученых и улемов на новые и спорные вопросы. Фетва может быть индивидуальным заключением мусульманского правоведа или выражать коллективное мнение – группы знатоков шариата и фикха либо особого органа. В современных мусульманских странах институт фетв играет весомую регулятивную роль в решение проблем от самых бытовых до внутривнутриполитических и внешнеполитических масштабов. Ортодоксальные улемы с фундаменталистскими взглядами призывают отречься от всего нового, другие – придерживаются позиции необходимости глубокого исследования исламских норм для грамотной выработки фетв на новые вопросы. Правительства многих стран активно используют институт фетв для поддержания внутренней стабильности, разъяснения населению своих решений и предупреждения недопониманий в обществе. В этой связи, важным является изучение роли института фетв в мусульманских странах, классификация исламских постановлений в зависимости от юридической силы и механизма их проработки.

Фатво – янги ва баҳсли масалаларга доир мусулмон олимлари ва уламоларнинг жавоби ва изоҳидир. Фатво ислом ҳуқуқшуносининг индивидуал, шариат ва фикҳ билимдонларидан бир гуруҳининг умумий ёхуд махсус органнинг ҳулосаси шаклида бўлиши мумкин. Замонавий мусулмон давлатларда фатво институти кундалик маиший масалалардан тортиб, ички ва ташқи сиёсат даражадаги масалаларни ҳал этишгача бўлган жараёнга кучли таъсир ўтказиши. Фундаментал қарашга эга бўлган уламолар янгилардан юз ўтиришга чақирса, бошқалари янги масалалар бўйича адолатли фатволарни чиқариш учун ислом меъёрлари асосида чуқур ўрганишлар ўтказилиши тарафдоридир. Кўп мамлакатлар ҳуқумати фатво институтларидан ички барқарорликни сақлаш, ўз қарорлари моҳиятини тушунтириш ва жамиятдаги тушунмовчиликларнинг олдини олишда кенг фойдаланади. Ана шу муносабат билан мусулмон мамлакатларида фатво институтларининг роли, исломий қарорларнинг ҳуқуқий кучи ва уларни ишлаб чиқиш механизмига асосан таснифлаш масалаларини тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади.

Fatwa is a form of an answer/explanation of Muslim scholars and scientists to new and

confusing issues. Fatwa can be an individual conclusion of an Islamic lawyer or express a general opinion of scholars of fakikhs and shariat or a special organ. In modern Islamic countries, Fatwa institutions play a quite important role in solving problems ranging from common daily issues to inner and outer political scale. Sunni scholars with fundamental views call to avoid everything new, others support necessity for deep research of Islamic norms to work out Fatwa for new issues. The governments of many countries use Fatwa institutions to provide inner stability, to explain unclearness in the society. In this regard, it is important to study the role of Fatwa institutions in Islamic countries, classification of Islamic decrees depending on juridical power and their preparation mechanism.

приводило к преследованию их со стороны последних» [3].

Первые фетвы как ответы на появлявшиеся вопросы были обращены к сподвижникам пророка Мухаммеда [4], которые разъяснял людям те или иные положения религии. Сопратники Пророка, которых он направлял в разные регионы в качестве своих наместников, не могли советоваться с ним по каждому незначительному вопросу. В итоге это положение привело к появлению целого пласта ученых-исследователей (*муджтахидов*).

В дальнейшем развитие института фетв получило еще большее распространение. Мусульмане сталкивались со все большим количеством таких вопросов, прямых ответов на которые в источниках права найти было невозможно. Коран и Сунна содержат основные, фундаментальные принципы вероучения, базируясь на них, ученые проводят «анalogии» и «предпочитают наилучшее».

После того, как основные вопросы были поняты, разъяснены и согласованы, мусульманский мир частично прекратил развитие института фетв. Однако это касается вопросов поклонения, которые действительно во многом были решены, по другим - фетвы были востребованы всегда, вплоть до настоящего времени.

В современном мире многие улемы осознают, и потому часто выносят те фетвы, которые действительно помогают в решении тех или иных вопросов. Востребованность в иджтихаде (*научном исследовании*) присутствует в области новых усло-

вий жизни, и именно в ответах на новые вызовы времени нуждается современное общество.

К сожалению, часть мусульман по объективным и субъективным причинам, оказавшись в новых условиях пошла совсем по иному пути. Отказавшись тратить время на исследование и грамотное решение возникающих новых проблем, они сделали своим уделом опровержение уже давно следованных, разъясненных и согласованных вопросов из области ибадата (*богослужение*). Если поначалу критике подвергались лишь отдельные ученые, то затем эта негативная тенденция дошла до опровержений и даже обвинений в заблуждении известных и признанных исламских ученых имамов. Сторонники таких групп лишь себя считают правильными, «чистыми» мусульманами, хотя часто не имеют полноценных знаний, которые позволяли бы им выносить свои суждения. Нередко они отличаются крайней резкостью, амбициозностью и явным неуважением к окружающим [5].

Настораживающим является то, что в условиях развития информационно-коммуникационных технологий террористические, экстремистские и деструктивные силы издают и с невероятной скоростью дистанционно распространяют свои фетвы, содержание которых напрямую или косвенно формирует т.н. пятую колонну.

Значимость и проблему вышеизложенного обстоятельства признают многие исламоведы, ученые и политики, которые заявляют о необходимости непрерывного научного исследования и анализа норм исламской юриспруденции для своевременного урегулирования возникающих вопросов современного общества.

Если ранее в истории ислама институт фетв был разрозненным и обособленным, то нашу эпоху, наряду с выработанным механизмом взаимодействия между правительством и религией, прослеживается тенденция формирования специализированных центров, советов или иных объединений, наделенных компетенцией исследовать исламские нормы и издавать фетвы.

Так, во многих мусульманских странах сформированы специальные органы, полномочные выносить официальные фетвы. Официальный характер носят и фетвы, выносимые мусульманскими религиозными организациями в странах, где ислам является государственной религией. Кроме того, фетвы могут выноситься специальными структурами при государственных органах, публичных кор-

порациях или коммерческих предприятиях (*напр., при исламских банках*) по вопросам их деятельности.

Правительства многих мусульманских стран не только взаимодействуют, но уже давно преуспели в деле контроля и управления деятельностью института фетв. Несмотря на ортодоксальные взгляды улемы и исламское духовенство соглашаются с решениями правительств своих стран и поддерживают их с религиозной точки зрения, а в случае их противоречия исламским предписаниям – зачастую выражают свою реакцию заявлениями о сдержанности и терпимости, а порой и молчанием.

В арене внутривосточных интриг, фетвы играют важную регулятивную роль в оказании направленного воздействия на сознание массы людей для поддержания стабильности, предупреждении конфликтов, а порой и укрепления власти. В современной истории многих мусульманских стран имеются множество примеров решения внутри и внешнеполитических проблем используя институт фетв.

Так, в Королевстве Саудовская Аравия издаанию фетв уполномочены члены Совета старших улемов, Постоянный комитет по научным исследованиям и фетвам (*фактически является подструктурой Совета*), Комитет по поощрению добродетели и удержанию от порока, а также ряд уполномоченных исламских шейхов.

При этом, Совет уполномочен компетенцией издавать «фетву одобрения» коронации нового короля. Теоретически Совет служит правящей семье «Ал Сауд» и проверяет его верность исламскими принципами и праву.

«Как правило, муфтий должен объявить нового короля. Его заявление может быть сделано только на основании фетвы, указывающей, что решение является законным. Одобрение религиозных лидеров не только подтверждает подлинность правопреемства на религиозной почве, но и служит напоминанием об исторически близких отношениях между правящей в КСА династией Ал Саудов и доминирующим исламским кланом Аль Шейхов. Теоретически существует опасность, что улему будет независимыми в своем суждении и издадут фетву, оставляющую в наследство лидерство за пределами обычной линии преемственности, но этого никогда не было. Улемы, издающие фетву, состоят из членов Совета высших улемов, назначаемых королем» [6].

Так, в 1964 году король Сауд бин Абдулазиз (*период правления 1953–1964 гг.*) практически был лишен власти принцами, но формально с требованием отречься от престола к нему обратился главный муфтий страны. Когда же Сауд отказался это сделать, 29 марта 1964 г. 12 улемов приняли фетву о передаче власти Фейсалу бин Абдулазизу (*период правления 1964–1975 гг.*), которую поддержали 68 принцев. Фетва улемов, поддержанная примерно 200 представителями королевского клана, сыграла важную роль и в поддержке права на престол и короля Халеда бин Абдулазиза (*период правления 1975–1982 гг.*) [7].

В целом, религиозная система, была упорядочена в начале 70-х гг. прошлого века королем Фейсалом [8]. До этого периода руководство религиозного духовенства Саудовской Аравии не было столь систематизированным и упорядоченным.

После реформ 70-х гг. представители саудовского духовенства долгое время занимали и продолжают занимать руководящие посты в судебной системе, министерствах «хаджа», «юстиции», «ислама, вакфов и призыва», «народного образования», а также Меджлис аш-Шура (*парламент, т.н. «Консультативный совет»*).

К настоящему времени, реформы религиозного аппарата КСА позволили укрепить взаимосвязь между правящей семьей и духовенством. Во многом наблюдается взаимная поддержка, Совет и иные религиозные органы «практически никогда не возражают против какого-либо политического или иного предложения королевской семьи», в основном выполняют профилактическую, предупредительную и воспитательную функции.

К примеру, в 1979 году когда террористы из группировки «Аль-Масджид аль-Харам» оккупировали главную мечеть в Мекке с заложниками, члены Совета издали фетву, которая санкционировала применение силы против вооруженных диссидентов. Согласно нормам ислама насилие на святой земле строго запрещено.

В 1990 году решение правительства КСА пригласить тысячи военнослужащих США для создания баз в северо-восточной части страны встревожило некоторых набожных мусульман, которые стали подстрекать население к массовым недовольствам, что подрывала стабильность монархии. Король Фахд (*период правления 1982–2005 гг.*) решил эту проблему путем получения одобрения-фетвы Совета на присутствие войск США на территории Королевства.

В 2011 году Совет издал фетву, которая регламентировала то, что «протестные демонстрации являются интеллектуально дивиантными и имеют партизанские связи. Демонстрации и все то, что приводит к разобщенности и фрагментации нации не допускается шариатом. Реформы могут исходить только от предоставления предложений и рекомендаций, а не путем сбора подписей на запугивающих или разжигающих рознь заявлениях, которые нарушают то, что Всевышний заповедал» (сура 4, аят 83, Коран).

С 90-х гг. правительство КСА поэтапно начала проводить реформы, направленные на модернизацию государственного управления, которые снизили влияние религиозного истеблишмента королевства. До 2007 года т.н. исламская полиция – мутаввины (*сотрудники комитета по поощрению добродетели и удержанию от порока – государственная правительственная организация в Саудовской Аравии, целью работы которой является содействие исполнению законов шариата*) обладали широчайшими полномочиями с правом ареста и допроса виновных. Они имели право издавать фетвы на местах и привлекать нарушителей шариата к ответственности. С указанного периода аресты производятся исключительно гражданской полицией, которых нередко сопровождает несколько мутаввинов. После лишения их части прав, их фетвы приобрели лишь рекомендательный характер. Они имеют право останавливать граждан и транспортные средства, требовать предъявления документов, ответы на все вопросы и не давать со своей стороны никакого объяснения своим действиям.

Наряду с Саудовской Аравией институт фетв играет большую регулятивную роль во внутренней и внешней политике Египта.

В Египте издание фетвы в период т.н. арабской весны и прихода к власти религиозно-политической организации «Братья мусульмане» было хатичным, некоторые религиозные ученые и проповедники узаконили такие действия, как самоподарив смертников и убийства мусульман, которые не придерживаются или не верят в идеологию экстремистов.

После свержения в 2013 году проихвановского президента Мухаммада Мурси, новое руководство страны активизировало усилия по борьбе с экстремизмом и терроризмом. Правительство президента Абдель Фаттаха аль-Сиси предприняло двухсторонний подход к религиозному экстремизму,

связанный во первых, с военными операциями по локализации террористов и, во вторых, политикой дерадикализации населения, которая регулируется стратегией, разработанной религиозными учреждениями Египта, включая университет Аль-Азхар и Дар ул-Ифта.

За короткий период в стране усовершенствован и адаптирован к современным условиям институт фетв. Египетский Дар ул-Ифта расширил инструменты, используемые в борьбе с экстремизмом. Учреждены онлайн услуги по фетвам [9].

В июле 2017 года в рамках проекта по дерадикализации, во всех киосках и станциях метро установлены мониторы с внедренной онлайн услугой по предоставлению фетв в виде чатов с проповедниками, которые отвечают на все современные вопросы. Кроме того, эти электронные мониторы периодически демонстрируют анимационные видеоролики (*до 90 секунд*) Дар ул-Ифта, направленные на предупреждение экстремистских идей и оказание воспитательного воздействия на зрителей. Эти материалы в доходчивой форме разъясняют, что ислам запрещает посягательство на жизнь человека и ссылаясь на Коран, хадисы и иные нормы шариата пропагандируют необходимость бережного отношения к жизни, собственности и чести как мусульман, так и немусульман. Еще одним новшеством новой системы является доведение до население форм и методов предупреждения и самозащиты от акций экстремистских и террористических групп [10].

Египетские улемы рассчитывают, что эти новые формы связи с населением позволят противостоять фетвам экстремистских групп, призывающих к джихаду и возрождению халифата.

Наряду с борьбой против экстремизма египетский институт фетв старается не отставать от современных условий и периодически публикует такие фетвы как **«накручивать лайки в социальных сетях недопустимо, поскольку это вводит пользователей в заблуждение»**: в качестве подтверждения приводятся следующие слова Пророка – «Кто нас обманывает, тот не из нас» или фетва, запрещающая участие в распространяющейся по Интернету суицидальной игре «Синий кит».

Подводя итог следует отметить, что фетвы являются важным инструментом во внутривнутриполитической, социально-экономической и внешнеполитической деятельности современных мусульманских стран.

Как видно из вышеизложенного, некоторые правительства арабских стран используют инструмент фетв в решении внутривластных проблем, которые направлены на решение субъективных проблем и направлены на укрепление власти отдельных правителей, а другие – на предупреждение проявлений экстремизма и межконфессионального антагонизма. Наблюдаются формы оказания одной страной внешнего политического давления путем объявления фетв, который порой дистанционно манипулируют сознанием мусульманских общин других государств.

В этой связи, возникает необходимость в более глубоком исследовании и анализе механизмов проработки и издания фетв в мусульманских странах, способов и географии их распространения, а также степени охвата влияния на сознания масс населения. Исследованию подлежат также центры по изданию фетв мусульманских стран, которые являются важным инструментом во всех сферах государств.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. «Bitcoin is forbidden in Islam: Mufti's counsellor», by: «Egypt Today» staff, Dec. 31, 2017 <http://www.egypttoday.com/Article/1/38992/Bitcoin-is-forbidden-in-Islam-Mufti-s-counsellor>
2. Бурхануддин Маргинани, Хидоя. Комментарии мусульманского права : в 2 ч. Ч. 1. Т. I—11 / пер. с англ.; под ред. Н.И. Гродекова; отв. ред., авт. предисл., вступ. ст. и науч. комм. проф. А.Х. Саидов. - М.: Волтерс Клавер, 2010. — 825 с.
3. Равиль Гайнутдин, «Введение в шариат», Москва: 2014. - 189 с.: ил.; 21 см. - (Ислам как он есть) (Серия «Ханафитское наследие»). <http://dumrf.ru/islam/theology/8116>
4. Тот же источник: *В своей книге автор пишет «Первые фетвы как ответы на появившиеся вопросы восходят к самому Посланнику Аллаха, когда он разъяснял людям те или иные положения религии. При этом фетвы Пророка подтверждались (а иногда исправлялись) Всевышним Аллахом, и потому являются узаконенными, отличаясь от всех других фетв.»*
5. Тот же источник.
6. Henderson, Simon. «After King Abdullah Succession in Saudi Arabia» (PDF). August 2009. Washington Institute for Near East Policy. p. 9. Retrieved 19 March 2014.

7. А.М. Родригес. Новейшая история стран Азии и Африки. XX век. 1945–2000. Часть 3, Москва, 2004 г.

8. Islamopedia: «Standing Committee for Scholarly Research and Issuing Fatwas, (Saudi Arabia)» Archived February 26, 2012, at the Wayback Machine. retrieved 22 June 2013

9. Официальный сайт Дома Фетв Египта - <http://www.dar-alifta.org>

10. Abdi Latif Dahir «A busy subway booth in Cairo is offering free Islamic advice to beat extremism», August 3, 2017, <https://qz.com>

**Бахромжон МАМАДИЕВ,**

*Международная исламская академия Узбекистана,  
проректор по международному сотрудничеству*



## ИСЛОМДА НИКОҲНИНГ ТУГАТИЛИШ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

### ПОРЯДОК И ПОСЛЕДСТВИЕ РАСТОРЖЕНИЯ БРАКА В НОРМАХ ИСЛАМСКОГО ПРАВА

#### THE ORDER AND CONSEQUENCE OF DISSOLUTION OF MARRIAGE IN THE NORMS OF ISLAMIC LAW

**Калит сўзлар:** оилавий масалалар, никоҳ муносабатлари, талоқ, идда, нафақа, Куръон, Ҳадис.

**Ключевые слова:** семейные проблемы, брачные отношения, расторжения брака, идда, обеспечение, Коран, Хадисы.

**Key words:** family problems, matrimonial relationships, divorce, idda, provision, Qur'an and Hadiths.

Барча ҳуқуқий тизимларда оилавий муносабатлар борасидаги нормалар ичида никоҳни тугатиш масаласи энг муҳим нуқталардан бири ҳисобланади. Лекин уларда бу масалага ёндашув ҳар хил. Аслида барча ҳуқуқий тизимларнинг эътибори никоҳни сақлашга ва эр-хотинлик риштасининг адабийлигини таъминлашга қаратилган. Ислом ҳуқуқида ҳам аслида никоҳни бекор қилиш тақиқланган бўлиб, фақат зарурат учунгина бунга рухсат берилган. Зеро, ислом динида никоҳ муқаддас, оила эса бузилмас, деб эътироф этилади, эркак билан аёл ўртасидаги боғланиш муқаддаслиги ҳимоя қилинган. Ислом ҳуқуқида оилавий ҳаётни давом эттириш, унда кўзда тутилган мақсадларни рўёбга чиқариш мумкин бўлмай қолгандагина сўнгги чора сифатида ажрашишга рухсат берилади. Бу борада Пайғамбар (с.а.в)дан келтирилган қуйидаги ҳадиси шарифлар машҳурдир: «Уйланишлар, талоқ қилманглар, чунки талоқ сўзидан Раҳмоннинг арши ҳам ларзага келади», «Ҳалол нарсалар ичида Аллоҳга хуш келмайдигани талоқдир» [1:445].

Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида шундай дейилади: «Талоқ аслида тақиқланган. Аммо зарурат учун унга рухсат берилган» [2].

Демак, никоҳни бекор қилиш ислом ҳуқуқшунослари фикрларига кўра аслида тақиқланган иш бўлган. Аммо баъзи ҳолларда эр ва хотин биргаликда ҳаёт кечира олмай қолгандагина никоҳни бекор қилишга рухсат этилади.

Ислом ҳуқуқида никоҳ қуйидаги ҳолатларда бекор қилинади: томонлардан бири вафот этса, талоқ оқибатида, хулуъ ва тафриқ орқали, ийло, зиҳор, мулоъана натижасида.

**Талоқ ва унинг турлари.** Эрнинг хотинни талоқ қилиши оқибатида никоҳнинг тугатилиши ислом ҳуқуқи бўйича никоҳни тугатишнинг энг кенг тарқалган ва мураккаб туридир. Талоқ қилиш ҳуқуқи эркакка берилган, чунки табиатан эркаклар аёлларга нисбатан оғир, босиқ, ҳар бир ишнинг оқибатини ўйлаб қиладиган ва оилани оғир-енгил кунларида сабр-тоқат билан бошқариб борадиган кишилардир [3:773].

Ислом ҳуқуқи бўйича талоқ қилиш ҳуқуқи эрга берилганлиги таъкидлаб ўтилди. Аммо бундай ҳуқуққа фақатгина ақли расо ва балоғатга етган киши – эр эга бўлиши мумкин. Ақли норасо ва балоғатга етмаган эр талоқ қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Спиртли ичимликларни ёки наркотик моддаларни истеъмол қилиш оқибатида ақли-хушини йўқотган маст кишининг талоғи ўтимли бўлиши ҳақида ислом ҳуқуқи уламолари турлича қарашни айтадилар. Айримлар бундай маст одамнинг талоғи қонуний ҳисобланмайди ва ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди, десалар, баъзи уламолар мастнинг талоғи ўтимли дейдилар [4:399–400]. «Фатовои Қозихон»да: «Хамр ва набиздан маст бўлганнинг талоғи тушади», дейилади [5:286]. «Фатовои Қозихон»нинг «Ёзиш билан талоқ қилиш» ҳақидаги фаслида айнан бугунги техника ривожланган кунимиз учун бирмунча аҳамиятли бўлган қуйидагилар баён этилади: «Ёзишнинг икки тури бор: Аниқ: ўқиш ва тушуниш мумкин бўладиган қилиб саҳифа, девор ёки ерга ёзишдир. Ноаниқ: ўқиш ва тушуниш мумкин бўлмайдиган бўлиб, ҳаво, сув ёки бошқа бирор нарсага ёзиш ҳисобланади. Ёзишнинг иккинчи «ноаниқ» турида қалба қатъий ният қилинмаган бўлса, талоқ тушмайди. Агар ёзув ўқиш мумкин бўлган даражада аниқ ёзилиб, талоқ ният қилинган бўлса талоқ тушади, акс ҳолда йўқ. Ёзувнинг биринчи турида, яъни «аниқ» ҳолатда эса ният қилинган ёки ният қилинмагандан қатъий назар талоқ тушади. Ёзилган нарса ҳеч қачон бекор бўлиб қолмайди. Талоқни ёзгач, уни жўнатган, «Сен талоқсан» деб ёзган бўлса ўша ёзган вақтидан бошлаб талоқ тушади, идда лозим бўлади.

Агар талоқни ёзувнинг етиб боришига боғласа, яъни: «Сенга шу мактубим етиб борса, етиб борганда сен талоқсан» деса, аёлга унинг ёзуви етиб бормаса талоқ тушмайди. «Сенга бу мактубим борса сен талоқсан» деб ёзган бўлса, аёлга ёзув етиб

бориб, у ўқиган ва ўқимаганидан қатъи назар талоқ тушади».

Талоқ ҳуқуқий оқибатларига кўра боин ва ражъий талоққа, боин талоқ ҳам кичик ва катта боин талоққа бўлинади.

*Ражъий* – қайта ярашиш мумкин бўладиган талоқ бўлиб, биринчи ёки иккинчи маротаба бўлса, эр идда тугамасидан туриб ҳар қандай сўз ёки иш-ҳаракат билан никоҳсиз, маҳрсиз аёлни ўз ихтиёрига қайтариб олиши мумкин.

*Кичик боин* – эр аёлга яқинлик қилмай талоқ қилса ёки киноя сўзлар билан ажрашса ёки ражъий талоқ қилиб, идда ичида қайтариб олмаса, бунда янги никоҳ ақди ва маҳр билан қайтариб олиш мумкин.

*Катта боин* – уч талоқдан иборат бўлиб, ундан сўнг эр-хотин умуман яшаши мумкин эмас, фақат аёл бошқа эрга тегиб, ажрашса ё эри ўлса, биринчи эри билан никоҳланса бўлади.

**Хулуъ ва тафриқ.** «Хулуъ» сўзи луғатда «ки-йимни ечиш» маъносида кўпроқ ишлатилади. Шариатда эса, хотин кишининг бирон моддий нарса бериб, эри билан ажрашишига «хулуъ» дейилади.

«Фатовои Қозихон», «Ҳидоя» ва «Хулосат ал-фатово»да хулуъ боиндир, дейилган, яъни хулуъ қилинган аёлга бир боин талоқ тушади [6].

Демак, хулуъ – бу аёл ташаббуси билан ўзаро келишув асосида никоҳни бекор қилишдир. Унинг талоқдан фарқи шундаки, никоҳ томонларнинг ўзаро хоҳиши асосида тугатилади. Ушбу шартноманинг асосий шarti шундаки, эр хотиндан унга берган маҳрини қайтариб олади ёки хотин эрига моддий мукофот беради. Бу, албатта, эр ва хотинни ушлаб турган маҳр ва бошқа эрнинг мулкий мажбуриятларидан воз кечиш орқали аёл никоҳни бекор қилишга тайёрлигини кўрсатади. Бундан ташқари баъзи ҳолатларда аёлнинг қўшимча мулк беришга розилиги ҳам оиланинг бирлиги ва иноқлиги йўқлигини кўрсатади. Шу сабабли ислом ҳуқуқида никоҳ бу шаклда ҳам бекор қилинади. Аслида бундай оғир шартларни қўйиш билан бир томондан моддий бойликка ҳирс қўйган аёлнинг истаги, иккинчи томондан эрнинг оила ва моддий бойликдан бирини танлаши орқали унинг оилага бўлган муносабати аниқланади. Бундай ҳолатдаги оиланинг давом этиши ва тинч ҳаёт кечириши қийин.

Агар аёл хулуъ орқали никоҳни бекор қила олмаса ва эрининг ҳар қандай кўринишдаги зулми остида қолиб кетса ёки бошқа бир сабабларга кўра оилавий ҳаётни давом эттира олмаса қози

Мақолада Ислом ҳуқуқида никоҳни бекор қилиш шартлари ва унинг ҳуқуқий оқибатларининг мазмун-моҳияти, никоҳ бекор қилингандан кейинги томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий асослари таҳлил этилган.

В статье анализируется порядок и последствие расторжения брака в нормах исламского права, значимость прав и обязанностей сторон после развода, их своеобразные свойства, социально-экономические, культурно-просветительские основы.

This article analyzes the order and consequence of divorce in the norms of Islamic law, the importance of the rights and obligations of the parties after the divorce, their peculiar properties, socio-economic, cultural and educational background.

(суд)га мурожаат қилиб никоҳни бекор қилиши мумкин. Бундай бекор қилиш шакли «**тафриқ**» ёки «фасх» дейилади. Тафриқда асосан аёл қозига мурожаат қилади. Баъзи ҳолатларда ўз-ўзидан никоҳ бекор қилинадиган ҳолатлар юзага келса қози фақат бу ҳолатни тасдиқлаб, никоҳнинг бекор қилинганлигини расман эълон қилган.

Ислом ҳуқуқи манбаларида келтирилишича, ҳанафий мазҳабида аёлнинг талаби билан никоҳнинг бекор қилиниши учун қози томонидан инобатга олинадиган сабабларнинг мавжуд бўлиши муҳим. Масалан, эр-хотиннинг бирида жисмоний камчилик ёки нуқсоннинг мавжудлиги натижасида жинсий алоқанинг йўқлиги (бу ҳақда даъвогар никоҳдан олдин беҳабар бўлган бўлса); эрнинг маҳрни бермаганлиги; эр қарамоғида бўлган хотиннинг таъминоти билан боғлиқ мажбуриятларини бажармаслиги; узоқ вақт мобайнида эрнинг хотинга нисбатан золимларча муносабати; эр-хотиннинг феъллари бир-бирига тўғри келмаслиги каби сабаблар орқали никоҳ қози томонидан бекор қилиниши мумкин [7:337].

**Ийло йўли билан никоҳни бекор қилиш.** «Ийло» луғатда «қасам ичиш» маъносини англатади. Шариатда эса, эрнинг хотинига тўрт ой ёки ундан кўп муддат жинсий яқинлик қилмасликка қасам ичишига айтилади. «Хотинларидан ийло қилганлар учун кутиш тўрт ойдир. Агар қайтсалар, бас, албатта, Аллоҳ мағфиратли, раҳмли Зотдир. Ва агар талоқни қасд қилсалар, бас, албатта, Аллоҳ Эшитувчи, Билувчи Зотдир». («Бақара» сураси, 226–227-оятлар)

Абу Ҳанифа мазҳаби бўйича, тўрт ой ўтиши билан ражъий талоқ тушади. Эрнинг талоқ қилиши

шарт эмас. Агар эр ичган қасамида турмаса, унга қасам каффорати вожиб бўлади.

**Зихор йўли билан никоҳни бекор қилиш.** «Зихор» сўзи «зоҳр» сўзининг ўзагидан олинган бўлиб, инсоннинг орқа бел томонини билдиради. Шариатда эса, эрнинг ўз хотинига «сен мен учун онамнинг орқа бел томони кабисан» – дейишига айтилади. Бу тўғрироғи, хотиним онам каби ҳаром бўлсин, деган маънони англатади. Уламоларнинг таъкидлашича, «зихор» фақат арабларга хос одат бўлиб, бошқа халқларда бу одат йўқ экан. Ушбу одатлар кишилар бидъат ва хурофотга берилиши оқибатида уларнинг ақллари ҳам тубанлашиб қолишини кўрсатади. Чунки ақли-ҳуши жойида бўлган одам ҳеч қачон бир оғиз сўз билан хотини онасига айланиб қолишини қабул қила олмайди. Бу ҳолатда ҳам агар эр ичган қасамида турмаса, унга қасам каффорати вожиб бўлади.

**Мулоъана йўли билан никоҳни бекор қилиш.** «Лиъон» (мулоъана) сўзи «лаънатлашиш» маъносини англатади. Шариатда эса, хотинини зинода айблаб, гувоҳ келтира олмаган вояга етган ақли расо эрнинг ва зинони рад этган хотиннинг қози олдида бир-бирларини лаънатлашларига айтилади [8:346]. «Ўз жуфтларига (бўхтон) тоши отиб, фақат ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаганлар эса, бас, улардан ҳар бирининг гувоҳлиги Аллоҳнинг номи ила тўрт марта, албатта, у ростгўйлардан эканлиги ҳақида шохидлик беришдир». «Бешинчисида эса, агар ёлғончилардан бўлса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлишини (айтишдир)». «Ва у (аёл)дан азобни қайтарадиган нарса Аллоҳнинг номи ила тўрт марта, албатта, у (эр) ёлғончилардандир, деб шохидлик беришидир». «Бешинчисида эса, агар у (эр) ростгўйлардан бўлса, ўзи (аёл)га Аллоҳнинг ғазаби бўлишини (айтишдир)» («Нур» сураси, 6–9-оятлар). Демак, эр хотинини зинокорликда айблаганда айбни тўрт кишининг гувоҳлиги билан исботлаши лозим бўлади. Эр гувоҳлари бўлмаган ҳолда ўз хотинини зинода айбдор эканлигини исботлаш учун қози ҳузурда «Нур» сурасининг 6–7-оятига кўра Аллоҳ номи билан тўрт марта қасам ичиб, агар хотинига туҳмат қилаётган бўлса, Аллоҳнинг лаънатига учрашини айтиб, бешинчи қасамни ичиши лозим.

Хотин эри ҳақ эканлигини тан олмаса эрнинг даъвосини инкор қилиб худди шу тарзда у ҳам қасам ичади («Нур» сураси 8–9-оятлар). Бу ҳолат никоҳни тугатиш учун асос бўлади. Қози эр билан хотинни ажратиш ҳақида қарор қабул қилади. Ушбу ҳолда талоқи боин бўлади.

Агар эр хотинига туҳмат қилаётганлиги аниқланса ўзининг ёлғон сўзлаганига иқрор бўлмагунча қамоқда сақланади. У ёлғон гапирганига иқрор бўлса хотинга нисбатан қилинган даъво рад этилиб, унинг пок эканлиги тасдиқланади. Агар хотинига зинокорликни туҳмат қилганини ўз ихтиёри билан бўйнига олса унга саксон дарра урилади. Шундан сўнг эр-хотинлик муносабатлари тикланиши мумкин.

Никоҳни ҳар қандай йўл билан бекор қилишда шариат аёлларни ҳимоя қилиб, уларнинг обрўсини, уларга бўлган ҳурматни сақлаб қолишни тавсия этади. Ислом ҳуқуқи «чиройли суратда ажралиш»ни, яъни эр-хотин бир-бирини беҳурмат қилмай, хусусан, аёлни бошқалар назарида қора қилмай, унга кейин бошқалар талабгор бўлишини назардан қочирмасдан, унга никоҳ сабабли берилган маҳрдан олиб қолмай ажралишни буюради [9].

Ислом ҳуқуқига кўра оиланинг тугатилиши никоҳ бекор бўлиши асосларининг қай бири татбиқ этилганидан қатъи назар томонлар ўртасида маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради. Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларга собиқ эр-хотин ва оиланинг бошқа аъзолари томонидан тўлиқ риоя қилиниши жамиятда инсонлар ҳаётининг никоҳдан кейинги даври учун муҳим моддий ва маънавий аҳамият касб этади. Улар қуйидагилар: идда, нафақа, мерос.

*Иддага доир ҳуқуқ ва мажбуриятлар.*

«Идда» сўзи араб тилида «санаш» маъносини англатади. Истилоҳда эса эридан ўлим ёки талоқ туфайли ажраган аёл бошқа эрга тегмасдан кутиб турадиган оралиқ муддатга айтилади. Идда аслида ўлган эрнинг хотираси ва ажрашган эр билан ўтган ҳаёт ҳурмати учун, энг муҳими – аёл ҳомиладор эканлигини аниқлаш учун шариатда белгиланган муддат [10:348].

«Талоқ қилинган аёллар ўзларига қараб, уч ҳайз муддати (ўтишини) кутиб ўтирадилар. Агар улар Аллоҳга ва охират кунига ишонсалар, бачадонларида Аллоҳ яратган нарса (ҳомила ёки ҳайз)ни яширишлари ҳалол (иш) эмас». («Бақара» сураси, 228-оят). «Ҳомиладорларнинг (идда) муддатлари ҳомилаларини қўйишлари (кўзи ёришлари)дир. Кимки Аллоҳга тақво қилса, (Аллоҳ) унинг ишини осон қилур». («Талоқ» сураси, 4-оят). Ушбу оятлардаги ҳукмлар эри билан бирга яшаган, ҳайз кўрадиган ва талоқ қилинган аёлларга оиддир.

Никоҳдан сўнг бирга яшамай туриб, талоқ қилинган аёлларнинг ҳукми:

«Қачонки, сизлар мўминаларни никоҳингизга олсангиз-у, сўнгра уларга «тегиш»дан илгари уларни талоқ қилсангиз, у ҳолда сизлар учун уларнинг зиммасида санайдиган идда йўқдир». («Азҳоб» сураси, 49-оят).

Эри ўлган аёлнинг идда муддати қуйидаги оят билан белгиланган:

«Сизлардан вафот этиб, хотинларини қолдирган бўлсалар, (бева хотинлари) тўрт ою ўн кун ўзларини кузатиб (идда сақлаб) ўтирадилар». («Бақара» сураси, 234-оят).

Ислом ҳуқуқида эрдан ажраган ёки эри вафот этган бева аёл «идда» муддати ўтмагунча янги никоҳ туза олмайди. Идда муддати аёлнинг ҳомиладорлигини аниқлаш ва насл аралашиб кетмаслиги учун белгиланган бўлиб, ушбу муддат тугагач, ҳомиладор эмаслиги аниқланганидан сўнг бошқа никоҳга киришига рухсат этилади. Чунки турмуш қураётган аёл ҳомиладор бўлмаслиги керак. Агар у ҳомиладор бўлса, фарзанд туғилгач, бу ҳолат аёлнинг оилавий ҳолатига таъсир этиши ва боланинг насаби аниқланмай қолиши мумкин.

Ислом ҳуқуқида идда сақлаш жойи, идда муддати даврида эр-хотин ўртасидаги муносабат, хотиннинг ўзини қандай тутиши каби масалалар билан боғлиқ қоидалар батафсил баён қилинган. Умумий қоида бўйича эри тамонидан талоқ қилинган хотин талоқ қилинган вақтида қаерда яшаган бўлса ўша ерда, эри вафот этган хотин ўлим содир бўлган вақтда қаерда истиқомат қилган бўлса ўша ерда идда сақлайди. Агар ушбу ерда хотин учун яшаш ноқулай бўлса; турар жойнинг меросхўрлари ўртасида тақсимланиши натижасида жой торлик қилиб қолса; унинг ҳаёти, соғлиги, ор-номуси, боласи, мулки учун хавфи бўлса; турар-жой маълум муддатга ижарага олинган бўлиб муддат тугаган бўлса ёки аёлнинг ижара ҳақини тўлаш имконияти бўлмаса; турар жойнинг бузилиб кетиш хавфи бўлса ёки у ерда туришга аёл кўрқса, у мазкур турар жойдан чиқиб кетиши ва ўзи хоҳлаган жойда идда сақлаши мумкин [11:350].

Назаримизда эрдан ажраган ёки эри вафот этган бева аёл учун «идда» муддати белгиланишининг маънавий аҳамияти ниҳоятда катта. Идданинг белгиланиши биринчи навбатда оилани сақлаб қолиш учун яна бир имконият сифатида ҳамда фарзанд насабини белгилашдаги асосий мезон нуқтани назаридан жамиятда маънавий соғлом муҳитга таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Идда муддати ўтмагунча янги никоҳ тузиш мумкин эмас. Идда

муддатида аёлнинг ҳомиладорлиги аниқланиб насл аралашиб кетмаслигининг олди олинади ва ушбу муддат тугагач, ҳомиладор эмаслиги аниқланганидан сўнгина бошқа никоҳга киришига рухсат этилади.

**Нафақага оид ҳуқуқ ва мажбуриятлар.** «Нафақа» сўзи лугатда «сарфлаш» маъносида ишлатилиб, фақатгина ижобий маънода қўлланилади. Истилоҳда эса кишининг ўз қўли остидагиларини, яъни хотини, болалари, ота-онасининг моддий эҳтиёжлари (озик-овқат, кийим-кечак ва уй-жой)ни таъминлаши тушунилади [12:610].

«Нафақа, – дейилади «Ҳидоя»да, – эр-хотинликнинг таянчи ва оиланинг давомли бўлишининг асосий омилидир» [13:320].

Аёлга нафақа беришнинг мажбурийлиги Қуръон, сунна ва ижмо орқали белгиланган [14].

Нафақа шундай нарсаки, у фақат никоҳ вақтида эмас, балки идда вақтида ҳам вожиблигини сақлаб қолади. Ражъий талоқ иддасида ўтирган аёлнинг нафақаси эрнинг зиммасида бўлиши тўғрисида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Аммо боин ёки уч талоқ қилинган хотин нафақаси хусусида турлича қарашлар мавжуд. Ибн Аббос, Ҳасан Басрий, Шаъбий, Шофеъий ва Аҳмадлар ҳомила бўлмаса нафақа вожиб эмас, дейдилар. Ибн Масъуд, Иброҳим Нахайй, Саврий ва ҳанафий уламолари наздида ҳар қандай ҳолатда ҳам талоқ қилинган аёлга иддаси чиққунгача нафақа вожиб саналади [15:559].

Талоқ қилинган аёл ҳомиладор бўлса, талоқ қилувчи эр аёлни фарзанд кўргунча нафақа (таом, кийим, маскан) билан таъминлаши шарт. Зеро, Қуръони каримнинг «Талоқ» сураси 6-оятда: «Уларга (талоқ иддасини сақлаётган хотинларингизга) ўзларингиз маскан тутган жойдан тоқатингизга қараб жой берингиз ва уларни (турган жойларидан) сиқиб чиқариш мақсадида уларга зарар етказмангиз! Агар улар ҳомиладор бўлсалар, у ҳолда, то ҳомидаларини қўйгунларича, уларга нафақа бериб турингиз!» дейилган.

**Меросга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлар.** Маълумки, ислом ҳуқуқшунослигида бирор киши мерос олиши учун албатта шариат эътиборга олган сабаб бўлиши керак. Ана шундай сабаблардан бири бу – никоҳ, яъни эр-хотинликдир. Бу қонуний никоҳ муносабатига киришган жуфт ўртасида мерос ҳуқуқининг вужудга келиши бўлиб, бунда эр ва хотин бирга яшайдиларми ёки алоҳида бунинг аҳамияти йўқ. Агар никоҳдан сўнг кутилмаганда эр вафот этса ҳали бирга яшамаган бўлсалар ҳам хотини унга

ворис, мабодо хотин вафот этса, албатта эр унинг вориси ҳисобланади.

Ражъий талоқ иддасида ўтирган аёл эридан мерос олади, чунки ражъий талоқ иддаси пайтида эр-хотинлик муносабати тугамайди.

Аммо боин талоқ тушган аёл эрига меросхўр бўла олмайди, чунки бундай талоқдан сўнг эр-хотинлик муносабати тугайди. Агар эр ўлим тўшагида ётган пайтида хотинини боин талоқ қилса, бу унинг хотинига мерос қолдиришдан қочиб қилган талоғи ҳисобланади. Ҳанафий мазҳабига кўра шундай талоқ тушган аёлнинг идда муддати тугамасидан эри вафот этса, у аёл эридан мерос олиш ҳуқуқига эга [16:7705].

Тадқиқотлар жараёнида кузатилдики, ислом кириб келгунга қадар жоҳилия даврида араблар аёлларни бойликларининг бир қисми деб ҳисоблаганлар. Аёлларнинг умуман меросда ҳақлари бўлмаган. Уларда фақат эркак кишигина мерос қолдириш ҳуқуқига эга бўлган. У ҳам мол-мулкни ўзи хоҳлаган шахсга қолдирган. Агар мерос қолдирувчининг тутинган отаси ёки бирор ҳомийси бўлса, ана ўшаларни ҳам ўзининг меросхўри деб эълон қилаверган. Вафот этган киши ворисни ўзи тайинлаб кетмаган бўлса, унинг мол-мулки (аёллар, болалар, касал ёки кексалардан бўлак) қабиланинг куч-қудратга эга, нуфузли бирор кимсасига ўтиб кетаверган. Ҳатто баъзилар аёлларни ҳам мерос қаторига қўшиб, ўз меросхўрига васият қилиб қолдирганлар [17].

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ислом ҳуқуқида никоҳ эр-хотин мулкнинг умумийлигига олиб келмайди. Бунга биноан эр-хотин ҳар бирининг мулки, у бу мулкка никоҳдан аввал ёки кейин эга бўлганидан қатъи назар, уларнинг ҳар бирининг ўз мулки бўлиб қолади. Бу принцип ислом ҳуқуқида қайд қилинган аёлларнинг мулкӣ муносабатлардаги мустақиллик принципига тўла мос келади. Бу принцип аёлларга никоҳ тузгандан кейин шахсий ва мулкӣ муносабатларда ўзининг мустақиллигини сақлаб қолиш, никоҳдан олдинги ва никоҳ давомида топилган ўз мулкни эркин тасарруф қилиш имконини берди.

Ислом ҳуқуқида эркак ва аёлнинг мулкӣ мустақиллиги белгиланганлиги билан бирга, бу ҳуқуқларни амалга ошириш учун бир қатор қафолатлар ҳам жорий қилинган. Эр ва хотин умумий хўжаликни бошқаришлари ва болаларининг борлигидан қатъи назар, ҳар қайсиси ўз мулкни яқка тартибда идора қилиш ҳуқуқига эга.

Ислом ҳуқуқидаги аёлларнинг мулкӣ эркинликлари ҳақида қатор тадқиқотчилар томонидан: «Мулкӣ муносабатларда, никоҳ тузиш ва никоҳни бекор қилишда ҳамда гувоҳлик беришда Қуръон аёл кишининг ҳуқуқини камситади» [18:7], дейилган хулосалар ҳам, «Ислом ҳуқуқи хотинни эрга бўйсунушга мажбур этади. Лекин эрнинг ҳукми фақат хотиннинг шахсига тааллуқли, унинг мулкига эмас. Оврупа феодал ва кейинчалик буржуа қонунчилиги бўйича хотиннинг мулки ва сепини эр бошқаради, ислом ҳуқуқи эса, эр-хотин мулкни қатъий ажратади. Эр хотинининг мулкни бошқаришга ҳаққи йўқ» [19:175], мазмунидаги фикрлар ҳам билдирилган.

Ҳақиқат шуки, ислом ҳуқуқига кўра аёл ўз мулкига эгаллик қилиши, молиявий шартномалар тузиши мумкин, бунда у ҳеч қандай васийликка муҳтож эмас, чунки у соғлом ақл билан иш кўради. Бу борада аёл эркак билан бир хил ҳуқуққа эга.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, эзгу мақсадлар ирода қилиниб ташкил этилган оила маълум бир жиддий ҳаётӣ сабаблар, турмушда содир бўладиган бир қатор ҳодисалар, юридик фактлар туфайли никоҳнинг тугатилишига асос бўлиши ҳам мумкин экан. Демак, никоҳнинг тугатилиши дейилганда, маълум юридик фактлар туфайли эр-хотин ўртасида вужудга келган никоҳ ҳуқуқӣ муносабатларининг тугалланиши тушунилади.

Ислом ҳуқуқида никоҳ ҳуқуқӣ муносабатига қандай юридик фактлар таъсир этишига қараб никоҳ талоқ, хулуъ, тафриқ, ийло, лиъон йўллари билан бекор қилиниши мумкинлиги аниқланди. Никоҳ қайси асослар билан тугалланишига қарамай томонларнинг никоҳдан ажралишдан келиб чиқадиган бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлари қатъий белгиланган бўлиб, улар инсон ҳаётининг никоҳдан кейинги даври учун муҳим моддий ва маънавий аҳамият касб этади.

Ислом динида никоҳ муқаддас, оила эса бузилмас деб эътироф этилади, эркак билан аёл ўртасидаги боғланиш муқаддаслиги ҳимоя қилинган. Шу сабабдан ҳам, исломда эркак билан аёлнинг никоҳсиз яшашига йўл қўйилмаган. Бу ҳол мусулмонларни никоҳ ва оилага енгилтаклик билан муносабатда бўлишдан қайтарган. Лекин ислом ҳуқуқида оилавий ҳаётни давом эттириш, унда кўзда тутилган мақсадларни рўёбга чиқариш мумкин бўлмай қолгандагина сўнгги чора сифатида ажрашишга рухсат берилади. Айтиш жоизки, бугунги кунда долзарб

аҳамият касб этаётган енгил-елпи оилавий ажримларнинг тобора кўпайиб бораётгани сабаблари, моҳиятини шариат кўрсатмаларини ўрганиш орқали ечимни топиш лозим бўлган масалаларда улардан истефода этиш мумкин. Ислом оила ҳуқуқида белгиланган никоҳнинг бекор бўлиши билан боғлиқ эр-хотинлик мажбуриятлари моҳиятини англаш никоҳланувчилар ўртасида оила масъулиятини оширишда, оила муқаддас даргоҳ эканини теран тушунтиришда ўзига хос аҳамиятга эга.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Т.: «Ҳилол-Нашр», 2016. – Б. 445.
2. Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя шарҳ бидоятул мубтадий. – Байрут.: «Дар ал-кутуб ал-илмийя», 1971. 1-2 Ж. – Б. 248.; Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. Фатовои Қозихон. – Байрут.: «Дарул фикр», 2010. 7-жилд. – Б. 272.; Ифтихоруддин Тоҳир ибн Абдурашид ал-Бухорий. Хулосат ал-фатово. 2 Ж. – Покистон.: Мактабат ар-рашидийя кутубхонаси фонди. Тошбосма. - № 72263. – Б. 73.
3. Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. – Т. 1. – Т.: «Адолат», 2000. – Б. 773.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя. 2-жуз. –Т.: «Шарқ», 2011. – Б. 399-400.
5. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. «فتاوى القضاة» (Фатовои Қозихон). – Байрут.: «Дарул фикр», 2010. 7-жилд. – Б. 286.
6. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. «فتاوى القضاة» (Фатовои Қозихон). – Байрут.: «Дарул фикр», 2010. 7-жилд. – Б. 327.; Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя шарҳ бидоятул мубтадий. – Байрут.: «Дар ал-кутуб ал-илмийя», 1971. 1-2 Ж. – Б. 292.; Ифтихоруддин Тоҳир ибн Абдурашид ал-Бухорий. Хулосат ал-фатово. 2 Ж. – Покистон.: Мактабат ар-рашидийя кутубхонаси фонди. Тошбосма. - № 72263. – Б. 101.
7. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. «فتاوى القضاة» (Фатовои Қозихон). – Байрут.: «Дарул фикр», 2010. 7-жилд. – Б. 337.
8. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. «فتاوى القضاة» (Фатовои Қозихон). – Байрут.: «Дарул фикр», 2010. 7-жилд. – Б. 346.
9. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. «Бақара» сураси, 229, 231-оятлар; «Нисо» сураси, 20-оят.
10. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. «فتاوى القضاة» (Фатовои Қозихон). – Байрут.: «Дарул фикр», 2010. 7-жилд. – Б. 348.
11. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. «فتاوى القضاة» (Фатовои Қозихон). – Байрут.: «Дарул фикр», 2010. 7-жилд. – Б. 350.
12. Биноий. Шарҳ ал-ҳидоя. – Байрут.: «Дор ал-кутуб ал-илмийя», 2000. – Б. 610. (Бундан кейин: Биноий.)
13. Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя шарҳ бидоятул мубтадий. – Байрут.: «Дар ал-кутуб ал-илмийя», 1971. 1-2 Ж. – Б. 320.
14. Комил Муҳаммад. Ал-жомиъ фи фикҳ ан-Нисо. – Байрут.: «Дар ал-кутуб ал-илмийя», 1996. – Б. 264.
15. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – Б. 559.
16. Ваҳба аз-Зухайлий Ал-фиқҳ ал-исламий вал-адиллагуҳу. 10-жилд. – Сурия.: «Дарул фикр», 1997. – Б. 7705.
17. Юсупова Н.Ж. Исломда аёл ҳуқуқлари. Монография. – Т.: «Академия» ноширлик маркази, 2006. – Б. 29.
18. Шайдулина Л.И. Коран и шариат о положении женщины в семье и обществе: Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – М.: 1963. – С. 7.
19. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII–XV веках. – Л.: Изд. Ленингр. Уна, 1966. – С. 175.

**Nigora YUSUPOVA,**

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi  
«Ijtimoiy-gumanitar fanlar» kafedrası dotsenti,  
yuridik fanlar nomzodi.*



## ҚУРЪОНДА БАЁН УСЛУБИ

## МЕТОД ПОВЕСТВОВАНИЯ В КОРАНЕ

## THE METHOD OF REPORTING IN QUR`AN

**Калит сўзлар:** Қуръон, манба, баён, услуб, сура, оят, масал, маккий, маданий, мухтасар.

**Ключевые слова:** Коран, источник, изложение, метод, сура, аят, изречение, маккий, маданий, краткий.

**Key words:** Qur`an, source, explanation, style, surah, verse, aphorism, Meccian, Medinian, concise.

Қуръон ислом динининг асосий манбаси бўлиб, ақида, шариат қонун-қоидалари, тарихий қиссалар, одоб-ахлоқ масалалари акс этган китобдир. У кейинги даврларда ислом динига оид турли илм ва фан йўналишларининг ажралиб чиқишига ижобий таъсир кўрсатган. Қуръонда ифода ва баён услуби ўзига хос бўлиб, бошқа китоблардан ажралиб туради. Унда услуб мухтасар баён этиш орқали кўплаб маъноларни қамраб олиш, сўзларнинг танланиши, жумлаларнинг тузилишидаги гўзалликларни зикр этиш мумкин.

Қуръонда қўлланилган ўзига хос услублар бир нечта йўналишни қамраб олади. Жумладан, оят ёки сўз бир-бирига қарама-қарши бўлмаган икки ёки ундан ортиқ маъноларни келтириб чиқариши мумкин. Яна бир мавзу остидаги оятларнинг бир жойда жамланмаслиги Қуръоннинг асосий хусусиятларидан бўлиб, улар Қуръоннинг турли ўринларида зикр этилади. Яъни шунга кўра Қуръоннинг барчаси бир сурага ўхшайди. Чунки бир ўринда келган маълумот, ҳукм, хабар бошқа ўринда кенгроқ тушунтирилади, ёки бир ўриндаги хабарнинг бошқа ўринда тафсилоти келади. Бир ўринда бутун бир хабар, ҳукмнинг бир қисми келса, бошқа ўринда бошқа жиҳати баён этилади. Бир ўринда кенг қамровли ҳукм, маъно ва мазмун келиб чиқса, бошқа ўринда чегараланади, истиснолар қилинади. Бу эса, ўқувчини бир масалани тўлиқ ўрганиб, кейин хулоса чиқаришга етаклайди. Бир хил мавзудаги бир ёки ундан ортиқ жумла ва оятларнинг Қуръоннинг турли ўринларида такрорланиши қандай муносабат билан ушбу жумлалар келганига қараб шарҳланади. Шунда такрорланишдаги хусусиятлар ҳам юзага чиқади. Шунингдек, Қуръон услубларидан бири яхшилик

ва ёмонликнинг доимо биргаликда, бир оятда ёки бир ўринда, оятлар мажмуасида зикр этилишидир. Қуръоннинг алоҳида хусусиятларидан бири гайб ҳақидаги хабарларнинг келиши бўлиб, улар Аллоҳ, фаришталар, жаннат ва дўзах каби ўлимдан кейинги ҳаёт тавсифлари бўйича мавзулар ўз ичига олади ҳамда кишилар ушбу хабарларга имон келтиришга чақирилади.

Қуръонда жумлалар, гап бўлақларини тушириб қолдириш услубидан кенг фойдаланилган. Яъни унда эга, кесим, ҳол, тўлдирувчи кабилар тушириб қолдирилиб, маъно ва мурод етказиб берилади. Бунинг сабаби асосан балоғат ва фасоҳат юзасидан бўлиб, гап бўлақларидан бири тушириб қолдирилганда, қўшимча маъноларнинг юзага келиши мумкинлиги, ёки каломда мухтасар ифода билан кенгроқ маъноларни қамрашга қаратилгани муфассирлар томонидан зикр этилган. Бу услуб асосида Қуръонда бир жумла билан бир-бирига яқин маъноларни ҳосил қилиш имкони ҳам, ёки муфассирлар мухтасар, гапдан кенг маъноларни чиқаришлари учун изланиш имконияти пайдо қилинади. Гап бўлақларидан эганинг тушириб қолдирилишига мисол:

«(У) машриқ ва мағрибнинг Парвардигоридир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Бас, Унигина вакил (ҳимоячи) қилиб олинг!» (Муззаммил, 9). Яъни ушбу оятга кўра «(У) машриқ ва мағрибнинг Раббисидир...» тарзида бўлиб, «У» (эга) тушириб қолдирилган. Яъни маънони янада бойроқ қилиш имконияти юзасидан тушириб қолдирилгани олимлар томонидан зикр этилган. «У машриқ ва мағриб Раббисидир», деб ҳам шарҳлаш мумкин бўлади ёки олдинги оятдаги «Рабб» сўзига бадал (изоҳлаш, аниқ тарзда билдириш) тарзида, уни васф қилиб тушунтириб бериш учун «У» тушириб қолдирилади ҳамда шарҳи «Машриқ ва мағриб Раббиси бўлмиш Раббингни зикр эт...» тарзида бўлади [4:55–57]. Шу каби эга тушириб қолдирилганда, маъно янада бойитилиши мумкин бўлади. Гап бўлақларидан ҳолнинг тушириб қолдирилишига мисол:

«Сўнгра уларнинг ҳузурларига ҳар (бир) эшиқдан фаришталар кириб (дерлар): «(Аллоҳ йўлида турли машаққатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлмай. Дунё оқибати (жаннат) нақадар яхши!» (Раъд, 23–24). Яъни оятга кўра уларнинг ҳузурларига фаришталар барча эшиклардан «сизларга сабр қилганингиз учун салом бўлсин»

деган ҳолларида кириб келадилар. Бу ерда «деган ҳолларида» сўзи, яъни гап бўлакларида ҳол мухтасар ифода юзасидан тушириб қолдирилган. Кесим тушириб қолдирилишига мисол:

«Ахир (қилган) ёмон иши ўзига чиройли кўрсатилиб, уни гўзал (иш) деб ўйлаган кимса (ҳидоят топган зот каби бўлармиди)?! Зотан, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Бас, (эй Муҳаммад!) Уларга ҳасратлар чекиб жонингиз (чиқиб) кетмасин. Албатта, Аллоҳ уларнинг қилаётган сир-синоатларини билувчидир» (Фотир, 8).

Замахшарий шарҳлашича, «шу икки тоифадан ёмон амали чиройли қилиб кўрсатилган киши ёмон амали чиройли қилиб кўрсатилмаган кишидек бўладими?», тарзида, яъни «ёмон амали чиройли қилиб кўрсатилмаган кишидек бўладими» кесим жумла тушириб қолдирилган. Шу билан бирга бошқача шарҳ берилган ўринлар ҳам мавжуд. Унга кўра «ёмон амали чиройли қилиб кўрсатиб қўйилган киши ҳидоят қилинган киши билан тенг бўладими?» тарзида бўлиб, бунда кесим «ҳидоят қилинган кишидек бўладими» жумласи бўлади. Ҳамда бу ҳолатда оятдаги «Аллоҳ хоҳлаган одамни йўлдан адаштирур, хоҳлаганини ҳидоят қилур» сўзига ҳам мувофиқ бўлади. Яъни муфассирлар оятга мос тарзда кесимни турлича белгилашлари мумкин.

Шу билан бирга, Қуръонда ишлатиладиган услублардан бири хабар давомида жумлаларни тушириб қолдириш бўлиб, лекин бунда кетма-кетлик асосида кишининг тушуниб олишига имкон қолдирилади. Яъни ушбу жумлаларнинг тушириб қолдирилиши кўп гапни мухтасар қилиш юзасидан бўлади. Жумладан, ушбу ҳолат кўпроқ Қуръон қиссаларида учрайди:

«Икки (маҳбуслар)дан озод бўлгани (соқий) бир қанча муддат (етти йил) ўтгач, (Юсуфни) эслаб деди: «Унинг таъбирини мен айтиб берурман. Мени (Юсуф ҳузурига) юборингиз!» (У бориб деди): «Юсуф! Эй, ростгўй одам! Бизга еттита озгин сигир еттита семиз сигирни егани ҳамда еттита яшил бошоқ билан бирга турган бошқа (етти) қуруқлари тўғрисидаги (туш) фатвоси (таъбири)ни айтиб бергин. Шояд, одамлар олдига борганимда зора улар ҳам (буни) билиб олишса». (Юсуф) айтди: «Одатларингиз бўйича етти йил зироат қилаверасиз. Олган ҳосилингни (омборда) бошоғи билан қолдирингиз. Фақат озгина ўзингиз

Қуръон ислом динининг асосий манбаси ҳисобланиб, ақида, шариат ҳукмлари, тарихий қиссалар ҳамда одоб-ахлоққа оид муҳим маълумотлар беради. Қуръоннинг баён услуби алоҳида ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ушбу мақолада мана шу ўзига хосликлар оятлардан келтирилган мисоллар орқали ёритиб берилган. Мақолада Қуръонда ишлатилган турли баён услублари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Коран является главным источником ислама и предоставляет важную информацию о вероисповедании, правилах шариата, исторических рассказах и нравственности. В статье описаны особенности метода повествования Корана основываясь на аятах. Кроме этого в статье освещены подробные информации о различных методах повествования, используемых в Коране.

Qur'an is considered as the most important source of Islam and it gives full information about Muslim belief, the rules of shari'a, historical events and morals. The explanation method of Qur'an has special characters that differ from other books and these characters were explained through the examples from the verses of Qur'an in this paper. The paper gives information about the explanation styles that used in Qur'an as well.

ейдиганингни (янчиб олингни!). Сўнгра, ундан кейин қаттиқ етти (йил) келади ва шу (қаҳатчилик йил)лар учун ғамлаб қўйган захирангни еб кетади. Фақат озгина асраб қўйганингнидан (қолур). Сўнгра, ундан кейин бир йил келиб, одамлар унда ёмғирга сероб бўдурлар ва унда (мевалардан) шарбат олулар». Шоҳ (бу жавобларни эшитиб): «Уни ҳузуримга олиб келингни!» деди. Чопар унинг олдига келгач, у (Юсуф) деди: «Хожанг ҳузурига қайтиб боргин-да, ундан қўлларини кесиб олган аёллар иши нима бўлганини сўра! Албатта, Раббим уларнинг макрларини билувчидир» (Юсуф, 45–50).

Ушбу оятлар мажмуасида бир нечта ўринда жумлалар тушириб қолдирилган. Улар тўрт ўринни ташкил қилади: 1) нажот топган икки йигитдан бири «Мени унинг олдига юборинглар» деганда аслида оят сиёқида қуйидаги маъно келиб чиқади: «Мени Юсуфнинг олдига юборинглар», деганда, улар унинг сўзини қабул этиб, уни Юсуфнинг олдига юбордилар. У йигит Юсуфнинг олдига келиб деди... (Шу ўринда оятнинг давомидаги жумлалар келади); 2) Юсуф унга тушнинг таъбирини айтгандан кейинги ҳолатда жумланинг тақдири: «У йигит подшоҳ ва аёнларнинг олдиларига қайтиб, Юсуф айтган таъбирни етказди» [3:165–170].

Яъни ушбу ўрин кетма-кетликка мос келади ҳамда ушбу жумла тушириб қолдирилган; 3) подшоҳ Юсуфни олиб келишларини сўраганида оятнинг тақдири: «Юсуфни подшоҳ ҳузурига олиб келиш учун унинг олдига одам юбордилар, чопар етиб келиб, олиб кетишга келганини билдиради» тарзида бўлади, шунда оятга мувофиқ тарзда унинг давоми «Юсуф чопарга деди: «Подшоҳ ҳузурига қайт ва ...»; 4) чопар подшоҳ ҳузурига қайтиб бориб, Юсуфнинг сўзларини етказди. Яъни оятнинг тақдири: «Чопар подшоҳга хабарни етказганида, у «қўлларини кесган аёлларни чақиртириб келиб, уларга...», тарзида бўлади ва давоми оятда келишича «деди: Юсуфни йўлдан урмоқчи бўлганингизда нима бўлган эди». Тўлдирувчи тушириб қолдирилишига мисол:

«Қасамд этурман чошгоҳ вақти билан ва (ўз зулмати билан атрофни) қоплаб турган тун биланки, (эй Муҳаммад!) Раббингиз Сиздан воз кечгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ!» (Зуҳо, 1–3).

Бу ўринда «коф» замир ҳарфи (бу ерда маъноси «сизни») тушириб қолдирилган. Яъни «сизни Аллоҳ тарк этмаган» маъносида. Демак, тўлдирувчи вазифасини бажарувчи «коф» ҳарфи тушириб қолдирилиб, «алиф» билан яқунланиб, фосилага (сажъга) риоя этилган, чунки олдинги оятлар «алиф» билан тугаган. Қўриниб турганидек, юқоридаги ҳолатларда жумлаалар мухтасарлик юзасидан тушириб қолдирилиб, лекин ўқувчи учун қийинчиликсиз маъно ва мазмунни ҳосил қилиш учун имконият яратилади. Сажъ ва фосила услуби. Қуръонда сажъ услуби қўлланиб, араб шеърларидан фарқ қилади. «Сажъ» бу икки фосила (оятдаги охириги сўзлар)нинг охириги ҳарфларининг бир-бирига қофиядош бўлишидир. Яъни икки фосиланинг кетма-кет бир ҳарфда мувофиқ келишидир. Яна унга шеър бўлмаган жумланинг бир-бирига қофияли бўлишидир, деб ҳам таъриф берилган. «Фосила» эса, оятдаги (ёки жумладаги) охириги сўздир [2:75-78]. У олдинги ва кейинги гап ва хабарлар орасини ажратгани учун «фосила» деб аталган ҳамда у гап ё хабарни тўхтатиб, жумлани чиройли қилиш учун ишлатилади. Унинг қофияли бўлиши шарт бўлмайди. Қуръон қофияли сажъ услубида бўлиб, оятлар охирида қўлланади. Умуман, ислом олимлари орасида Қуръоннинг сажъ услубида битилгани, ёки бу услубни унга мансуб қилиш мумкин эмаслиги борасида ихтилоф мавжуд. Ушбу ихтилоф Муҳаммад (с.а.в.)нинг «коҳинлар сажъидекми», деб бир киши гапини

қофияга солганида танқид қилган гапларидан келиб чиққан. Яъни бунга кўра жоҳилият давридагидек сажъ қилган киши танқид қилинган. Ушбу ҳадисда умуман сажъ танқид қилинмаган. Лекин ушбу ҳадисдан келиб чиқиб, айрим олимлар Қуръонда сажъ ишлатилганига эҳтиёткорлик билан қараб, уни Қуръонда қўлланганлигини инкор этганлар. Ашъарийлик ақидаси имоми Абул Ҳасан Ашъарий ушбу қарашни қўллаб-қувватлаган ҳамда ашъарийлик намояндалари «сажъ» маънони ўзига тобе қилиб, «фосила» эса, маънога тобе бўлади, деганлар. Шунга кўра «сажъ» Қуръонда бўлиши мумкин эмас, чунки фақат қофияни келтириш ва бунда маънони эътиборга олмасликнинг Қуръонда бўлишини рад этганлар. Бошқалар эса, Қуръонда сажъ услуби қўлланганини инкор этмаганлар, буни адабий ва шеърый услуб сифатида эътиборга олиб, Қуръонда ушбу услуб қўлланганини ҳамда Қуръонда маъно ҳам, қофия ҳам бирдек ишлатилган, яъни унда маъно сажъ ва қофияга тобе бўлмаган, деб таъкидлаганлар. Масалан, юқорида зикр этилган оятда сажъ услубига риоя этилганини соҳа олимлари зикр этганлар:

Бу ўринда «коф» замир ҳарфи («сизни Аллоҳ тарк этмаган» маъносида) тушириб қолдирилиб, олдинги оятларга мувофиқ тарзда «алиф» билан яқунланган, бу билан сажъга риоя этилган. Умуман, сажъ услубига кўра сўз, жумла ёки унинг қисми мувофиқ бўлиши, ҳар бири маъноли бўлиши, ундаги бир қисм бошқа қисмни такрорламаслиги, балки бошқа маънони билдириши лозим. Қуръондаги сажъ услубининг моҳияти бу жумла ёки унинг қофия қисми маъно-мазмунга тобе бўлиши ҳамда маъно-мазмуннинг қофияга тобе бўлмаслигидир. Маълумки, арабларда қофияни келтириш мақсадида маънога эътибор бермаслик кенг тарқалган. «Ар-Раҳмон» сурасида барча оятлар фосиласи сажъ услубида бўлиб, «Кимки Аллоҳдан қўрқса, унга икки жаннатдир» жумласи келган.

«Парвардигори (ҳузурда) туришдан (сўралишдан) қўрққан киши учун икки жаннат (боғи) бордир... (У икки жаннат боғи қалин) шохновдаларга эгадир» (Ар-Раҳмон, 46,48). Ушбу иккилик қўшимчаси «ани» бўлиб, «икки жаннат» сўзи қофия учун келган, аслида бир жаннат назарда тутилган, деган қараш ҳам мавжуд. Бошқа олимлар эса, «икки жаннат», юқорида инс ва жинлар зикр этилгани учунлиги, яъни инс зотига ҳам жаннат, жин зотига ҳам жаннат берилиши назарда тутилгани учун иккилик сонда келганини таъкидлаганлар.

Олимлар томонидан Қуръондаги сажъ, фосила услублари бўйича изланишлар олиб борилган. Унга кўра сажъ икки хил бўлади. Бири бир хил ҳарфлар билан яқунланади:

«То, ҳо. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сизга бу Қуръонни (дин ишида) машаққат чекишингиз учун эмас, балки (Аллоҳдан) кўрқадиган кишилар учун эслатма сифатида нозил қилдик» (Тоҳо, 1–3).

«Қасамёд этаман Тур (тоғи) билан, битилган Китоб (Қуръон) биланки» (Тур, 1–2). Иккинчи тури эса, бир-бирига яқин ҳарфлар билан яқунланишидир. Бир-бирига яқин ҳарфлар бу «мим» ва «нун», «дол» ва «ба»лардир:

«(У) Мехрибон, Раҳмли ва жазо (ва мукофот) кунининг (қиёмат кунининг) эгасидир» (Фотиҳа, 2–3).

«Қоф. Улуғ Қуръон билан қасамёд этаман! Ҳа, уларга (фаришта ўрнига) ўзларидан бўлмиш бир огоҳлантирувчи (пайғамбар) келганидан ажабландилар. Шунда кофирлар айтдилар: «Бу жуда қизиқ нарса-ку! Бизлар ўлиб, тупроққа айланганимизда (яна тириламизми)?! Бу жуда узок (ақлга сиғмас) қайтишдир» (Қоф, 1–3).

Шунингдек, олимлар «сажъ» услубини Қуръонга мансуб қилишдан эҳтиёт бўлиб, унинг ўрнига «фосила» сўзини қўллаганлар. Аслида «сажъ» маънога ҳам тобе бўлиши мумкин, айнан шу кўринишда Қуръонда акс этган.

Савол ва жавоб тарзида баён этиш услуби ҳам Қуръонда кенг қўлланилган услублардандир. Шу билан бирга, Қуръондаги калом тааммул ва тафаккурга йўналтиришга, баъзан танбеҳга, мухтасарлик, мўъжазликка асосланилади. «Эсланг, (эй Муҳаммад!) Раббингиз фаришталарга: «Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман», – деганида, (улар) айтдилар: «Унда (Ерда) бузғунчилик қиладиган, (ноҳақ равишда) қонлар тўқадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз Сенга ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамыз ва Сени муқаддас деб биламыз. (Аллоҳ) айтди: «Албатта, Мен сизлар билмаган нарсаларни билурман» (Бақара, 30). «Аллоҳ (охиратда) пайғамбарларни йиғиб, «(Умматингиздан) қандай жавоб олдингиз?» – деб сўрайдиган Куни (улар): «Бизда илм йўқ. Фақат Сен Ўзинг ғойиб (нарсаларнинг алломасидирсан», – дейдилар» (Моида, 109).

Қуръонда масаллар келтириш услуби ўзига хос ва кенг қўлланилган услублардандир. Масал «ўхшатиш» маъносини билдириб, қиссадан фарқ қилади. Масалда зикр этилаётган воқеа ёки

ўхшатишнинг ҳақиқатан содир бўлиши шарт эмас. Қиссада эса, ўша воқеа-ҳодисанинг содир бўлиши шарт. Масал Қуръондаги ўзига хос услублардан бўлиб, баён этишда ўхшатишлар орқали тасвирлаш, бундан кишилар маълум маънони осонроқ тушуниб олишлари учун фойдаланилади. Зарбулмасал орқали маъно ва мазмунни етказиш араблар учун таниш услуб бўлган. Қуръонда зарбулмасал услубининг қўлланиши кейинги давр адабиётида алоҳида жанр юзага келишига тўртки бўлган. Бу услуб қисқача жумлалар билан кенг маъно касб этиш мақсадида амалга оширилиб, панду насихат учун ишлатилади. «Молларини Аллоҳ ризолигини истаб, самимий дилларидан чиқариб сарф қиладиган кишилар адирдаги боққа ўшар: унга жала қуйгач, ҳосилини икки баробар етиштирар. Агар унга жала ёлмаган бўлса, томчилаб ёққан ёмғир ҳам (ўзига яраша ундирар)» (Бақара, 265). «Эй имон келтирганлар! Молини одамлар кўрсин деб берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, (берган) садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! У (риёкор) устини тупроқ қоплаган силлиқ қояга ўхшайди; устига жала ёққанда, (тупроқ ювилиб,) сип-силлиқ тошнинг ўзини қолдиради» (Бақара, 264). «Ҳақиқий дуо фақат Унга (қилинур). Ундан ўзга дуо қилаётган (бут)лари эса, уларнинг бирорта дуосини мустажоб қилмас. Илло, улар кафтларини сувга чўзиб, у сув оғзига етишини кутиб турган бир кимсага ўхшайдилар. Ҳолбуки, у (сув) унинг оғзига етувчи эмасдир. Кофирларнинг дуолари мутлақо зоедир» (Раъд, 14).

Аллоҳнинг мавжудлигини баён этишдаги услуб [5:252–256]. Яъни Аллоҳ барча махлуқот ва мавжудотларни яратувчилигини имон келтирмаётган кишиларга далил қилиб кўрсатилиши. «Қасамки, Биз инсонни (Одамни) лойнинг сарасидан яратдик. Сўнгра уни (инсон наслини, аввало) мустаҳкам қароргоҳ (бачадон) даги маний қилдик. Сўнгра (бу) манийни лахта қон қилиб яратдик, бас, лахта қонни парча гўшт қилиб яратдик, бас, парча гўшни суяклар қилиб яратиб, (бу) суякларга гўшт қопладик, сўнгра (унга жон киритиб, олдинги ҳолидан бутунлай) бошқача бир вужудни пайдо қилдик. Яратувчиларнинг энг гўзали – Аллоҳ баракотлидир! Сўнгра, албатта, сизлар (эй инсонлар!) Мана шундан кейин, албатта, вафот этувчидирсиз. Сўнгра сизлар, албатта, қиёмат куни қайта тирилурсиз» (Муъминун, 12–16).

Маккий ва маданий сура ва оятлардаги баён услуби ҳам бир-биридан фарқли жиҳатларга эга: 1) маккий сура ва оятлар аксарият ҳолларда қисқалик хусусиятига эга. Яъни, суралар қисқа, оятлар ҳам қисқа сўзлардан таркиб топади; 2) маккий сураларда таъкид, қасам, масалларни келтириш кўп учрайди; 3) маккий сура ва оятларда қиёмат куни, жаннат ва дўзах кабилар кенгроқ тасвирланади.

Маданий сура ва оятлар қуйидаги хусусиятларга эга: 1) маданий сура ва оятлар узунроқ; 2) ушбу суралар ва оятлар баёнидаги услуб босиқлик, юмшоқлик билан ифодаланади. Яъни, маккийларидан фарқли оятларнинг бўлиниши кўп учрамайди, жумлалар узунроқ тузилади.

Қуръонда такрор келган оятлар борасида ўрта асрлардаги манбаларда маълумотлар мавжуд эмас. Ҳозирги даврда бу борада тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жами Қуръонда такрор келган оятлар сони 98 тани ташкил этиб, 65 сурада 280 марта зикр этилган. Оятларнинг такрорланиши икки турга бўлинади. Бири бир суранинг ўзида бир оятнинг такрорланиши, иккинчиси жами Қуръон бўйича бир оятнинг такрорланишидир. Бир суранинг ўзида бир оятнинг такрорланиши 24 оятга тегишли бўлиб, улар 106 марта такрорланган. Аксарият оятлар сурада икки мартаба такрорланган бўлса, қуйидаги оятлар бошқаларига нисбатан кўпроқ такрорланган: «Албатта, бунда аломат бордир. (Лекин) уларнинг кўплари имон келтирувчи бўлмадилар» (Шуаро, 8). Ушбу оят 6 бора «Шуаро» сурасида 8, 67, 103, 121, 174, 190-оятларида келган. «Раббингиз эса, У Қудратли ва Раҳмидир» (Шуаро, 9). Ушбу оят 8 бора «Шуаро» сурасида 9, 68, 104, 122, 140, 159, 175, 191-оятларида келган. «Албатта, мен сизларга юборилган ишончли пайғамбардирман!» (Шуаро, 107). Ушбу оят «Шуаро» сурасида 107, 125, 143, 162, 178-оятларида 5 марта келган. «Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга (Аллоҳнинг динига чақирганимда) итоат этингиз!» (Шуаро, 108). Ушбу оят «Шуаро» сурасида 8 марта келган, оят рақамлари: 108, 110, 126, 131, 144, 150, 163, 179. «Мен сизлардан бу (даъватим) учун мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир» (Шуаро, 109). Ушбу оят 5 мартаба «Шуаро» сурасининг 109, 127, 145, 164, 180-оятларида такрор келган. «Илло, Аллоҳнинг шундай (куфр ва ширкдан) дили пок бандалари бордирки,» (Соффот, 40). Ушбу оят 4 мартаба «Соффот» сурасининг 40, 74, 128,

160-оятларида келган. «Кейинги (авлод)лар орасида у ҳақда (мақтовлар) қолдирдик» (Соффот, 78). Ушбу оят 3 мартаба «Соффот» сурасининг 78, 108, 129-оятларида келган. «Дарҳақиқат, у Бизнинг мўмин бандаларимиздандир» (Соффот, 81). Ушбу оят «Соффот» сурасининг 81, 111, 132-оятларида келган. «Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришларим қандай экан?!» (Қамар, 16). Ушбу оят «Қамар» сурасининг 16, 21, 30-оятларида зикр этилган. «Ҳақиқатан, Биз Қуръонни зикр (эслатма) учун осон қилиб қўйдик. Бас, эслатма олувчи борми?!» (Қамар, 17). Ушбу оят 4 марта «Қамар» сурасининг 17, 22, 32, 40-оятларида зикр этилган. «Бас, (эй инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!» (Ар-Раҳмон, 13). Ушбу оят Қуръонда энг кўп зикр этилган оят саналади. У «ар-Раҳмон» сурасида 31 мартаба зикр этилган. Оят рақамлари: 13, 16, 18, 21, 23, 25, 28, 30, 32, 34, 36, 38, 40, 42, 45, 47, 49, 51, 53, 55, 57, 59, 61, 63, 65, 67, 69, 71, 71, 75, 77.

Бир оятнинг Қуръоннинг бир сурадан ташқарида, турли ўринларда зикр этилиши 71 оятга тегишли. Икки мартадан кўп такрорланган оятлар қуйидагилардир: «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда (азоб) қачон (бўлади)?» дейдилар» (Юнус, 48). Ушбу оят Юнус, 48; Анбиё, 38; Намл, 71; Сабаъ, 29; Ёсин, 48; Мулк, 25 оятларида 6 марта зикр этилган. «Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай тақдирлаймиз» (Соффот, 80). Ушбу оят Соффот, 80; Соффот, 121; Соффот, 131; Мурсалот, 44 оятларида тўрт бора келган. «(Бу Китоб) Азиз (қудратли) ва Ҳаким (ҳикматли) – Аллоҳ (томони) дан нозил қилингандир» (Зумар, 1). Ушбу оят 3 бора – Зумар, 1; Жосия, 2; Аҳқоф, 2 оятларида зикр этилган. «Бас, (эй, Муҳаммад!) Улуғ Раббингиз номини (поклаб) тасбеҳ айтинг!» (Воқеа, 74). Ушбу оят 3 бора – Воқеа, 74; Воқеа, 96; Ҳоққа, 52 оятларида келган. «У кунда (ҳаётлик вақтларида қиёматни) инкор этувчилар ҳолига вой!» (Мурсалот, 15). Ушбу оят 11 бора – Мурсалот, 15, 19, 24, 28, 34, 37, 40, 45, 47, 49; Мутаффиун, 10-оятларида келган [1:128–130]. Юқоридаги оятлар кўпроқ такрорланган оятлар бўлиб, аксарият оятлар икки мартадан такрорланган.

Шундай қилиб, Қуръонда баён услуби бой бўлиб, унда турли йўналишларда маъноларни ифодалаш услублари юқорида кўриб чиқилди. Ушбу услублар Қуръонни теран англаш, унинг маъноларини тушунишда, тўғри йўналишдан оғмаслик-

да муҳим ўрин тутди. Шунингдек, мазкур йўналишдаги тадқиқотларни бойитиш ҳам муқаддас манба бўлиши Қуръонни шарҳлаш ва тушунишга хизмат қилиши юзасидан аҳамиятлидир.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Лайс Самарқандий. Абу Лайс тафсири. Баҳру-л-удум / Али Муҳаммад Муавваз, Одил Аҳмад Абдулмавжуд, Закариё Абдулмажид Нутий таҳрири остида. 3 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб илмия, 1993. – Б. 128-130.
2. Али ибн Аҳмад Найсабурий. Оятларнинг нозил бўлиш сабаблари. // таржимон А. Турсунов. – Т: Мовароуннаҳр, 2009. – 568 б.;
3. Муҳаммад ибн Лутфий Саббоғ. Ламаҳот фи улумил-Қуръон ва иттижоҳот ат-тафсир. Байрут: Мактаб исломий, 1990. – Б. 165-170.
4. Муҳаммад Ҳусайн Заҳабий. Ат-Тафсир ва ал-муфассирун. – Қоҳира: Мактаба ваҳаба, 2003. – Б. 55-57.
5. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари. – Т: Тошкент ислом университети, 2003. – 468 б.

**Abdurashid ABDULLAYEV,**

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi «Islom fanlari»  
kafedrasi mudiri,  
tarix fanlari nomzodi, dotsent*



## АҚЛИЙ ВА НАҚЛИЙ ТАФСИРЛАРНИНГ РИВОЖИ

### РАЗВИТИЕ ПЕРЕДАННЫХ И РАЦИОНАЛЬНЫХ ТАФСИР

#### THE DEVELOPMENT OF TRANSMITTED AND RATIONAL TAFSIRS

**Калит сўзлар:** тафсир, тафсир бил маъсур (нақлий тафсир), тафсир бир раъй (ақлий тафсир), муфассир, оят, шарҳ.

**Ключевые слова:** тафсир, тафсир бин нақл (переданный тафсир), тафсир бир раъй (рациональный тафсир), муфассир, аят, комментарий.

**Key words:** tafsir, tafsir bin naql (transmitted tafsirs), tafsir bir ra'y (rational tafsirs), mufassir (commentator), ayat, commentary (interpretation).

Асрлар давомида кўплаб тадқиқотчи ва олимларни тафсирлар билан бир қаторда уларнинг турлари ҳам қизиқтириб келган. Шу нуқтаи назардан тафсир турлари, уларнинг фарқли ва ўхшаш томонлари каби масалалар қайта-қайта ўрганилган. Тафсир илмини икки қисмга, яъни ат-тафсир бил маъсур – нақл асосидаги тафсир ва ат-тафсир бир раъй – ақл ва ижтиҳод асосидаги тафсирга ажратиб тадқиқ қилиш анъанаси мавжуд.

Аслида ҳам мавжуд тафсир китоблари таҳлил қилинса, улар ёки нақл, яъни ҳадис, саҳобалар ривоятлари ёки ақлий илмлар асосида ёзилганини кўриш мумкин. Бироқ нақлий тафсирларда фақатгина нақлий маълумотлар, ақлийларида эса, фақатгина ақлий маълумотлар бўлади холос, деган қоида мавжуд эмас. Шу боис иккаласи аралашган китобларнинг топилиши ҳам табиий ҳол. Масалан, нақлий тафсирлардаги ривоятларнинг айримларини афзалроқ эканини ажратиш ва таржиҳ қилишда ақлий илмларга таяниш ҳолатлари кузатилади. Бунинг акси, ақлий тафсирларда нақлий ривоятлар ҳам учраб туради, бироқ далилларнинг аксарият қисми ақлий бўлгани сабабли улар ақлий тафсирлар қаторида саналади.

Ат-тафсир бил маъсур бу Қуръонни ҳадис, саҳоба ва тобиинлардан нақл қилинган саҳиҳ ривоятлар асосида шарҳлашдир. Ушбу тафсир тури тафсирлар ичида афзали ва улуғроғи ҳисобланади. Чунки ҳадис Қуръонни шарҳлайди, саҳобалар оят-

Мақолада тафсир илмининг ривожини натижасида нақлий ва ақлий тафсирларнинг вужудга келиши, ақлий тафсирларнинг тараққиёти ва бундай тафсирларга қўйилган талаблар таҳлил қилинган. Шунингдек, машҳур ақлий ва нақлий тафсир китоблари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

В статье анализируется появление тафсиров бин накл и бир райъ в итоге прогрессе тафсиров, а также, развитие тафсир бир райъ и требование к таким тафсирам. Кроме этого, даны сведения о самых известных тафсирах.

The article elucidates how development of tafsirs brought about the emergence of transmitted and rational tafsirs. Apart from it, author analyzes the evolution of rational tafsirs and the requirements to them and tries to give information about wide spread tafsirs.

ларнинг нозил бўлишига бевосита гувоҳ бўлишган, тобиинлар эса, саҳобаларнинг давомчиларидир, шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур асослар тафсирнинг қадрини оширади. Бироқ тафсирнинг бу турида икки асосий жиҳатга эътибор қаратиш зарур бўлади: биринчиси, ривоятлар силсиласининг саҳиҳлиги; иккинчиси, бир оят шарҳида бир нечта нақлларнинг мавжудлиги. Бундай ҳолда улар орасидан маъқулроғини ажратиб олиш муфассир олдидаги муҳим вазифалардан бири саналади.

Нақлий тафсирлар ҳам ўз навбатида иккига: фақатгина нақлдан иборат бўлган тафсир китоблари ҳамда нақлий ривоятлари нисбатан кўпроқ бўлган қисмга бўлинади. Шундай бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммаси ҳам умумий тарзда нақлий тафсирлар деб аталади.

Машҳур нақлий тафсирлар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг (ваф. 310 ҳ.й.) «Жомиул баён ан таъвили ойил Қуръон»;
- Ибн Абу Ҳотам Розийнинг (ваф. 327 ҳ.й.) «Тафсирул Қуръонил карим»;
- Абу Лайс Самарқандийнинг (ваф. 375 ҳ.й.) «Баҳрул улум»;
- Абу Исҳоқ Саолибийнинг (ваф. 427 ҳ.й.) «ал-Кашф вал баён ан тафсирил Қуръон»;
- Абу Муҳаммад Бағавийнинг (ваф. 516 ҳ.й.) «Маолимут танзил»;
- Ибн Атийя Андалусийнинг (ваф. 546 ҳ.й.) «ал-Баҳрул вазиз фи тафсирил Китабил азиз»;
- Ибн Касир Дамашқийнинг (ваф. 774 ҳ.й.) «Тафсирул Қуръонил карим»;
- Абдурахмон Саолибийнинг (ваф. 876 ҳ.й.) «ал-Жавоҳирул ҳисон фи тафсирил Қуръон»;

– Жалолуддин Суютийнинг (ваф. 911 ҳ.й.) «ад-Дуррул мансур фит тафсири бил маъсур»;

– Муҳаммад ибн Шавканийнинг (ваф. 1250 ҳ.й.) «Фатҳул кодирил жомий байна фаннир ривоя вад диroyа мин илмит тафсир»;

– Муҳаммад Амин Шанқитийнинг (ваф. 1393 ҳ.й.) «Азвоул баён фи изоҳил Қуръон бил Қуръон».

Тафсир турининг иккинчиси ат-тафсир бир райъ – ақлий тафсир бўлиб, унга олимлар қуйидагича таъриф берадилар: тафсир қилувчи олимнинг ўз ақлий фаолиятини Аллоҳ таолонинг Қуръондан кўзланган мақсадини очиб беришга йўналтириши ва бунда шариат ҳамда тил қоидаларига амал қилишидир. Тафсирнинг ушбу турида ақл ва ижтиҳоддан фойдаланилгани сабабли у «ақлий тафсир», «ижтиҳодий тафсир», «диroyа (билим) тафсири» каби номлар билан аталган. Унда муфассир оятлар ҳукмларидан олинадиган ақлий натижаларга, бир нечта эҳтимоли бўлган маъноларнинг бирини аниқлаштириш ва танлаши орқали Қуръонга маъно беради.

Аслида тафсирнинг ушбу тури Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) даврида пайдо бўлган. Саҳобалар Қуръондан кўзланган маъноларни тушунишда ўзларининг араб тилини билиш даражalarидан келиб чиқиб, ижтиҳод қилганлар. Бу ҳолат Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан кейин ҳам давом этди ва модомики, ақлий тафсирлари Қуръон ва суннага зид бўлмас экан ижтиҳод қилганлар.

Тобеинлар даврида ҳам оятларнинг нозил бўлиш ҳолати, шариат ва тилнинг тақозосига риоя этган ҳолда ақлий тафсирлар ривожланди. Шу тарзда аҳвол бузғунчи фирқа ва оқимлар пайдо бўлгунча давом этди. Ҳатто баъзилар Қуръонни ақлий ва ижтиҳод ила тафсир қилиш нотўғри, деган хулосага бориб қолдилар. Шундан кейин олимлар ақлий тафсирларни чуқур ўрганиб, уларни иккига ажратдилар:

Биринчиси, жоиз ва мақбул саналган тури бўлиб, бунда ақлий тафсир эгаси шариат ва тил қоидаларига мувофиқ, саҳиҳ ривоятлар, соғлом ақл ва аниқ маълумотга зид бўлмаган, тўғри хулосаларни ўқувчига тақдим этади. Бир сўз билан айтганда, қилаётган тафсири на дин ва на мантиққа зид бўлмайди.

Иккинчиси, тақиқланган ва мазаммат қилинган тафсир тури бўлиб, унда оятлар билимсизлик ва ўз майлича шарҳланади, шариат ва тил қоидаларига риоя этилмайди. Бунда кўпинча муфассир мансуб

бўлган оқимнинг нотўғри қарашлари қўллаб-қувватланади. Шу сабабли ҳам бундай тафсир тури рухсат этилмаган.

Бу борада Қуръони карим ва ҳадисларда бир қатор далиллар келтирилган. Жумладан, «Бақара» сураси 169-оятда шундай дейилади: «Албатта, у (Шайтон) сизларни ёмонлик ва фахш ишларга ҳамда Аллоҳга нисбатан билмаган нарсаларингизни айтишга буюради».

Ҳадисда: «Ким Қуръон борасида ўз фикри (бошқа бир ривоятда «илмсиз») гапирса, ўз жойини жаҳаннамда тайёрлаб қўйверсин» (Термизий ривояти).

Абу Исо Термизий ўз ақли билан тафсир қилишнинг ёмонлиги ҳақидаги ҳадисларни келтириб, шундай дейди: «Шу тарзда Пайғамбар асҳобларидан илмсиз тафсир қилишнинг оғирлиги борасида қаттиқ зажр қилинган ривоятлар келган. Бироқ, Мужоҳид, Қатода ва егук муфассирларнинг оятларни тафсир қилишларини асло илмсизлик ёки ўз ҳавои нафслари майлига кўра деган маъно келиб чиқмайди. Чунки улардан бундай ишлар содир бўлмаганига далиллар бордир» [1: 365–366].

Мазкур фикрни қўллаб-қувватловчи бир қанча ривоятлар келтирилган. Уларнинг барчаси саҳоба ва тобеинларнинг ақл ила тафсир қилганликлари, лекин ушбу тафсирлар асло нотўғри бўлмаганлиги ҳамда тафсир қилишда жуда ҳам эҳтиёткор бўлганликларини кўрсатади. Жумладан, Абу Бакр Сиддик айтар эканлар: «Агар мен Аллоҳнинг китоби борасида билмай бирор сўз айтсам қайси ер мени кўтаради, қайси осмон менга соя берар эди?!»

Ибн Жарир Табарий айтади: «Ибн Абу Мулайкадан ривоят қилинади: «Албатта, Ибн Аббос бир оят ҳақида сўралганда, у ўша оят ҳақида гапиршдан бош тортди. Агар сизлардан ўша оят ҳақида сўралганида албатта гапирар эдингиз» [2: 129].

Яна Имом Табарий Масруқдан қуйидаги ривоятни келтиради: «Тафсирдан эҳтиёт бўлинглар, чунки у Аллоҳдан ривоят саналади» [2: 129].

Муҳаммад ибн Сиррийн айтади: «Мен Убайда Салмонийдан бир оят мазмуни ҳақида сўрадим. Шунда у зот: «Қуръон нима ҳақида нозил қилинганини билганлар ўтиб кетди. Аллоҳга тақво қил ва мустаҳкам бўл», – деди».

Абу Убайда Убайдуллоҳ ибн Муслим ибн Ясордан ривоят қилиб айтади: «Аллоҳнинг (ояти) ҳақида гапирсанг тўхта, олдинги ва кейинги (оятлари)га назар сол».

Шу тарзда салафи солиҳлар ўта эҳтиёткорлик ва тақво ила оятларни шарҳлаганлар. Улар тафсирни Аллоҳ таолога оятдан кўзланган маъно шундай эканига гувоҳлик бериш, деб ҳисоблаганлар ва мақсаддан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилганлар. Айрим муфассирлар эса, ўзлари билганича тафсир қилишдан кўрқиб, ўзидан билимироқ бирор кишига эргашганлар ҳамда хато қилсалар: «Мен бу тафсирни фалон салаф олимдан олганман», дер эканлар. Бу ҳолат кўпинча ўзлари билмаган масалаларга тааллуқли. Бироқ ўзлари аниқ билган нарсаларда гумон қилсалар ҳам оятлар маъносини айтишга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун ҳам Абу Бакр Сиддик (розияллоху анху)дан Қуръондаги ал-калола<sup>3</sup>дан сўраганларида, «Мен бу борада ўз фикримни айтаман, агар тўғри бўлса бу Аллоҳдан, агар нотўғри бўлса, унда мен ва Шайтондан» деб ушбу сўзнинг маъносини айтиб берган экан.

Ҳофиз ибн Касир ўз тафсирида айтади: «(Ақлий тафсир борасида тақиқлар келган) ривоятлар билими бўлмай туриб тафсир қилганларга боғлиқдир. Бироқ луғат ва шариатни яхши билиб, тафсир қилганларга ҳеч қандай зарар йўқдир. Улар ўзлари билган масалада фикр билдириб, билмаганлари ҳақида жим бўлганлар, шу сабабли ҳам улардан ўзлари билган нарсаларда тафсир ривоятлари сақланиб қолган. Шундай экан, ушбу йўлни тутиш барча муфассирларга шарт. Чунки Қуръонда «инсонларга баён қилиб беришингиз учун» деб айтилганидек олим билган масалада сўралса жавоб бериши керак. Ҳадисда ҳам «Кимдан бирор бир масала ҳақида сўралса-ю, бироқ уни яширса, Аллоҳ ўша кишини қиёмат куни оловли юган билан азоблайди» [3: 63].

Олимлар юқоридаги фикрларни қўллаб-қувватлаб, рухсат этилган ақлий тафсир борасида шундай деганлар: «Муфассир тил, шариат қоидалари, носих ва мансук оятлар, нозил бўлиш сабаблари (сабаби нузул), саҳиҳ ва заиф ҳадислар, усулул фикҳни билиши, чуқур мушоҳада ва тақво соҳиби бўлиши керак».

Ақлий тафсирнинг жоизлигига Қуръон ва ҳадисдан кўплаб далиллар мавжуд. Жумладан, «Нисо» сурасининг 82-оятда: «Қуръонни тафаккур қилмайдиларми, агар у Аллоҳдан бошқа томондан нозил қилинганида, унда кўплаб ихтилофларни топар эдилар»; «Сод» сурасининг 29-оятда: «(Ушбу) Китоб муборақдир, Биз Сизга уни оятларида чуқур мушоҳада қилиш ва ақл эгалари уни зикр қилишлари учун нозил қилдик», дейилади.

<sup>3</sup> ал-калола – кўплаб олимлар наздида отаси ва боласи йўқ кишидир.

Мушоҳада ва тафаккур қилиш билан инсон маънолардан кўзланган мақсадга эришади. Бундай ҳолат эса жумласи қисқа, маъноси кенг ва чуқур гапларда бўлади. Мушоҳада қанча чуқур бўлса маънолар ҳам шунча кенг очилаверади. Агар оятлар ижтиҳод ила тафсир қилинмас экан, Қуръондаги мушоҳада ва тафаккур ҳам йўқола бораверади. Имом Исфажоний айтади: «Нақлнинг ўзигагина таяниб қолган киши эҳтиёж туғиладиган кўпгина нарсалар (билим ва тафаккурлар)дан маҳрум бўлиши мумкин. Тўғри келган одамга ақлий тафсир қилишга рухсат бериш ҳам уни бузишлик саналади». Шунини ҳам таъкидлаш керакки, ҳар қандай ақлий тафсир муфассирнинг билими ва онги етган даражадагина бўлади. Шундай экан, биз турли тафсилларда муфассирнинг билим, даража ва савиясини кўрамиз.

Ҳадисларда ҳам ақл билан тафсир қилиш масаласи кўтарилди. Масалан, Амр ибн ал-Осдан ривоят қилинади: «Мен Зотус салосил газотида жунуб бўлиб қолдим. Ғул қилсам ҳалок бўлишдан қўрқдим ҳамда таяммум қилиб, жамоатга намоз ўқиб бердим. Шерикларим буни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га айтиб бердилар. У зот: «Эй Амр, жунуб ҳолингга асҳобларингга намоз ўқиб бердингми?», – дедилар. Мен бўлган воқеани, ювинмаслик сабабини айтиб, Аллоҳ таолонинг «Ўзларингизни ҳалок қилманг. Албатта, Аллоҳ сизларга меҳрибондир» оятини эшитганимни айтдим. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) куддилар-да, ҳеч нарса демадилар».

Ибн Масъуддан ривоят қилинади: «Анъом» сурасининг 82-оят, яъни «Имон келтирганлар ва имонларини зулмга аралаштирмаганлар» ояти но-зил бўлганда биз: «Эй Расулаллоҳ, бизларнинг ҳар биримиз ўз нафсимизга зулм қиламизку», дедик. Шунда у зот: «Бу сиз ўйлаган нарса эмас, солиҳ банданинг «Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирма, чунки ширк катта зулмдир»<sup>4</sup>.

Саҳобалар мазкур оятни умумий маънода тушунган ва уларнинг бу тушунчалари фикрлаш ва ижтиҳод қилишдан иборат эди. Хато қилганларида уларни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) тўғрилаб қўйдилар, бироқ уларни фикр юритишдан ва фикрларини айтишдан қайтармадилар. Агар саҳобалар оятни тушуниб олганларида эди савол беришга ҳожат ҳам қолмасди.

Бундан ташқари ақлий мушоҳадага чақириқ маъносидаги ҳадислар ҳам учрайди. Масалан,

<sup>4</sup> «Луқмон» сураси, 13-оят.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Ибн Аббос ҳақларида қуйидагича дуо қилганлар: «Аллоҳим, уни динда фақиҳ қилиб, таъвил (тафсир)ни билдир». Ўз-ўзидан маълумки, таъвил нақлий бўлмайди, балки ақлий бўлади. Агар у мумкин бўлмаганида дуода ҳам маъно қолмас эди.

Ислом тарихида саҳобаларнинг ҳам оятлар маънолари борасида турлича фикр билдирганларини кузатиш мумкин. Уларнинг бу фикрлари ижтиҳод асосида бўлган. Агар жоиз бўлмаганида улар бу ишни асло қилмас эдилар.

Тадқиқотчилар ўрганишлари натижасида, агар ақлий тафсирга рухсат берилмаса, Қуръондан тушуниладиган кўплаб маънолар очилмай қолиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келганлар. Шу сабаб ҳам Фахриддин Розий айтади: «Усули фикҳ илмида мутақаддим (олдинги) олимларнинг маълум бир оят маъноси бўйича бирор бир фикр айтишлари мутааххир (кейинги) олимларнинг бошқача маъно айтишларига тўсқинлик қилмайди, деган қоида мавжуд. Акс ҳолда мутааххир олимларнинг кўплаб фикрлари инкор этилиши мумкин бўлиб қолар эди».

Имом Ғаззолий ва Имом Қуртубий айтадилар: «Саҳобаларнинг ҳамма айтган тафсиллари нақлий бўлмайди. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан барча оятларнинг маънолари нақл қилинмаган, қолаверса, саҳобаларнинг ўзлари Қуръонни бир қанча шарҳлар билан изоҳлаганларки, уларни бир қолипга солишнинг имкони доим ҳам топилмайди».

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ақлий тафсилларга рухсат берилган, бироқ уларни амалга ошириш учун бир қатор шартлар ҳам санаб ўтилган. Жумладан:

1. Қуръонни тушунишда биринчи навбатда оятларнинг ўзига, кейин ҳадисларга, кейин саҳобалар, кейин тобеинлар сўзларига мурожаат қилиш.
2. Араб тили қоидаларига, айниқса Қуръон но-зил бўлган пайтдаги тил меъёрларига риоя қилиш.
3. Шариат талабига амал қилиш.
4. Чуқур тафаккур қилиш, атрофлича мушоҳада қилмай, хаёлига келган нарса билангина тафсир қилмаслик.
5. Аллоҳ ўзигагина билладиган муташобих оятларда ғулувга кетмаслик.
6. Тушунган нарсасинигина тўғри, қолганларини нотўғри, демаслик.
7. Аслида оятнинг мазмуни бошқача бўлса-да, бирор бир тўғри ақида асосида оятларни шарҳлаш;

Қуръонни ўз хоҳишига эмас, балки ўз хоҳишини Қуръонга мослаштириш.

Нақлий ва ақлий тафсирларни ўрганган олимлар улар орасидаги фарқларга ҳам тўхталиб ўтганлар. Жумладан, тадқиқотчи олимлар рухсат этилган<sup>5</sup> ақлий тафсир билан нақлий тафсир ўртасида фарқ борасида шундай деганлар: «Агар ҳадис билан ақлий тафсир турганда ҳадис олинади. Худди шу ҳолат саҳобадан нақл қилинган ривоятларга ҳам тааллуқлидир. Бироқ тобеинлар ривоятларида эса, ўша тобеинга қаралади, агар у аҳли китоблардан исроилиётни нақл қилиш билан машҳур бўлмаган, шунингдек, унинг ривоятида мантиқийлик сезилса, унда ақлий ёки нақлий тафсирдан қай бирини қабул қилиш ихтиёрий бўлиб қолади. Агар тобеинлар маълум бир оят мазмунида иттифоқ қилган бўлсалар, ўша иттифоқ қилинган тафсирлар, олинади».

Ушбу айтилган ҳолат ақлий ва нақлий тафсирлар ўртасида зиддият бўлган жараёнга тегишли. Агар улар ўртасида зиддият бўлмаса, унда бу икки тафсирдан ҳар иккисини олиш мумкин саналади. Чунки бу ерда қарама-қаршилиқ кузатилмаяпти. Масалан, «Фотиҳа» сураси 4-оятдаги ассиротула мустақимни «Қуръон», «ислом», «ибодат йўли», «Аллоҳ ва унинг расулига итоат» каби маънолар билан тафсир қилинган. Кўриниб турганидек, ушбу маънолар орасида ҳеч қандай зиддият мавжуд эмас. Шунингдек, «*фаминҳум золимул линафсиҳи ва минҳум муқтасид ва минҳум собиқум билхайрот*» – «улардан ўзларига зулм қилувчи ва улардан муқтасид (иқтисод қилувчи) ва улардан яхшилиқда собиқлар (илғорлар) бор» оятидаги собиқ сўзини айрим муфассирлар намозни аввалги вақтда, муқтасид оралиқ пайтда, золим вақти ўтиб кетгач ўқийдиган, деб шарҳлайдилар. Бошқа муфассирлар эса, собиқ закотни бошқа садақалар билан, муқтасид закотни ўзини адо этадиган, золим эса закотни ҳам садақани ҳам бермайдиган кишидир, дейилади. Ушбу оят тафсирининг зоҳирида қарама-қаршилиқ бўлса-да, бироқ моҳиятан фарқ йўқдир. Чунки золим закот ва намоз каби фарз амалларни бажармайдиган кимса, муқтасид фарзларнинг ўзинигина қилувчи, собиқ эса, фарзлар билан бирга нафли ҳам бажарувчи киши дея шарҳланмоқда.

Ақлий тафсирлар ҳақида гапирганда айнан қандай тафсирлар тушунилади, деган савол туғилиши табиий. Ақлий илмлар кенгқамровли бўлгани каби ақлий тафсирларнинг ўзлари ҳам кенгқамровлидир.

<sup>5</sup> Бу ерда рухсат этилмаган ақлий тафсир тўғрисида эмас, балки айнан рухсат этилганлари ҳақида сўз кетмоқда. Чунки рухсат этилмаганлари тафсир ҳисобланмайди.

Улар орасида фикҳ, наҳв (араб тили синтаксиси), балоғат, фалсафа ва калом, қисса ва исроилиёт каби илмларга урғу берилган тафсирларни айтиб ўтиш мумкин. Бундай тафсирларнинг машҳурлари қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Фаҳриддин ар-Розийнинг «Мафотиҳул ғайб»;
- Носируддин ал-Байзовийнинг «Анворут танзил ва асрорут таъвил»;
- Абул Баракот ан-Насафийнинг «Мадорикут танзил ва ҳақоиқут таъвил»;
- Алоуддин ал-Хозиннинг «Лубоб ат-таъвил фи маонит танзил»;
- Абу Ҳайён ал-Андалусийнинг «ал-Баҳрул муҳит»;
- Ан-Найсобурийнинг «Ғароибул Қуръон ва рағоибул Фурқон»;
- Жалолуддин ал-Маҳаллий ва Жалолуддин ас-Суютийнинг «Тафсирул Жалолайн»;
- Хатиб аш-Шарбинийнинг «ас-Сирожул мунир фил иона ала маърифат баъзи маони Каломи Роббинал ҳақим»;
- Абус Сауд ал-Имодийнинг «Иршодул ақлис салим ила мазоял Китоб ал-карим»;
- Шиҳобуддин ал-Олусийнинг «Рухул маони фи тафсирил Қуръонил азим вас саъбил масони»;
- Муҳаммад Рашид Ризонинг «Тафсирул Қуръонил ҳақим»;
- Саъдийнинг «Тайсирул каримир Раҳмон фи тафсир каломил Маннон»;
- Ибн Ошурнинг «ат-Таҳрир ват танвир»;
- Муҳаммад Жамолуддин ал-Қосимийнинг «Маҳосинит таъвил»;
- Жассоснинг «Аҳқомул Қуръон»;
- Лақя ал-Ҳорисий аш-Шофийнинг «Аҳқомул Қуръон»;
- Ибн ал-Арабийнинг «Аҳқомул Қуръон»;
- Абу Абдуллоҳ ал-Қуртубийнинг «ал-Жомийъ лиаҳком ал-Қуръон»;
- Ибн Одил ал-Ҳанбалийнинг «Аҳқомул Қуръон»;
- Юсуф ас-Сулоий аз-Зайдийнинг «ас-Самарот ал-ёниа вал аҳқомил возиҳа ал-қотиа» асарлари.

Рухсат берилган ақлий тафсирлар билан бир қаторда рухсат этилмаган ақлий тафсирлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Абулжаббор ал-Ҳамазоний ал-Муътазиллийнинг «Танзиҳул Қуръон анил матоин»;

- Абу Али ал-Фазл ибн ал-Ҳасан ат-Табарийнинг «Мажмаул баён фи тафсирил Қуръон»;
- Ҳуд ибн Муҳкам ал-Ҳувворийнинг «Тафсир Китобиллоҳил Азиз»;
- Абу Муҳаммад Саҳл ат-Тустарийнинг «Тафсирул Қуръонил азим»;
- Абу Абдурраҳмон Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ас-Сулабийнинг «Ҳақоиқут тафсир»;
- Муҳаммад Ҳусайн ат-Таботобойнинг «ал-Мизон фи тафсирил Қуръон»;
- Муҳаммад Жавод Мағниянинг «ат-Тафсирул қошиф»;
- Муҳаммад ибн Юсуф Итфайишнинг «Ҳамёнуз зод ила дорил маод»;
- Абул Қосим ал-Мусавий (Мавсавий) ал-Хавлийнинг «ал-Баён фи тафсирил Қуръон»;
- Шариф ал-Муртазо Али ибн Тоҳир Абу Аҳмад ал-Ҳасан аш-Шийнинг «Ғурулул фавоид ва дурулул қалоид» асарлари.

Ушбу тафсирларнинг рухсат этилмаганига асосий сабаб уларнинг турли оқим ва тоифа муаллифлари томонидан ёзилгани ёки уларда шундай оқим фикрлари баён этилгани билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, мусулмонларнинг муқаддас китобини тадқиқотчи ва олимлар томонидан ўрганишга бўлган интилиш кўплигидан тафсирларда турли йўналиш ва соҳалар пайдо бўлди. Буни тадқиқ этиш ҳам соҳа вакиллари олдида турган вазифалардандир.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тоҳа Обидин Ҳамад. Ат-Таҳрир фи усулит тафсир. Мактабатул мутанаббий, 2014.
2. Абу Жаъфар Табарий. Жомиул баён. Ж.2.
3. Ибн Касир. Тафсир Ибн Касир. Ж. 1.

**Davronbek MAXSUDOV,**  
*mustaqil tadqiqotchi, tarix fanlari nomzodi.*



**AHMAD YASSAVIYNING E'TIQOD  
TARBIYASI HAQIDAGI QARASHLARI**

**ВЗГЛЯДЫ АХМАДА ЯССАВИ О  
ДУХОВНОЙ ВОСПИТАНИИ**

**THE VIEWS OF AHMED YASSAVI ON  
SPIRITUAL EDUCATION**

***Kalit so'zlar:** diniy e'tiqod, immanent (ichki sabab) nazariyasi, diniy tolerantlik, irratsional (aql dan tashqari, aql yetmaydigan) holat, so'fiylik ta'limoti, aqliy va axloqiy tarbiya, kamolot bosqichlari, oriflik darajasi.*

***Ключевые слова:** религиозное убеждение, теория имманентности, религиозное толерантство, иррациональное состояние, учение суфизма, умственное и моральное воспитание, уровень совершенствование.*

***Key words:** religious conviction, immanence theory, religious tolerance, irrational state, the teachings of Sufism, mental and moral education, the level of improvement.*

Shaxsda diniy e'tiqodning qay tariqa shakllanishi haqida turlicha talqinlar mavjud. Muqaddas Qur'oni karimning "A'rof" surasi 172–173-oyatlarida shunday deyilgan: «**Rabbingiz Odam o'g'illari-ning bellari (pushti kamarlari) dan zurriyotlari (ruhlari) ni olib, ularni o'zlariga guvoh qilib turib: «Men Rabbingiz emasmanmi?» (dedi). (Ular): «Yo'g'e! (Rabbimizsan!) Guvohlik berdik», – dedilar. Qiyomat kuni: «Biz bundan g'ofil (bexabar) edik» yoki, «Oldindan ota-bobolarimiz mushrik bo'lganlar. Biz ulardan keyin kelgan zurriyot edik. (O'sha) nohaq kishilarning fe'llari sababli bizni halok qilasanmi?» – deyishlarini (bilganimiz uchun shunday qildik).**

Ushbu oyatlarni Shayx Abdulaziz Mansur shunday sharhlaydi: «Allohning ruhlar bilan mana shu gaplashuvini «Al-Miqyos» deyiladi. Miqyos – ahdlashuv. Bu ahdlashuvning hikmatlaridan biri shuki, qiyomat kuni mushriklar: «Biz Allohning yagonaligini va bizning ham rabbimiz ekanini bilmay, ota-bobolarimiz kabi mushrik holda o'tibmiz. Ularning xatosiga bizlarni sherik qilasanmi? – deyishi mumkin bo'lgan da'vosiga javoban Alloh taolo mazkur oyat orqali o'sha ahdlashuv jarayonini eslatib qo'yimoqda» [4:105–106].

Bu oyatlar «Din psixologiyasi» fanida mavjud diniy e'tiqod bilan bog'liq immanent (ichki sabab)

nazariyasi bilan hamohanglik kasb etadi. Unga ko'ra, diniy e'tiqod individ ruhiyatida azaldan mavjud bo'lib, ilohiy yo'l bilan berilgan. Shuningdek, nemis mutafakkiri Rudolf Ottoning fikricha, diniy e'tiqod odamning o'z Yaratuvchisi bilan uchrashuvi asosida bo'lib, bu uchrashuv uning ruhida irratsional (aqlidan tashqari, aql yetmaydigan) holatda sodir bo'ladi va unga mos ravishda, diniy kechinmalar yuzaga keladi [3:32].

Demak, diniy e'tiqod insonning qalbida, ruhoniyatida yashaydi. Uilyam Jeymis aytganidek: «Diniy tajriba tolerant ma'noga ega bo'lib, kishi qaysi millat, e'tiqod shakliga mansubligidan qat'i nazar, bunday tajriba har bir insonning eng teran mohiyatida mavjud. Faqat turli insonlar uni turlicha amalga oshiradilar: kimdir unga juda sezgir, xushyor bo'ladi, kimningdir sezgirligi kamroq bo'ladi, kimdir umuman ko'r, kar, sezmas bo'ladi» [3:74].

Ma'lumki, tarbiya turlaridan bo'lgan namuna tarbiyasi orqali oilada ota-ona farzandlarining diniy e'tiqod egasi sifatida shakllanishiga ta'sir ko'rsatadi. «E'tiqod tushunchasi yoshlarga tarbiyaviy ta'sir ko'rsatishda muhim o'rin tutadi. Bunda tarbiyachi o'quvchilarning shaxsiy tajribasiga tayanib ularning ongiga, hissiyotlariga ta'sir qiladi. Shu yo'l bilan yoshlarda ijobiy axloqiy sifatlar tarkib topa boradi hamda mustahkamlanadi. Ulardagi salbiy xulq-odatlar yo'qotiladi. O'quvchilarda e'tiqod hosil qilish jarayonida etikaga oid tushunchalar ham tarkib topib boradi. E'tiqod tarbiyasini amalga oshirishda har bir o'quvchining qiziqish doirasini, maylini, fikr-o'yini diqqat bilan o'rganish talab etiladi» [2:3]. Xoja Ahmad Yassaviy so'fiylik ta'limotining aksariyat qismi imon-e'tiqod tarbiyasiga bag'ishlangan. Unda 40 ta maqom ko'rsatilgan bo'lib, ulardan 10 ta maqomi logut, ya'ni ma'rifat va ilm olishga qaratilgan yo'l. Insonning aqliy jihatdan tarbiyalanishi ma'rifat maqomiga olib boradi; ilm insonda aql va tafakkur shakllanishining poydevori ekanligini; bu maqom insonning axloqiy shakllanishini ham o'z ichiga qamrab olishini tushuntiradi. Shuningdek, insonning aqliy tarbiyasi bilan axloqiy shakllanish jarayonlari o'zaro uzviy bog'liqlikda talqin etilganligi bugungi tarbiya tamoyillariga mohiyatan mos tushadi. Ilm-ma'rifatga bag'ishlangan o'n maqom quyidagicha izohlanadi:

«Ma'rifat bu avvalo fano bo'lmoq,  
Ikkinchi – darveshlikni qabul qilmoq,  
Uchinchi – har ishga tahammul qilmoq,  
To'rtinchi – haloli tayyib talab qilmoq,  
Beshinchi – ma'rifat qilmoq,

Maqolada Ahmad Yassaviyning barkamol insonni shakllantirishga oid tarbiyaviy qarashlari bilan e'tiqod tarbiyasi haqidagi g'oyalari «Hikmatlar» to'plami asosida yoritilgan.

В статье на примере «Хикматлар» (Наставления, заветы) освещены взгляды Ахмада Яссави о духовном воспитании, воспитании веры и воли, которые способствуют формированию гармонично развитой личности.

The article investigates the views of Ahmad Yassavi about spiritual education, education of faith and will, which contribute to the formation of a harmoniously developed personality on the example of "Hikmatlar" (precept, covenants)

Oltinchi – shariat va tariqatni barpo tutmoq,  
Yettinchi – dunyoni tark qilmoq,  
Sakkizinchi – oxiratni ixtiyor qilmoq,  
To'qqizinchi – vujud maqomini bilmoq,  
O'ninchi – haqiqat asrorini bilmoq turar».

Xoja Ahmad Yassaviyning «Ma'rifat bu avvalo fano bo'lmoq» talqini birinchi maqomda inson o'tkinchi dunyo hoy-u havaslaridan kechib, fanoga yuz tutishini anglatadi. Har bir insonning nafsu hirslerden tozalangan musaffo yuragida ilm olishga ehtiros, ijod qilishga ishtiyoq uyg'onadi. Shu sababdan Yassaviy insonning ma'rifat manzilida Allohni tanish mohiyatini to'la anglab ilmu axloqda komillikka yetishish, binobarin, bu maqomda oriflik darajasiga ham ko'tarilish imkoniyatlari mavjud ekani ta'kidlanadi. Inson hayoti davomida kamolot sari murakkab yo'lni bosib o'tadi va o'zidan yaxshi yoki yomon nom qoldiradi.

So'fiylikning ikkinchi maqomi «darveshlikni qabul qilmoq» deb ta'riflanadi. Yassaviy darveshlik maqomining qirq turini ko'rsatib, agar ularga to'g'ri amal qilinsa, darveshlik pok turur va agar bilmasa, o'rganmasa, darveshlik maqomi unga harom va johil turur, deydi. Bu qirq maqomdan o'ntasi shariatda, o'ntasi tariqatda, o'ntasi ma'rifatda turur va keyingi o'ntasi haqiqatda turur, deb har biriga nisbatan o'zining munosabatini bayon qilib, ularni bajarishning o'n yo'lini ko'rsatadi. Ushbu maqomda «darveshlikni qabul qilish» dunyo noz-ne'matlari-yu lazatlaridan kechish orqali kishi nopok, nodon, zulmkor, molparast, mansabparastlik illatlaridan xalos bo'lib boradi, o'zini baxtsizlik va g'urbatga yo'llovchi yo'ldan tiyiladi.

Uchinchi maqomdagi «har ishga tahammul qilmoq», ya'ni bu so'zdagi «tahammul qilmoq» tushunchasi «bardosh bermoq», «sabr-toqat bilan kutmoq» ma'nolarini ifodalab, komillik sari yo'lning

mashaqqatli, sinovlarga to'la ekanligini anglatadi. Demak, bu yo'lda kishidan sabr-bardoshli bo'lish talab qilinadi.

To'rtinchi maqom «haloli tayyib talab qilmoq» deb nomlangan bo'lib, bunda kishi halol deb hisoblangan narsalardan tanovul qilishi, o'zini gunoh ishlardan tiyib, halol turmush kechirishi, o'zgarlar mol-dunyosiga ko'z tikmasligi, o'tkinchi dunyoga mehr qo'ymasligi, halol bilan haromni ajrata olishi, halollik, poklik va adolat kabi xususiyatlarni jismiga singdirishi lozim.

Beshinchi maqom «ma'rifat qilmoq» deb yuritilib, bunda insonning komillikka erishuvi ilm orqali ekanligi to'g'risida fikr yuritiladi. Xoja Ahmad Yassaviy Muhammad (s.a.v.) payg'ambarimizning «Ilm egallang, ilm sahroda do'st, hayot yo'llarida yo'ldosh, baxtiyor daqiqalarda rahbar, qayg'uli onlarda madadkor, odamlar orasida zebu-ziynat, dushmanlarga qarshi kurashda quroldir», degan hadisiga amal qilgan. Darhaqiqat, inson faqat ilm qudrati bilangina o'tkinchi dunyoning yolg'onchi huzurlari aslida hech nima emasligini tushunib yetadi, ulardan voz kechish orqali yomon yo'llarga undovchi nafs qopqonidan o'zini xalos qilishga erishadi, ma'naviy kuch-qudratga ham ilm orqali erishadi.

Oltinchi «shariat va tariqatni barpo tutmoq» maqomida inson musulmonchilikning barcha qonun-qoidalarini o'rganib, o'zlashtirib, ularga rioya qilishi, undagi barcha farz qilingan amallarni bajarishi, o'zini gunohlardan saqlashi, man qilingan ishlardan tiyishi, g'araz va yomonliklardan tozalashi, o'ziga berilgan ne'matlar uchun shukronalar qilib yashashi va yolg'iz Allohga sig'inishi lozimligi uqtiliradi.

Yettinchi maqom «dunyoni tark qilmoq» deb ko'rsatilib, bunda yolg'onchi dunyo lazzatlaridan voz kechish, kamtarona hayot kechirish g'oyalari ilgari suriladi. Shuningdek, insonni baxtsizlikka eltuvchi nafsni yengishga, tamagirlik va g'arazgo'ylik kabi illatlardan yiroq bo'lishga undaladi. Kamtarona hayot inson ruhini xotirjam qilib, uni tetiklashtiradi.

Sakkizinchi maqom «oxiratni ixtiyor qilmoq» deb nomlangan bo'lib, unda bu o'tkinchi dunyodagi barcha narsalar yolg'onchi «noz-ne'matlar» ekanligi, oxirat dunyosigina abadiy ekanligi tushuntiriladi. Bu dunyoda har birimizga in'om etiladigan mol-dunyo, uy-joy, martaba, mansab va hatto farzandlar ham bizga quvonch bag'ishlab, qalbimizni aldab, imondan chiqaruvchi vositalar sifatida talqin qilinadi. Shu sababdan Yassaviy ta'limotida kishining oxirat haqida ko'p

o'ylashi, qayg'urishi, oxiratni ixtiyor etishi uni abadiy baxt-saodatga eltadi, deb e'tirof etiladi.

To'qqizinchi maqomda «vujud maqomini bilmok» talablari yoritiladi. Unda kishi vujudini, tanasini boshqara olishi, uni turli xil ofatlardan saqlashi lozimligi uqdiriladi. Vaqtida uxlash uning miya faoliyatini yaxshilashi, nafsiga ortiqcha ruju qo'ymasdan, kam yeb-ichishi ichki kasalliklarning oldini olishi; kamtarona – oddiy kiyinish esa uni turli tana kasalliklari asoratidan saqlashi; tilovat va ibodat qilish orqali inson ham jismoniy ham gigienik tarbiyalanishi bayon qilinadi.

O'ninchi maqomda «haqiqat asrorini bilmok turar» deb belgilangan bo'lib, bunda yuqorida aytib o'tilgan maqomlarning barchasini to'la egallagan kishi yetuk, komil shaxs bo'lib shakllanishi bilan birga uning ruhan poklanish bosqichlaridan o'tganligi anglashiladi. Ayni darajaga erishgandagina inson Haqqa yetishishi, Alloh bilan bevosita muloqot qilish sharafiga muyassar bo'lishligi uqdiriladi. Manbalarda ko'rsatilishicha, mazkur maqomlarga to'la amal qilganlar orasida ko'plab valiylar, anbiyo-avliyolar bo'lgan. Ahmad Yassaviy ham ular safida turib odamlarni komillikka da'vat etish bilan birga kamolotga erishish yo'llarini talqin etgan. Xususan, Xoja Ahmad Yassaviy qarashlarining yana bir jihati tarkidunyochilik, ya'ni gunoh, nuqson, kamchiliklarni tark etish aqidasi. Bunda ikkita g'oya – yaxshi fazilatlarni takomillastirish va nuqsonlarni tark etish bir-birlarini to'ldiradi. Har bir kishi umri davomida xatolarga yo'l qo'yishi tabiiy. Xoja Ahmad Yassaviy o'z xatolarini tuzatishning birdan bir yo'li – tavba qilish, o'z xatosini o'zi tuzatishga intilish, o'zini-o'zi qayta tarbiyalash, o'ziga tanqidiy munosabatda bo'lish, deb tushuntiradi va o'zi ham umri davomida shu talablarga amal qilib yashagan. Xoja Ahmad Yassaviy odob bir daraxt bo'lsa, hayo uning mevasidir, deb ko'rsatadi. Agar inson takabburlik bilan o'zgarlarga munosabatda bo'lar ekan, undagi saxovat, odob, axloq, hayo chiroqlari o'chadi, deya quyidagilarni bayon qiladi:

Ulug' - kichik yoronlardin odob ketti,  
Qizu za'if juvonlardin hayo ketti,  
«Alhayou min al-imon» deb Rasul aytti  
Hayosiz qavm ajoyiblar bo'ldi, do'stlar [1:62].

«Xoja Ahmad Yassaviy tariqati so'fiylik ta'limotining bir bo'laki sifatida Allohga shak keltirmaslikka, insonni baxtsizlikka eltuvchi nafsni yengishga, zaif, beva-bechoralarga yordam berishga undaydi; xalqni,

hukmdorlarni iymon-e'tiqodga, insof-diyonatga, mardlikka da'vat qiladi. Shu bilan birgalikda Yassaviylik ta'limotida dunyo lazzatlaridan voz kechish, kamtarona hayot g'oyalari olg'a surilgan. Xoja Ahmad Yassaviy o'z e'tiqodiga umrining oxirigacha amal qilib yashagan», – deb fikr bildirgan soha tadqiqotchilaridan M.Hajiyeva [2:32].

Xoja Ahmad Yassaviy insonning kamolotga erishuvi faqat bilim va ma'rifati orqali yuz beradi, deb hisoblaydi:

Ma'rifatni manbaiga minmaguncha,  
Shariatni ishlarini bilsa bo'lmas,  
Shariatni ishlarini ado qilmay,  
Tariqatni maydoniga kirsam bo'lmas [1:108].

Ushbu to'rtlikda esa oqillik alomatlariga diqqatimiz qaratiladi:

Oqil ersang, g'ariblarni ko'nglin ovla,  
Mustafodek elni kezib, yettim qovlo,  
Dunyoparast, nojinslardan bo'yun tovla,  
Bo'yun tovlab, daryo bo'lub toshtim mano.

Oqil, komil inson g'ariblar ko'nglini ovlab, ularga mehr-muruvvat ko'rsatadi; payg'ambarimiz kabi elparvar bo'ladi. Dunyoparast, boylikka ruju qo'ygan, nafs balosi domiga tushgan nojinslardan nari bo'lishga undaydi. Bunday odamlar kirdikorlaridan «daryo bo'lib toshgan»ligini ta'kidlaydi.

«Do'stlarimni rasvo qilg'an nafsi havo,

Oning uchun shayton la'in qilur g'avg'o», – deya afsus-nadomat chekadi [1:47].

Xoja Ahmad Yassaviy barkamol shaxs bo'lib yetishishning qator shartlarini bayon qildan:

– Yaxshi fazilatlarni egallash; har jihatdan pok yashashga intilish;

– Ichki olamini ma'rifati nuri bilan to'ldirish;

– Har qanday vaziyatda o'zini tuta bilish; gunohdan pok bo'lish;

– Hamisha o'zini nazorat qilish, gunoh ishlardan tiyilish;

– Allohga muhabbat bilan yashash, xalqni esa Allohning bandalari deb bilish va muruvvatli bo'lish;

– O'tkinchi dunyo hoy-u havaslaridan ko'ngil uzib, nafs balosidan xalos bo'lishga erishish;

– Hamisha o'ziga tanqidiy munosabatda bo'lib, o'zligini yuksaltirib borish, gunohlardan forig' bo'lishga intilish.

So'fiylik maqomiga erishish bobidagi Yassaviy qarashlari bugungi kunda ham o'z qimmatini yo'qotmagan. Ayniqsa, ta'lim-tarbiya tizimida Xoja Ahmad

Yassaviyning «Rasoil», «Faqrnoma», «Devoni hikmat» asarlaridagi diniy va dunyoviy bilimlarga oid hikmatlardan foydalanish o'quvchi va talabalarni aqliy va axloqiy tarbiyalash bilan bir qatorda, ularni kuchli e'tiqod egasi, komil inson sifatida shakllanishlarida muhim manba vazifasini o'taydi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ahmad Yassaviy. Devoni hikmat. T.: 1992.
2. Hajiyeva M. Ahmad Yassaviyning ma'naviy-tarbiyaviy qarashlari. T.:2004. 32-74 b.
3. J.Hasanboyev va boshqalar. Pedagogika (pedagogika nazariyasi va tarixi). O'zR Oliy va o'rta-maxsus ta'lim vazirligi. T.: "Noshir", 2011. 218 b.
4. Shayx Abdulaziz Mansur. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. T.: «TIU nashriyotmatbaa birlashmasi», 2014. 105-106 b.

**Marg'uba MIRQOSIMOVA,**

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi*

*«Din psixologiyasi va pedagogika» kafedrasini mudiri,*

*pedagogika fanlari doktori, professor.*



## НИКОҲГА ТАЙЁРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

### СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ГОТОВНОСТИ К БРАКУ

#### SOCIAL-PSYCHOLOGICAL FEATURES READINESS FOR MARRIAGE

**Калит сўзлар:** никоҳ олди омиллари, никоҳга тайёрлик, жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, касб-ҳунар, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий, психологик.

**Ключевые слова:** предбрачные факторы, готовность к браку, физическая, физиологическая, юридическая, профессиональная, экономическая, социальная, этико-психологическая, психологическая.

**Key words:** premarital factors, readiness for marriage, physical, physiological, legal, professional, economic, social, ethical-psychological, psychological.

Никоҳ олди омиллари никоҳнинг юзага келишига асос бўлган кўлаб ижтимоий, иқтисодий, биологик, физиологик, маънавий, ахлоқий ва бугунги кунимиз учун муҳим ҳисобланган психологик омиллари ўзида мужассамлаштиради. У кўп қиррали омиллари мажмуасидан иборат бўлиб, ёшларнинг ўзлари қураётган турмушга қай даражада тайёр эканликларини белгилаб беради. Бу борада ёшларнинг оилавий ҳаётга, эр-хотин бўлиб яшаш талабларига бу омиллари қай даражада жавоб бера олади? Шунингдек, никоҳ олди омиллари қаторига шу оила қураётган ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлиги, уларнинг оила қуриш мотивлари, уларнинг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари кабиларни киритиш мумкинми? деган саволлар юзага келиши мумкин.

Албатта, бу омилларининг ҳар бири турли ёшларда турлича кўринишда бўлиши мумкин. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир неча турларга бўлинади.

Никоҳга тайёрлик тушунчаси ўта мураккаб ва нисбий тушунчадир. Чунки одам доим ривожланиб, такомиллашиб борувчи, касб-ҳунар фаолиятида ёки маънавий ва ахлоқий ривожланишида мунтазам янги-янги чўққиларга эришиб борувчи инсон – шахс тушунчасини ҳам ифода қилади. Агар инсонни у ёки бу фаолиятига «тўла етуклиги» хусусида гапирадиган бўлсак, демак, бу унинг маълум

Мақолада никоҳ олди омилларида никоҳга тайёрлик омили ўзбеклар мисолида кўриб чиқилган, никоҳга тайёрликнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ўзбекларнинг никоҳга етилиш билан боғлиқ тушунчалари ва қарашларининг тадқиқот натижалари келтирилган.

В статье освещается один из предбрачных факторов – готовность к браку на примере узбеков, анализируется социально-психологические свойства готовности к браку. Также приведены практические результаты понятия и отношение узбеков связанные с готовностью браком.

The article highlights one of the pre-marriage factors, readiness for marriage on the example of Uzbeks, analyzes the social-psychological properties of readiness for marriage. The practical results of the concepts and attitudes of Uzbeks related to the readiness of marriage are also given.

бир чегарага эришгани ва ундан ортиқ ривожланиш мумкин эмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳам кишининг никоҳга тайёрлиги масаласида фикр юритилганида бу тушунчадан маълум бир умумқабул қилинган андоза, ўртача меъёр сифатидагина фойдаланилади. Одамнинг никоҳга, оилавий ҳаётга тайёрлиги масаласи ўта мураккаб, бирон-бир меъёр билан ўлчаб бўлмайдиган индивидуал характерга эга бўлган кўрсаткичдир. Масалан, никоҳга тайёрлик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, касб-ҳунар, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин [1:60–65, 2:91–97, 3:5–7, 4:36–38]. Булар орасида ҳуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, тегишли ҳуқуқий, тиббий, психологик жиҳатларга эга. Иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик жиҳатлар эса бир оз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади. Зотан, оила қуриладиганида бу хусусиятлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Жинсий етуклик етарлича аниқ ва равшан бўлган ҳодисадир. Бироқ унинг психологик, ахлоқий жиҳатлари ўта мураккаб. Шунинг учун ҳам никоҳга жинсий етуклик дейилганда одамнинг физиологик жиҳатдангина етилишини назарда тутиш жинсий етукликнинг тўлиқ моҳиятини билдирмайди. Бундан ташқари одам жинсий ҳаёт психогигиенаси борасида ҳам зарур билимларга, тўғри тасаввурларга ҳам эга бўлмоғи зарур. Бу эса алоҳида эътибор, махсус тайёргарлик, ўқитишни талаб қиладиган жараёндир.

Оила қуришга ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлик оила қуриш ёши, оила мулки, эр-хотин ва ота-оналик, фарзандлик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги ҳуқуқий билимлар мавжудлигини ифодалайди. Ўз навбатида, ҳуқуқий етукликнинг ўзи ҳуқуқий оила қуриш ёшига етиш, фарзанд кўриш ҳуқуқига эга бўлган шахс бўлиб ҳисобланиши билан белгиланади.

Касб-ҳунар етуклиги ҳам мураккаб тушунча бўлиб, маълум ўқув юртини, ўқув курсларини битириш, яъни конкрет бир иш турини бажариш учун зарур бўлган махсус билимларга эга бўлиш билан белгиланади. Агар баъзи касбларда 18 – 20 ёшгача етукликка эришиш мумкин бўлса, бошқасида ўқув юртини (коллеж, университет ва ҳ.) битиргач, ўз касби бўйича бир неча йил ишлагандан сўнг камида 30 ёшларда бунга эришиш мумкин.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг иқтисодий жиҳатлари келин-куёвларнинг бўлажак оилани моддий жиҳатдан узлуксиз таъминлаб туришга қодирлиги, ёш оиланинг яшаш жойи, оила юритиш учун тадбиркорлик фазилатларига эгаллигидир. Бу етукликда ҳам ёш чегараланиши юқоридагидек фарқ қилади.

Оила қуришга ижтимоий жиҳатдан тайёр бўлиш учун оиланинг жамиятда тутган ўрнини, унинг ижтимоий вазифаларини, оила қуриш, фарзандли бўлиш, уларни тарбиялаш масъулиятларини англаб етиш керак.

Оила қуришга маънавий-ахлоқий тайёр бўлиш ҳақида гапириш мураккаброқ. Бироқ шуни айтиш мумкинки, у ёшларда оилавий ҳаёт тарзи ҳақидаги тушунчаларни англаб етиш, оилавий муносабат маданиятининг шаклланиши, уй-рўзғор ишларини юрита билиш, оила осойишталигини таъминлаш, бўш вақтини тўғри ташкил этиш каби масалаларни ҳам қамраб олади.

Инсоннинг психологик етуклиги ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкониятлари даражасида мақсадларни қўйиш, турли яшаш шароитларига мослашиш, турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни ҳушёр баҳолай олиш, янги оила аъзолари билан яхши мулоқотда бўлиш, уларнинг шахсий сифатларини ҳисобга олиш, оилада содир бўладиган низоларнинг олдини олиши ва уларни конструктив йўналтириш, низоли вазиятлардан оилани талофатсиз олиб чиқиш, оила аъзоларига зарур бўлганда психотерапевтик таъсир кўрсатиш малакаларини қўллашни талаб этади.

Никоҳга тайёрликда юқорида қайд қилинган омилларнинг ҳаммаси муҳим бўлса-да, ИПСга кўра, респондентлар (24,2%) биринчи ўринга маънавий-ахлоқий етукликни қўядилар. Аммо овоз берилишига кўра (48,3%), у иккинчи ўриндадир. Аксинча, жинсий етуклик (23,3%) биринчи ўринга қўйилиши бўйича иккинчи ўридан жой олган бўлса, овоз берилишига кўра (50%), у биринчи ўринда. Аммо шуни айтиш керакки, жинсий етуклик асосан аёллар (36,7%) ҳисобига биринчи ўринга қўйилиши бўйича иккинчи ўридан, овозлар сонига қараб биринчи ўридан жой олган. Учинчи ўридан ҳуқуқий жиҳатдан етилиш (21,7%) жой олган, аммо овоз берилишига кўра (44,2%), у тўртинчи ўриндадир. Биринчи ўринга қўйилиши бўйича умумий ҳисобга кўра тўртинчи ўридан жой олган жисмоний етуклик (20%) умумий овозлар берилишида (45,8%) бир поғонага кўтарилган. Касб-ҳунарда етилиш (18,3%) бешинчи ўридан жой олган. Афсуски, психологик (15,8%) ва ундан муҳимлик жиҳатидан қолишмайдиган иқтисодий етукликлар (15,8%) энг охириги ўринлардан жой олган. Эътиборлиси, ушбу етукликлар эркаларга нисбатан аёлларда муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, иқтисодий етук бўлиб никоҳ қуришга эркаларга (25%) нисбатан аёллар (46,7%) кўпроқ овоз берганлар (1-жадвал).

1-жадвал

## Йигит-қизларнинг никоҳ қуришга етилиши

Қачон йигит-қизлар никоҳ қуришга етилади деб ўйлайсиз?			У	А	Э	Етукликлар	У	А	Э
Ўринга қўйилиши бўйича			Овоз берилиши бўйича						
Ў	№	1-ўринга қўйилган	%	%	%	№	%	%	%
1	1	Маънавий-ахлоқий	24,2	23,3	25	2	50	60	40
2	2	Жинсий етилганда	23,3	36,7	10	1	48,3	46,7	50
3	3	Ҳуқуқий (қонунга биноан)	21,7	23,3	20	4	45,8	46,7	45
4	4	Жисмоний (физиологик)	20	25	15	3	44,2	38,3	50
5	5	Касб-ҳунарда етилганда	18,3	26,7	10	5	45	50	40

6	6	Психологик	15,8	16,7	15	6	36,7	43,3	30
7	7	Иқтисодий (моддий)	15,8	21,7	10	7	35,8	46,7	25
	8	Жавоб бермади	3,3	6,7	-				

Корреляция коэффициенти натижалари таҳлиliga кўра (2-жадвал), статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражаси юқори бўлмаса ҳам, жинсий етуклик масаласи бўйича жавобларда тескари тенденция кўзга ташланмоқда ( $r=-0,34$ ,  $p\leq 0,1$ ).

2-жадвал

**Йигит-қизларнинг никоҳ қуришга етилиши  
(К.Пирсон  $r_p$  корреляция коэффициенти асосида)**

	Аёл		Эркак	А		Э	
	Ўрин	Ўрин		Ў	Ў		
Маънавий-ахлоқий	IV	I	Касб-ҳунарда етилганда	II	IV		
Жинсий етилганда	I	IV	Психологик	VI	III		
Ҳуқуқий	IV	II	Иқтисодий (моддий)	V	IV		
Жисмоний (физиологик)	III	III					

$r=-0,34$   $p\leq 0,1$

Демак, тошкентлик ўзбекларда жинсий, ҳуқуқий, жисмоний етукликлар никоҳ қуришда асосий омиллардан бири сифатида қолмоқда, аммо биринчи ўринга маънавий-ахлоқий етукликнинг чиқиши ҳозирда тошкентликларнинг никоҳга тайёрлик борасидаги қарашларида ижобий психологик ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатади. Агар эркаклар биринчи ўринга маънавий-ахлоқий етукликни қўйсалар, аёллар жинсий етукликни муҳимроқ деб ҳисоблайдилар. Шу билан биргаликда, эркакларга ҳуқуқий етилиш ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Аёллар учун эса касб-ҳунарда етилиш, жисмоний, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий ва иқтисодий етукликлар муҳим аҳамият касб этади. Бирорта ҳам респондент никоҳ етукликларининг барчасини оила қуришда муҳим деб топмади. Шулардан амалда жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий етукликлар никоҳ қуришда инobatга олиниши учраса, камдан-кам ҳолларда маънавий-ахлоқий ва психологик етукликлар эътиборга олинади. Ҳолбуки, бу етукликлар оила мустаҳкамлигида ҳал қилувчи ҳисобланади.

Шуни айтиш жоизки, ёшларнинг жисмоний балоғатга етиши билан ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, мутахассисликни эгаллаш борасидаги етуклик ўртасида номувофиқликни вужудга келтирмоқда. Ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳаётга кириб келиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жадаллашуви туфайли жуда кеч бошланмоқда, жинсий етилиш эса аввалроқ намоён бўлмоқда. «Етуклик» тушунчаси албатта маълум бир ҳаётий тажриба билан узвий боғлиқ. Бу борада ўзига хос индивидуал хусусиятлар мавжуд. Кимдир 20 ёшидаёқ «ҳаётни яхши билиб олади», кимдир 30 ёшида ҳам болалигича қолавереди.

Ёшларнинг ҳали ота-оналарига иқтисодий жиҳатдан қарамлиги, яшаш шароитининг айрим носозликлари, касалликларнинг кўпайиши, ахлоқий ва руҳий муҳитнинг ёмонлашуви, бахтсиз, нотўлиқ оила-ларнинг мавжудлиги, жинсий тарбиянинг тўла йўлга қўйилмаганлиги каби бир қатор объектив сабаблар бўлажак оила қурувчи ёшларнинг шаклланиш жараёнини мураккаблаштиради, эр-хотинлик, ота-оналик муносабатларини бажаришларига салбий таъсир кўрсатади. Бу ўринда ота-она, маҳалла, мактаб, ўқув юртлиари, ёшлар ташкилотининг ўрни каттадир. Собиқ Иттифоқ даврида ўрта мактаб ва олий ўқув юртлиари дастурларида оилавий ҳаёт ҳақида, ёшларни келажакда оила қуриб, эр-хотин бўлиб яшаш ва ота-она бўлиб фарзандларни тарбиялаш каби вазифани адо қилишга тайёрлаш масалалари киритилмаган эди [3:10–11]. Устига устак, оилавий ҳаёт ҳақида ёшлар, айниқса, ўсмирлар олдида фикр юритиш, бу соҳада уларга тўғри йўналиш бериш «уят» ҳисобланган. Жинсий масала эса умуман «ёпиқ» мавзу ҳисобланган, гўёки бундай муносабатнинг ўзи йўқдек. Бугунги кундаги ота-оналар ўша муҳит тарбиясининг маҳсули. Албатта, бу билан барча айбни совет ҳукуматига ағдариш нотўғри бўлади. Аммо совет даврининг халқ тарбиясига, унинг руҳиятига, ўз навбатида, менталитетига бўлган таъсирини тан олмасдан иложи йўқ. Бугун ўтмишда қилинган хатоларни тузатишга ҳаракат қилинган. Ўзбекистонда ҳозир оилага тайёргарликни боғча, мактабдан бошлаш йўлга қўйилган. Лекин унинг қай даражада амалга ошаётганлиги ва унинг сифати ҳақида айтиш

мушкул. Оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг қай ҳолатда шаклланиши нафақат ота-она, балки ўқитувчиларнинг ҳам бу соҳадаги билим-савияси, оиладаги соғлом турмуш тарзи, оила талабларини қай ҳолатда бажаришларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Гребенников И.В. Основы семейной жизни. Учеб. пособие для пед. инс-тов. – М.: Просвещение, 1991. – 156 с.
2. Ибн Сино Абу Али. Тиб қонунлари (Уч жилдлик сайланма). – Тошкент, 1994. II жилд. – 320 б.
3. Оила психологияси: Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун / Шоумаров Ғ.Б. таҳр. ост. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 272 б.
4. Халматова М., Муравьёва Н. Ёшлар оилавий ҳаёт бўсағасида. – Тошкент, 2000. – 95 б.

**Ziyodaxon RASULOVA,**

*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi*

*«Din psixologiyasi va pedagogika» kafedrasi dotsenti,*

*psixologiya fanlari doktori*



ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА  
ЭКСТРЕМИЗМ ҒОЯЛАРИ ТАЪСИРИГА  
ТУШГАН КИШИЛАРНИ ИЖТИМОЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ  
АҲАМИЯТИ

ВАЖНОСТЬ СОЦИАЛЬНОЙ  
РЕАБИЛИТАЦИИ ЛИЦ, ПОПАВШИХ ПОД  
ВЛИЯНИЯ ЭКСТРЕМИСТСКИХ ИДЕЙ В  
ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

THE IMPORTANCE OF SOCIAL  
REHABILITATION OF PEOPLE WHO HAVE  
FALLEN UNDER THE INFLUENCE OF  
EXTREMIST IDEAS IN THE PROCESS OF  
GLOBALIZATION

**Калит сўзлар:** глобаллашув, мафкуравий таҳдидлар, қора кучлар, бузғунчи гуруҳлар, ижтимоий реабилитация, жаҳолат ва мурасасизлик, бунёдкор ғоялар, вайронкор ғоялар, мафкуравий полигон, мафкуравий иммунитет, ғоявий кураш, миллий ва диний қадриятларга ҳурмат.

**Ключевые слова:** глобализация, идеологические угрозы, черные силы, деструктивные организации, социальная реабилитация, невежество и нетерпимость, созидательные идеи, разрушительные идеи, идеологический полигон, идеологический иммунитет, идеологическая борьба, уважение национальных и религиозных ценностей.

**Key words:** globalization, ideological threats, dark forces, destructive organizations, social rehabilitation, ignorance and intolerance, creative ideas, destructive ideas, ideological testing ground, ideological immunity, ideological struggle, respect for national and religious values.

Глобаллашув мураккаб жараён бўлиб, ўзининг ижобий ва салбий жиҳатларига эга. Унинг ижобий томони – бутун жаҳон миқёсида ахборот алмашинувининг осонлашгани, илм-маърифат тарқалиш имкониятларининг кенгайганида бўлса, салбий жиҳати шундаки, бу жараён оммавий ахборот воситаларини ғаразли мақсад йўлидаги қуроол сифатида фойдаланишга уринаётган кучлар учун ҳам кенг йўл очади.

Мазкур жараёнлар кечаётган бир вақтда айрим инсонларнинг, аксар ҳолларда ёшларнинг бузғунчи ғоялар таъсирига берилиш ҳолатлари, афсуски, учраб турибди. Бундай ғоялар домига тушиб, унинг таъсирида жиноят кўчасига кириб, ўз жазоларини олганларидан сўнг қилмишларига пушаймон бўлган

Мақолада бугунги халқаро майдонда мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечаётган кунда дин ниқобидаги гуруҳларнинг бузғунчи ғоялари таъсирига тушиб қолган кишиларни жамиятнинг фаол ва бунёдкор аъзоларига айлантиришда маънавий соҳаси вакилларининг олдига қўйиладиган муҳим вазифалар ҳақида баҳс юритилади. Шунингдек, мақолада мазкур таъсир остидаги кишиларни тарбиялашда қандай жиҳатларга эътибор бериш кераклиги ҳақида тўхталиб ўтилади.

В статье обсуждается актуальные задачи, стоящие перед сотрудниками сферы духовности для преобразования людей, попавших под влияние идей деструктивных организаций, действующих под маской псевдорелигиозных лозунгов на активные участники творческого сообщества в современном мире, когда в международной арене идут сложные социально-политические процессы. В статье также разъясняются аспекты, которые следует учитывать при воспитании людей, попавших под влияние деструктивных идей.

This article discusses current challenges faced by those in the sphere of spirituality and their responsibilities in transforming people who have fallen under the influence of ideas from destructive organizations operating under the guise of pseudo-religious slogans into active participants in the creative community in the modern world when complex social and political processes take place in the international arena. The article also explains the aspects that should be considered when educating people affected by these violent ideologies.

кишиларнинг қайта бундай ноқобил йўлга кирмасликлари, тўғри турмуш тарзига тўлиқ қайтишлари учун уларга жамоатчиликнинг алоҳида эътибори ва ёрдами зарур бўлади.

Бузғунчи ғоялар орасида дин ниқобидаги экстремизм энг хавfli кўринишлардан биридир. Чунки дин – инсон қалбидаги энг қадрли туйғу. Экстремистик гуруҳлар ўз ғояларини ушбу нозик туйғу билан боғлашга уринадилар. Мусаффо туйғу нопок ғоялар билан булганганидан сўнг уни қайта тозалаш анча мураккаб кечади. Бунинг учун инсоннинг ҳам ички дунёсини – психологиясини, ҳам диний қарашларини – эътиқодини тўғри йўлга йўналтириш талаб этилади. Айниқса, боши берк кўчага кириб қолиб, оғир синовларни бошдан кечирган кишининг ижтимоий реабилитацияси жараёнида унга тажрибали ва салоҳиятли маслаҳатчи томонидан берилган тўғри ва ўринли кўрсатмалар катта аҳамият касб этади. «Диний глобаллашув, аввало, онгнинг ўзгариши билан характерланади. Зеро, ди-

ний соҳадаги глобал аҳамиятга молик жиҳатлардан бири инсонлар онгида рўй бераётган ўзгаришлар билан боғлиқ» [1: 12].

«Реабилитация» сўзи лотинчада «rehabilitatio», яъни «қайта тиклаш» маъносини беради. Бу сўз бир неча соҳаларда ишлатилади. Масалан, «юридик реабилитация» жамиятдаги инсон ёки ижтимоий гуруҳлар ҳуқуқларининг тикланиши маъносини берса, «тиббий реабилитация» [2: 3] деганда инсон саломатлигининг қайта тикланиши, соғлом турмуш тарзига қайтарилиши назарда тутилади. «Ижтимоий реабилитация» эса қандайдир сабабга кўра жамиятда инсонлар, дўстлар, яқинлар орасида ўз ўрнини йўқотган киши мавқеининг қайта тикланиши, фаол ва жамият учун фойдали инсонга айланишига ёрдам бериш маъносини англатади.

Ушбу мақолада тўхталиб ўтишни лозим топганимиз – бу инсон учун муқаддас бўлган диний эътиқоди айрим гуруҳлар томонидан ўз манфаатларини амалга ошириш мақсадида нотўғри томонга йўналтириб юборилган, натижада «шарафли ҳаёт ёки ўлим йўлини танлаш» учун бел боғлаган, охир-оқибатда эса кирган кўчасининг охири берк эканини кўриб, ишонч ҳосил қилган кишиларни яна қайтадан жамият учун фойдали, ўз юрти, Ватани манфаатлари учун фидойи инсонларга айлантириш масаласидир.

Бугунги глобаллашув даврида ахборот-коммуникация воситаларининг ривожланиши натижасида айрим «қора кучлар»нинг бирор мамлакатни босиб олиши учун унга қарши қурол кўтариб бориши «замонадан ортда қолган усул»га айланди. Бунинг ўрнига бугунги кунда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган инсонларни «ўзига ром қилган», радио, телевидение, газета-ю матбуотни ортда қолдирган интернет ҳар қандай «қурол» ўрнини эгаллай бошлади.

Илм-маърифатга асосланган диний эътиқод инсоннинг моддий ва маънавий ҳаётини тўғри йўлга солишга хизмат қилади. Боланинг ёшлигидан бошлаб унда тўғри дунёқараш ва эътиқодни шакллантириш унинг ҳар томонлама етук, динийлик ва дунёвийлик орасидаги фарқ ва муштарақликни англаб етадиган инсон бўлиб шаклланишига ёрдам беради. Аммо дин ва эътиқоднинг асл моҳиятини тўғри тушуниб етмаган, дин ҳақида фақат бир ёқлама фикрга эга бўлган, яъни «дин – бу зўравонлик, динсизларга қарши урушиш, жамиятдаги барқарорликка путур етказиш, давлатга қарши чиқиш», деган қарашга эга бўлган кишининг йўлдан адашиши, гараз мақсадли гуруҳлар учун «қурол» воситасига

айланиши жуда осон бўлади. «Ўз доирасига янги кимсаларни тортар экан, экстремистик гуруҳ ёки унинг раҳбарияти сўзсиз бўйсуннишни ва «иш»га мутаассибона садоқатни талаб қилади. Кейинроқ эса ёлланувчилар «ҳамма нарсани билувчи» ва уларга йўлбошчилик қилувчи сарбонга дуч келади» [3: 86].

Дин ниқобидаги экстремистик гуруҳларнинг тузоғига тушган кишиларни қайтадан ижтимоий фаол, ватанпарвар инсонларга айлантириш учун уларнинг ўтмишини чуқур таҳлил қилиш лозим бўлади:

- бу инсон қандай муҳитда катта бўлди?
- дин ҳақида етарли ва тўғри маълумот олиш имкониятига эга бўлганми?
- у катта бўлган оила ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қандай ҳолатда эди?
- у катта бўлган жамоада қандай «қаҳрамонлар» биринчи ўринда турар эди?
- у дўстлари орасида қандай мавқега эга эди? ва ҳ.к.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, диний маърифатдан, унинг эзгулик моҳиятидан бохабар бўлмаган кишиларнинг дин ниқобидаги экстремистик гуруҳлар таъсирига кўпроқ тушиб қолиш ҳолати юз беради. Чунки унда дин ҳақида етарли маълумот йўқ, шунинг учун ҳам ашаддий экстремист у билан «яхшилаб», «чуқур» тарзда «тушунтириш ишлари»ни олиб борган тақдирда унинг йўриғига кетиш эҳтимоли кўпроқ. Аввалги «динсизлик» ҳолатидаги «гуноҳдарини ювиш» учун жонини қурбон қилиши лозимлигини талаб қилганда эса, унинг чақириғига «лаббай» деб жавоб бериши кўпроқ юз бергани кузатилган.

XXI асрнинг бошларига келиб экстремизм ва мутаассиблик муаммолари Яқин Шарқ мамлакатларида яққол кўзга ташланди. Чунки кейинги пайтларда аксар ҳолларда унинг сабабларига эмас, балки кўпинча оқибатларигагина қарши кураш олиб бориш ҳолатлари кузатилди. Шу маънода Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқларида айтган қуйидаги сўзлари ниҳоятда ўринлидир: «Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм

ва экстремизмнинг илдизини бошқа омилар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир» [4: 1–2]. Ўрганишлар ҳали бу соҳада кўп изланишлар, таҳлиллар ва баҳслар олиб борилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолиб, тўғри йўлдан адашган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратиш давлат миқёсидаги вазифа сифатида қаралмоқда. Чунки зиёлилар томонидан бунёдкор ғоялар тўхтовсиз тарғиб этилар экан, вайронкор ғоялар ҳам бузғунчи гуруҳлар томонидан бетўхтов тарғиб этилиши давом этмоқда. Шунинг учун ҳам инсонларни тўғри йўлга чақириш, айниқса янглиш йўлдан қайтган инсонлар билан ишлашда давомийликни таъминлаш ижтимоий реабилитациянинг асосий шартларидандир.

Замонавий воқелик инсон қалби ва онги учун бўлган курашларнинг янгидан-янги усул ва воситаларининг кўпайиб бораётгани, айниқса, бу борада дин омилидан фойдаланишга уринишларда яққол намоён бўлмоқда. Ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, бошқача айтганда мафкуравий полигонга айлантирилаётгани ҳам ижтимоий реабилитация ишларининг аҳамиятини янада оширади. Зеро, «...инсон табиатан диний мутаассиб бўлиб дунёга келмайди, балки унинг тарбиясида юз берган уни чалғитувчи жараёнлар унинг тарбиясини издан чиқариши мумкин. Бу каби нотўғри тарғибот ва тарбиявий бузилишнинг олдини олиш, тўғрилаш ва қайта тарбиялаш учун мазкур жараёнларни таҳлил қилиб, тўғри ташхис қўйиш талаб этилади [5, XV].

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда экстремистик ва террористик ташкилотларнинг тарихий шаклланиш жараёнларини тадқиқ этиш, уларнинг юзага келиш сабаблари ва омиллари, асл илдизи бир эканлигини манбалар асосида тизимли ёритиш талаб этилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур тумани ва Андижон вилоятига ташрифлари доирасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, одамларни турли диний оқимлар таъсиридан асраш тўғрисида қимматли фикрларни билдирган эдилар. Бунда ёшларни дин ниқоби остидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, экстремизм ғоялари таъ-

сирига тушиб қолган, тўғри йўлдан адашган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва унинг амалий механизмини яратиш муҳим вазифалардан эканлигига алоҳида эътибор қаратилган эди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда айнан тўғри йўлдан адашиб, қилмишидан пушаймон бўлган, соғлом турмуш тарзига қайтган фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашуви учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича механизм ишлаб чиқиш давр талаби ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги 3160-сонли қарорида дунёда юз бераётган мураккаб ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш белгиланган.

Президентимиз ташаббуслари билан республикамиздаги барча ҳудудларда билимсизлик оқибатида турли диний экстремистик оқимларга кириб қолган кишиларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, юртимизда истиқомат қилаётган шундай фуқароларнинг ижтимоий реабилитация қилиниши натижасида 17 минг фуқародан 16 мингтаси ўзининг хатоларини тушуниб етиб, соғлом ҳаётга қайтиши билан бирга, уларнинг 10 мингга яқини доимий иш билан таъминланди.

Шунингдек, бундай оилаларнинг 10 мингдан зиёд фарзандлари фан, санъат, спорт, турли касбларга тайёрлаш бўйича тўғрақларга жалб этилиши ҳукумат олиб бораётган ислохотларнинг самараси сифатида кўрсатиш мумкин. Чунки шу даврга қадар аҳоли ўртасида диний оқимларга мансуб оилалар билан батамом алоқаларни узиб қўйиш ҳолатлари кузатиларди. Шу маънода давлатимиз раҳбари бу ишни танқид қилиб: «Йўлдан адашган болани дарров душманга чиқармасдан, уни ўзимизнинг фарзандимиз, деб билишимиз керак. Унга бутун қалбимиз, юрагимиз билан ачинаётганимизни шу бола билсин. Зора, шунда уларнинг ҳам қалб кўзи очилса, тўғри йўлга қадам қўйса...» дедилар ва бу йўналишдаги қилинадиган ишларни белгилаб бердилар. Бу эса, бу борадаги ишларнинг тўғри йўлга

қўйилгани ҳамда жамиятдаги инсонларнинг тенг ҳуқуқли эканлигини кўрсатиб бермоқда.

Юқорида зикр этилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, глобаллашув жараёнида экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган кишиларни ижтимоий реабилитация қилиш, яъни салбий оқибатларни бартараф этиш билан бир қаторда бу каби нохуш ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларнинг олдини олиш ишларига ҳам асосий эътиборни қаратиш давр талабидир. Бунинг учун биз ёшларни миллий ва диний қадриятларнинг ҳурматини ўз ўрнига қўядиган, динийлик ва дунёвийлик орасидаги мувозанатни мутаносиб тарзда олиб борадиган, замон талабларига жавоб берадиган маънавий ва илмий салоҳиятга эга қилиб тарбиялашимиз лозим бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, аҳоли ўртасида бундай бузғунчи оқим ва гуруҳларга қўшилиб қолмаслик, уларга қарши мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш бўйича ишларни янада жадаллаштириш ҳар доимгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Камиллов К.С. Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари: Филос. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: 2011. – 24 б.
2. Пирогова Л.А. Основы медицинской реабилитации и немедикаментозной терапии: учебное пособие / Л.А.Пирогова. – Гродно: ГрГМУ, 2008. – 64 с.
3. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2013. – Б. 246.
4. Мирзиёев Ш.М. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи / Халқ сўзи, – Тошкент, 2017. 20 сентябрь.
5. Rohan Gunaratna, Mohamed Bin Ali. Terrorist rehabilitation: a new frontier in counter-terrorism. – London: Imperial College Press, 2015. – 248 p.

**Durbek RAHIMJONOV,**

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi  
huzuridagi Malaka oshirish markazi direktori,  
tarix fanlari nomzodi, dotsent*

## ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА БАҒРИКЕНГЛИК МАСАЛАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

### В ИСЛАМСКИХ ИСТОЧНИКАХ ВОПРОСЫ О ТОЛЕРАНТНОСТИ

#### CLARIFICATION OF TOLERANCE IN ISLAMIC SOURCES

**Калит сўзлар:** бағрикенглик, Қуръон, тинчлик, адолат, таълимот, имон, ҳадис, тамойил, анъана, миллат.

**Ключевые слова:** терпимость, Коран, спокойствие, справедливость, учение, вера, хадис, принцип, традиция, нация.

**Key words:** tolerance, Koran, peace, justice, teachings, faith, hadith, principle, tradition, nation.

Жамият ҳаракатдаги жараён сифатида муайян мақсадларни қамраб олувчи стратегик йўналишга эга бирлик экан, у доимо тараққиётнинг оптимал моҳиятидан манфаатдор бўлган сиёсий етакчининг диққат марказида бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши миллий тараққиётни таъминлашда янгича босқич бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: «Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди» [1]. Полиэтник (кўп миллатли) ва поликонфессионал (кўп диний конфессияли) Ўзбекистон шароитида миллий тотувлик ва бағрикенглик ўзаро дўстона муҳитни янада юксалтирадики, бу жиҳат тараққиётнинг оптимал ривожини таъминлашда зарурий омилдир.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритилган барча муваффақиятлари жамият барқарорлигини мустаҳкамлаш, жамиятда миллий ва диний бағрикенглик муҳитини юксалтиришга

эътибор қаратиш ривожланишнинг миллий модели моҳиятини англашда зарур омил бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган концептуал вазибалар асосида миллий тотувлик ва бағрикенглик ғоясига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу ҳудудда миллатларнинг тадрижий такомилга, уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига, турфа миллатлар тафаккурида ягона фуқаролик менталитетини янада юксалтириш масалаларига тўхталиш, миллатлар фаолиятини миллатлараро муносабатларнинг ижобий ривожини таъминлашга йўналтириш, бунинг учун эса ўрганилаётган масаланинг ижтимоий-тарихий моҳиятига эътибор қаратишга тўғри келади [2].

Жамият ҳаётида тенглик ва адолат ғояларининг устувор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишга, белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек кадр-қиммат касб этишига, фуқаролар ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, тотувлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат руҳи қарор топишига замин яратади. «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси»да таъкидланганидек, «Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди» [3:92].

Бағрикенглик (толерантлик) тушунчаси ўз мазмун-моҳиятига кўра кенг қамровли тушунча сифатида жамиятнинг барча соҳаларидаги мавжуд муносабатларни қамраб олади. Толерантлик тафаккури инсонларнинг турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, маънавий, руҳий муносабатларини уларнинг миллати, ирқи, насл-насаби, иқтисодий аҳволи, дини ва эътиқодига қарамасдан мувозанатда сақлаш меъёрларини англатади.

Диний бағрикенглик эса турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қарашни ифодалайди.

Бағрикенглик – Ўзбекистон халқига азалдан хос хислат. Юртимиз алломалари Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Имом Мотуридидий, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Абу Лайс Самарқандий ва Бурҳониддин Марғиноний асарларида ҳам ўзга дин вакилларига доимо ҳурмат кўрсатиш кераклиги алоҳида қайд этиб ўтилади.

X асрда самарқандлик мутафаккир, «Имом ал-Худа» (Ҳидоят йўлининг имоми) номи билан шухрат қозонган Имом Мотуридидий томонидан

Мақолада ислом динининг муқаддас манбаларида келтирилган бағрикенгликка оид маълумотлар берилган.

Статья отражает сведения о толерантности в священных источниках исламской религии.

This article describes the sources of the sacred religion of Islam, which is the Holy Quran, the hadith of information on tolerance.

асос солинган Мотуридия таълимоти бутун ислом оламида тарқалган. Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик гоёси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу ўз навбатида ушбу таълимотнинг тарқалишида муҳим ўрин тутган [4].

Имом Мотуридийнинг Қуръон тафсирига бағишланган «Таъвилот аҳли сунна» асаридаги «Хаж» сурасининг 40-оятининг тафсирида: «Черков ва синагогаларни вайрон этиш ман этилади. Шунинг учун ҳам, мусулмонлар юртида шу давргача улар бузилмай сақланиб қолган. Бу масалада илм аҳли орасида ихтилоф йўқдир», – деб қатъий таъкидлайди. Самарқандлик фақиҳ, муфассир Абу Лайс Самарқандий эса ўзининг тафсир китобиди: «Сизлар билан уруш қилмаган ўзга дин вакиллари билан борди-келди қилинг, улар билан адолатли муомала қилинг», – деб ёзади [5:27].

Буюк мутафаккир Жалолиддин Румийнинг ўзга дин вакилларига нисбатан бағрикенглик муносабатида бўлгани унинг қуйидаги мисраларида акс этади:

Яна кел, яна  
Ким бўлсанг – ўша бўл,  
Хоҳи кофир, хоҳи мажусий, хоҳи бутпараст,  
Майли юз карра тавба қилган бўл,  
Майли юз карра бузган бўл тавбани  
Умидсизлик даргоҳи эмас бу даргоҳ  
Қандоқ бўлсанг, шундоқ кел... [6:231]

Ўзга дин вакиллари Жалолиддин Румийни қаттиқ ҳурмат қилган ва ўзиники деб билганлар. Буни Жалолиддин Румийнинг дафн маросими билан боғлиқ қуйидаги воқеадан ҳам билиб олиш мумкин: «...Турклар ва хуросонийлар, юнонлар ва арманлар, православлар ва яҳудийлар – ҳамма шоир билан видолашишга келган, ҳар ким ўз русумида алвидо айтарди. Ҳофизлар Қуръон ўқишар, раввинлар Таврот, православ руҳонийлари Инжил оятларини хониш қилар, ошиқлар рубоб чалиб, чилдирма қоқиб, рақс тушишар, ишқ, муҳаббат ҳақида ёниб-куйиб кўшиқлар куйлашарди.

Подшоҳ бошқа дин вакиллари ҳайдашга фармони олий берганида яҳудий, христиан руҳонийлари ўз қавмлари номидан шундай фикрларни билдирдилар: «Православ соборининг мутавааллийси: «Қуёш ер юзини ёритганидек, Мавлоно ҳақиқат нуриила бутун башариятнинг мунаввар этмиш. Қуёш – ҳамманинг мулки. Магар қавмларимизга буюрсак ҳам, улар қулоқ осиймайди...», «Мавлоно – нон кабидирлар, — деб уни қувватлаб турди яҳудийлар жамоасининг раввини. — Нон ҳаммага зарур. Амирим, очларнинг нондан юз ўгириб кетганини қайда кўргансиз?» [6:222].

Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам бағрикенглик гоёси муносиб ўринни эгаллаган:

Суннат эрмиш, кофир бўлса, берма озор,  
Кўнгли қоттиқ дилозордан Худо безор,  
Аллоҳ ҳаққи бундай қулга сижжин тайёр,  
Донолардин эшитиб, бир сўз айтдим мано [7:9].

Ислом дини ўзининг илк давридаёқ бағрикенглик дини сифатида намоён бўлди. Жаҳон динлари ичида фақат исломда эътиқод эркинлиги очиқ-ойдин эълон қилинган. Хусусан, Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 256-оятда:

لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ...

«Динда мажбурлаш йўқ», – дейилган. Шунинг учун бошқа дин вакиллари мажбуран ислом динига киритиш Қуръон оятларига зиддир. Ҳақиқий эътиқод ички имондан келиб чиқади. Шундай экан, уни зўрлик билан ўрнатиб бўлмайди [8:16].

Жумладан, Қуръони каримнинг «Анкабут» сураси 46-оятда:

وَلَا تُجَادِلُوا أَهْلَ الْكِتَابِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ إِلَّا الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ وَفُولُوا أَمَّا بِالَّذِي أُنزِلَ إِلَيْنَا وَأَنْزَلَ إِلَيْكُمْ وَالْهُنَا وَالْهُنَا وَاجِدْ وَتَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ

«(Эй мўминлар!) Сизлар аҳли китоблар билан фақат энг чиройли услубда мунозара қилингиз, илло уларнинг орасидаги зулм (тажовуз) қилганлар бундан мустаснодирлар. Шунингдек, айтингиз: «Бизлар ўзимизга нозил қилинган (Қуръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган (Таврот ва Инжил)га ҳам имон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ва сизларнинг илоҳингиз бирдир ва бизлар Унгагина (имон ва итоат билан) бўйин сунувчимиз», – дейилган [9:402].

Ислом таълимотига кўра, мўминларга кофирлар ва аҳли китоблар билан дин хусусида баҳс-мунозара қилиш, калом илми билан шуғулланиш жоиз. Зеро, ҳар қандай илмий мунозара фақат калом илми билангина ҳосил бўлади.

Мунозара пайтида сабр-тоқат, бағрикенглик қилиш талаб этилади. Лекин улар Аллоҳга ботил сифатларни берсалар, тегишли раддия билан жавоб лозим саналади.

Исломда аҳли китоблар билан мушрикларнинг ўртасидаги фарқ сифатида улардаги Аллоҳ ва пайғамбарларга нисбатан умуман имон йўқлиги, аҳли китоблар Аллоҳга, пайғамбарларга, охиратга, китобларга имон келтириб, фақат Муҳаммад (а.с.) ва Қуръонга имон келтирмасликлари айтилади [10].

Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатларида ҳеч кимни исломга киришга мажбур қилмасликка чақирилади. Пайғамбар (с.а.в.) олиб борган ҳарбий тадбирларнинг барчаси соф мудрофаа мақсадларига хизмат қилган [11:96].

Динларнинг турли-туманлиги ҳақида Қуръони каримнинг «Юнус» сураси 99-оятда шундай марҳамат қилинади:

وَلَوْ شَاءَ رَبُّكَ لَأَمَنَّ الْمَنَ فِي الْأَرْضِ كُلُّهُمَّ جَمِيعًا أَفَأَنْتَ  
تُكْرَهُ النَّاسَ حَتَّى يَكُونُوا مُؤْمِنِينَ.

«Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлар эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!»

Қуръони каримнинг «Рум» сураси 22-оятга кўра, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар Худонинг мўъжизаларидандир [5:21]. Миллий ва диний ранг-баранглик ҳамда эътиқод эркинлигини қарор топтириш масалалари Қуръони каримда акс этган.

Ғайридинларга озор беришнинг ислом динига зид экани Қуръон оятлари, ҳадислар ва уламолар асарларида муфассал баён қилинган. Хусусан, Қуръони каримнинг «Мумтаҳана» сураси 8-оятда:

لَا يَنْهَاكُمُ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُقَاتِلُوكُمْ فِي الدِّينِ وَلَمْ  
يُخْرِجُوكُمْ مِنْ دِيَارِكُمْ أَنْ تَبَرُّوهُمْ وَتُقْسِطُوا إِلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ  
يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ.

«Дин тўғрисида сизлар билан уришмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган

кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар», – дейилади. Тафсир китобларида мазкур оятнинг сабаби нузули борасида қуйидаги маълумотлар келтирилади: «Абу Бакр (р.а.)нинг қизлари Асмо (р.а.)нинг оналари Қатила бинт Абдулуззо бўлиб, Абу Бакр (р.а.) жоҳилият даврида унинг талоғини берган эдилар. Бир куни у ҳадиялар олиб қизи Асмо (р.а.)ни кўришга Мадинага келади. Асмо (р.а.) оналари Қатилани уйга киргизмайдилар, ҳадияларни ҳам қабул қилмайдилар-да, Оиша (р.а.)нинг олдига жўнатиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан бу хусусда сўрашни айтадилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Уйга киритсин ва ҳадияларни қабул қилсин», – деб айтдилар» [5:23].

Шунингдек, Қуръонда бошқа дин вакиллари-нинг маданият ва анъаналарига эҳтиром билан қарашга ва улар билан адолатли муносабатда бўлишга буюрилган. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Моид» сураси 8-оятда шундай марҳамат қилади:

...وَلَا يَجْرِمَنَّكُمْ شَنَاٰنُ قَوْمٍ عَلَىٰ أَلَّا تَعْدِلُوا...

«...бирор қавм (кишилари)ни ёқтирмаслик сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга ундамасин!»

Бағрикенглик хусусида кўплаб саҳиҳ ҳадислар ҳам мавжуд. Жумладан, Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Ким бир аҳдлашган (ғайридин) кишига зулм қилса, ёки унинг ҳаққини поймол этса ёхуд уни тоқати етмайдиган нарсага мажбур қилса ёки ундан ўз розилигисиз бир нарса олса, қиёмат куни мен ўша одамнинг хусуматчиси бўламан».

«Иймон» китобида ушбу ҳадис қуйидагича шарҳланади: «Ислом давлати соясида яшаётган ғайридин киши учун бундан ортиқ кафолат бўлиши мумкинми? Пайғамбар (с.а.в.) Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг у ердаги яҳудийлар билан аҳднома тузиб, тинч-тотув ва жамият манфаати учун ҳамкорликда яшаш асосларини белгилаб, унга амал қилиб яшадилар» [12:120].

Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда эса Пайғамбар (с.а.в.): «Ким аҳдлашган кишини ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди, унинг ҳиди қирқ йиллик йўл (узоқлиги)дан сезилиб туради», – дедилар.

Ислом таълимотига кўра, бутун башарият жинси, ирқи, ранги, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барчаси баробардир. Бу борада Расулуллоҳ

(с.а.в.) ҳадисларида: «Инсонлар тароқ тишлари каби тенгдирлар. Арабнинг бошқа халқлардан, оқнинг қорадан, эркакнинг аёлдан тақвосидан ўзга устуңлиги йўқ», – деб марҳамат қилдилар [5:21].

Умуман олганда, ҳадисларда, хусусан, Қуръони каримнинг 50 дан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар тинчликпарварлик, мўмин-қобиллик ва бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилган [13].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида юксак минбардан туриб, сессия иштирокчиларига «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи билан чиқдилар. Ушбу резолюциянинг қабул қилиниши диний эркинликни таъминлаш, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликдан иборат [14].

Хулоса қилиб айтганда, бугунги тинчлик ва тараққиётимиз кўп миллатли Ўзбекистон жамиятининг бағрикенглиги асосида жамиятда тотувликка асосланган халқпарвар сиёсат тантанасидан далолатдир. Ўнлаб диний конфессияларнинг фаолияти Ўзбекистон халқининг бағрикенглик, тинчлик ва тотувликка мойиллигидан гувоҳ бўлиб, маданиятлараро мулоқот концепциясининг тантанаси ушбу жамиятда ўзининг тўлиқ исботини топганлигини билдиради. Бағрикенглик ўзбек халқи маънавияти ва маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Юртимизда нафақат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалар, балки заминимизда истиқомат қилиб келаётган турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинади. Мустақил фикрга эга, ўз миллати ва Ватани манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатишга қодир баркамол авлодни тарбиялаб, уларда миллий онгни шакллантириш, мустақил барқарор тараққиёт учун хизмат қилишга йўналтириш жараёнида миллийликка хос толерантлик йўналишларини кенгайтириш бугунги куннинг талабидир. Миллий кадриятларимизнинг бир қисми бўлган диний кадриятларимиз, хусусан, ислом дини ҳамиша инсон кадр-қимматида катта эътибор бериб, бошқа дин вакиллариининг ҳаёти, шаъни, ор-номуси ва урф-одатларини кадрлаган, кўпгина ихтилофларнинг олдини олган, бағрикенглик дини сифатида намоён бўлган ва бўлиб келмоқда.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони
2. Жамият ва бошқарув. Журнал. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси босмаҳонаси, 2017, № 4 - 28 б.
3. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. / ЮНЕСКО Халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 2004. – 92 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг ИХТ ТИВКнинг «Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» номли 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. 18.10.2017.
5. Маърифат зиёси / Таҳрир ҳайъати: А. Мансур, И. Усмонов. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015.
6. Жалолиддин Румий: Тарихий-биографик роман. – 2-нашр / Радий Фиш. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.
7. Яссавий, Аҳмад. Ҳикматлар // Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқалар; Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи, тўпловчи И. Ҳаққулов; / . –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 9 б.
8. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А. Ҳасанов, О. Юсупов, К. Шермухамедов, У. Ғафуров, Ж. Каримов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. –Т.: «Мовароуннаҳр», 2013. – 16 б.
9. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
10. Қаранг: Абул-Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий ал-Ҳанафий / Мадорикут-танзил ва ҳақоикут-таъвил. - Истанбул, 1324 ҳ.й.
11. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир: А. Очилдиев. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 96 б.
12. Ҳидоят ортига яширинган залолат / Муаллиф ва тузувчилар: А. Очилдиев, Ж. Алиев, А.

Аҳмедов, Ш. Жўраев, М. Казакбаев, Ж. Каримов,  
Ж. Мелиқўзиев, Ж. Нажмиддинов, А. Тўйчибоев.  
–Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – 120 б.

13. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.:  
Адолат, 2001.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.  
Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош  
ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи / «Халқ  
сўзи» 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883).

**Mahfuza ALIMOVA,**

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi  
dotsenti v.b., tarix fanlari nomzodi,*

**Ibrohim NIGMATULLAYEV,**

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi  
talabasi*



МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ГРАММАТИК  
МЕРОСИ ВА МОВАРОУННАҲР  
ТИЛШУНОСЛИК МАКТАБИНИ ТАДҚИҚ  
ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ  
ИЗУЧЕНИЯ ГРАММАТИЧЕСКОГО  
НАСЛЕДИЯ МАХМУДА ЗАМАХШАРИ  
И ЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ ШКОЛЫ  
МАВЕРАННАХРА

SCIENTIFIC HERITAGE OF MAKHMUD  
ZAMAKHSHARI AND ACTUAL QUESTIONS  
OF THE STUDIES OF MAVARENNAKHR`S  
LINGUISTIC SCHOOL

**Калит сўзлар:** Мовароуннаҳр тилишунослик мактаби, илмий мерос, ислом илмлари, синтаксис, морфология, қўлёзма, мадраса.

**Ключевые слова:** лингвистическая школа Мавераннахра, научное наследие, исламские науки, синтаксис, морфология, рукопись, мадраса.

**Key words:** Linguistic school of Mavarennakhr, scientific heritage, Islamic studies, syntaxes, morphology, manuscript, madrasa.

Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида маданий юксалиш ислом маданияти доирасида кечганлиги боис, унинг омилларида ҳисобланган ислом илмларининг ўрни ва таъсири юқори бўлган. Ислом илмларига тафсир, калом, ҳадис, мантиқ илмлари қаторида илм ал-луға ал-арабийя – араб тили соҳаси ҳам киради. Бунинг сабаби шариатнинг асосий манбалари бўлмиш Қуръони карим ва ҳадислар ҳамда уларнинг далиллари араб тилида эди. Ислом динининг бошқа мамлакатларга тарқалиши ва ўзга миллатлар томонидан араб тилини ўзлаштиришга бўлган зарурат, яъни Қуръон оятларидаги тушунилиши қийин, мураккаб сўз ва ибораларнинг мазмунини очиб беришга бўлган уринишлар араб тилининг грамматикасини мукамал ишлаб чиқишга туртки бўлди. Мовароуннаҳрда бу илм соҳасининг аҳамиятини юксалтириб юборди. Бундай тарихий шарт-шароит, ўз навбатида, Мовароуннаҳрда маҳаллий араб тилшунослиги мактабининг шаклланишига сабаб бўлди. Узоқ ўрта асрларда араб тилшунослиги пайдо бўлган дастлабки кунлардаёқ унинг йўналишида бир нечта илмий мактаблар

Мақола ўрта асрларнинг машхур тилшунос олими Маҳмуд Замахшарийнинг илмий фаолияти ва унинг тилшунослик мактабига бағишланган.

Статья посвящается научной деятельности выдающегося лингвиста средневековья Махмуда Замахшари и его лингвистической школы.

This article is devoted to the scientific activities of the outstanding medieval linguist of Mavarennakhr Makhmud Zamakhshari and his linguistic school.

шакланган. Жумладан, араб лингвистик анъаналарида Басра, Куфа, Бағдод, Миср ва Андалусия тилшунослик мактаблари қайд этилади [4;5;8].

Мовароуннаҳр араб тилшунослиги мактаби ўрта асрлар тилшунослиги тарихи ўз йўлида учратган буюк алломалардан бири Маҳмуд Замахшарий шахсияти билан боғлиқ. Маҳмуд Замахшарий оламшумул шон-шухратни аввало етук тилшунос ва «Ал-Муфассал» асарининг муаллифи сифатида қўлга киритган<sup>6</sup>. Унинг тилшунослик ва луғатшуносликка оид топилаган асарлари қуйидагилар:

- Ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб – «Эъроб санъати ҳақида муфассал китоб»;
- Ал-Унмузаж фи-н-наҳв – «Наҳв илмидан намуна»;
- Муқаддамату-л-адаб – «Адаб илмига кириш»;
- Шарҳ баъди-л-мушкилат фи-л-муфассал – «Муфассал»даги баъзи қийин масалаларнинг шарҳи»;
- Шарҳ абйат китоб Сибавайҳи – «Сибавайҳи «Китоби» байтларининг шарҳи»;
- Ал-Аҳажий-н-наҳвиййа – «Грамматик масалаларга оид жумбоқлар»;
- Ал-Муфрад ва-л-мураккаб фи-л-арабиййа – «Араб тилида бирлик ва кўплик»;
- Самийму-л-арабиййа – «Араб тилининг негизи»;
- Ал-Амалий фи-н-наҳв – «Грамматик қоидаларда орфография»;
- Нукату-л-аъроб фи ғариби-л-иъроб – «Қуръоннинг ажойиб ифодасида араблар нафосати»;
- Асосу-л-балоғати – «Балоғат (илмларининг) асослари»;
- Аъжабу-л-ажаб фи «Ломияти-л-араб» – «Ломияту-л-араб» шарҳида ажойибнинг ажойиб»;

<sup>6</sup> «Ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб» асари 1119–1121 йилларда, аниқроғи бир йилу тўрт ойда ёзилган. Биринчи марта у Кристианида 1859 ва 1879 йилларда нашр қилинган.

– Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис – «Ҳадислардаги нотаниш (сўзларни изоҳлашга доир) ажойиб китоб»;

- Жавоҳиру-л-луғат – «Тил жавоҳирлари»;
- Савоиру-л-амсол – «Танланган мақоллар»;
- Ал-Муъжаму-л-арабиййату-л-форсиййату – «Арабча-форсча луғат»;
- Девону-т-тамсил – «Ассимиляция ҳақида девон».

– Шарҳу-л-фасиҳ – Саълабнинг «Фасиҳ» асарига шарҳ;

- Ал-асмо фи-л-луғат – «Тилда исмлар»;
- Ал-мустақсо фи амсали-л-араб – «Араб мақолларини тадқиқ этувчи (луғат)».

«Ал-Кашшоф ʻан ҳақоқиқи ғавомизи-т-танзил ва ʻуйуну-л-ақавил фи вужуҳи-т-таъвил» – «Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уларни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очгич». ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида олим асарларининг кўпсонли қўлёзмалари сақланади.

Жумладан, Маҳмуд Замахшарийнинг дидактик асари «Атбақу-з-заҳаб»нинг № 4877 рақамдаги ягона нусхаси XIX асрда кўчирилган. Қўлёзма Шарафиддин Исфаҳонийнинг «Атбақу-з-заҳаб» асари киритилганлиги билан ҳам эътиборли.

«Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис» луғати (№5134) 342 саҳифадан иборат. № 4725 рақамли қўлёзма 760/1358 йилда кўчирилган бўлиб, тўлиқ эмас.

«Рабиъу-л-аброр ва нусусу-л-аҳёр» асарининг ягона нусхаси 2384 рақам остида сақланади. У 997/1589 кўчирилган. Бу қўлёзма тўлиқ эмас, охириги 17 боби йўқ.

«Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» асарининг (№7151; №12858; №12474; №8589; №12888; №8107; №8642) еттита қўлёзмаси сақланади. Уларнинг барчаси Ардабилининг шарҳи билан кўчирилган. Уларнинг аксарияти XVIII–XIX асрларга оид.

«Ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб» (№5198; №3697; №11459; №5675; №3272) асарининг 11 та нусхаси сақланади. Китобат даврига кўра энг қадимийси XIV асрга тегишли.

«Ал-Муфассал» араб тилшунослигига оид мураккаб масалаларни ечишда тилшунослар мурожаат қиладиган ишончли манбалардан ҳисобланади. Ҳозирги замон араб тилшуносларидан Аббос Ҳасан ўзининг 1967 йилдан бери қайта-қайта нашр этилаётган 4 жилдлик النحو الوافی – «Аниқ грамматика» номли асарида барча қийин, муаммоли масалалар

ни шарҳлашда, тушунтиришда «Ал-Муфассал»га мурожаат этади.

Бу асарнинг тўлиқ номи «ал-Муфассал фи санъати-л-иъраб» ёки «Ал-Муфассал фи-н-наҳв» деб аталиб, у араб тилининг грамматикасига бағишланган мукамал ва юксак даражадаги асарлардан бири ҳисобланади. Танқидчилар ҳақли равишда уни Сибавайҳининг «ал-Китаб» асаридан кейин иккинчи ўринга қўядилар.

Замахшарий ушбу 4 қисмдан иборат асарида Сибавайҳи ёки бошқа тилшунос олимлардан фарқли равишда араб наҳвини баён қилишнинг янги усулини қўллаган. Унга кўра тил қоидалари сўз туркумлари бўйича тушунтирилган. Шунга мувофиқ 1-боб «Исм» сўз туркуми, 2-боб «Феъл» сўз туркуми, 3-боб «Ҳарф», яъни ёрдамчи сўзлар туркумига бағишланган. Бу бобларнинг ҳар бирида ҳам синтаксис, ҳам морфология масалалари ўрганилган. Мазкур усул ҳозирга қадар араб тилшунослигида муваффақият билан қўлланилмоқда. Асарнинг «Ал-Муштарак» деб номланган 4-бобида барча сўз туркумлари учун баробар тааллуқли бўлган ва махсус тадқиқ талаб этувчи алоҳида ҳодисалар борлигига эътибор қаратилган.

Араб тилининг табиий хусусиятларига солинган чуқур илмий назар Маҳмуд Замахшарийга лингвистик тадқиқотларида ажойиб натижаларга эришишига ёрдам берган ва араб тилининг назарий грамматикасига катта ҳисса қўшган. Европалик машҳур арабшунос олимлардан А.Флеш, Ж.Кантино, М.Бравманн, К.Броккельман, М.Грюнерт, Б.М.Гранде ўз тадқиқотларида Маҳмуд Замахшарий асарларида илгари сурилган концепцияларга катта эътибор берганлар.

Одатда асарларга атаб ёзилган шарҳлар унинг қай даражада машҳур эканлигини билдиради. К. Броккельманнинг таъкидлашича, «ал-Муфассал»га 30 дан ортиқ шарҳ ёзилган [3: 25–242]. Бироқ асар шарҳларини тўплаш юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз уларнинг сони 70 га яқин [7: 28–43], эканини кўрсатди. Уларнинг ичида энг машҳурлари Қосим Ҳусайний Хоразмий<sup>7</sup>, Абул Бақо

Йаиш<sup>8</sup>, Ибн Ҳожиб<sup>9</sup> ва Фахруддин Розий<sup>10</sup>нинг шарҳларидир. Аммо «Муфассал»га биринчи шарҳни Замахшарийнинг ўзи ёзган. Мазкур шарҳ «Муфассал»даги баъзи қийин масалаларнинг шарҳи» деб аталади<sup>11</sup>.

Буюк тилшунос олим Маҳмуд Замахшарий ўз илмий фаолияти давомида фан соҳаларининг турли йўналишларида кўплаб илмий асарлар ёзган бўлса-да, улардан 4 таси бошқа асарларга ёзилган шарҳлар ҳисобланади. Аллома ўзининг иккита асарини шарҳлаган бўлиб, биринчиси, айтиб ўтганимиздек, «ал-Муфассал фи-н-наҳв» асарига ёзган шарҳи, иккинчиси «Шарҳ мақомати-з-Замахшарий»дир. Замахшарий илк ўрта асрларнинг буюк тилшунос олими Сибавайҳининг «ал-Китаб» асарига ёзган шарҳини «Шарҳ абйат китаб Сибавайҳи» деб номлаган [2:56–63]. Тўртинчиси «Саълаб» номи билан машҳур бўлган тилшунос олим, араб тилшунослигига тамал тошини қўйганлардан бири Абу-л-Аббос Аҳмад б. Яҳё б. Зайд б. Йасар Шайбонийнинг (200/815 – 291/900 й., Бағдод) «ал-Фасих» асарига ёзган шарҳидир.

Мовароуннаҳр тилшунослари маҳаллий аҳолига мўлжаллаб мадрасаларда таҳсил бериш учун араб тили грамматикасига оид махсус дарсликлар яратганлар. Улар орасидан Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Унмузаж фи-н-наҳв – Наҳв (грамматика) илмидан намуна», «Ҳаракот – Исmlарнинг турланиши»<sup>12</sup> ва Абу Наср Мутарризийнинг «ал-Мисбах фи-н-наҳв – Наҳв илми шамчироғи», Ҳамидуудун

<sup>8</sup> Ибн Йаиш (1156 – 1245 й.) «ал-Муфассал»га ёзилган энг машҳур шарҳнинг муаллифи. Бу шарҳ биринчи марта Лейпцигга 1882 йили икки жилдада нашр қилинган.

<sup>9</sup> Ибн Ҳожиб (1175–1249 й.) «ал-Муфассал»га ёзилган «ал-Ийдаҳ» номли энг машҳур шарҳнинг муаллифи. Бу шарҳнинг қўлёзма нусхалари Германия (Мюнхен, Берлин), Англия, Туркия (Анқара, Отиф Афанди), Сурия, Исроил ва Ҳиндистон кутубхоналарида сақланади.

<sup>10</sup> Муҳаммад Али Фахруддин Розий (1148–1269 й.) – ўрта асрларнинг буюк илоҳиётчиси. Унинг шарҳи «Аъраисул-мухассал фи нафайси-л-муфассал» деб номланади. Бу шарҳнинг икки қўлёзмаси Саудия Арабистони ва Туркияда сақланади.

<sup>11</sup> Бу шарҳнинг мухтасари Лейден кутубхонасида 164 рақам билан, иккинчи нусхаси эса Венада 254 рақам остида сақланади. Қаранг: Броккельман К. Араб адабиёти тарихи. – Миср. Т.5., 1975.

<sup>12</sup> Ҳаракот – «Муқаддамату-л-адаб»нинг 4-қисмишусўз билан бошланади. Мазкур қисм араб тили грамматикасининг қийин соҳаси – исmlарнинг турланишига бағишланганлиги сабабли зарур манба сифатида алоҳида ўрганиш учун жуда кўплаб нусхаларда кўчирилган.

<sup>7</sup> Қосим Ҳусайний (1160–1219 й.) Маҳмуд Замахшарийнинг олтига асарига шарҳ ёзган. «Ал-Муфассал»нинг ўзига учта – «ал-Мужаммара», «ат-Тахмир», «ас-Сабика» номли шарҳ ёзган. Шунингдек, «ал-Муфрад ва ал-муаллаф», «ал-Аҳажий» ва «ал-Унмузаж фи-н-наҳв» асарларини ҳам шарҳлаган. «Ат-Тахмир»нинг қўлёзма нусхалари Британия музейида, Сурия ва Мисрда сақланади.

Даририйнинг «Муқаддамату-д-Даририй – Даририйнинг муқаддимаси», Муҳаммад ибн Аби ал-Қосим Муъиззийнинг «Китабу-т-тасрифи-л-Муъиззий – Муъиззийнинг тасриф (фёълларнинг тусланиши) китоби», Абдурахмон Жомийнинг «Фавоиду-д-Дийаййа» каби асарларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу қўлланмалар ўзининг лўндалиги, давомийлиги, материални баён қилиш ва тақдим этишдаги ўзига хос услуби билан ажралиб туради. Улар араб тилининг лексикаси ва грамматикасини бирдек жадал суръатларда эгаллаш заруратини эътиборга олган ҳолда ёзилган. Натижада бу рисоалар шу қадар шухрат қозондики, бир неча аср давомида Шарқнинг барча мадрасаларида улардан араб тилидан таълим беришда асосий адабиёт сифатида фойдаланганлар.

Бу грамматик рисоалар ўрта асрлардан бошлаб, то мадраса тизими мавжуд бўлган XX асрнинг 1-чорагигача кенг қўлланилди. Улар айнан классик манбалар тилини ўрганишга қаратилган эди. Табиийки, бу рисоалар асосида таълим олган талабалар араб тилидаги илмий матнни яхши тушуниб, ўзлаштира олиш даражасига етишган. Марказий Осиёда араб тилини ўрганиш учун фойдаланилган грамматик асарларнинг аксарияти айнан мана шу даврда ёзилган ва кенг муомалага киритилган. Шу нуқтаи назардан юқоридаги грамматик рисоаларнинг шаклланиш жараёни, уларда грамматик материалларнинг берилиш тартиби, баён қилиш услуби жиҳатидан бу грамматик қўлланмаларнинг араб тилини ўрганишда бир-бирини тўлдириши илмий-методик нуқтаи назардан ҳозирга қадар таҳлил қилинган эмас. Бу эса ушбу мавзунинг долзарблигига ишора қилади.

IX–XIV асрлар Мовароуннаҳр маданий ҳаёти тарихида ўзига хос бир давр бўлиб қолди. Бу даврда мазкур минтақа, хусусан, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Насаф, Хоразм каби шаҳарларда дунёвий ва диний илмларнинг йирик мактаблари вужудга келиб, ушбу мактаб вакилларининг довуғи бутун дунёга таралди. Айнан шу ерда араб тилидаги тилшуносликка оид илмий ва ўқув адабиётлари яратилди, лингвистик аъналарни шакллантиришга ва фундаментал асарлар яратишга қулай шароит пайдо бўлди. Натижада Мовароуннаҳр араб тилшунослиги мактаби шу қадар ривож топдики, Маҳмуд Замахшарий ва издошларининг номлари, уларнинг ёзган асарлари бутун мусулмон оламида алоҳида ўзига хос эътибор топди. Бундай асарлар жумласида Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Муфассал»,

«ал-Кашшоф», «Асосу-л-балоға», «Муқаддамату-л-адаб», Умар Насафий (461–537/1069–1142)нинг «Хасоису-л-луғат», Абу-л-Фатҳ Мутарризий (538/1143–610/1213)нинг «ал-Муқаддамату-л-Мутарризийа фи-н-наҳв», «ал-Иқнаъ фи-л-луғати», Аҳмад Жандийнинг ( ваф. 700/1301 й.) «ал-Иқлид» ва «Уқуду-л-жавоҳир фи илми-т-тасриф», ал-Қосим Муҳаммад Хоразмий (555–617/1160–1220)нинг «Китабу ажаиб-н-наҳв», «Китабу сихри-л-иъраб», «аз-Заваё ва-л-хабаё фи-н-наҳв», «ал-Мухтасар», «Китабу-л-муҷаммара», «Китабу-т-таҳмир» каби асарларини [9:640] таъкидлаш жоиз.

Мовароуннаҳрда асарларга илмий шарҳ ёзиш аънасининг пайдо бўлиши эса турли тилшунослик мактаблари вакиллари бир-бири билан боғлайдиган ҳалқа вазифасини бажариб, ўзаро тажриба алмашишга ва араб тилшунослик мушоҳадасининг кейинги ривожига хизмат қилган.

Араб тилшунослик фани ривожини тарихидан кўриниб турибдики, лингвистик ғоянинг ривожидан ҳар бир кейинги босқич аввалги, босиб ўтилган даврга хос бўлган қарама-қаршиликларни енгиб ўтиш, янги ютуқлар эса кашф этилган қонуниятлар ва назарияларнинг бевосита давоми бўлиб, улар фан тараққиётининг янада юксак даражасини ифодалашини кўрсатади. Худди шундай Маҳмуд Замахшарийнинг ва у яратган тилшунослик мактаби вакиллари араб тилшунослиги тарихида ўз ўрнига эга бўлган тилшуносликка оид асарлари бу соҳадаги умумий муваффақиятларга қўшилган катта улуш бўлган.

Маҳмуд Замахшарий илмий мероси ва у асос солган араб тилшунослик мактаби мамлакатимиз илм-фани тараққиёти тарихини ўрганувчи изланувчиларга янги тадқиқот объекти учун йўл очади, деб ўйлаймиз. Бу тадқиқотларда уламоларимиз асарларининг кўпсонли қўлёзмалари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси (ўзбек ва араб тилларида) – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, 2007.
2. Аҳмад Муҳаммад ал-Хуфий. Аз-Замахшарий. – Миср, 1966.
3. Броккельман К. Араб адабиёти тарихи. – Миср. 1975, Т.5.

4. Мозин Муборак. Ан-наҳву-л-арабий. Ал-иллату-н-наҳвиййа: нашаатуҳа ва татаввурӯҳа. –Байрут, 1971.
5. Муҳаммад Тантавий. Нашъату-н-наҳв ва тариху ашҳури-н-нуҳҳат. –Қоҳира, 2005.
6. Муҳаммад Босил Уйун ас-Суд. Асасу-л-балағати. –Байрут, 1998.
7. Носирова М.А. Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Муфассал» асарига ёзилган шарҳлар// Шарқшунослик (ТошДШИ) -2009. №1-2. –Б. 28–34.
8. Салоҳ Раввойи. Ан-наҳву-л-арабий:нашъатуҳу, татаввурӯҳу, масадируҳу, рижалуҳу. – Қоҳира, 2003.
9. Ёқут Ҳамавий. Муъжаму-л-удабо. –Миср, 1924, Ж.2.

**Malika NOSIROVA,**

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi «Mumtoz sharq adabiyoti va manbashunoslik» kafedrasi mudiri, filologiya fanlari nomzodi*



---

---

## АРАБ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА АУДИО МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

---

---

### МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АУДИОМАТЕРИАЛОВ В ОБУЧЕНИИ АРАБСКОГО ЯЗЫКА

---

---

### THE METHODS OF USING AUDIO MATERIALS IN TEACHING ARABIC

---

---

**Калит сўзлар:** араб тили, аудиоматериал, тинглаш, матн, савол, жавоб.

**Ключевые слова:** арабский язык, аудиоматериал, слушание, текст, вопрос, ответ.

**Key words:** Arabic language, audio resources, listening, text, question, answer.

Турли миллат ва элатлар иқтисодий-маданий ва яна бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик қилишларида тил асосий алоқа воситаси ҳисобланади. Шунинг учун қадимдан турли миллат вакиллари бир-бирларининг тилларини ўрганишга ҳаракат қилганлар. XXI асрга келиб бир кишининг камида уч тилда бемалол сўзлаша олиши оддий ҳол бўлиб қолди. Айни пайтда давлатлараро ҳамкорликлар ривожланаётгани сайин чет тилларини ўрганишга эҳтиёж ўсиб, малакали мутахассисларга талаб кучайиб бормоқда. Юртимизда ҳам чет тилларини ўрганишга қизиқиш кун сайин ўсиб бормоқда. Дунё тилларини ўрганишимиз учун кўплаб тил ўқитиш марказлари очилмоқда.

Ҳозирги кунда араб давлатлари билан иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш мустақил тараққиёт йўлидан кетаётган республикамиз учун катта амалий аҳамиятга эга. Бундай ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш ўша мамлакатларнинг тили – араб тилини билувчи кадрлар бўлишини тақозо этади. Республикамиздаги бир қатор олий ўқув юртларида араб тили асосий ёки қўшимча шарқ тили сифатида ўқитилади. Бундан ташқари бу тилга эҳтиёж кўплиги туфайли кўплаб марказларда ҳам ўргатилмоқда.

Чет тилларини мукамал эгаллаган, бу тилда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш учун замон талабига жавоб берувчи дарсликлар яратилиши жараёнида анъанавий услублар билан бирга замонавий педагогик услублар ва ах-

Мақолада араб тилини ўқитишда аудио ва видео-материаллардан фойдаланганда ўтилган материални мустаҳкамлаш ҳамда талабаларда тинглаш, сўзлашиш компетенцияларини ривожлантиришда қўлланадиган услублар ҳақида маълумот берилган.

В статье описываются методы для развития прослушивания и разговорной речи в арабском языке, а также укрепление пройденных материалов студентами при использовании аудио и видеоматериалов.

The article focuses on the use of audio and video material in teaching Arabic language, as well as enhancing and gives information about used methods in increasing of reading and listening comprehension skills in students.

борот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш давр талабига айланди. Чет тилларини ўрганишда талаффуз, тинглаш, ўқиш, ёзиш ва оғзаки нутқ кўникмаларини бирдай ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу кўникмаларни эгаллашда аудио ва видеоматериалларидан унумли фойдаланиш орқали кўзланган натижага эришиш мумкин. Чунки ахборот технологиялари тез суръатларда ривожланиб бораётган асримизда ҳаётимизни бирор техникасиз тасаввур қила олмаймиз. Янги техник воситалар барча ишимизни енгиллаштириб бермоқда. Шунингдек, чет тилларини ўрганишда турли техника воситалари ўрганиш жараёнини ҳам осонлаштириб ҳам тезлаштириб берапти.

Араб тили иккинчи тил сифатида ўқитиладиган йўналишларда грамматик қоидаларни чуқур ўрганиш учун эмас, балки талабаларнинг шу тилда кундалик мавзуларда суҳбат қура олишларига керак бўлувчи диалог ва матнлар ўқитилади. Албатта, бу жараёни амалга оширишда аудио ва видео материаллардан фойдаланиш яхши самара беради.

Амалий машғулот давомида талаба дастлаб берилган диалогнинг аудио шаклини тинглаб, уни дафтарда ёзма ифодалайди, сўнгра унинг китобдаги нусхаси билан солиштириб, ўз хатолари устида мустақил ишлайди, сўнг янги сўз ва ибораларни ўзлаштиради. Диалогни тўлиқ ўзлаштириб бўлгач, уни ўқиб диктофонга ёзиши жараёнида ўз нутқи ва талаффузи устида ишлаш кўникмаси шаклланади. Аудио материалларидан фойдаланганда бирор мавзудаги диалог ўрганилгач, унинг лексикасини ўзлаштириш, талабада шу мавзуда суҳбат қура олиш малакасини ҳосил қилиш учун бир неча усуллардан фойдаланиш мумкин. Кейинги жараёнда ўтилган диалог сўзлари асосида бошқа мазмундаги матн берилади. Янги матн сўзлари талаба учун 100 фоиз

таниш бўлиши керак. Талаба матнни тинглаб, уни таржима қилади. Кейинги босқичда ушбу матнни диктант шаклида ёзади. Сўнгра ўз таржимаси ва диктанти қиёсланганида ўзининг хатоларини топиб тўғрилаши мумкин. Бу жараёнда талаба тинглаш, ёзиш компетенцияларини бажаради. Кейинги босқичда ўша мавзу бўйича бошқа матн эшиттирилади, талаба матнни тинглагач, унинг мазмунини сўзлаб беради. Сўзлаб бериш учун матн мазмуни тасвирланган расмлардан ҳам фойдаланиш самаралидир. Чунки талаба расми тасвирлаш жараёнида ўз фикрини қўшимча элементлар, яъни сўзлар билан ҳам бойитиши мумкин. Талабаларга бирор мавзунини тасвирлаётганда унинг хатоларини кўрсатиш учун тўхтатмаслик керак. Чунки талаба ўз фикрини йўқотиб қўйса, ўз хатоларини тўғриладан кўра фаол бўлмасликка ҳаракат қилади.

Аудио материал билан ишланадиган кейинги жараёнда талабага матн мазмунидан келиб чиқилган жумлалар берилади. Талаба матнни тинглаш жараёнида ундаги фикр тўғри ёки нотўғрилигини белгилаб боради. Вазифа сўнггида матнда айнан ўқилмаган, лекин матнга оид жумлалар берилиши талабанинг мустақил фикрлашига туртки бўлади. Масалан:

ترك حارث مدينة بغداد. بغداد مدينة جميلة. انتقلت الشركة إلى جدة. حارث مدير الشركة في جدة. جدة مدينة كبيرة وجميلة جدا. يذهب حارث مع أسرته إلى شاطئ البحر. ويذهب حارث إلى مكة لأداء العمرة والصلاة في المسجد الحرام. تستغرق الرحلة من جدة إلى مكة ساعة واحدة تقريبا.

Ушбу аудио матнга қўйидаги вазифани бериш мумкин:

Матнни тинглаб, «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобини белгиланг.

1	لا	ترك حارث مدينة بغداد	نعم
2	لا	انتقلت الشركة إلى بغداد	نعم
3	لا	حارث مدير الشركة في بغداد.	نعم
4	لا	جدة مدينة كبيرة وجميلة	نعم
5	لا	يذهب حارث مع الأصدقاء إلى شاطئ البحر.	نعم
6	لا	ويذهب حارث إلى مكة المكرمة	نعم
7	لا	تستغرق الرحلة من جدة إلى مكة ساعة ونصف الساعة تقريبا.	نعم
8	لا	يذهب حارث إلى مكة بالسيارة	نعم
9	لا	حارث الآن في جدة	نعم
10	لا	أسرة حارث في العراق	نعم

Талаба ўтилган аудиоматериални тўлиқ тушунса, охириги 3 та жумлага матн мазмунидан келиб чиқиб жавоб беради.

Аудиоматериалга қуйидагича вазифа ҳам бериш мумкин:

Талаба диалогни тинглаб, нуқталар ўрнини керакли сўз билан тўлдириб боради. Бу жараёнда вазифада феълнинг шахси ўзгариши мумкин, яъни диалогдаги жавоб берувчи 3 шахс кўринишида ифодаланади.

من أين حضرت يا بدر؟	حضرت من باكستان.
هل حضرت للعمل؟	لا، حضرت للدراسة.
هل تسكن في المدينة؟	نعم أسكن في المدينة.
كيف تذهب إلى الجامعة؟	أذهب بالحافلة.
أين تقضي العطلة؟	أقضيها في القرية.

1	حضر بدر من.....
2	حضر بدر ل.....
3	بدر يسكن في.....
4	يذهب بدر إلى الجامعة ب.....
5	يقضي بدر العطلة في.....

Аудиоматериал билан ишлашни яна бир вазифа орқали мустақкамлаш мумкин. Бунда талабага бир нечта қисқа диалог шакллари берилади. Сўнгра ўша диалог мазмуни акс этган жумлалар ўқилади. Талаба жумлаларни тинглаб қайси диалогга тегишли эканини белгилаб бориши керак. Масалан:

1. محمد قادم مع أسرته من ماليزيا للعمرة. تقيم الأسرة في فندق قريب من المسجد الحرام.
2. أحمد قادم من بنغلاديش للعمل. فقد أحمد الحقيبة. في الحقيبة ملابس.
3. غسان قادم من مورتانيا. فقد غسان جوازات السفر والتذاكر.
4. محمد طالب كشميري. محمد قادم للزيارة.

Диалоглар:

1	- هل أنت قادم للعمرة؟ - لا، أنا قادم للعمل. - ماذا في الحقيبة. - في الحقيبة ملابس.	3	من أين أنت؟ أنا من ماليزيا. أين تقيم؟ أقيم في فندق قريب من المسجد الحرام.
2	هل أنت هندي؟ لا، أنا كشميري. ما مهنتك؟ أنا طالب.	4	ماذا فقدت؟ فقدت الحقيبة الصغيرة. ماذا في الحقيبة؟ جوازات السفر والتذاكر

Хулоса қилиб айтганда, аудиоматериаллар билан ишлаш талабаларда тил ўрганишда талаб қилинувчи барча компетенцияларнинг бирдай шаклланишида катта аҳамиятга эга. Аудиоматериаллар бўйича бериладиган турли очиқ ва ёпиқ тест турлари ўтилган мавзунини тўлиқ ўзлаштириш ва мустақкамлашда яхши самара беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. العربية بين يديك إشراف د. عبد الرحمن آل الشيخ، الرياض 2003 م

2. Клычникова З.И. Психологические особенности обучения чтению на иностранном языке. / Пособие для учителя. 2 изд. – М: Просвещение, 1973.

Zulfiya SHAKIROVA,

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi  
«Sharq filologiyasi» kafedrası d.v.b,  
tarix fanlari nomzodi



## ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА WEB САЙТЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ («ЕТТИ ПИР» WEB САЙТИ МИСОЛИДА)

### ОПТИМИЗАЦИЯ WEB САЙТОВ С ПОМОЩЬЮ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ (НА ПРИМЕРЕ WEB САЙТА «ЕТТИ ПИР».UZ )

### OPTIMIZATION OF WEB SITES WITH THE HELP OF MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES (ON THE EXAMPLE OF THE WEB SITE «ЕТТИ ПИР».UZ)

**Калит сўзлар:** дастурий ишланма, зиёратгоҳ, туризм, интернет, контент, framework, зиёратгоҳ, харита, виртуал саёҳат, ахборот бозори.

**Ключевые слова:** программный продукт, информационный рынок, карта, виртуальное путешествие, контент, туризм, интернет, фреймворк.

**Key words:** software, information market, map, virtual travel, content, tourism, internet, framework.

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони лойиҳасининг учинчи бўлимида иқтисодий ва янада ривожлантириш ва либераллаштиришда туризм соҳасига алоҳида эътибор белгиланган. Бугунги кунда иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш бўйича ахборот ва телекоммуникация технологияларини фан йўналишларига, ишлаб чиқаришдаги амалий масалаларни ечишга татбиқ этиш зарур. Бу эса ахборот ва телекоммуникация соҳасида етук мутахассисларни тайёрлашни талаб этади.

Ҳозирда «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари» кафедраси томонидан олиб борилаётган маънавий, маърифий, илмий ва тарихий меросларимизни англаш, уларни тиклаш, чуқур тадқиқ қилиш, тадқиқот натижаларини амалда жорий этишга йўналтириш бўйича қилинаётган ишлар давримизнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу борада кафедра профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари томонидан «Тасаввуф намояндлари» мультимедиа интерактив ўқув қўлланма, Андроид тизимида Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси ва Мотуридия таълимоти, «Ўрта Осиё

олимлари қомуси мобил иловаларини яратиш», «Марказий Осиёлик мутакаллим олимларнинг илмий мероси» мультимедиа интерактив қўлланма, «Ўзбекистон – буюк алломалар юрти» мавзусида виртуал дастурий маҳсулот, «Ҳадис илмий мактаби» мультимедиа дастурий восита, «Халқаро ва минтақавий ислом ташкилотлари» ҳақида мультимедиа дастурий таъминот, «Тошкент шаҳри масжидлари дислокацияси on-line харита ва 3D моделлар», «Ўзбекистонда ислом цивилизацияси» номли автоматлашган ахборот тизими, «Муқаддамат-ул адаб» китобининг дастурини андроид мультимедиа платформаси, Бухородаги зиёратгоҳлар Web сайтини оптималлаштириш («Naqshband tiu.uz» зиёратгоҳи мисолида) дастурий ишланмалари яратилиб, уларни амалиётда қўллаш устида илмий-амалий ишлар олиб бормоқдалар. Жумладан, Бухородаги зиёратгоҳлар Web сайтини оптималлаштириш («Naqshband iiau.uz» зиёратгоҳи мисолида) дастурий ишланмаси ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш даврида сайёҳлик соҳасида ҳам ахборотни сотиш ва уни узатиш бўйича янгича ёндашувларга олиб келди.

Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликлари, хусусан, Бухоро вилоятининг тарихий обидалари, ёдгорликлари, осори-атиқаларини дунёга танитиш, келажак авлодга ўз асл ҳолатида кўрсатиш мақсадида янги инновацион ечимлардан фойдаланилмоқда. Мазкур дастурий ишланма Ўзбекистон зиёратгоҳларида миллий туризм фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, саёҳатга келувчиларни зиёратгоҳлар билан таништиради ҳамда зиёратгоҳлар ҳақидаги маълумотларнинг аниқ ва тўлиқлигини таъминлайди. Дастурий ишланма замонавий дастурлаш тили ҳисобланган Yii2 framework ёрдамида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг устувор томонларини ёритиб бериш асосий мақсадлардан биридир.

«Етти пир» зиёратгоҳи сайтини яратишда даставвал сайт контентига оид бўлган маълумотлар тўпланди [1,2]. Манбалардан олинган маълумотлар асосида web сайт структураси (каскади) тузиб чиқилди.

Сайт структураси менюлари:

Мажмуага оид ҳукумат қарорлари

Янгиликлар

Илмий мақолалар

Мажмуа ҳақида

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида

Зиёрат қоида ва одоблари

Хожাগон-Нақшбандия тариқати пирлари ҳақида

Мақолада Ўзбекистоннинг тарихий обидалари, қадимий ёдгорликлари, асори-атиқаларини дунёга танитиш, келажак авлодга ўз асл ҳолатида кўрсатиш мақсадида яратилган дастурий ишланма таҳлил қилинган. Мазкур дастурий комплекс Ўзбекистон зиёратгоҳларининг миллий туризм фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, саёҳатга келувчиларни зиёратгоҳлар билан таништиради ҳамда зиёратгоҳлар ҳақидаги маълумотлар аниқ ва тўлиқ келтирилган. Web сайтни ишлаб чиқиш жараёнида Php, WordPress, Yii2 framework, Joomla каби замонавий дастурлаш тилларидан фойдаланилган.

В статье рассматривается разработка программного комплекса предназначенная для развития национальной туристической деятельности мест паломничества Узбекистана. В нем указываются места знаменитых предков, ознакомления посетителей местами паломничества для изучения нашего культурного наследия, богатой истории края и духовно-просветительской деятельности наших предков. При разработке данного веб сайта были использованы современные языки программирования как Php, WordPress, Yii2 framework, Joomla и другие.

In this article the development of a software package intended for the development of the national tourist activity of pilgrimage sites of Uzbekistan is discussed. There showy the places of famous ancestors, acquaint visitors with places of pilgrimage to explore our cultural heritage, the rich history of the region and the spiritual and educational activities of our ancestors. Modern programming languages like Php, WordPress, Yii2 framework, Joomla and others were used in developius this web site.

- Хожа Абдухлолиқ Ғиждувоний
- Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий
- Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий
- Хожа Али Ромитаний
- Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий
- Ҳазрат Саййид Амир Кулол

Етти пир зиёрати харитаси

• Ғиждувон

• Шофиркон

• Янгибозор

• Кўрғон Ромитан қишлоғи

• Янги ҳаёт

• Баҳоуддин

Виртуал саёҳат (3D)

Рубоиёт

Кутубхона

Расмлар

Видеотека – ЎзХИА «Зиё медиа» маркази томонидан яратилган фильмлар жойлаштирилди.

Меҳмонхона

Қидирув

Сайт харитаси.

«Етти пир» зиёратгоҳи сайтини бугунги кун талаблари асосида ишлаб чиқиш учун қуйидаги ма-

салаарни ечиш талаб этилди:


- Интернет, унинг ҳозирги замон ахборот таъминоти муҳитидаги ўрни ва унинг асосий тушунчаларини ўрганиш;
- web дастурлаш тилларининг асоси бўлган HTML5 гиперматнли тили ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- PHP Yii2 framework имкониятларини ўрганиб чиқиш;
- Маълумотлар базаси билан ишлаш ва уни бошқариш.

Web дастурлаш тиллари Php, WordPress, Yii framework, Joomla ва бошқалар.

Шунингдек, сайтда «Етти пир» зиёратгоҳи харитаси, виртуал саёҳат (3D), кутубхона, расмлар мажмуаси ва видеолар тўплами, Бухородаги меҳмонхоналар манзиллари, қидирув тизими ва сайт харитасини ўз ичига олади.



1-расм. «Етти пир» сайтининг бош саҳифаси



2-расм. Китоблар олами бўлими



3-расм. «Етти пир» зиёратгоҳи харитаси

Web сайтни яратишда замонавий воситалардан фойдаланишга ва бугунги кун талабига жавоб беришга, сайтнинг мобил қурилмаларда ишлашини таъминлашга эътибор қаратилди. Сайтни ишлаб чиқишда замонавий юқори даражадаги дастурлаш тиллари HTML5, CSS3, JQuery (JS), PHP5.6 лардан фойдаланилди [3,4]. Замонавий дизайн қоидаларга кўра frameworklardan бири Yii2 framework ишлатилди, HTML5 нинг CANVAS элементларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда туризм саноатини ривожлантириш, иқтисодийнинг тез ўсишини таъминлашда унинг ролини ошириш ва шу орқали янги иш ўринларини яратиш, дунё бозорида миллий туристик маҳсулот салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилувчи ташкилий шароитлар яратилмоқда. Мазкур фаолият шакл-шубҳасиз миллий туризм соҳасини ахборот билан таъминлаш, туристик операторлар учун замонавий ахборот технологиялари ечимлари ва компютер дастурларини ишлаб чиқиш, ахборот бозори субъектларига уйғунлашган ҳолда ишлаш, жумладан, халқаро миқёсда мамлакатимизнинг ҳақиқий имиджини шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади, яратилган веб сайт бугунги миллий контентимизни диний соҳадаги ва туризмга оид бўлган манбаларнинг ошишига хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. «Наврўз» нашриёти, 2015 й. 360б.
2. Табаррук зиёратгоҳлар. 1993 й. 30 б.Т.: Ёзувчи нашриёти.
3. К.А.Сурков, Д.А.Сурков. Программирование на языке PHP 1999.
4. Ю.М.Четирко. Программирование на языке PHP. 2003.
5. А.А.Артиков, А.А.Худайбердиев, А.М.Хамдамов ва бошқ. Технологик жараёнларни моделлаштириш ва оптималлаштириш.
6. [www.naqshband.uz](http://www.naqshband.uz)
7. [www.javatpoint.com](http://www.javatpoint.com)
8. [www.javascript.ru](http://www.javascript.ru)

**Mavluda XODJAYEVA,**  
*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi*  
*«Zamonaviy axborot kommunikatsiya*  
*texnologiyalari» kafedrasi mudiri,*  
*texnika fanlari nomzodi, dotsent*

---

---

**ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА  
ИНФОРМАЦИОН КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ**

---

---

**РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННО И  
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ  
В ПОЛОМНИЧЕСКОМ ТУРИЗМЕ В  
УЗБЕКИСТАНЕ**

---

---

**THE ROLE OF INFORMATION AND  
COMMUNICATIONS TECHNOLOGIES IN  
PILGRIMAGE TOURISM IN UZBEKISTAN**

---

---

**Калит сўзлар:** QR, GPS, SMS, туризм, ахборот технологиялари, ривожланиш.

**Ключевые слова:** QR, GPS, SMS, туризм, информационные технологии, развитие

**Key words:** QR, GPS, SMS, tourism, information technology, development

Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатимизда илк бора ўтказилган биринчи халқаро зиёрат туризми форуми Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Вақф» хайрия жамоат фонди, Ташқи ишлар вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимияти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (ISESCO) ҳамда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) кўмагида ташкил этилди. Тадбирда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатидан 120 дан зиёд вакиллар иштирок этди. Туризм қўмитаси қошидаги «Миллий PR-марказ» ҳамда «Global Muslim Traveler Index» доирасида «МАТТА» (Малайзия), «Crescent Rating» (Сингапур) ассоциациялари, Жакарта тарғибот фонди (Индонезия) ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Юртимизда зиёрат туризмини жадал ривожлантириш, инновацион, информацион коммуникация технологиялари орқали туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризмни ривожлантириш ҳи-

собига ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, компьютерлаштириш, мобил илова дастурларини яратиш, маълумотлар базаларини шакллантириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмни комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилмоқда ва мувофиқлаштирилмоқда.

Ўзбекистонда зиёрат туризмни янада ривожлантириш, ушбу йўналишда мамлакатимиз жозибдорлигини ошириш ва замонавий инновацион компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда халқаро рейтингни ошириш бўйича бир қанча ишлар бажарилмоқда.

Зиёрат туризми хусусида гапирганда фақатгина мусулмон давлатларидан келувчи сайёҳлар ҳақида ўйлаш нотўғри. Исроилдан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига сайёҳат қилаётган минглаб кишилар Ўзбекистон аэропортларидан транзит сифатида фойдаланмоқда. Шунингдек, Сурхондарё вилоятида буддизмга алоқадор кўплаб обидаларни зиёрат қилишга Япония, Жанубий Корея, Хитой давлатларидан катта қизиқиш билдирилмоқда.

Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш учун етарлича имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилган. Масалан, Малайзияда ҳозир ҳажга бориш навбатини 35-42 йил кутишга тўғри келади. Индонезияда эса ўрта ҳисобда ойига 85-100 мингга яқин киши Туркия орқали умрага қатнамоқда. Ўзбекистон бевосита улар учун транзит вазифасини ўташи мумкин. Юртимизда ушбу икки давлат аҳолиси учун ҳам муқаддас бўлган Бухорий, Термизий, Мотуридий каби улуғ шахсларнинг зиёратгоҳлари бор. Шундан келиб чиқиб, Малайзия ва Индонезия ҳожилари Маккага бориш йўлида Ўзбекистонда бир ҳафта вақтини ўтказиши мумкин. Бу ўз навбатида бюджетга молиявий тушумни кўпайтиради ва ривожлантиради [1].

Мусулмон давлатлари, айниқса, Малайзия, Индонезия каби мамлакатлардан Ўзбекистондаги муқаддас қадамжоларга сайёҳларни жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг «Зиёрат туризми» бўлими ишини яққол кўришимиз мумкин. Зиёрат туризми бўйича гидларни қайта тайёрлаш, маълумотнома китобчаларининг янги таҳририни нашр этиш, Android платформасида ишлайдиган туристик дастурларни яратиш, баннерлар, тарқатма ма-

Замонавий ахборот технологиялари зиёрат туризмни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ҳозирги вақтда зиёрат туризмида интернет-туристик хизматларни реклама қилиш сайёҳат агентлигининг самарали веб-сайтини яратмасдан унинг ишини автоматлаштириш жараёнини амалга оширмайди. Ушбу мақола зиёрат туризми соҳасини такомиллаштиришга қаратилган интернет технологияларини таҳлил қилишга бағишланган. Мақоланинг амалий аҳамияти минтақада зиёрат туризми соҳаси фаолиятини қўллаб-қувватловчи замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллашдан иборат.

Современные информационные технологии вносят значительный вклад в развитие паломнического туризма. Реклама паломнических туристических услуг в сети Интернет в настоящее время невозможна без создания эффективного сайта турфирмы. Данная статья посвящена анализу Интернет-технологий, направленных на совершенствование деятельности паломнического туристической сферы. Практическая значимость исследования состоит в выявлении информационных сервисных технологий, обеспечивающих деятельность паломнического туризма региона.

Modern information technologies make a significant contribution to the development of pilgrim tourism. Advertising of pilgrim tourist services on the Internet is currently impossible without creating an effective travel agency website. This article is devoted to the analysis of Internet technologies aimed at improving the activities of the pilgrim tourist sphere. The practical significance of the study consists in identifying information service technologies that provide for the activities of the pilgrim tourism in the region.

териаллар, буклетлар, замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланиб слайдлар тайёрлаш, мультимедиа дисклар, муборак қадамжоларни зиёрат қилиш одобларини ишлаб чиқиш, аэропорт ва виза бериш хизматларини енгиллаштириш ҳамда хорижий ҳамкорлар, элчихоналар билан алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан таклиф ва мулоҳазалар ўз кучини намोён этмоқда [2].

2017 йилнинг 28 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра Ўзбекистонда Янги йил, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, Рамазон ва Қурбон ҳайитида қўшимча дам олиш кунлари белгиланди. Байрам муносабати билан бериладиган қўшимча дам олиш кунлари эвазига ҳамюртларимиз оила даврасида

яқинлари билан ҳордиқ чиқариш, байрамни кўнгилдагидек нишонлаш учун зиёратгоҳларга бориш имконига эга бўладилар.

Туризмни халқаро ва маҳаллий бўлишидан қатъи назар замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги замон туристлари замонавий ахборот технологияларисиз ҳордиқ чиқара олмайдилар. Ўзбекистон дастурчилари томонидан яратилган «Хива Аудио Гид» дастури орқали Хива шаҳрининг диққатга сазовор жойларини аудио форматда тинглашлари, QR-коддан фойдаланиш мумкин. QR-код (англ. Quick Response Code — зудлик билан бажариш коди). 2017 йилда яратилган дастурда GPS тизими бор [3].

Туризм бизнеси мобил бизнес ҳисобланади. Унинг вакиллари доимий равишда миждозлар билан алоқада бўлиши керак, ҳар қандай вазиятни узоқдан мувофиқлаштириши, ҳар қандай савол ва шарҳларга имкон қадар тез жавоб бера олиши, сўнгги дақиқалар ва саёҳатларга тайёр бўлишлари керак. Чет элда ахборот технологиялари бир қатор йирик туристик ва ижтимоий-маданий лойиҳаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Минтақада сайёҳликни ривожлантиришнинг узоқ муддатли режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда ахборот тизимлари алоҳида ўрин тутуди [4].

Мобил технологиялар сотувда жуда муҳим рол ўйнайди. Бугунги кунда саёҳатчилар мобил телефонида ҳаво сафарлари учун ҳақ тўлашлари, рўйхатдан ўтиш ва чиқиш учун керакли штрих маълумотларни олишлари мумкин. Ахборот оқимлари туристик хизматлар ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги алоқаларни таъминловчи хизмат ҳисобланади. Улар нафақат ахборот оқимлари шаклида, балки хизматлар ва тўловлар шаклида ҳам ҳаракат қилишади.

Туризм, режалаштириш ва бошқариш соҳасида туристик (ТИС) ва жўрофий ахборот тизимлари (ГИС) дан фойдаланган ҳолда минтақавий даражада сайёҳлик бизнесини ахборот билан таъминлашнинг мавжуд муаммоларини ҳал қилиш мумкин. Жўрофий ахборот тизими (географическая информационная система, ГИС) — график харитани сақловчи ва қайта ишловчи тизим. Сайёҳлик ва жўрофий ахборот тизимларини яратиш ва амалиётда халқаро тажрибани таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу тизимлар статистик тўплам сифатида қаралиши мумкин. Бу минтақада сайёҳлик бизнесида режалаштириш, тадқиқот ва маркетинг қилишнинг ажралмас воситаси [5].

Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабаси Некруз Патуллаев «Зиёрат туризми» бўйича ўзбек, рус ва инглиз тили фойдаланувчиларга мўлжаллаб андроид платформасида ишловчи геолокацион тизим яратди. «Ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар» факультетининг «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари» кафедрасининг 4-курс талабаси томонидан тайёрланган мазкур иловодан фойдаланувчилар Бухоро вилоятининг диний, тарихий, маданий зиёратгоҳлари суратларини томоша қилишлари, Бухорода жойлашган муқаддас қадамжолар ҳақида батафсил маълумот олишлари, зиёратгоҳларнинг онлайн харитасидан фойдаланишлари мумкин. Ушбу тизимнинг Интернетга мўлжалланган қисми <http://paqshband.iiu.uz/> манзилида жойлашган бўлиб, унда «етти пир» ҳақидаги ажойиб маълумотлардан тўлиқ баҳраманд бўлиш мумкин [6].

Илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Академия дастурчилари Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО томонидан бутунжаҳон маданий мерос объекти сифатида тан олинган обидалари ва жойлари ҳақида хорижий сайёҳларга маълумот бериш, Ўзбекистон маданияти, санъати ва адабиёти, ўзбек халқининг тарихий-маданий меросини акс эттирувчи ноёб экспонатлар жамланган музейларни реклама қилиш йўлида интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланган ҳолда иш олиб боришни ният қилган.

Туризм бугунги кунда бизнес учун ахборот манбаи бўлиб, унда дунёдаги энг йирик авиакомпаниялар, меҳмонхона занжири ва туристик сайёҳлик операторлари қатнашмоқда. Шахсий компьютер ва Интернет, уларнинг мавжудлиги ва ишончлилиги жамиятнинг барча соҳаларига, жумладан, сайёҳлик, янги ахборот технологияларига кириб боришга кўмак беради [7].

Кўп йиллар олдин онлайн буюртмалар кичик тестлар оқими бўлиб, энди улар барча даромадларнинг чорак қисмини ташкил этадиган кучли оқимга айланди. Мисол сифатида CheckMyTrip ни айтиб ўтишимиз мумкин. Мана шу ишларнинг амалий натижаси сифатида Дин ишлари бўйича қўмитанинг «Зиёрат туризми бўлими» ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Замонавий ахборот ком-

муникация технологиялари» кафедраси томонидан яратилаётган портал яқин ойларда ишга тушиши режалаштирилган. Ушбу портал орқали маҳаллий ва хорижий сайёҳлар Ўзбекистоннинг қадимий ва навқирон шаҳарлари, сайёҳлик манзиллари билан яқиндан танишишлари мумкин бўлади. Портал рус, инглиз, малай, немис, француз, испан, хитой ва корейс тилларида ишлаши режалаштирилган. Айни дамда портални янада бойитиш мақсадида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан туризм йўналишига доир турли материаллар тўпланмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, порталда қизиқарли материалларни ўқиш билан бирга ундан диққатга сазовор жойлар, кўнгилочар масканлар, музей ва тарихий обидалар ҳақида маълумот олиш имконияти яратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда сайёҳлик хизматларини кўрсатувчи 730 дан зиёд корхона Интернет тармоғида ўз саҳифаларига эга, аммо уларнинг барчаси ҳақиқий иқтисодий муваффақиятга эга эмас. Агар биз сайёҳлик порталлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бугунги кунда онлайн-сайёҳлик бизнесининг энг машҳур йўналиши – бу мижозга қарор чиқариш учун иложи борича кўпроқ маълумот берадиган сайёҳлик хизматлари рекламасидир. Келажакда мижозга таъсир ўтказиш усуллари янада кўпайтириш мумкин [8].

Ҳозирда сайёҳлик сегментида рақобатбардошлик сайтни яратиш билан бевосита боғлиқ. Компаниянинг веб-сайти бир қатор муҳим вазифаларни бажаради. Бу сайёҳлик компаниясининг асосий реклама каналларидан бири, туристик маҳсулотни ёки хизматни илгари суришнинг энг самарали механизми. Компаниянинг сайтлари ўқилиши осон бўлган асосий маълумотларни тақдим этади. Сайтлардаги шарҳ ва блогларни яратиш истеъмолчиларнинг хотиралари ва истакларига асосланган [9].

Кўпгина сайёҳлик компаниялари веб-сайтларида дам олиш имкониятларини кенгайтиришни таклиф этадилар, масалан, Греция нафақат курорт ва пляж мамлакати, балки тош ва терапевтик дам олиш имконини берувчи мамлакат. Матнли маълумотларнинг оммавий ахборот воситалари билан бирлашиши сайёҳлик маконини ва истеъмолчига хос сайёҳлик хизматларини муайян вакили ташкил этади. Компаниянинг веб-сайти компания учун мақсадли аудитория билан ахборот ва коммуникация воситасидир [10].

Хулоса қиладиган бўлсак, тажрибанинг етишмаслиги туфайли сайёҳлик компаниялари баъзи

истеъмолчилар талабларини инобатга олмайди. Кўплаб сайтларга оид маълумотлар фақатгина сайёҳларга қизиқишнинг умумий сони 32% ини ташкил этади. Кўпгина фойдаланувчилар экскурсия ва сайёҳлик компаниялари учун етарли миқдордаги маълумотни топа олмаганлари ва компанияларнинг ўзи потенциал мижозларни йўқотиши ҳақида хулоса қилиш мумкин. Бунинг учун Android ва IOS тизимларига мўлжалланган зиёрат туризмни тарғиб этувчи мобил иловаларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.xabar.uz/uz/jamiyat/mamlakatimizda-turizm-qanday-rivojlanadi>
2. <https://sputniknews-uz.com/tourism/20171103/6737153.html>
3. <https://ictnews.uz/04/06/2018/ict-tourism-khiva/>
4. <https://soglom.uz/nigoh/ichki-turizm-ham-sayohat-ham-ziyosat/>
5. Сборник статей XIII межвузовской научно-практической конференции студентов и аспирантов «Молодёжь, наука, творчество - 2015». Омск: Омский государственный институт сервиса, 2015. - Ч.2. - С.28-29
6. <http://iiu.uz/index.php/uzbek/maqolalar/item/362-2018-11-22-17-50-58>
7. Гриценко Ю. Состояние и перспективы использования Интернета в туристском бизнесе России / Юрий Гриценко, директор по рекламе сервера «100 Дорог» [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://internet15.narod.ru/8.htm>.
8. Шаховалов Н.Н. Интернет-технологии в туризме [Электронный ресурс]. - Режим доступа: [mhttp://tourlib.net/books\\_tourism/shahovalov13.htm](mhttp://tourlib.net/books_tourism/shahovalov13.htm).
9. Гуляев В.Г. Новые информационные технологии в туризме. – М.: «Издательство ПРИОР», 1999. – 144 с.
10. [http://tourlib.net/statti\\_tourism/sychov.htm](http://tourlib.net/statti_tourism/sychov.htm)

**Alimjon DADAMUHAMEDOV,**  
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi  
«Zamonaviy axborot kommunikatsiya  
texnologiyalari» kafedrasida katta o'qituvchisi